



ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!

МУНДАРИЖА

МУАССИСЛАР:

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси*

БОШ МУҲАРРИР:

Собир ЎНАР

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Одил ЁҚУБОВ
ШУКРУЛЛО
Ғаффор ҲОТАМ
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Абдул Ғани ЖУМА
Алишер ТЕШАБОЕВ
Муҳаммад ИСМОИЛ
Абдусайд КҮЧИМОВ
Аслиддин КАЛОНОВ
Ақбарали МАМАСОЛИЕВ
Дилшод НУРУЛЛОҲ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК —
бош муҳаррир ўринбосари
Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ РАИСИ:

Абдулла ОРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Жамол КАМОЛ
Беғижон РАҲМОНОВ
Тўра МИРЗО
Аҳмад УСМОНОВ
Эргаш РИЗАЕВ
Ҳамрокул АСҚАРОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ
Абдушукур АШИРБОЕВ

ЁШЛАРНИНГ АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖҲРНАЛИ

© "Ёшлик". N 3 (145) 1995 й.
1982 йилдан чиқа бошлаган.

Биринчи муқовада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Дуторчи қизлар" дастасининг бадиий раҳбари Замира СУЮНОВА.

Абдул Ғани ЖУМА олган сурат.

НАЗМ

Равшан ФАЙЗ	1
Чўлпон ЭРГАШ	18
Эргаш АБДУЛЛА	30
Ҳабиб АБДИЕВ	37
Шукур СОДИҚ	44

НАСР

Омон МУХТОР. Тепалиқдаги хароба. Роман.	2
ОТАУЛИ. Собир қовунчи қиссаси.	25

КҮНГИЛ ДАФТАРИ

Вафо ФАЙЗУЛЛО. "Не кунлар бор умримда ҳали?"	15
--	----

БУ ГУЛШАН ИЧИНДА...

Яшар ҚОСИМ. Бадиий фикрнинг уйғониши.	20
--	----

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ХАЗИНАСИДАН

Франц КАФКА. Қишлоқ табиби.	22
----------------------------------	----

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Ўктам ОДИЛОВ	24
Раҳимжон РАҲМАТ	43

ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ

Шарафиддин КҮНЧИ. Лаҳзанинг қадри	29
---	----

ТАРИХДАН САБОҚЛАР

МАҚ-ГАХАН. Ўкуздаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг қулаши.	32
--	----

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Илоҳий ҳадислар	38
-----------------------	----

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Имом Муҳаммад ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор. ...	40
---	----

БУЮКЛИК СИЙРАТИ

Дейл КАРНЕГИ.	45
--------------------	----

ОДАМ, ОЛАМ

Ким кучли?	46
------------------	----

МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ

Сони салтанати.	47
----------------------	----

Манзилимиз: 700017, Жавоҳарлаъл

Неру кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 33-40-83; 33-06-63.

Босишга 05.07.95 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60X84 1/8. Шартли босма табоғи 6,2. Нашриёт ҳисоб табоғи 6,0. 10000 нусхада чоп этилди. Буюртма 3829

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Равшан ФАЙЗ

БОҒЛАРДАН РАНГ ОЛДИМ, ГУЛЛАРДАН – АТР...



Абдулла Ориф сўзи. 1988 йил

Ҳазилни кўтардим, зилни кўтардим,
Ой мисол айландим, йилни кўтардим.
Ҳаёт денгизининг гирдобларига
Тош мисоли чўккан дилни кўтардим.
Лол-ҳайрон термулла бую бастимга,
Ўтгану кетганим баланд-пастимга.
Шеър ёздим бир қилиб икки оламни
О, илҳом париси тушди қасдимга.
Гиёҳдай гўдакнинг кўнглини олдим,
Кўксига осмондай орзулар солдим.
Қанотим бор эди юлдузга учсам,
Аммо мен сени деб заминда қолдим.
Бормасам бормадим онам қошига,
Дийдорни алмашиб мен кўз ёшига
Охир эга чиқдим бир уюм тупроқ
Ва битта мунгайган қабр тошига.
Тунларга кўзимнинг нуруни бердим
Тиниқ тонгларига кучоғим кердим.
Сен юртнинг чигитин қадаган бўлсанг,
Мен ёмғирда қолган пахтасин тердим.
Рухимда баҳорга бурканган адир,
Боғлардан ранг олдим, гуллардан атр.
Мен сўз сафарига жўнарим олди
Дарё шиддат берди, тоғ-тошлар сабр.
Балки мен ҳам сендай жимжит ўтардим,
Бироқ юрагимга сиғмади дардим.
Шеър ёздим, Навоий ҳазратдан қолган
Шуҳратни кўтардим, шонни кўтардим.
Ҳар неки нокерак, керакни олдим,
Кўринган кўзаю челақни олдим.
Йўл олис, бир куни асқотар деб, ҳув
Туяни бўктирган элакни олдим.
Жилғани уйғотдим, селни кўтардим,
Сўнг огоҳ бўл, дея элни кўтардим.
Эҳтимол, бўронни бошлаган бошқа
Мен бор-йўғи енгил елни кўтардим.
Кимгадир бари бир алам қилар, о,
Олганим олтинун тутганим тилло.
Ҳеч кимни ер муштлаб қарғамадим мен,
Ҳеч кимнинг қарғиши кор қилмас, илло.



Булуларнинг қош-қовоғи нам.
Ул қушларнинг қанотларини,
Жон олғучи баётларини,
Нозик, нашид ҳаётларини
Ҳеч курса сен тушун, ватаним.
Барчасининг товуши тинди,
Бўшаб қолди боғчалар, боғлар.
Табиатда ҳокимдир энди
Минг йил умр кўргувчи зоғлар.
Қалдирғочдай қайроқ қушларни,
Қанотлари байроқ қушларни,
Созандаю сайроқ қушларни
Ҳеч курса сен тушун, ватаним.

КАСАЛХОНАДА

Ҳали қиш, қорлари ётибди эриб,
Замин, зиротга куч-қувват бериб.
Эртага, эртага қушлар келади,
Бир тонглар отади кулочин кериб.
Бугунча баҳорнинг ташвишлари кўп,
Яна қиш йўлига қалаётир чўп.
Кўрасан, эртага кўзни куйдириб
Бир қизлар чиқади кўчага тўп-тўп.
Мен Умид деган бир ватанда ўсдим,
Орзу ёпиб турди бор ками кўстим.
Эртага гул олиб баҳор келади
Ва бизлар тузалиб кетамиз, дўстим.

ҚАЙТМАГИЛ

Босган изларинга қайрилма, қайтма,
Унуттил боримни, отимни айтма,
Айтмагил, ҳеч кимга додимни айтма:
Тура-тура майли, тузимдан қолай.
Зор бўлиб бир умр кумуш кўлларга,
Ошино ўтсанг-да чанқоқ чўлларга
Қайтмагил, сен кетган узун йўлларга
Қарай-қарай майли, кўзимдан қолай.
Гар баҳордай ҳар йил бир бора қайтсанг,
Қушлардай қошимда кўшиқлар айтсанг
Мунглиг шеъримдаги маҳзун бир байтсан,
Айта-айта майли, сўзимдан қолай.
Қайтмагил, қайтмагил зор ўтай сенга,
Сарғайиб хас каби хор ўтай сенга.
Қайтмагил, бир умр ёр ўтай сенга
Уйлай-уйлай майли, ўзимдан қолай.
Босган изларинга қайрилма, қайтма...



Гуллар хазон, дарахтлар юпун...
Эл уйқудан турмасдан, саҳар,
Дили соғинч, кўкси тўла хун
Кўзи ортада кетди турналар.
Куз пояндоз айлаган парни
Босар бўлсам титрайди таним,
Иссиқ юртга кетган қушларни
Ҳеч курса сен тушун, ватаним.
Энди игна учирай еллар,
Хуштак чалар симёғочлар ҳам.
Тоғлардан қор ҳидлари келар,

Равшан ФАЙЗ 1959 йилда Қўшработ туманида тасаллуд топган. ТошДД филология куллиётини тугаллаган. Эркин ижодкор. Бир неча шеърый тўпламлар муаллифи.



Омон МУХТОР



Роман

УЧИНЧИ КЎРИНИШ*

ХОҲ ИНОН, ХОҲ ИНОНМА

*Борча топидур — бизга керак ёр топилса...**Лутфий
Бир қуёш ҳажринда тундек — рўзгорим тийрадур,
Тонг эмас, гар тун киби — мотам тутуб, йнглормен.**Алишер Навоий
Кўзларим васл интизори бирла бўлди чор-чор,
Печи зулфи ёдида, мен гўйиё бемор мор,
Бора-бора, бўлди ҳажр андуҳи — кун, — душвор вор,
Дўстлар, мен телба аҳволга йнглинг, зор-зор,
Ким солодур гаҳ-гаҳ ўт — кўнглумга тушган хор-хор.**Завқий
Алишер Навоий ғазалига муҳалласдан*

Туқайзорда бирдек судралиб бораётиб, узоқ-узоққа кетган, тик сўқмоқ оёқлари остига тўшалган Мирза Голиб, энди буёғи нима бўларкин, деб ўйламоқда эди.

“Сўқмоқдан — йўл, ирмоқдан — дарё!”

Якка-ёлпи туқайзордан — бу сўқмоқ яхши, албатта, катта йўлми, кичигими — бир ерга олиб ҳам чиқади, деган хаёлдан ҳозир Мирза Голиб, ҳар ҳолда, таскин топмоқда, яна олдинга сурилмоқда эди.

Анча кенг сўқмоқ сўнгидаги — булутми, тошқинми?! — парда ҳам унга томон тўхтамай, сурилиб келмоқда эди!

Бу — худонинг қандай балоси экан, деб ташвишланаётган Мирза Голиб, орадаги масофа қисқаргандан-қисқариб, ниҳоят, илгай бошлади...

Рўпарадаги — булут ҳам, тошқин ҳам эмас, шу ёққа бостириб келаётган одамлар экан!

Мирза Голиб ҳаяжонланиб, саросималаниб қолди.

У кечадан буён дам умидланиб, дам хавотирланиб, одам пойлаётган бўлса ҳамки, ишнинг бундай кўчишини кутмаган эди... Уч-тўртта, борингки, ўнта, ҳатто юзта — кам, — жума намозидан чиққан жамоа ёки бозор қилгани саҳарлаб қишлоқдан шаҳарга кириб келаётган деҳқонлар сингари — сўқмоқда негадир тўп-тўп одам саф чеккан, бу — бутун бир қарвон эди! (Сен одамни кўрмоқчимидинг?! Мана, сенга одам!)

Мирза Голибнинг дам сайин таажжуби ортмоқда эди... “Булар ким?! Туқайзорда, сўқмоқда нима қилиб юришибди?! Қаёқдан келишяпти-ю, қаёққа кетишяпти?!”

Шу палла мабодо рўпарада фақат бир неча киши кўзга ташланса, Мирза Голиб ҳамон хаёли қочиб, хавотирланиши мумкин эди! Аммо ҳозир у ажабланмоқда эди, холос, осойишталигини йўқотмаган эди. Аксинча, — ялангликми, пана-пастқам ерми — кўпчилик бўлган жойда безовталаниш ортиққа, деб ўйлаб, хайрият, одамлардан йўлни суриштириш мумкин, деган хаёлдан кўнгли ёришганича, суюнмоқда эди.

Мирза Голиб, шунинг баробарида, ҳаммадан кўпроқ уст-боши, афт-ангоридан алланечук қисиниб, уялмоқда эди... Шундай ҳолатда, у четланиб, одамлар яқинлашишини вазминлик билан кута бошлади.

Бироқ сўқмоқда келаётганлар яқинлашиб, уларнинг шакли-шамойили кўринган сари...

Мирза Голибнинг тинчи бузила бошлади...

уни поёнсиз бир гусса, гам-задух чулғай бошлади.

Энг аввал, Мирза Голиб, айқачди:

Унинг қаршисидagi одамлар — у каби тариб намойишда эди!

Кейин, Мирза Голиб, яна пайқалди:

Буларнинг аҳволи уникдан ёмон, юз чандон хароб эди! Булар ҳаммаси қандайдир гадо, бечора-бенаво!

Кўп ўтмай, у эътибор берди:

* Бошланиши ўтган сонда.

Сўқмоқда келаётганлар, асосан, майиб-мажруҳлар, чол-кампирлар, норасидалар эди!

Мирза Голиб касалхоналарда ётган пайтлари, неча бора, дунёда дард ҳам, бемор ҳам етарли, бисёр экан, худойим, бу касалхоналар мамлакат ичида бир мамлакат экан, деб ўйлаган эди. У ўз ҳаётида “Болалар уйи” эшигидан ҳам ўтган, “Қаровсиз кексалар уйи”га-ю, шу гам-зада, унут гўшалар эшигида уймалашган қарияларга ҳам кўзи тушган эди. Аммо Мирза Голиб умрида бундай адамли қарвонни кўрмаган эди! У ҳар хил “уй”лару “далолаш марказлари”ни вақти-вақти билан бир жойдан бошқасига кўчириб туришларини эшитган эди. Шу аснода, атроф-жавонибда ўшандай жойлар — бирон “оромгоҳ” бормикан?! Булар кўчишаётганмикан?! — деган хаёлга борди. Яқинлашиб келаётган одамларга эгилганча салом бериб, улардан дастлаб имкон қадар ҳол-аҳвол — кўнгли сўрашга чоғланди.

Лекин сўқмоқдаги одамлар Мирза Голиб томон дярли қарамай, бир арқон билан боғлаб тортгандек, бир зум ҳам тўхтамасдан, олдинга сурилишмоқда, уларда гаплашишга на ҳол, на иштиёқ бор эди. Улар мулозаматта жавобан, Мирза Голибга: “Менинг болам йўқ!”, “Менинг отам йўқ!”, “Менинг онам йўқ!” — қабилида бир огиз-ярим огиз сўз айтиб, ўтиб кетишмоқда эди. Мирза Голибнинг: “Сизга нима бўлди?” — деб берган саволига, қайсидир майиб-мажруҳлар нисбатан-бемалол қайтарган жавоб ҳам — барибир, узоқ-юлуқ, қисқа, қаноат ҳосил қилиш қийин — мавҳум эди:

— Сув ичсам, захар экан!

— Калламга осмондан темирми, бир нарса тушди! Оғрийди!

— Аравамиз гилдираги чиқиб, агдарилиб кетди!

Мирза Голиб кимсасиз, химоясиз, қўлсиз, оёқсиз — минг балога мубтало одамларга, юрак-бағри эзилганича, кўз ташлаётиб, сўқмоқ четида қотиб турар эди. У ҳозир, буларни янги бир фалокатми, саргардонликка солишган, аниқ, деб ўйлаётган, бундан баттар — ўзини нақ шу қарвон олдида гуноҳкордек сезаётган эди... Мирза Голиб: “Бирон зот дунёда бу одамлар йўлига тикилармикан?! Эслармикан?! Зориқармикан?! Сен нақадар шафқатсизсан, ҳаёт!” — деб ҳам ўйлади. У беихтиёр, яна қисмат ўйини, одамлар сафиди — одамнинг умр бўйи ёлғизлиги тўғрисида хаёлга ботган эди!

Бехосдан: “Керагим йўқ менинг ҳеч кимга!” — Байроннинг шеъри унинг қайтиб ёлғиз туши. Мирза Голиб Машрабни эслади: “Мени йўқлар кишим борму?” Кейин: “Лутфийи-бечора... туман ҳасрат билди!”

“Хўп, сен-чи?! Сен ёлғиз эмасми?! Сен кимгадир керакми?!”

Мирза Голибни бу хаёл сескантириб юборди.

Умуман, одамлар ҳақида ўйлаш билан — шахсан ўз ҳақингда ўйлаш бошқа экан!

У буйини қисганича, ўз хаёлидан қочаётгандек, рўпарадан келаётганларга халал бермасдан, сўқмоқ чеккалаб бир неча қадам илгари юрди. Аммо яна тўхтади.

“Қочма! Ёлғизлик фақат бировларга эмас, сенга ҳам тегишли. Дунёга ёлғиз келгансан, ёлғиз кетасан... Нега инсонни бундай яратгансан, эй Худо?! Кўп бўлиб, тўп бўлиб яшаса ҳамки, ўз аҳволини тушуниб, ўз ҳаёти бобида бир куни ўзи жавоб берсин учунми?! Бошқаларга гуноҳини агдармасин учунми?! Тавба...”

Мирза Голиб яна бир оз илдам босди. Яна тўхтади.

“Эҳтимол, сен онанг, опаларинг, уруг-аймоқларингга кераклирсан! Хотининг, — агар насиб ётган бўлса! — болангга! Одамлар-чи?! Ўлиб кетмайсанми! Уларнинг сен билан ярим чақалик иши йўқ! Керак бўлсанг, сени бу ерларга ташлаб, унутишармиди?! Саргардон қилишармиди?! Сенинг қаршингдаги шу мискилардан фарқинг борми?! Сен буни пайқамай, парво қилмай юравергансан, холос...”

Мирза Голибга уни ҳаёт сўқмоқдаги одамларга бекордан йўлиқтирмагандек туюлди. Қисмат улар билан Мирза Голибни бирлаштириб юборган эди! Айни сонияда, у ўзини дунёда, айниқса, бахтсиз инсон, деб билмоқда, бундай ҳолатни теран ҳис этмоқда эди!

Дафъатан сергақланди:

карвоннинг олд сафлари Мирза Голиб ҳалигина юлқиниб чиққан тўқайзорга кириб, кўздан гоийб бўла бошлаган эди.

Мана энди у, беихтиёр, мен ҳам йўлдан қолмаганим дуруст, деб ўйлаб, ҳаракатланиб, сўқмоқда кетаётганлардан бировни тўхтатишга уринган ҳолда, дардини ёрди:

— Кечирасиз, ота. Адашим. Менга катта йўл керак.

— Катта йўл?! Билмадим, — кифтини қисди шошаётган қария.

Мирза Голиб ўрта ёшлардаги бошқа бировга юзланди. Лекин яна жавоб ололмади:

— Биз катта йўлни билмаймиз!

Мирза Голиб унга-бунга мурожаат қила бошлади. Аммо қанча уринмасин, натижа чиқмади:

— Катта йўлми?! Катта йўл йўқ...

Мирза Голиб, катта йўл бўлмаса, кичиги, наҳотки, қудуққа тушган йўловчидек ночор аҳволдан қутулишининг бирон-бир йўли топилади, деб ич-ичида озорланиб оғринди. Бу одамлар йўлни билишмайди, айтгилари келмаяптими?! — майли, ўзим тўғрига қараб кетавераман, сўқмоқ ахирги бир ерга олиб чиқади, деб қарор ҳам қилди. У шилдатланиб, шунинг баробарида, рўпарадан келаётганларга халал бермасдан, катта-катта одимлай бошлади. Анча олдинга юргандек бўлди...

Ниҳоят, шунчаки осмонга қараб, тўхтаб қолди.

Уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, офтоб ҳамон нечундир бир нуқтада михланиб турар эди!

Мирза Голиб ажабланиб, қаршидаги карвонга тикилди.

Карвоннинг охири кўринмаётган эди!

Мирза Голиб бунча одам тўқайзорда, сўқмоқда нега, нима қилиб юрганига аввалдан-хозиргача тушунмаётган эди! Бу одамлар тўғрисида аниқ ҳеч нарса билмаслигини ҳис этиб, янада ҳайратга ботганидан, ўтиб кетаётганлардан бировни енгидан ушлаб, саволга тутди:

— Кечирасиз, Қаёқдан келяпсизлар?

Сўқмоқдаги одам енгини унинг қўлидан бўшатиб, кетаётганича, жавоб қайтарди:

— Бухородан!

Мирза Голиб эсанкиради... Бу одамлар — Бухоро эмас, Самарқанду Тошкентдан ҳам олис масофада — бу ерда яшаб ёки даволаниб юришибдими?! Ахир, “оромгоҳ” — қамоқхона эмас-ку, одамни бунчалик овора қилишмас?! —

У боғли одамга ишонмаганидан, бошқа бировни тўхтатишга уринди... Аммо бу кимсанинг жавоби олдингисидан ҳам ўтиб тушди:

— Бухородан! Подшоҳим олдида!

Мирза Голиб баттар эсанкиради: “Булар руҳий хаста одамлар бўлса керак?! Ёки, мен ақлдан оздиммикан?!” — деб ўйлади. Ҳозирги кунда, Бухорода подшо борлиги унинг тасавурига сигмас эди!

— Қайси подшо олдида келяпсизлар? — сўради барибир.

— Амри саъид Абул-Ҳасан Наср...

Абул-Ҳасан Наср минг йил бурун яшаб ўтган! Мирза Голиб тажангланди... Масалан, жасадга қараб, бировни эслаш, ҳатто бировга ўхшатиб, хотиранда тирилтириш бошқа, бундай минг йил олдинги одамларни тирикдек кўз ўнгингда кўриш эса, бошқа, албатта. Мумкин эмас... Шунга қарамасдан, у, икки ўртада музокара бораётгандек, яна савол ташлади:

— Қаёққа кетяпсизлар?!

— Бизга ё ҳақим, ё ҳоқим керак!

Мирза Голиб эслади... Абул-Ҳасан Наср замонида ҳали Ибн Сино тугилмаган эди! Лекин Бухорода унинг дунёга келиши учун бешик-йўргак тайёр: унга йўл очган ҳақимлар яшар эди! Ҳоқим-чи?! Бу — аини сомонийлар ҳукм сураётган давр эди!

У яна қизиқсиниб сўради:

— Ҳақим ҳам, ҳоқим ҳам Бухорода эмасми?!

— Бухоро ҳозир ёниб ётибди...

Мирза Голиб учун Бухоро нега ёниши-ю, одамлар нега аллаёқларда тентираб-улоқиб юриши қоронги эди. Бироқ бунга у сўраб ўтирмади. Бухоро ўт ичида қолган, одамлар саргардон бўлган пайт камми?! Мирза Голибнинг ҳаёлида замонлар қоришиб кетганидан, ажабки, у ҳозир биринчи галда, Бухоро ёнаётган бўлса, менинг яқинларим, Мاستуранинг яқинлари нима қилишяётган экан?! — деб ўзича алланечук ташвишланди.

Кейин, аввалгидан минг қатла кўпроқ таажжубланиб, яна карвонга тикилди...

Бу одамларнинг кийими, афт-ангори — бутунги кун, гаплари, ҳолатлари, дардлари эса, минг йиллик эди!

Мирза Голиб яна: “Булар руҳий хаста одамлар бўлса керак?! Ёки, мен ақлдан оздиммикан?!” — деган ҳаёлга борди. Беихтиёр эслади... Бир кинофилм бор эди. Қаҳрамонлар хотирасида ким, нима азиз туюлса, йўқдан мавжуд бўлар — жонланаверар эди! Яна бир киноаср Мирза Голибнинг ёдига тушди. Олижаноб, беозор қария нимани ўйлаб-гапирса, амалга ошар, ўзидаги бу хислатдан кўрқиб яшар эди. Гап шундаки, қария кимгадир, масалан “ер юткур!” деса, бас, ер ёрилиб, ўша кимса кириб кетаверар эди...

Мирза Голибни ҳам кечадан буён шундай бир каромат жунбушга келтиргандек эди! Бу — унинг беҳад толиққаниданми?! Ёки, уни домига тортган тўқайзор сирли — “огир” жой эканми?!

Ёки: “Инсон ҳаётида Тарих, Замон, Келажак яшайди!” — деган гап қони-ҳикматми?! — Мирза Голиб буни билмас эди... Буни билиш ҳозир Мирза Голиб учун муҳим ҳам эмасди! Муҳими... У энди сўқмоқдаги одамларни ҳадеб безовта қилавермай, бошини эгиб, ер чизганича, яна бирдек олдинга судралиб бормоқда, мен тўғри қилба тарафга қараб кетяпман, мен катта йўлга чиқишим шарт, деб ўйламоқда эди!

Мирза Голиб олдинга сурилмоқда, лекин ёнидан дарёдек оқиб ўтиб кетаётган одамлар барибир ҳаёлида эканлигидан, юрак-бағри ҳамон эзилмоқда, баралла янраган оҳангдек бир нидо қулоқларида акс садо бермоқда эди:

— Бизга ё ҳақим, ё ҳоқим керак...

Мирза Голиб — ҳақим ҳам, ҳоқим ҳам эмас! Буни умрида у интилиб-ҳавас ҳам қилмаган! Аммо бошқа бир нарса аён: Мирза Голибни ёшлиқдан, одамлар дунёда бир оз бахтлироқ яшасин учун, буюк бир ишлар қилиш истаги қийнар эди! У нимадир, қандайдир чора кўриб, бу мақсадга етгиси келар эди! Ёху!..

Мирза Голиб бу мақсадга эришмаган...

эришолмаган...

эришолмайдиганга ўхшар эди!

Нега?!

Унинг ҳаётида чинакам муҳаббат етишмагани...

“Юртни,

ҳаётни,

одамларни севмоқ учун,

Оллоҳни севмоқ учун —

қонингда худбинликини қатра-қатра ўлдурмоқ,

фидоий бўлмоқ,

энг аввал —

бир жонни севмоқ керак!

Бир кимса — бир жонни севмай туриб,

юртни,

ҳаётни,

одамларни севмоқ мушкул,

айниқса, Оллоҳни севиб бўлмади!”

Мирза Голиб Мастурага нисбатан муносабатини эслаб, яна ўз ётида ўзи қовурила бошлаган эди.

Севги тўғрисидаги ўйлар эса ҳозир ёдга тушган, холос, уники эмас...

Лутфийники! —

Лутфийнинг ҳаёти, ёзишмаларидан келиб чиқадиган туб маъно эди!

Мирза Голиб эслади...

Лутфий ёзган эди:

Валвала солди кўзларинг —

кофиру аҳли дин аро...

Кофирлик-куфр — ёвузлик. Кофирни нима учун аралаштиряпти, дейсизми?! Инсон, севгандан кейин:

Мен агар кофир эдим,

эмди мусулмон бўлдим...

Бунинг учун шукрона келтириш керак!

Сени кўрган сайин, — Оллоҳ! — дерман...

Ниҳоят, ошиқнинг очиқ-ойдин иқрори:

Қилманг мени ишқ учун маломат,

Чун ишқни ҳам Худо яратди...

Мирза Голиб юрак-бағри эзилган, ўкинчми, армонми ҳис этган ҳолда, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг оғирлиги сезилиб, ҳаммаёғи симиллаб оғриб, азобланганича, илдам бормоқда, шу билан бирга, гўёки зинама-зина — ўзи то бугун англаб-англамаган, — ҳаёл теранликларига тушиб, у ҳам энди мусулмонлик — Чинакам ишқ иқрори манзараларини очиқ-ойдин кўрмоқда эди. Бир пайтлар Лутфулани мафтун этган бу манзаралар энди ўз-ўзидан, парча-парча Мирза Голибнинг юрагига кўчмоқда эди...

Инсон ҳаётида қачон, қандай қутилмаган воқеа рўй беришини худодан бўлақ ҳеч ким билмайди!

Ҳали ёши энди йигирма учга чиққан, мадрасада муллавачча Лутфий кунлардан бир кунни Ҳиротдаги бозорни ёнлаган катта кўчада кетаётган эди. Шу кунлар у анча газал ёзган, кайфияти хуш, газалларидан бирини ўзича хиргойи қилмоқда эди:

Гул чехралар — очунда агар сад ҳазор эрур,

Сайд этгувчи кўнгулму қушин — бир нигор эрур...

Дунёдаги минглаб гўзаллар ичида бир нигор ҳали унинг кўнгул қушини сайд этмаган эди! Бозор орқада қолиб, у ҳаммон ёнидан ўтаётганини пайқади. Шу пайт...

Ҳаммомдан чиқиб, шошганча кетаётган бир даста қизларга кўзи тушди. Қизлар ичида бўйи тикроғи бошини буриб, унга қаради. Дугоналарига нимадир деди. Улар ҳам бурилиб қарашди. Кейин, гур этиб кулишди. Бунга — унинг қизларга маҳдиё бўлиб, бир лаҳза саросималангани боисми, бошқами, у билмас эди.

Бўйи тикроқ қиз юрагига ўт солган эди. Ўз йўлидан кетаётганга олиб, қизларга эргашди.

Ҳали белард, телба-жиловсиз, мужаррад йигит эди. Ҳаёлига ҳар бало келиб, шу дамда ўйлаганлари шетъга ҳам айлана бошлади:

Ҳаммомга азм айлағач — ул шўхи ситамгар,

Ҳаммом юзи — акси бида бўлди мунаввар.

Гулдек танидин чунки арақ бўлди равона, —

Ҳаммом — гулоб иси била бўлди муаттар.
Сув гайратидинки, танига тегди дамо-дам —
Жоним бори сув бўлди-ю, холим даги абтар.
Эй кошки, мен бўлмай эдим — олдида холим, —
То васл туни бўлмай эди бизга муяссар...

Унга ўзи нега бундай шеър тўкиб, қизларга эргашаётгани номаълум эди, ўзаро гаплашаётган қизлардан бирининг сўзи кулогига чалинди: шоир!

Хатти-ҳаракатиданми, хаёллариданми — хижолат чекиб, йўлини бурди. Кейин, кетди. Кетаверди...

Йўздан озди ногаҳон — зулфин кўруб, мискин кўнгул,
Йўллар эгри, тун узун...

У баъзан эгаси йўқ, баъзан ўткинчи бировларга багишланган газаллар ёган, кўпчилик бир-бирини ҳар куни кўриб турган, таниган — кафтдек Ҳиротда ўз номи қолиб, алақачон Лутфий, Шоир, деб аталишга ўрганган эди. Шунга қарамасдан, назарида, ёзганлари ҳали бир оз пала-партиш, жўн, умумий эди. Форсий шеърятда Саъдий, Хофизга тенглашиш қийин, туркий шеърятда эса “агар шер бўлмаса, бори паланге” дегандек, уларнинг олдида “паланге” даражасига ҳам етадиган шoir йўқ эди. Шеърга “Гўзал либос кийдириш”га уриниш бор эди, холос. Буни ҳис этганидан, ўз ёзганларидан ҳам унинг кўнгли тўлмаётган эди!

Эгри-бурги, қоронги кўчаларда тентираб юриб, бу тун у хаёлга ботган, қандай ҳолат рўй бераётганини англамаётган эди. Гап қизлар уни, шоир, дейишганида эмас! Ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. У аввалида қизларга девонавор эргашган, хаёлидан бемаъни, ҳатто бепарда гаплар ўтган, мана, энди... унинг қаршисида сирди бир одам эшиги очилиб, у кириб-кирмасликка ақли етмай, остонада анқайиб қолгандек эди! Бўйи тикрок қиз унинг кўзи олдида кетмаётган эди:

Кўз юмуб очгунча —
холимни дигаргун айлади...

Бу қизни у хуркитиб — хаёлидан қочиб қўймаслик учун титраб-ҳаяжонланиб, аниқ белги ҳам қидира бошлаган эди:

Не хуш ярашур қадинга —
ул шаклу шамойил...

Яна, аниқроқ:

Гулгун қабо нетак кучар —
ул инчка белни...

У ора-орада ширин энтикиб кўяр эди:

Қайдадир ул бахтким...

Уни шоирликдан ташқари, салкам мударрис, дейиш мумкин, диний ва дунёвий пухта таълим олган, шаҳардаги йигин-давраларда обрў-эътиборга эга эди. Бунинг устига, унинг тенгдошлари тартибга кўра ўн олти-ўн саккиз ёшда уйланиб, фарзанд кўриб, “қариб” қолишга ҳам улгуришган эди! Бирок у болаликми, усмирликми даври ҳамон давом этаётгандек, жиддий тортиб — салобатга киришни ўйламаган ҳам эди. Мавқеи, улгая бошлагани билан — бу ҳолат ўртасидаги зиддият кўзга яққол ташланар эди!

Мана, ўша воқеадан кейин бир ойча вақт ўтди.

У телбаланиб, кеч тунгача кўчаларда кезар, бозор, ҳаммом атрофларида айланиб, “ул шаклу шамойил”ни излар, узоқдан яна бир кўрмоқни истар эди. Негадир “дилраболик фани”, “дилраболик ояти” деган сўзлар хаёлидан кечар, уларни сабоқдек пичирлар эди. Муттасил қаршисида, ҳавога тикилиб: “Недур отинг, қаю ерлик парисен?” — деб сўрар эди. Унга баҳор — энди буюрган эди!

Излаганида эмас, яна тасодиф дуч келди.

Мадрасадан муллаваччалар билан чиқиб кетишаётган эди, кўчада гул бўлиб бораётган қизлар...

Лутфий кўрмас ул юзунг,

Кўрса, даги беҳуд бўдур... —

У дилрабоси юзини кўрмаган, бурқаб остида кўрмаётган ҳам эди. Лекин ёнидан ўтгани заҳоти, кўнгли билан “таниди”.

Шу сонияда ўйлади:

Бурқабни кўтар, тенгри учун...

Аммо ўз хаёлидан сесканиб, бунга терс ҳолда, яна ўйлади:

Кўрқиб ўлармен, —

эл кўзи теккай, дею сенга...

Унинг юраги суюнча тўлган, қизни учратганидан ташқари, назарида, қиз ҳам унга қараган, уни “таниган” эди:

Эл билмасун, деб

ул қора кўз лутф ила менга —

Угрин боқарни ўргатур учун,

киё боқар...

Қиз дугоналари орасида, ниҳоят, узоқлашди:

Ул тани сиймин уза, —

ел тегса, титрар кўнглаки...

“Сен уни яна бир кўрмоқчи эдинг! Шу бас, деб ўйлаганидинг, Лутф?! Бас — эмас экан! Бори олдинда экан... Оллоҳ-Оллоҳ! Бу қандоқ дард?! Қандоқ исён?! Инсоф бер!”

Кунлар. Тунлар...

Зорлик. Интизорлик...

“Чора недур ҳукми Ҳақ ичра!”

Анча пайт шу алфозда ўтиб...

олдиндан таниш туркистонлик ўзбеклардан, маълум муддат

Ҳирот шаҳрининг доругаси (маъмури) ҳам бўлган обрўли беклардан бири уни Ҳужа Аббос мавзеидаги ҳовли-боғига суҳбатлашиб, янги газаллардан эшитиш учун меҳмонга чакирди. Бекнинг уни бундай таклиф қилишига яна бир сабаб бор эди.

У болаликдан мусиқага қаттиқ қизиқар, фақат туркий эмас, арабий, форсий, ҳиндий, озарий оҳанглари яхши билар эди. (Кейинчалик мусиқа бобида янгилик яратишга уриниб, унинг китоб ёзгани бежиз эмасди!) Айниқса, қўлида сетори бор, баъзаг дилкаш давраларда сайратар эди! Бек шеърятдан ҳам кўра кўпроқ мусиқага ишқибоз, мусиқасиз яшаш мумкин эмас, деб тушунадиган кишилардан эди.

Бек боғ эшигида қаршилаб, уни ичкарига бошлаб кирганида, бир оз кечикканидан, унга катта давра тўпланиб, ўзини кутаётгандек туюлган эди... Аммо у бекнинг ёлғиз меҳмони экан, хонада ҳеч ким йўқ эди. Кенг, баҳаво хона юпка парда билан иккига бўлинган, парда орасида шунчаки кўрпачалар ёзиб, парқулар ташлаб қўйилган, бу томонда эса, ўртада хонтахта, дастурхон тўзалган, тайёр эди.

Аввалига хизматкорлар югурган-елган, зиёфат-зарофат бўлди. Кейин, улар Амир Темур салтанати барқарорлиги, қўлдан-қўлга кўп ўтган Ҳирот ана, неча йилки осойишта эканлиги — ҳар бобдан бир шингли суҳбатлашишди. Ниҳоят, бек сеторга имо қилди:

— Недур чолсангиз! Сўгун газал бўлса бўлмай...

У сеторни қўлига олди.

Бек шу пайт қўшиб қўйди:

— Агар мумкиндур, бизнинг бир ожизамиз-да, тинглағай...

У бехос парда орасида ўтирган санамни кўрди: санамнинг қачон, қандай хонада пайдо бўлганини сезмаган эди! Буниси майли... Бу — унинг дилрабоси эди!

Сеторни сайратди.

Бир неча куй чалғач, олдин ёзилган газаллардан ҳам ўқишга тутинди:

Гул чехраларнинг жавридин

қат-қат бу бағрим қон эрур...

Бек сел бўлиб ўтирар, мамнун, бахтиёр эди.

Унинг дилрабоси-чи?!

Газаллар ўқиб-тугалғач, —

у бошини кўтармай, секин парда ортига қаради:

Илгин ўлуб, —

оёқина кўнглак энги тушар...

Бекнинг қизи — ўқтам, бунинг устига, билимли-фикрли экан, парда орасидан унга мурожаат қилди:

— Маъзур тутқайсиз! Мусиқадан газалингизга наф теккайму?!

— Инишооллох, теккай! Мусиқани билмай, улус не сўйлаб, не қуйлашни илгамоқ, англамоқ мушқул. Алар бир-бирларини тўлдургусидур!

— Ишқи илоҳий, ишқи мажозий, дейлар. Сиз қай бирига амал қилурсиз?!

— Борчаси Оллоҳдин! Оллоҳ ишқ бермаса, дунёда ҳеч нимарса бўлмағай. Бир кимсага муҳаббат қўюб, ҳар кимсанинг бахтини ўйламоқ, улусни ўйламоқ ҳам Оллоҳнинг инояти!

— Ушбу газаллар бир кимсани ўйлаб, ёзилганму?!

— Ҳоло йўқ, Насиб отса...

Шу куни бекнинг уйдан Деҳқанордаги ўз ота-ҳовлисига қайтаётиб, рўй берган мулоқотдан — тақдирнинг бундай ўнг келганидан, унинг ҳажжони ичига сигмаётган, кўкси кўтарилган, у шунчалар бахтли эдики!

Қўчада кетаётиб, қўлидаги сеторни ҳавога отиб-отиб ўйнатиш, одамлар тўпланган бирон жойда тўхтаб, ер-кўкни тутадиган янроқ куйлар чалиб беришни истамоқда эди...

Шунинг баробарида, у яна дилрабосига тегишли аниқ белгилар изламоқда эди:

Солди Туркистон элига —

Лутфийни кофир кўзунг...

Бундан-да аниқроқ:

Удус ичинда дурур —

Ўзбегим киё кўздук...

У кўчада кетаётиб, дилрабосига юзлана: “Мен йироқдин жон берурман!” — деб нидо ҳам қилмоқда эди!

Шу тун узоқ ухлаёлмади.

Кўчада кўлимсираб, ўйлар эди:

Бормагил уйкуга, эй кўз, —

Сен хаёлидин уёл...

Ниҳоят:

Тушимда тутдум илкима —

кўнглаки энгини...

У энди дилрабосининг оти не, қаю ерлик пари эканлигини билар, аммо бундан суюниш билан бирга, изтироб чекар эди. Шундай терс ҳолат: дилрабосини кўриши мумкин-у, мумкин эмасди. Аввалгидек кеч тунгача кўчаларда кезиш ёки Ҳужа Аббос мавзуга бориб, қизни учратишга уриниш — осон, лекин, бу қанчалик азоб бўлмасин, сақланиш керак... у бекдан истиҳода қилар, айниқса, қизнинг кўнглига озор етказиб, бор муносабатни ҳам бузиб қўйишдан кўрқар эди!

Шу йўсинда орадан икки ойдан ҳам кўп вақт ўтиб кетди.

У бир қанча янги газаллар ёзди. Унинг газалларини мухлислар, одатда, бир-бирларидан кўчириб, ҳаммаёққа тарқатиб юришарди. Бу гал газаллар одамларга фавқуллода таъсир қилиб, бутун Ҳирот бўйлаб тарқалиб, унга илк дафъа шуҳрат келтира бошлагандек бўлди.

Ана шунда...

Гулгундан хат келди.

Гулгун уни уйга таклиф қилган эди!

Шунчаки таклиф ҳам эмас... Қоронги тушганида, ҳовли-боғнинг орқа томонидаги дарча олдига келишини сўраган эди!

Борди...

Гулгуннинг хос чўриси уни боғ этагидаги шам ёқилган, ердан баланд кўтариб қурилган қандайдир хонага бошлаб кирди.

Мана, Гулгун шам ёнида, хона тўрида, у — пойгак томонда, юзма-юз ўтиришибди.

— Эмди газалларингиз бир кимсага ёзилгонму? — деб кулиб сўради қиз.

— Бир кимсага...

— Сўйланг!

У ҳаяжонланиб-саросималанди:

Айтайин, дерман сенга кўнглумдагин,

Не дейин?! —

билурсан ўзинг, эй бегим...

Йўқ, гапга-гап улана бошлади.

Уни қизнинг юзига бир қур назар ташлаш истаги ўртамоқда эди:

Уچار рухим —

сенинг юзунгни кўрсам...

У ўзича ўйламоқда эди:

Бурқаъ очил чехрадин...

У яна ўйлади:

Юз очил. —

кўз сени тўйгунча кўрсун...

Унинг кўнглидан кечаётганини Гулгун ҳис этдими, юзидан бурқаъни кўтарди. Аммо шам томонга бурилиброк ўтирди:

Бурқаъ олгонда, юзунгни —

Шам кўрмиш тун-кеча...

Аммо сочларини парда қилди:

Сочнинг бида юз ёпмагил-у,

Лутфийга кўрғаз...

Аммо қизариб кетди:

Гулдек қизарур юзи — назардин,

Ҳай-хай не бало, ҳаё бўлурму?!

У ўзича ўйлади:

Кўзум юзунг сори беҳост боқса, —

ман этма...

У яна ўйлади:

Ул юзу зулф учун ўлайин —

менки, олдида...

У ажиб ҳолатни тўйди. Қизнинг юзини кўриш баробарида, кўргиси келиб, соғинмоқда эди:

Юзунг ногоҳ кўруб, ойдек

соғиндим...

Бу мулоқотдан кейин улар узоқ — бир йилдан кўпроқ вақт кўришишмади!

Бурқаъни кўтариб, юзини бир қур кўрсатган Гулгун, унга қайтиб кўриниш бермади!

У ўша, ҳаёлдек учрашувни деярли ҳар куни эслаб, ўзича ўйлар эди:

Бахт шукрин айла, Лутфий,

давлати дийдор учун...

У ҳўрсиниб қўяр эди:

Эй роҳати рух...

Гулгун уни буткул унутди, деб ҳам бўлмас эди! Баъзан хат ёзиб турарди.

Сўзламак бўлди — битик бирла-ю,

Кўрмак — уйқуда...

У ҳам: “Ўқи, бу Лутфийи-мунглуқ ниёз-номасини!” — деб жавоб ёзар, янги газалларини ҳаммадан олдин Гулгунга юбориб турар эди.

Унинг юрагида кун-тун бир умид яшар эди:

Не бўлғай агар

Лутфийи-бечорани сўр-санг...

Аммо кейинги йил баҳори ҳам ўтди. “Ёз бўлди...”

Ёз фасли борча шол-у,

кўнглимиз гамжук эрур...

Гулгундан яна хат келди:

То эшитдим дилбаримнинг оғриқин... —

Гулгун хасталаниб ётганини билдириб, ундан келиб-кегишини сўраган эди!

Таниш боғ. Таниш дарча. Таниш чўри...

У шам милтираётган хонага кириши билан болишларга сўялиб-чўкиб ўтирган Гулгун мурожаат қилди:

— Сўйланг! Уқунг!

Ўқиди:

Жамолнинг шамъина парвона келдим,

Фироқ утина ёна-ёна келдим.

Пари рухсора — сендек дилрабони

Кўройин, деб мени девона келдим.

Қошинг ёсин кўруб, ийд ойидур, деб —

Қошингда Лутфийдек қурбона келдим...

Шу кундап бошлаб...

Чу йўл эрди кўнгулга —

кўнгулдин...

улар ҳафтада бир кўришя бошлашди:

Бўлғай асарн бахт, дағи толен масъуд —

Гар ҳафтада бир кўрса ўшал моҳлиқони...

Гулгун энди тез соғая бошлади. Бир оз тўлишган, янада кўркамлашган. Эғнида — куртаи зар, харир, “кеши жуббани кийган моҳи само!” Қисқаси:

Сурагинин кимки кўрди, қилди, жоно. —

жон фидо...

Орада кундан-кун дўстлик — яқинлик пайдо бўла борди. Улар иккиси ҳам бир-бирини севгандек эди!

Шу кунлардаги муносабат...

Энг аввал:

Сени — менинг киби ошиқ яратса,
неттай эдинг?!

Кейин:

Оғзинг ўлдурди табассум бирла...

Кейин:

Умид эрди —

бирор кўнглагин егинг тутсам...

Кейин:

Кумуш билакларингизни —

енг ичра ёшурманг...

Шундап кейин:

Бир зулфини тутқач, —

яна бир — қўл узотдим...

Кейин:

Сиймдек янгоқин дедим: “Упарман!”

Айтур: “Тамаънинг эрур бори хом!”

Аммо кўп ўтмай:

Эмди қўй — юзума юз...

Кейин:

Дудогингдин эмасдур айб сўрмоқ...

Кейин:

Шарт қилдингким: “Сени мен ўлдурай!” —

ўлдурмадинг...

Шундан кейин:

Айб эмас қилса кўнгул —

ул ичкка белнинг фикрини...

Кейин:

Ҳар бир қўлушингда, ётишингда, боқишингда...

Ниҳоят:

Ҳаргиз ўларму ул кишиким — йилда бир кеча, —

Тонга тегинча, сен киби бир сиймбар қучар?!

Бу кунлар унга абадий бўлиб туюлар, бахтиёр эканлигидан: “Йиллар сени кўрсам — менга бир дамча кўринмас!” — деб ўйлар эди. У Гулгунни энди ўзиники деб билган, “Офаринлар ушбу бахту, толеи сайёрага!” — деб юрган эди...

...Гулгуннинг хатти-ҳаракатида бир ўзгариш сезила бошлади.

Бу — дастлабки кунлардаги Гулгун эмас! Баъзан кўзига ёш олар, иижир, баъзан зардали-кескин оҳангда сўзлашар эди. Унинг муҳаббатига қачондир зориққан қиз, негадир аввалига: “Севсанг, нима қилай?! Севма!” —дегандек муомала қила бошлади:

Сен мени севдинг, дебон — не ёзгурурсан...

Кўп — Лутфийдан — севар мени, деб юз эвурмагил...

Лутфийи — севар, деб...

Бундан кейин: “Сен мени севмайсан! Газалларинг ҳам менга ёзилмаган!” — қабилида уни тергаб-қийнаш бошланди:

Дилбар кўп этар ноз...

Бир сен киби — жафочи-ю, айёра йўқдурур...

Лутфийни агар ноз ила ўлдурса, — ажаб йўқ...

У қизнинг ҳолатига бошда аҳамият бермасликка уринди. Парво қилмай, ҳатто ҳазил-ҳузилга йўйиб, қизни ҳам шу кайфиятга мойил этгиси келди:

Жафони жонима оз қилки, ногоҳон бир кун

Жафо туганса, нетарсан — жафо керак бўлса?!

Лекин натижа чиқмади; Гулгун совиғанми?! — ўзгарган эди. Унинг аста-секин юраги зардобга тўлиб, хаёли қоча бошлади:

Чек жафову жавру нози — борини

Бир кун ўлғайким, дегайдур: “Бор-бор!”

“Бор-бор!”

Гулгун энди кўришган пайтларда ундан ўзини узоқ тута бошлади. Торга бошлади.

Уни ҳафтада хат ёзиб, йўқламайдиган ҳам бўлди. Гоҳ ой, гоҳ бир ярим...

У ҳам шу кунлар қизнинг муомаласидан бир оз юраги зада ҳолга тушгандек эди:

Ишқ Лутфийни анингдек ҳолга еткурдиким,

Йўқдур ул ойни кўрарга тоқату тоби анинг...

Худди шу пайтда...

у беихтиёр...

орада Ўзга киши — Рақиб пайдо бўлганини ҳис этди!

Унинг юрагидаги ўтга мой сепилди!

У ўзи биқиниб ётган уйдан девонавор кўчага отилди...

*Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Хижрон кечаси тархи фалакка етар, эй мох,
Оҳи сахарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ҳаққоки, қилич келса бошимга, эшикнингдин —
Йўқдур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Усрук кўзунг ашқолина ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Яъқуб биқин кўп йигидин қолмади — сенсиз, —
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ой юзунга кўз солгани — ўзга киши бирла,
Йўқдур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ишқ ўтида Лутфий юзи — олтуни ёшурди,
Эй сийбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...*

Ўзга киши — Рақиб, аслида, алақачон пайдо бўлган эди!

Тўғрироғи, орага Рақибнинг ўзидан олдин — номи кирган эди!

Ёшлигидан Амир Темур ҳузурда хизмат қилган, Темурга яқин сипоҳи(юз боши)лардан — тўртинчи даражали амирлардан бири жангда қўлидан ажраб, мажруҳланиб, Ҳиротга — ўз уйига қайтган эди. Бу йигитнинг Султон Соҳибқиронга садоқати, жанглардаги жасорати, қахрамонлиги тўғрисида бутун Ҳирот сўзлар эди.

Гулгун йигитни эслаб, бир неча марта қизиқсиниб, сўз очган эди... У-чи?! Чап қўлини ёнида бириктириб юрган, манглайда безакли ўтога (ҳарбий белги), қилич таққан хушбичим сипоҳини у ҳам билар, кўчада, давраларда кўрган эди... Бироқ номидан кейин, бир куни сипоҳининг ўзи орага кириши унинг хаёлига келмаган эди.

Умуман...

аввалдан у билан Гулгуннинг муносабати — азалдан бор тартибга эид, анча чигал, бахтсиз муносабат эди:

Гар қаро қайгу — насибим бўлмаса юз соридин, — Мен — ким эрдим?! — жон билда зулфингни савдо қилгани...

Унинг болалиги олдий ҳунарманд оиласида — кўра олдида, “дам” босиб, — ўтган эди. Оила камбағал эмас, рўй-рост қашшоқ яшар эди. Албатта, ҳунар билан кун кўриш мумкин, аммо... бобоси, отасининг бутун ҳаётлари нотинч даврда кечган эди! Мовароуннаҳр ва Ҳуросон тахти узган мўғул хонларининг курашлари... Кейин, сарбадорлар кўзуган гадаёнлар... Кейин, Ҳирот устида турли ҳокимларнинг ўзаро жанглири... Темур тахтга мингунича, халқ саргардонликдан бошқа нарсани кўрмаган эди!

У фақат худо берган ҳаётга муҳаббат, тиришқоқлик туфайли, билим олган, одамлар орасида танилиб, маъдум мавқе эгаллаган эди. Унга ота-бобосидан қолган мулк: меҳнат кишилари, айниқса, ҳунармандларга ҳос — бир ёнлан солда камтарлик, иккинчи ёндан, шунга баробар — ички гурур эди!

Уни тақдир илк дафъа туркистонлик бекнинг уйига бошлаб борганида, у ўзи кутмаган ҳолда турли саркарда-сипоҳилар, аъёнлар-бекларга нисбатан қони-жонида қандайдир бегоналик — узоқлик чўкиб ётганини пайқаган эди. Бу — урушлардан, ҳўрланиб-топталишлардан, машаққатли турмушдан безган ота-боболардан унга “юққан” туйғу эди! Бундан ташқари, у табақа жиҳатидан ҳам, Гулгуннинг тенги эмаслигини ҳис этган эди. Гулгунга қиёслаб, ўзини: “Шоҳ қошинда хоркаш (ўтинчи)!” — деб ўйлаган эди. Ўша — хоркашга мос фикр юритиб, шундай хаёлга борган эди:

*Кишиким, ўз жонига қасд етар —
сени севсан...*

Кейинчалик Гулгун билан дўстлик-яқинлик сезишганида ҳам, бирон кун қайси аҳволда эканлиги унинг эсидан чиқмаган, орадаги масофа, тафовутни унутмаган эди:

Кўнгул — чу билмайин ўз ҳаддини! — сени севди.

Яна:

*Сен киби султонни севмак ҳаддим эрмасдур, вале,
Бу балалик ишқ — фарқ этмас гадоу шоҳни...*

У Гулгунга ишқ изҳор қилишни қўймас ва, албатта... мени ўзинга тенг кўргин, дейишга ботинмас эди! Гулгун ўзи унинг қашшоқлигидан — хоркашлигидан ор қилмаслигини истар; “Муҳаббат олдида — Оллоҳ олдида борча тенг!” — деб ўйлар эди! У Гулгунга интиломда, шунинг баробарида, бу муносабатнинг қаергача бориши у эмас, қизга боғлиқ; буни Гулгун ҳал этишини кутмоқда эди! Унинг:

Мендан дурур гуноҳки, бердим сенга кўнгул! —

деган иқродан кейин:

Кўнглумни — гар сен асрамасанг! — не гуноҳ сен?! — деб талаб қўйгани шундан эди.

У бир томондан, Гулгун билан дўстлик — яқинлиқни туймоқда, аммо иккинчи томондан, Гулгун билан муносабат, нима қилганда ҳам унга омонат-вақтинчалик бўлиб туюлмоқда эди. Бундан у эзилиб, кўрқиб яшамоқда эди! Шу боисдан, орага Рақибнинг номи кириб, Гулгун бир куни: “Мени ёқтирар эмши! Одам қўяпти!” — маъмунида гапирганида, унинг беижтиёр хаёли қочган эди:

*Ёлғиз мен эмасменму —
сенинг бирла гирифторму?!*

У деярли ҳар куни катта-кичик давра айланганидан...

Амир Темурнинг “_боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун” сотган, “ўзларини маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон” қилган “сипоҳиларни ҳар жойда ҳурмат” қилиши, “жанг майдонларида қиличлар топган, шижоат аҳлини дўст” тутуши тўғрисида эшитган эди. Кўпчилик одамларнинг ҳам сипоҳиларга муносабати шундай эди! Бунинг устига, сипоҳи йигит одамлар осоишталлиги учун бир қўлидан ажраган эди! Лекин... бу — унга ёт олам эди. Қолаверса, қилич таққан йигит — Рақиб эди! Шунинг учун ҳам, Гулгун йигитни бир гал эслаганида, у “рашқ ўтида кабоб” ҳолатда, ўзи бу борада ҳақми-ноҳақми — бўғилганича, — ўйлаган эди:

*Неча тилдинг, қайда-турур, деб рақибимни,
Не бўлғай эшикнингда бир ит бўлса кам, эй жон?!*

Бироқ орага Рақибнинг номи киргандан сўнг ҳам, у соддадиллик билан: “Ўзага берма кўнгул!”, ёки: “Ҳаққо, улармен — ўзага сен қилсанг илтифот!” — деб юраверган эди. Номардлик рўй бериши, муҳаббат жангида қилич таққан йигит голиб келиб, бу иш шундай яқуналиши мумкинлигини ақлига сигдирилмаган, ўйламаган эди. Ўз бахти йўлида бир қадам олдинга босгани унда қатъият, журъат-жасорат етмаган, Гулгун “кўнгулни асраши”га умидланиб, ишониб, вақтни кетказмаётганини семаган эди! Гулгун кўзига ёш олиб, инжиб, зардали-кескин сўзлашганида ҳам, унинг ороми бузилмаган, аҳвол жиддий эканлиги хаёлига келмаган эди:

*Рақиб ўлди сабабким,
сен жафочи — раҳмисиз бўлдинг...*

Гулгун ҳар қандай қиз бола, аёл киши сингари бундан кейинги муносабат бобида ўзи эмас, ундан Аниқ Сўз кутмоқда эди! Бир гал улар бу ҳақда гаплашишган ҳам эди. Қиз шундай деган эди:

— Сиз мафтунлук, газалдин бўлак ишингиз борму?! Меним ҳолимни ҳеч онгладингизму?! Бу кунни қўйиб, эртани ўйлодингизму?!

Гулгун ҳақ: учрашгандан буён унинг фикри-зикрини — бу кун банд этган эди!

Шу палла у ҳис этган эди:

“Э-ҳа...

Бадавлат киши эртани ўйлар экан!

Қашшоқ одам бугунни ўйлар экан!”

У яна ҳис этган эди:

“Саркарда-беклар — аҳли ҳукамо эртани ўйлар экан!

Шоирга, яхшимни-ёмонни, асосан, бугунни ўйлаш вазифаси чегаралаб берилган экан!”

Гулгун унинг сукутга чўмганини кўруб, гапни ўзи давом этдирган эди:

— Сизнинг тор кулбангига мен сигмасмен. Кенглюқни одат қилмонмен! Илож йўқ... Сиз-чи?! Кенглюққа чиққаймисиз?! Олтунга кўмилурмиз! Безалурмиз! Хорлуқ кўрмагайсиз! Ҳаётингиз шав билан тўлғай... Истанг, бас! Нетмоқ керак?!

У дафъатан пайқаган эди...

Унинг учун бахт тушунчаси ҳам, мардлик, жасорат ҳам бошқа нуқтада экан!

— Ҳаққо рост. Истамасмен...

— Нечун?!

— Дунёда бечора-бенаво кўп! Дардқаш кўп! Гадо кўп! Минг-минг... Мен алардин бурулиб, Оллоҳ иродасига қарши қандон боргаймен?! Фуқарога қарамай, ўзга либос киймоқ шоирга муносибму?! Оллоҳни таниб, Оллоҳга етмоқ учун ҳам, мен бу гариблук, дарвешлукдин кечолмасмен...

У ҳамон, севсанг, менинг аҳволимдан ор қилма, мени боримча қабул эт, деёлмаган эди!

У Аниқ Сўз айтолмаган эди!

Улар ўшанда муаммони ҳал этишолмаган эди!

Гулгун негадир хаёлга ботган, кейин олдингига зид ҳолда: — Мен сизнинг кулбангига-да, боргай эрдим! Лоқин... Лоқия...

— деб, гапни чала қолдираверган эди.

Улар яна бир гал кўришишган эди.

Гулгун ўзи хат ёзиб, қақириб қўйиб, ўзи унинг келганини норозиланаётгандек, тажанг, одатдагидан ҳам “жафочи” эди. “Мен онгладим, ул йигит чин ёқтиргон экан! Мен-да... Сиздин ҳоло ҳеч кимга вафо бўлмагай!” — дегандек гап қилиб, у билан тез хайрлашишга чоғланди.

У қанчалик умидланиб, ишониб, осоишталаниб юрмасин, барибир ич-ичида сезиб, эзилиб, кўрқиб кутган кун ахирий келган эди. “Кўздин мени солди!”, “Бор-бор!”

“Бор-бор!”

Ўша куни кўчага чиққанида, изтиробдан кўпроқ кўнглини аламини-нафратми?! — туймоқда эди! Унга вафо тўғрисидаги Гулгуннинг сўзи айниқса огир ботган эди! У заҳарханда билан ўйламоқда эди:

*Мен севарман сизни-ю, сиз ўзгани,
Менмудурмен бевафо, ё сизмисиз?!*

Унинг хаёлида энди шу биргина сўз айлиниб-ўралмоқда тўлганмоқда эди:

Бевафо! Бевафо! Бевафо!

У сўнгги кунларда Гулгун ўзгариб нетганини эслаб, ўзини муайян хулосага ҳам келгандек эди:

*Мен севарман, —
ул мени севмас, даринг...*

Кўчада бораётиб, умуман, унга таҳқирлангандек ҳолат азоб

бермоқда, Гулгунни аввалдан учратганига астойдил ўкинмоқда эди:

*Дутфийни ким қаргади, ё раб, балога учра, деб, —
Ким сенингдек, тош багирлиқ дилрабога учради...*

Кейин, яна:

*Не кўнгли содда элдур, ишқ эликим,
Сенингдек бевафони — ёр, дерлар...*

Бевафо! Бевафо! Бевафо!

Сирасини айтганда...

унинг ҳам ҳозиргача,

севги тўғрисида ўйлаб-сўйлаганига қарамай,

Гулгунга бўлган муносабати:

Кўнглумиз мундоқки, —

ўрганди сенинг ёдинг била...

ўрганиш — ёқтириш эди, холос! Ҳали биров сени севадим, йўқми?! — ўзингдан кечиб, йўлига жонингни тикиш, хайронлик ва мажнунлик эмас эди! Ишқ эмас эди!

Ўша куни огриниб, Гулгундан у ҳам юз ўгирмоқчидек, уйга қайтгач, биқиниб ётиб олгани шундан эди!

Лекин унинг кўнгли чироқ ёқса ёришмас, кўнглига қил сигмас эди.

Уни номаълум бир гам кемирмоқда эди.

У ўз ҳолатига ўзи тушуниб етмаётган эди.

Ҳудди шу пайтда...

Ўзга киши — Рақиб пайдо бўлгани, орага кирганини эшитди:

сипоҳи йигит уйланаётгани тўғрисида Ҳирот бўйлаб гап тарқалган эди!

Мана, энди...

у беихтиёр ҳис этди:

Сизга осондур, агар мен бўлмасам, —

Сенсинг — лекин, менга душвор эрур!

Мана, энди...

у бошини чангаллаб, уйдан девонавор кўчага отилди:

Йироқ солгунча, ўлдур...

Мана, энди...

Ошиқ кишилар охи ёмондур, хазар айла! —

Ким ўтқа ёнар — олам аларнинг нафасиндин

Мана, энди...

у кеча-кундуз, вақт-бевақт ўзи учун азиз ҳовли-боғ атрофида айланаиб, Гулгуннинг дийдорини кўриш, бир оғиз сўзлашишни орзу қила бошлади.

Уч кун... беш кун... ўн кун...

Шундай ҳикоят бор. Севгилиси турган ҳовли-боққа мўралаган бир йигитни миршаблар ўғри гумон қилиб, тутиб қамашади. Йигит, йўқ, мен ўғри эмасман, деёлмайди!

Унинг ҳам аҳволи шу: ўзини, айниқса, Гулгунни шарманда қилишни истамас, аммо кўнгул узиб, ҳовли-боғдан узоқлашиб ҳам кетолмас эди!

Мана, энди...

эшик... эшик...

Келдим эшикка;

орзум юзингдурур,

кўргуз — чиқиб...

Яна:

Мен кетмон эшигиндин —

агар чиқмаса жоним...

Яна:

Эмдиким, тупроқ бўламышдур

Эшигингда таним...

Яна:

Йингларман эшигингда, —

очилмас не боддин?!

Яна:

Борма, дерлар, эшики сори дамо-дам,

нетайин?! —

Кўп тақозо қиладургон

бу кўнгулдур, бу кўнгул!

Тори мўйин ҳаваси бирла

қоронгу кечала —

Жонни савдо қиладургон

бу кўнгулдурур, бу кўнгул!

Ахийри:

Нолишим берди —

эшики итларига дардисар...

Ва, яна:

Эшикинг итидан айрилгоним...

...Гулгуннинг хос чўриси унинг ёнига келиб, дарча олдида боришини сўради.

Борди.

Гулгунга юзлашаётиб, ўйламоқда эди:

Қилич бирла жудо бўлгунча мендин, —

Бошим тандин жудо қилмасмусен сен?!

У яна ўйламоқда эди:

Ишқинг йўлида боргай, —

Юз бошим агар бўлгай!

Гулгун бу гап уни мулоим, меҳрибон қаршилади. Аммо унинг сўзини тинглагиси келмади. Узр сўраган бўлди. "Мендин озорланманг. Қисмат эркан!" — деди. "Севсангиз, мени-да уйланг!" — деди.



У — албатта, севади! У — албатта, уйлайди!

Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди...

Эшикингиз тупрогиндин — гард бўлб учсун таним,

Мендин ўлтургунча — нозук хотирингизга губор...

Кетди. ("Бор-бор!")

"Тушим эшикиндин ироқроқ!" Лекин:

Тан бўлса ироқ,

жону кўнгул анда дагулму?!

Унинг жону кўнгули Хўжа Аббос мавзеидаги ҳовли-боғда қолаверган эди!

Кетди. ("Бор-бор!")

Қаерга бориш, нима қилиш керак?! Боши гангиб, бу саволга жавоб тополмаётгандек эди! Муайян фикрга келиш учун ҳам, у гўёки энди Ҳиротнинг бошқа мавзеларида, шунчаки кириб қолган кўчаларда тентирашга мажбур эди!

"Сен бундоқ бўдишин билмабмидинг, Лутф?! Бахтга етмоқликни осон, деб ўйлабмидинг?! Қисмат эса, ана... Оллоҳ-Оллоҳ! Инсоф бер! Бу азобдан тўзим бер! Исёндин асра!"

У энди уйга гоҳ адашиб борса — борар, бормаса — ҳафталаб, ойлаб бормас эди! Чойхона-майхона... бозор, ҳаммом... кейин, яна... кўча, кўча...

Унинг назарида, кутмаган бир пайтда ("Андаким, бўлдум хабарсиз!") жанг, унга қарши ҳужум бошланган, ниҳоят, у — туёқлари тупроқ кўчирган отда қийқириб осмонга сапчиган туркий аскар, қорачерик "бузган-талаган — кўнгул вилояти" билан қолган эди! Гулгун хиёнат қилгани, бундай айрилиқ рўй берганини ҳамон ақлига сигдирилмасди:

Боқмас менга жонона! Ажаб ҳолат эмасму?!

Бўдди яна бегона! Ажаб ҳолат эмасму?!

Гулгунни йўқотиб қўйгани — унга аён, бироқ бевафо, деб ранжиш баробарида, интиқ кезиб, Гулгунни излар, эски дард: яна бир учратиб, яна бир сўзлашишни истар... баъзан кўчада гуж бўлиб бораётган қизларга кўзи тушиб, айниқса, саросималанар эди:

Ҳар нечаким, сарв қоматлар қўпар,

Сизга ўхшатдим, — қиёматлар қўпар...

У кеча-кундуз, вақт-бевақт кўчаларда тентираб, бора-бора гоҳ ўз-ўзи, гоҳ Гулгун билан сўзлашишга одатланган эди. Кўпинча узоқдаги Гулгунга мурожаат қилар эди:

Хаёлингни йибор, Лайли, —

меннинг ҳолимни сўр-моққа...

Кейин, "Лайли"нинг ўзими, Сурати ёки Хаёлими?! — етиб келгандек, дарди-ҳасратини дарҳол тушунтира бошлар эди:

Сиздан не ёшурай?! —

кўнгул иши хароб эрур...

Унинг уст-боши, афт-ангори бир ҳолда! Таниган-билган кишилардан у ҳақда кимдир: "Илмдан ҳам, меҳнатдан ҳам қочиб, дайди бўлиб кетди!" — дер; яна кимдир оппа-очиқ: "Шоир эди, оғирлик қилган. Шўрлик савдодий бўлиб қолди!" — деб ачинганча, бошини чайқар эди. Ўз аҳволини — у ўзи ҳам четдан кўриб турар, лекин "тузалиш"га қурби етмаётганлигини ҳис этар эди:

Девона кўнгул —

сўзимга кирмас...

Баъзан у беихтиёр, шундай тушкун кўйда юрганидан, озор ҳам чекар эди:

Бу кўнгулнинг бошига туфроққим,

ҳар ён бориб,

Лутфийни борча азизлар

кўзида хор айлади...

Уйку йўқ, ором йўқ. Дуч келган жойда ора-сира, озгина мизгиганда ҳам:

Тилаб кўнгулм, —

сенинг озгингни топмас...

Дунёда ота-онадан меҳрибон зот борми?! Боласи учун унинг узидан кўпроқ куядиган!

Биргина фарзандининг дарди нима?! — билмаган, тушунмаган, ёрдам беролмаган ота-она — у билан бирга! —

телбаланиб, чўкиб-мунггайиб,

ҳар қачонгидан ҳам гариб ҳолга тушиб қолишган эди...

У бир томондан, қисиниб-уялиб, иккинчи томондан, ота-онасини ўзича аяб, Гулгун тўғрисида оғиз очмаган, ҳамон кўнглидаги сирини айтмас эди!

Аммо...

адашиб-улоқиб уйга келган кунлари —

соатлаб бир нуқтага тикилиб ўтирар эди!

Ҳар қандай садо, шовқинни эшитиб-эшитмаётганга, қаршисидаги одамларни кўриб-кўрмаётганга ўхшар эди!

Деярли гаплашмас эди!

Бир бурда-ярим бурда нон чайнар, овқат ҳам эмас эди!

Тушларида тўлганиб-алаҳлар, инганиб йиглар эди!

Ота-онасини қанчалик қийнамаслиқни ўйламасин, улардан бу ҳолатларни у пинҳон тутиши мумкин эмас эди:

Неча сирримни ёшурсам, сийнадин бехос ишқ —

Ўз-ўзи фарёд этарким, айлаган расво мени...

Шу алфозда юриб...

Йил кечса бирор, Лутфийни отин атамассан, —

Эй ўз кулидан беҳабарим! Нетди?! Не бўлди?!

Йил ҳам гапми?! —

Орадан беш йил ўтди.

Ота-онасининг чарчаб, қашшоқликдан муҳтожлик даражасига тушишганини кўриб, кўчадан уйга "қайтди". Кексаларга ёрдам бериш, тирикчиликни ўйлаш керак!

Уйда ота касби — мисгарлик билан шугулланиб, ўзи ўқиган мадрасада маълум муддат мударрислик ҳам қилди.

Ҳаёт сал эпга кела бошлағач,

"Нега уйланмайсан, болам?!" — деган гап чиқди.

Кўнгулни ўзгага бергил, демангки,

мушкулдур...

Буни кимга айтасан?!

Ота-она, қариндош-уруғ, кўни-кўшининг уйлан, деган сўз унинг кулоғига: "Ондин кеч-у, тутқил ўзга дўст!" — бўлиб эшитилар, у ҳам бунга жавобан: "Кўргуз онинг монандини!" — деб хаёлида уларга шарт кўяр эди! Албатта, онинг — Гулгуннинг ўзини билмаган кишилар, монандини қаёқдан билишсин?! Кўнглида туйгани билан, Гулгун қандай, монанди қандай бўлиши керак?! — буну у ҳали бировга тушунтириб ҳам беролмас эди! Умуман, муҳаббат борасида унинг фикри аниқ эди:

То қиёмат сендин ўз-га,

қилмагай Лутфий кўнгул...

У Ҳирот кўчаларини қаричлаб ўлчаб юриб, аллақачон буну англаб етган эди! Бироқ:

Ото рози — худо рози;

Оно рози — худо рози!

Ёш ҳам ўттизга борган; уйлансанг — ҳозир уйландинг. бўлмаса дунёдан сўққабош ўтаверасан!

Уйланди. Яна бир ўзга пайдо бўлди...

Қора қайгу — насиби эса уни тарк этмаган эди.

Кўп ўтмай,

отаси,

кейин, онаси қазо қилди.

Кейин, бир қизалоқни тугиб, иккинчисига кўзи ёриётган ёшгина келинчак —

ҳаёт билан видолашди.

Ушоқ қизалоқларга аёл қўли, аёл кўкси керак эди.

Тезда уйлан, деб қариндош-уруғ, кўни-кўшни уни ўртага олди.

У билар эди... ўзи сингари бир гарибнинг қизи, гулдек келинчак, бу уйга келганидан кетгунгача — ўзга бўлиб қолаверган эди! Бирга яшаб туриб, у фақат Гулгунни ўйлаган, газалларида Гулгунни куйлаб юрган эди!

У билар эди... Гулгуннинг барибир монандини тополмайди! Бировларнинг умри хазон бўлгани қолади!

У билар эди... кимдир дунёда муҳаббатсиз яшар. Лекин бу қисмат — уники эмас! Бу йўлда яна бир хато қилишга ҳаққи йўқ!

Қизалоқларни қариндош-уруғ тарбияга олиб кетди.

У — зилзиладан, тошқиндан кейинги вайронадек уйда бир ўзи қолди.

Янги кулфатлар олдингига қўшилиб, энди унинг қаддини буккан, уни куйдириб, қорайтириб, адоий-тамом бир ҳолга солган эди:

Синди кўнгулм шишаси

гам тошдин...

У ҳаётдан тўйгандек эди. Ўзини кўйишга жой тополмаётган, яшагиси келмаётган эди:

Борлигимдин бу жаҳон ичра,

пушаймон бўлдум...

Яна кеча-кундуз, вақт-бевақт кўчаларда тентираб, бўм-бўш дарахтзор-боғлар, кимсасиз гўлаҳларда ҳолдан кетиб, йиқилиб қолар, ўпкаси тўлиб, йиглар эди. Уйга оёғи тортмас, келганда ҳам, узоқ ўтиролмас эди. Ўтирганда ҳам, ситорни вазмин чертиб, нола чекар эди:

Ҳар нечаки, мен

бошдин-оёқ оху фиғонман...

Ахийри, дард уни енгди. Қўлатди. Аҳволи оғир эди. Табиблар унинг ўнглинишидан умид узишган эди:

Табиблар борча — дардимдан харосон,

Тирилмакни баса дулвор, дерлар...

Ҳаммадан даҳшатлиси: яшашга мажзоли қолмаганидан, у "тирилмак"ни истамас ҳам эди! Аксинча:

Эй фироқ, ўлдур мени,

фиҳол қутқор қайгудин...

Унга "ўлим" сўзи бегона эмас, газалларида бу сўзга турли ранг, турли оҳанг берган эди! Аммо ҳозир аҳвол жиддий, боши дардлардан ташқари, унинг асосий дарди — давоси йўқ ишқ дарди эди...

Жоним чиқадур дард ила — жононима айтинг,

Мен, хаста гадо, ҳодини — султонима айтинг.

Ўртанмаку, кўз ёши-ю, ўлмак — дурур ишим,

Бу қиссани — ул шамъи шабистонима айтинг.

Қат-қат юрагим боғлади қон, гунча менгизлик,

Бу — дарди дилминни, гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур — юз уза, — юлдуз киби сонсиз,

Ул — кўзлари чўлпон, маҳи тобонима айтинг.

*Лутфийи-дилафгор, тилар ҳажр элидин дод,
Аҳволини ул — бегим-аю хонима айтинг...
Шу кунлар Гулгундан яна хат келди.
Гулгун унинг огир этганини эшитиб, қаттиқ безовталанган эди!*

Гулгуннинг ўйлагани, безовталангани — шундай ҳолат! — уни қайтиб “тирилтир”ди!
Аҳволи аста-секин ўнглана бошлади!
У энди Гулгун учун, Гулгунга бахт тилаб яшаши кераклигини ҳис этди! Ўтиб кетган ҳаётни эса ўзгартириб, бошқа ёққа буриб бўлмади:

*Ҳар не келса — келсун ул дилдор учун
Чора йўқдур тангрининг тақдирини...
Унинг ўз бахти-чи?!*

*Фарёдима — бахт уйғониб,
эй войки, етмас...*

Умуман:

*Не уйқуси огир эмиш менинг
бу бахтимнинг...*

У кутган бахт энди:

*Қайғулуқ кўнглумни
васлинг бирла бир дам шод қил...*

Бир дам кўришмоқ, сўзлашмоқ —

шу, холос! Бошқа ҳеч нарсалар!

Гулгун яна икки-уч хат ёзди.

Ниҳоят, оиласи билан Туркистонга — одис сафарга кетаётганини маълум қилиб, вақтинчами, абадийми?! — хайрлашди.

Кейин...

на хат, на хабар!

Ўн йил... Ўн беш...

У Гулгундан безовталанадиган бўлиб қолди. (Ахир, Ҳиротда, ёнида эмас-да! Тирикмикан?! Соғмикан?!)

Баъзан Гулгун ўзи ҳақда хабар бермаётганидан озорланиб, эзилиб ҳам кетар эди:

Неча қўйгай бағрима доғ — ул юзи моҳим менинг?!

Неча қўйдургай фалакнинг шамъини — оҳим менинг?!

Туйқусдан...

Гулгуннинг Ҳиротга қайтгани, отасининг ҳовли-боғида эканлигини эшитди!

Гар кўнгул севди сени — қон қилмади,

Куч била ўзини — ҳайрон қилмади.

Сиздин ушмунча вафосизлик кўруб, —

Эътиқодим зарра нуқсон қилмади...

Ортиқ чидаб туролмади.

Ҳўжа Аббос мавзёига йўл солиб, бир кун алламаҳалгача ҳовли-боғ атрофида айланди.

Кейин...

ёш элликка етганда, бировнинг кўчасида судралиб юриш ноқулай экан! Ярашмас экан!

Уйда, Гулгун хат ёзишига умидланиб, кута бошлади.

Шунда...

бир кунни ҳовлида эди.

Очиқ дарвоза табақасини қамчи билан уриб, отлиқ бир сипохи ҳовлига бостириб кирди.

Отни қуриган тутга боғлаб, тўғри ичкарига йўналди.

“Обру тўкилиши мана бундоқ бўпти!” — деган ҳаёлга бориб, лекин ўзини мағрур, босиқ тутганича, у ҳам ҳовлида уни кўрмай қолган сипоҳининг изидан уйга: “Хўш, хизмат?! — деб қадам қўйди.

Қадам қўйди-ю...

Бўз отлиқ ул санамки...

Кейин:

Хуш келдинг, аё жон тилаги...

Кейин:

*Биҳамдиллоҳки, келди дилрабоим,
Азиз он — кўзи чўлпон, тўлун ойим.
Севар жоним, пари пайкар, ҳабибим,
Висоли — роҳатим, ҳажри — балойим.
Юзи гул, сочи сунбул, бағри тошим,
Муҳибларни унутқан, бевафойим.
Муродни давлати, бахтим латифи,
Сўзи ширин, ниҳори-жонфизойим...*

Ниҳоят:

Яна, тан сори боргон рух — ёнди...

Бу — ўнг эмас, худо ҳаққи! — бир туш эди.

Гулгун...

Қандай келди?! Қандай кетди?! Қандай ўтирди?! Турди?! Нималар деди?!

Ҳаммаси — ипга тизилган, аниқ. Шу билан бирга, тонгдаги туман ичида энгил шарпа — ногоҳ юзиб, кимгадир сўз қотиб, ўтиб кетганига ўхшар эди!

Тушми, ўнгми?! — муҳими: Гулгун уни яна бир қур йўқлаган, унга яна бир қур дийдор кўрсатган... Худойим!
улар учрашиб турган ёшлик йилларини эслаб ўтириб, бир огиз сўз айтган эди:

— Кўрқдум...

Гулгуннинг юз-кўзига тикилиб, у ўзи билан Гулгун орасидаги

муносабатда бўлган-бор ҳақиқатни мана, энди — шунча пайтдан сўнг, — англаб етган эди!

Гулгун ҳам...

аввалдан уни севган, ҳамон севар экан!

Аёл кўнглини билиб бўлмас экан-да...

Гулгун сипохи йигитнинг ҳолига ачинган...

Гулгун орадаги масофа, тафовутни ҳам ўйлаган...

Локин... Локин...

Гулгун уларнинг муносабатида бир ҳолатни пайқаган, кўрққан экан!

У, дастлабки кунлар Гулгунга интилиб, ўтдек ёниб... муносабат дўстлик — яқинликка етиб боргач, ҳамон севгидан гапирса-да, лоқайд, бепарво бўла бошлаган, “Гулгун қаёққа кетарди! Меники!” — деб била бошлаган! —

Танишган пайтдан: “Умр бўйи у мени севади! Умр бўйи у менга бағишлаб ёзади!” — деб ишонган, шундай бўлишини истаган Гулгун, безовталанган... кўзига ёш олган, инжиган, зардали-кескин оҳангда сўзлашган, унга — барибир, шикоятга ўтган, холос...

Гулгун уни бу гуноҳи учун кечирмаган, у кундан-кун совиб, бошқа бировни севиши, қуйлашига йўл қўйгиси келмаган...

Аёл рашкими, аёлга хос баъзан мантиқсиз ҳимоят тушунчасими?! — ҳар ҳолда, Гулгун ўзига нисбатан унинг муҳаббати тугаши, сўнишини айрилиқдан огирроқ, деб билган, айрилиқни қабул қилган экан!

Ажаблანарли жойи: Гулгун шу йўсинда, унинг Бош талабини бажарган — “унинг кўнглини асраган” эди!

Бундай санамни севмай бўладими?! — (“Кўргуз онинг монандини!”)

Севгилиси келиб кетгач, ўша кунни, у кўп нарсаларни ўйлади. Тушунди...

“Наҳотки, икки инсон чеккан қулфат, изтироб, аларнинг бахтсизлиги — ҳажр эвазига кўнгул, муҳаббат асранган бўлса?! Наҳотки, доим кўнгул шундоқ асранди?! Наҳотки, дунёда азалдан муҳаббат мезони — айрилиқ (ҳажр)?!”

У, дунёдаги барча ишқий достоналар ҳажр тўғрисида, ошиқлар қисматининг ўзи — ҳажр эканлигини эслади. Бутун шеърят ҳам, асосан, ҳажрни ифодаламайдими?!

У яна: “Инсон ҳаётининг ўзи ҳажрдан иборат! Ҳажрни англай бориш, қабул қилиш! — деган гапни ҳаёлидан кечирди. — Инсон ҳаётида ҳажр — Буюк Ҳижрат, Одам Ато осмондан тушган кунлардан бошланган эмасмикан?!”

Бу айрилиқнинг муқобили: ҳаёт ганиматлиги, шафқат, албатта!

Шу мулоқотдан кейин...

орадан эллик йилга яқин вақт (ярим аср!) ўтди.

Унинг кўз ўнгида қанча воқеалар рўй берди.

Амир Темур вафот этди. Султон Сохиққирон: “Умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўлтириб, мамлакатларни идора этгай... Давлат ва салтанатимни, ўзингизни эҳтиёт қилинган!” — деб бот-бот қуюниб-таъкидлаганига қарамай, тож-тахт талаш бўлиб, қайтиб пароканда давр келди. У билган шоҳ ва шаҳзодалардан... Халил Султон тахтдан тез кетди. Бойсунгур Мирзо, Алоудавла қисқа умр кўришди. Мирзо Улугбек қатл қилинди! Шоҳруҳ Мирзо, Абулқосим Бобур, Абу Саид...

Бу шоҳ ва шаҳзодалардан у кимнидир ҳурмат қилди, қадрлади. Ким биландир иши бўлмади. Бирок, ҳаётдаги ғариблик, хоксорлик баробарида, булардан ҳеч кимнинг олдига ўзини кам тутмади, гурурини йўқотмади! У дунёда бўйин эгган биргина Султон — Гулгун бўлиб қолаверди:

Лутфий — ким, очун хонларини илмади кўзга,

Қул бўлди жамолниптау, ишқингда забундур...

Унга ўша мулоқотдан кейин Гулгунни кўриш насиб этмади.

Бир соғинсанг бизни,

ой-у, йил керак...

Гулгун тўрт йил, беш йилда бир хат ёзиб, уни йўқлар эди.

Сипохи йигит ҳам энди марҳум бўлган эди.

Бу йигитни у ортиқ кин-адоват билан эсламас, айбламас эди. Бу йигитнинг ҳам чигал қисмат қурбони эканлигини ўйлаб, ачинар эди. Оллоҳ раҳмат қилсин!

У, айниқса, ўша, учрашган кундан буён, Гулгундан озор чекмаслик, Гулгунни ўлгунича — минбаъд “бевафо” демаслик тўғрисида қатъий қарорга келган эди:

Жон берур Лутфий-у,

йўқдур севариндин гинаси...

Энди деярли ҳар кунни Гулгунга бағишлаб нимадир ёзар, орада ҳижрон дарди бўлганидан, кўпинча бу ҳикоят шундай бошланар эди:

Бир кунким, йироқ тушдум —

ўшал ой юзингдин...

Айрилиқ (Ҳижрат) — бахтсизлик, одамларга нисбатан уни ўз исмига мос яхши, ширин Сўз, жозибали Сўз — ЛУТФ билан муносабатда бўлишга ўратган эди! У ўзи сингари азалдан қисмати фожъё (ҳажр) одамларнинг гамгин ҳаётини Шафқатли бир ҳолатда, Латиф сўйлаб, Латиф қуйлаб, өзгина ёритишни истар, оламда ҲАЙРАТ — ГЎЗАЛЛИК ҳиссини уйғотишга интилар эди! Бу борада энди кашмирлик сеҳргарга ўхшаб кетганини унинг ўзи ҳам билар эди:

Сеҳр қилгай сўзла Дутфий —
соҳири Кашмирдек...

Уша замонадаги билимдонлар ҳам буни пайқашган, унга "Сўз
лутфида ягонаи даврон!" — деб баҳо беришган эди.

У Гулгунга бўлган МУҲАББАТИ асрангани, БУЮК БИР
МАҚСАДга айланганидан, туркий шеърятда мисли, такрори
йўқ байтлар яратган эди:

Ёз агар ногаҳ кезар бўлсанг — чаманда, ноз ила,
Гул — оёгинга тушиб, булбул — дуолар қилгуси..
Сен гам ема ишқимда, дедингим, — сўнтак ўдим!

Неча эмасанг қайгуни, — ер бизни гам, эй жон..

Сўзлар-да, қачонким кўзи-қоши билла ўйнар,

Ҳар гўшада — юз минг киши боши билла ўйнар..

Юзунгдин — лала ранг элтиб, уёлиб — шахрга кирмас,

Анинг буйнини — киши, — боглаб, кетурмогунча саҳродин..

Сайд этди дилбарим мени — ошўфта сочдин,

Солди каманд буйнума — икки қулочдин..

У яна, туркиғуи шуародин ҳеч кимда учрамаган ҳол: аниқ
бир Муҳаббатнинг — аниқ Манзарасини чизган эди! Гоҳ Сенлаб,
гоҳ Сизлаб, муносабатнинг нозиклигини таъкидлашгача...

Сўнги йилларда у жуда қариб қолган эди.

Аҳён-аҳён ўз аҳволидан, эллик йилга яқин вақт (ярим аср!)
Гулгунни энди ҳатто тасодиф бир учратмагани — кўрмаганидан
заилиб, ўз-ўзича шикоятларанар эди:

Кечди умр-у,
тушмади ул ёр ила..

Кейин:

Қариди гамингда Лутфий..

Кейин:

Гаму ҳасрат билла бошим оқарди..

Шундан кейин:

Куйди Лутфий шамъ янглиг..

Ниҳоят:

Бу вужудимдин қолбдур —
ёлғиз ун..

Гулгун билан танишган пайтдан бошланиб, унинг юрагини
ёндирган, ҳамон куйдириб ётган уша-ўша, эски дард, оруз:

Бир яна кўргаймумен —
ул кўзлари кофарни ҳеч?!

Ва албатта:

Васл умидидур менга —
ўлмакни душвор айлаган..

У ҳар гал баҳор келганида, оадтдагидан ҳам кўпроқ
тоқатсизланар, ёш йигитлардек васла янгидан умидлана бошлар
эди:

Навбахор ўлди, вале хижрон жафолар қилгуси,
Жон қуши, ёрнинг ҳавосинда, ҳаволар қилгуси..

..Тўқайзордан юлқиниб сўқмоққа чиққан, бошини эгиб, ер
чизганича, ҳаммаёғи симиллаб огриб, азобланиб илдам бораётган,
зинама-зина хаёл терадикларига тушиб, бу манзаралар парча-
парча юрагига кўчаётган Мирза Голиб, нафас ростламоқчидек,
бир лаҳза тўхтади. Кейин, яна машаққат билан сурилиб, Лутфий
хаётида — вафотидан олдин — рўй берган ажабтовур, ҳайратли
воқеани эслай бошлади.

Ушанда..

ердан баҳорги ҳовур кўтарилмоқда эди.

Мухтор тоғи этакларида жойлашган Хиёбонга, Мусалло —
намозгоҳ майдонига келиб, у малика Гавҳаршод ога — Шоҳруҳ
Мирзонинг хотини — қурдирган жоме масжидида шукрона
намози ўқигач, тўри Хўжа Аббос мавзеига қараб юрди.

Албатта, унинг Гулгунга юзлашиш учун ҳузурига кириб
бориш нияти йўқ эди. Фақат, юрагида бугун Гулгунни бир
қўришига ишонч тугилганидан, ҳовли-боққа яқинлашаверишни
ўйлаган, буни кўнгли унга буюрган эди!

Узоқдан ҳовли-боғ эмиги кўринганида,
саросималаниб қолиди.

Эшикда қора чопон кийган бир неча киши тизилиб туришар
эди!

Дафъатан..

у эти жунжикаётганини сезди.

Баҳор қаёққадир йўқолган, атрофни қалин қор босган,
офтобда эрий бошлаган қордан оёқ ости кўлмак, билч-билч лой
эди!

Унинг ўзи ҳам бирдан мункайиб, чўкиб,
қассага суяниб қолган эди!

Бўлса дўзахда хаёлигн, — танга куймаклик ҳалол,

Бўлмаса жаннатда ёдинг, — жонга оройиш ҳаром..

Эшикдагилар уни таниб,

қўриб келишиб,

"Мавлоно! Мавлоно!" — деганча, қўлтиқлаб,

ичкарига бошлади.

У қандайдир хонада, букилиб, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб,
ўтирганича, паст, синиқ-титроқ товушда, аммо берилиб, Куръон
тиловат қилди.

Ниҳоят, юзига қўл тортиб, қайтиб ўрнидан турди.

Пойгак томон йўлаётғиб, чайқалиб кетди. Кўзларини катта
очди.

Мана, энди у пайқайди.

Унга таниш..

кенг, баҳаво хона юпқа парда билан иккига бўлинган,
парда орқасида..

бурқаб ёпган бир санам ўлтирар эди:

Илгин Улуб,

оёқина кўнглак ениг тушар..

Уйга қандай қайтди, ўринга қандай келиб чўзилди?! — билмас
эди.

"Оллоҳ-Оллоҳ! Шукр сенга! Мен они кўрдум.. Сен
мағфиратли, меҳрибонсан!"

Шундан кейин:

Бергай — лаҳад ичинда, — кўзум ёшидин хабар

Ҳар шабнамеки, тушса мазорим гиёҳина..

Қизлари, куёвлари, неваралари ундан эрталаб бир, кечқурун
бир ҳол сўраб туришар, уни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат
қилишар эди.

Улар ўша куни бундай бўлишини хаёлларига келтиришмаган
эди..

Дафн маросимида тўпланганлардан бировлар, сўнги
кунларда уйдан чиқмасдилар, дер, бошқа бировлар кўчада, жоме
масжидида, Хўжа Аббос мавзеида учратганини айтар эди!
Аслида, нима бўлганини тушуниш қийин эди. (Оллоҳ
билимдонроқдир!)

..Осмонга ўйчан тикилган Мирзо Голиб, паришонланди.

Уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, ҳамон офтоб нечундир бир
нуқтада михланган, вақт тўхтаб қолган эди!

Ен-верига қараб, эътибор берди:

яккаш арқон билан боглаб-тортгандек, сўқмоқни тўлдириб
бораётган қарвон энди ўтиб кетган — тўқайзорга сингиган эди!
Лекин рўпарада янги кичик бир гуруҳ пайдо бўлган..
лилипутни эслатган қандайдир одамлар каттакон тобутни
кўтариб, югургилаб келишмоқда эди.

Мирза Голибга тепаликдаги хароба ёнида неча марта
йўлиққан — юнги пахмайган, айиқдек ит ҳам негандир, тилини
осилтирганича, гоҳ олдин, гоҳ орқага ташланиб, улар атрофида
уймалашмоқда эди.

Сўқмоқда бу одамларнинг жонланиши бояги қарвонга
нисбатан ҳам таажжубли эди! "Булар қаёқдан келиб қолишди?!"
Қаёққа кетишди?! Елкаларига ҳайбатли тобут юклаб, бир ерда
нима қилиб юришибди?! Ит қачон, қаерда буларга қўшилиб
олди?!"

Мирза Голиб шу ҳақда ўйлаб, бирон хулоса чиқариш ёки
жилла қурганида, ўзича оддий тахминга йўл беришни истар эди.
Аммо беҳад толиққани, ҳамма нарса жонига текканидан, буни
эплатмаётган, шунчаки хаёлга чўмиш, ажабланишга ҳам унинг
қоли етмаётган эди!

У четланиб, рўпарадаги гуруҳнинг ўтиб кетишини кута
бошлади, холос.

Одамлар ёнидан ўтишаётганида эса, бошини кўтармай, кўз
кирини ташлаб, беихтиёр, гўёки оламла бутун инсониятни билган-
у, ўзи учун шу энг муҳим, деб ташвишланган кишидек, пичирлаб
сўради:

— Кимни олиб кетяпсизлар?!

Сўқмоқдагилар баралла жавоб қайтаришди:

— Амири саъид Абул-Ҳасан Наср..

Мирза Голиб бу гуруҳ билан бояги қарвоннинг бир-бирига
боглилиги бор, деб ўйламаган эди! Энди беҳос сергақланди.

Шу асно, бир кунлар хасталаниб, жарроҳлар қўлига "қараб
қолгани" да рўй берган сирли, ақл бовар қилмайдиган ҳолат —
учта Менга айлангани, ўшанда осмонга чиқиб-кезганини эслади..
Кеча бир эслагач, бу унинг хаёлидан кўтарилган эди! Ҳозир яна
аниқ-тиниқ ёдига тушди..

Чў солинган манқалга ўхшаш нарса диққатини жалб этгани..
Баланд бўйли, кўзлари мовий йигит ва кизни учратгани.. Кейин,
ўша, чироқлари липиллаётган машинами-кемада, ёруғ-чарогон
бир шаҳарга боргани.. энсиз, юксак бинолар.. Кейин, мисдек
кизиган, ярақлаётган аллақандай узун ўрама ичида ҳалослаб
югургани..

Тўқайзордаги сўқмоқда осмонга тегишли белгилар
кўринмайди. Мирза Голиб ердан оёғини узгани ҳам йўқ! Лекин
унга ўзи аниқ фурсатда, барибир, осмонда юргандек туюлмоқда
эди! Офтоб тош қотгани, вақт тўхтаб қолгани.. Минг йил олдинги
одамлар.. Айниқса, бояги қарвон билан Мирза Голибнинг ёнидан
ўтиб бораётган гуруҳнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари вобаста
эканлиги, Бухоро ёниб ётгани-ю, тобутда кетаётган Амири саъид
Абул-Ҳасан Наср.. Нима қилганда ҳам, тўқайзордаги сўқмоқ
Мирза Голибни минг йил бурунги даврга олиб борган ёки ўша
даврни орқага қайтарган эди!

Мирза Голиб ўз хаётида кечадан буён замонлар қоришиб
кетгани, шундай қаромат уни жунбуша келтирганини ҳамон
ҳис этмоқда эди. Аммо бундан бир муддат илгари у Бухоро
нега ёниши-ю, одамлар нега аллаёқларда тентираб-улоқиб юриши
кераклигини англамаган, фаромушланиб қолиб, бу саволга жавоб
изламаган эди..

Ана, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг оғирлиги сезилиб,
азобланиб, яна олдинга сурилганича, энди Амири саъид Абул-
Ҳасан Наср даврида кечган бутун-бор воқеани аниқлашга
уринмоқда, олсдан унга баралла янграган оҳангдек бир нидо

эшитилмоқда эди:

— Бизга ё ҳақим, ё ҳоқим керак!

Мирза Голибнинг назарида, бу гапнинг мағзини чақиши шарт, шунда эҳтимол йўл “очилюв”, ўзи ҳам “осмон”дан ерга тезроқ тушадигандек эди...

У сомониёлар тўғрисида, — жиддий киришиб, — китоб ёган, барча сомониё амирлар ҳаётига назар ташлаган эди. Бироқ бу ишда, афтидан, сал шошган, Абул-Ҳасан Наср ҳаётидаги ажиб бир ҳикоят унинг диққатидан четда қолиб кетган эди...

Амир ҳақидаги ҳикоят бундай эди...

Дастлаб:

1. Абул-Ҳасан Наср ибн Аҳмад (ундан олдинроқ амаки-бобоси, Исмоил Сомониёнинг акаси Наср ибн Аҳмад бўлганидан, уни Наср Икки ҳам дейишар эди) бошқа сомониёларга нисбатан, дунёдаги қисмати ниҳоятда чигал ва қизиқарли амирлардан эди!

2. Исмоил Сомониёдан кейин, Абул-Ҳасан Наср даврида сомониёлар салтанати юксалиб, энг гуллаб-яшнаган паллага кирган, чинакам улугвор даражага етган эди. Шунинг баробарида, айни даврда салтанат остига сув кета бошлаб, халқ ҳар қачонгидан кўпроқ саргардонлик кўрган, изтиробда қолган эди!

3. Абул-Ҳасан Насрнинг ҳаёти дунёга келиб-кетган (балки, келиб-кетадиган) аксар шоҳлар (ҳоқимлар, амирлар) ҳаётини ўзида мужассам этган, кўзгудек акс эттирган эди!

Унинг шажараси...

Баҳром Чўбин малик авлоди:

Сомонхудо (у барпо этган бир қишлоқ Сомон деб аталганидан, шундай ном олган эди!)

Асад ибн Сомонхудо

Аҳмад ибн Асад Сомониё

Исмоил ибн Аҳмад Сомониё

Аҳмад ибн Исмоил Сомониё

Наср ибн Аҳмад...

...Араб халифалиги томонидан амир қилиб тайинланиб, Хуросонни қўлга киритган Қутайба ибн Муслим Бухорога юз тутган эди. Бироқ... “Ислому лашкари ҳар сафар Бухорога келганида, ёзда газот қилар, қишда эса қайтиб кетар эди... Бухоро аҳолиси ҳар сафар мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса, яна диндан қайтар эдилар... улар бутпарастлик... оташпарастлик... қилар эдилар...”

Авал ҳам, Қутайба даврида ҳам шундай бўлган эди. Қутайба “то Марвагача борар ва яна, Бухоро вилоятига қайтиб келар эди”. У “кўп қийинчиликлар (Бухорони уч марта мусулмон қилган)дан кейин, ислом динини юзага” чиқарган, тўртинчи марта бу ерни фатҳ этганида, суҳб тузилган эди. Бухоро халифа ҳамда Хуросон амирига бож тўлайдиган, бўйинсунадиган бўлган эди.

“Вақтеки келиб, Хуросонда салтанат”га пугур ета бошлаган, Бухоро маълум муддат “эғасиз” қолган, шу даврда сомониёлар майдонга чиқишган...

халифа Муътаамид Исмоил Сомониёнинг акаси Наср ибн Аҳмадга Мовароуннаҳр ҳукмрониягини топширган эди.

Сомониёлардан биринчи амир — Наср ибн Аҳмад — расман сулола бошчилиги бўлиб, амалда Исмоил Сомониё салтанатни қўлга ола бошлаган, акаси вафот этгач, салтанат буткул унинг қўлига ўтган эди.

Тез орада Хуросонни ҳам эгаллаб, Исмоил Сомониё Хуросон вилояти, Мовароуннаҳр, Туркистон, Синд, Ҳинд ва Гургонда — араб халифати доирасида, — ягона ҳукмрон бўлиб қолган эди.

Исмоил Сомониёнинг бу подшоҳликдаги мақоми ўн беш йил давом этган эди.

Унинг ўғли Аҳмад анча қисқа пайт — етти йилга яқин подшоҳлик қилган эди.

Наср ибн Аҳмад (Наср Икки) отасидан ҳам, бобосидан ҳам кўпроқ — ўттиз йил салтанат тахтида ўтирган эди. (Олдингилар сингари ундан кейин келган тўрт амирдан биронтаси ҳам бунча муддат салтанатда турмаган эди!)

Хуллас:

Унинг бир ойдан буён жони азобда, ҳаловати йўқ эди.

Ўт тушиб, Бухоро икки кун гуриллаб ёнган, учинчи куни ёнгин ўчирилган, лекин ҳамон тупроқ остида ёғочлар ёниб, гоҳ у ер-гоҳ бу ерда олов лопиллаб, шаҳар тутаб ётар эди.

Кундузлари от миниб, Амири саъид аъёнлари билан шаҳар кезар, кечалари ҳам оддий бир фуқаро ёки қаландар либосида Бухорони айлангани-айланган эди.

У амирлик қилаётган даврда бу — Бухоронинг иккинчи марта ёниши, ўн икки йил бурун ҳам шундай ёнгин чиққан эди. Ўшанда у Нишопурга кетган эди... Ўт тушган Гардун-қашон маҳалласи қўлга айланиб, Бухоро остида ўрлаган олов Самарқанддан кўриниб турган, тутуни ҳам Самарқандгача етиб борган эди! Амир Нишопурдан шошганича Бухорога қайтган, аммо ўзи бўлмагани учун ҳам, ёнгин сабабини яхши аниқлай олмаган эди. Одамлар: “Бу олов осмондан келди!” — деб қўяқолишган эди...

Ўз замонида у, Бухоро яна бир ёнади, деб ўйламаган эди! Бу гап ёнгининг сабаби аниқ эди. Самарқанд дарвозада бир ҳалимпаз дўкондаги қозон тагидан кулни олиб, томга чиқариб тўқкан, айни ёз, ҳаво иссиқ, шу билан бирга, шамол эсаётганидан, кул орасидаги чўғ яқин жойдаги қамишдан ясалган бир уйга келиб тушган, уй ёниб кетиб, ўт бутун Самарқанд дарвозаси маҳалласига ёйилган эди. Мадрасаи Форжак, масжиди Мох,

кавушдулар тими, саррофлар, базозлар бозори, бошқа бозорлар — ҳаммаёқни ўт қолган эди! Амири саъид қолган ўз ҳаёти давомида кўп иморатлар қайта тикланиб, Бухоро олдинги ҳолига келишини ақлига сиғдирилмас, бунга қўзи ҳам етмас эди...

У отда аъёнлари билан шаҳар кезаётиб, кўпинча бошини кўксидан кўтармас эди. Фақат гоҳ-гоҳида Масжиди Мох ёнидан ўтаётиб, тўқилган-қорайган деворларга қўз ташлар, бу ерда бир пайтлар масжид қурилганунича, бут сотилаган Мох бозори, кейин оташпарастлар калисоси-ю, бутпарастлар ибодатхонаси ҳам бўлганини эслар эди. Секин хўрсинар: “Дунёда ҳеч нарса боқий эмас экан-да!” — деб, ҳаёт оқар сув эканлигини ўйлар эди.

Гоҳ бошини кўтариб қарамасдан ҳам, саррофлар бозори ёнидан ўтаётганини ҳис этар, бобоси зарб эттирган тангалар нечундир унинг кўзи олдига келар эди. Ёки, бобоси қурдирган, энди куйиб-кул бўлган работ ёнидан ўтаётганини кўнгли билан сезар, яна секин хўрсинар эди. Дунёда ҳеч нарса боқий эмас экан-да!

Абул-Ҳасан Наср умуман, сўнгги пайтлар, умр ўтаётгани тўғрисида кўп ўйлайдиган бўлиб қолган эди. У, кўнглимди сезяпман, мен ҳам ана-мана (беш йил билан ўн йил ораси) дунёдан ўтаман, деган ҳаёлга бориб, эзилар, ўз ҳаётини бот-бот сарҳисоб қилар эди.

Айниқса, кечалари оддий бир фуқаро ёки қаландар либосида Бухорони айланиб юриб, тасодиф учраган ҳар хил одам билан сўз қотишиб, дунёда омонатлик тўғриси уни қийнаб юборар эди... Одамлар қизиқ! Ўт чиқарган биров, амирни сўқди, қарғайди. Ҳамма нарсага — амир айбдор! У ўзича ўйлар, эслар эди... Отаси шахид бўлган, Амири шахид дейишар, бу баҳо тўғри, иштибоҳга ўрин йўқ эди! Бобосини Амири мозий, дейишар, шу “мозий” деган сўзда Буюк бир Амир ўтиб кетганига надомат-ўқинч бор, бу ҳам узуққа тушган кўздек эди! Лекин унга Амири саъид — Саодатли амир, деб нега ном беришди?!

Унинг нимаси саодатли?! Одамларми, тақдирнингми кинояига ўхшайди бу...

Абул-Ҳасан Наср гоҳ ойдин, гоҳ зулмат-зимистон кўчаларда гамгин бораётиб, бутун ҳаёти ҳаёлидан кечар эди.

Уни саксиз ёшида подшоҳ қилиб кўтариб, катта бир мамлакат тахтига ўтказишган эди. Баъзан қабул қилинганидек, у номига подшоҳ бўлиб, салтанатни онасини, акасини, амакисини вақтинча бошқариб турса экан! Қаёқда! Отаси беҳос ўзимга юз тутиб, ягона ворис эканлиги-ю, унинг атрофида, эҳтимол, вазир-вузаролар, аъёнлар назарида, салтанатга лойиқ бошқа одам бўлмаганидан, унга тўппа-тўғри подшоҳ деб қарашган эди! У эндигина дунёвий ва диний билимлар билан шуғулланиб, от устида ўзини тутиш, қилич чопишни ўргана бошлаган эди. Ҳаммасини подшоҳлик даврида эплаб кетишдан бўлак иложи қолмади! Шундан кейин... ана, йиллар бир нафасдек ўтди-кетди. Ўз уруғлари, яқинларидан тахтни ундан тортиб олмоқчи бўлиб, фитна, исёнлар ҳам рўй берди. Бири Самарқандда, бири Нишопурда бош кўтарди. Абу Закарийё дегани уни четлатиб, бир муддат Бухорода ўзини Амир деб ҳам эълон қилди. Салтанат учун жангга кирган пайтлар бўлди! Булардан ташқари, яна унинг чекига тушган — Бухородаги икки ёнгин! У — дунёга келиб, кўрган бутун ҳаёт — шу...

Амири саъид кундузлари шаҳар кезганида, кўпинча бобоси мақбараси ёнидан ўтар, бу ерда у от жилловини бир қур тортанча, бошини адл кўтариб, кўзлари чақнаб кетар эди! Бухоро остидан мил-мил ёниб, тутаб ётган ражаб ойда амир кечалари ҳам, мақбара айнаётиб, албатта, мақбара ёнига келиб туришни одат қилган эди. Тунда у, аксинча, мақбара қаршида елкалари тўкиб, маъзуналиб ўтирар эди. Ўймакорлик, наққошлик усуллари билан фойдаланиб, худди каштага ўхшаб, деворлари ясси, мусулмон гиштдан, хинд раққосалари рақсга тушгандек ҳар хил, ўйноқи шаклларида тикланган, кундузлари офтоб нурлари остида минг йўсин товланиб, кечалари ой ёруғида ҳаёлий бир чирой касб этган мақбарога Абул-Ҳасан Наср сояглаб тикилар эди. У дунёда бундай безалган обида йўқ, деб ишонар эди! Амир шу кунлар, хайрият, ёнгин (Самарқанд дарвоза бу ердан унча узоқ эмас!) мақбарога етиб келмади, шикаст етказмади, деб ўзича кўнглида бир оз таскин топар эди!

Исмоил Сомониё дунёдан ўтганида, у ҳали бир ёшга тўлиб-тўлмаган гўдак эди! Бобоси, тугилганида суюнгани, уни кўрганини кечалардан эшитар, у бобосини одамларнинг ҳикоятлари орқалигина билар эди!

Мақбара ёнига келганида, ҳар гал Амири саъид бобоси ва отаси тўғрисида ўйлар, бобоси бошқа, отаси бошқа бир олам бўлганини ҳис этар эди.

Аҳмад ибн Исмоилни энди кўпинча инсофли эди, адолатли эди, деб алқаб эслашганига қарамай, жанг-жадал кўриб, мамлакатни бир неча йил қўлида тутиб турганига ҳам қарамай, аслида, бу бадгумон, ҳар нарсага таҳлика сезиб, ҳаёли қочадиган, одамлар билан кам муроса қиладиган — подшоҳликка лаёқатсиз киши эди! Аҳмаднинг шахидлиги ҳам, сирасини айтганда, жангдаги шахидлик эмас, ўлими — аҳмоқона бир ўлим эди...

Аҳмад ибн Исмоил жумуд-ал охир ойда, кишининг айни чилласи, Жайхун бўйига ов қилгани бориб, саропарда тиклаган эди. Бир куни туйқусдан чопар келиб, Гургон ва Табаристон ерларининг маълум қисми қўлдан кетгани, горат бўлаётганини хабар

қилганида, Аҳмад: “Агар бу подшоҳлик мендан кетадиган бўлса...” — деб дарҳол дилгир ҳолатга тушган... бу етмагандек, “Эй Худо! Менинг ажалимни бер!” — деб осмонга тикилиб, қўл отган... бу ҳам етмагандек, ўзига тегишли чодирга кириб, бошини ўраб ётиб олган эди! Одатда, у ўзининг хавфсизлигини ўйлаб, ўргатилган бир арслонни занжир билан чодирга эшигига боғлаб қўйди, арслон ичкарига кирмоқчи бўлган одамни ёриб ташлар эди. Ўша куни хос кишилар бу ишни унутишган, Аҳмад ибн Исмоилнинг қуларидан бир нечаси чодирга кириб, унинг бошини кесилган эди...

Абу-Ҳасан Наср бу воқеани эслаб, ҳеч тушунмас эди... Нега хос кишилар оғир пайтда подшоҳни ёлғиз қолдиришлари, бунинг устига кундалик ўз вазифаларини унутишлари керак?! Қулар нега ўз подшоҳларини сўйишлари керак?! Сабаб?! Чопар келганидан тортиб, бунинг ҳаммаси атай уюштирилиб, маромида бажарилган бир ўйин эмасмикан?! Ўшанда подшоҳга нисбатан кимнингдир, нима учундир (хос кишилар, қулар шунчаки қурол) аниқ адовати бормиди?! Амири саъидга, ҳар қалай, бу воқеа то ҳозир сир-синоатли бўлиб туюлар, у, бобом даврида, масалан, бундай воқеани тасаввур ҳам қилолмайсан, деб ўйлар эди.

Исмоил Сомонийга арслоннинг кераги йўқ, унинг ўзи арслон эди! Унга бировнинг посбонлик қилиши ҳам шарт эмас, аксинча, умаро, вузаролардан олдий фуқаро, қора қуларгача ўзларини унинг ҳимоятига муҳтож сезишар эди. Бир пайтлар... атрофдаги Вардонадан Варахшагача, Афсонадан Баркадгача ҳамма қишлоқларни ичкарига олиб, Бухоро вилояти, ҳар фарсанга бир дарвоза, ҳар ярим милда бир минораси бўлган мустақкам девор — қалъа билан ўралган, Бухородаги амирлар харажати халққа юклаб, ҳашарга чақириб, бу қалъани муттасил тўзатдиришар, ўзларича янгилаб, тартибга келтираверишар эди. Исмоил Сомоний амир бўлгач, Бухоро аҳолисини азобдан қутқарган, у дадил: “То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан!” — деган эди. У шундай дея оладиган амир эди!

Ўмуман, қалъага аҳамият берилганининг сабаби бор: ташқи душмандан бўлак, даштдан бебош ҳужумлар бўлиб турар, ўғри, каллақасар тўдалар кўп эди. Исмоил Сомоний қисқа фурсатда чиндан “девор” эканлигини кўрсатган, биринчи навбатда вилоятдаги нотинчликка чек қўйган эди. Халифатнинг шарқ вилоятларидан Хуросон ва Мовароуннаҳрда мустақил давлатлар тўзила бошлагач, гоҳ Муътаид эки Муътаид, дегандек халифалар кўмагида, гоҳ ўз ҳукмини ўтказиш мақсадида икки давлат ўртасида низо чиқа бошлаган, Хуросондан дастлаб тоқирийлар, кейин сафаридалар Мовароуннаҳрга қараб юрган... бу жангларда Исмоил Сомоний, қосибдан мардикоргача халқни қуроллантириб, ўзи ҳам қатнашиб, мардлик кўрсатиб, душманларга зарба берган эди!

У юрагида ҳеч кимга, душманга нисбатан ҳам адоват сақламас, душмани ҳам дўстга айлантира олиш ҳислатига эга эди! Олиҳикмат инсон эканлигидан, енгилган душманларини хижил қилмаслик учун тик қарамас, юзини четга бурар эди. Одамларвар бўлганидан, неча бора, жанглардан кейин, асирларни ўлдириб, зиндонга ташлаш эмас... ҳатто қул қилиб, ишлатиш ҳам эмас... тўйинтириб, йўл учун озуқа бериб, сарпо кийдириб, уй-уйларига қайтариб юборган эди! Вазир-вузаролар, айниқса, лашкарбошилар норозиланиб: “Бу ёғи қандок бўлди?!” — дейишганида; “Қўйинг, бу бечоралар юртга борсин! Булар сизга қарши энди ҳеч қачон уруш қилгани келишмайди!” — дер эди.

Ишониб қийин, бу — одил шоҳ қадидаги эртак, афсонага ўхшайди. Лекин ўша пайтда шундай бўлган эди! Буюк бир салтанат вужудга келиб, ҳар хил ташқи, ички жанглар, низоолардан кейин, осойишталик ўрнатилганидан, пойтахт шаҳар Бухоро билан бирга, Самарқанд, Балх, Марв, Хўжанд, Ҳирот, Нишопур сингари катта шаҳарлар шу даврда, дунёда шухрат топган, маърифат-маданият марказларига айланган эди... Бухородаги “Савон-ал ҳикмат” кутубхонаси, кўплаб расталардан иборат китоб бозорида истаган фан, адабиётдан истаган китобни кўриш мумкин эди... Бухорода исломга ўтилган, бироқ ҳамон оташкадалар, бутхоналар, черковлар ҳам йўқ эмас; асосий эътибор анъаналарни тиклаш, турли халқлар, миллатлар бошини ювуштиришга қаратилган эди. Вилоят ҳокимлари, бекалари бўлган ота-боболаридан ўзиб, подшоҳлик даражасига етган Исмоил Сомоний халифага бўйсунар, фармонини бажарар, шунинг баробарида, кундан-кун мустақил давлатни мустақкамлаш хаёли билан яшар эди. У фуқаро эрки, бахтини ўйлар, фуқаро учун доим “девор” бўлиб туришни истар эди. Кимдир одамлар манфаатига зид иш тутса, фуқарога зулм қилса, хайрихолик, бағри кенгликни йиғиштириб, қаттиқ, кескин жазо берар эди! Бу борада Исмоил, бир кунлари, бемаврид халқдан ўлпон йиғини сўраган акаси билан ҳам жанг қилишгача борган... лекин олижаноб инсон эканлигидан, Наср ибн Аҳмад жангга енгилб, чеккада, руҳи чўкиб, ерга кўсини бериб ётганида, илдам яқинлашиб, отдан сакраб тушганича, унинг ёстигини ўпиб: “Эй амир! Сен фазилатда улугроқсан, мени афв эт!” — дейиш, акаси билан жанг қилгани учун узр сўрашни ҳам ўзига ор деб билмаган эди...

У Бухорони яхши кўрар, эги тўлиб: “Бизнинг Бухоро шундоқ жой!” — деб фахрларан эди. Бухоро маркази — атрофи баланд девор билан ўралган, етти дарвозаси бўлган Шаҳристон —

Исмоил Сомоний даврида кўркамлашган, Шаҳристоннинг теғрасида янги маҳалалар, гузарлар, бозорлар, устахоналар бунёд этилган эди. Буюк Амир шаҳар ичкарида ҳам, Жўйи-мулиёнда ҳам масжидлар, мадрасалар, работлар, қасрлар қурдириган, боғлар барпо этдирган эди! Аммо бу ишларни ўзини кўрсатиш ёки шон-шукўҳни ўйлаб бажармаган эди. Унинг учун бу ахтиёжми, зарурати эди... Мана, шу гаройиб мақбарани ҳам у бурч қозасидан падали бузарқовори қабри устига, хотирасига бағишланган ёдгорлик сифатида тиклатган эди! Бу аслида Аҳмад ибн Асаднинг мақбараси эди! Бироқ вафот этганидан сўнг, уни ҳам шу ерда дафн этишган, халқнинг ўзи, шуниси тўғрироқ бўлади, деган фикрга келганими, бу обидага “Исмоил Сомоний мақбараси” деб ном берган эди...

Абу-Ҳасан Наср ақлини таниган илк болалик пайтидан бобосидек бўлишни орзу қилар эди!

Тахтта ўтирганидан бошлаб, у ҳам юртда ободончилик, раият осойишталигини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Собит туриб ҳамма жабҳада бобосига ўхшаб иш тутишга уринди. Лекин дунёда ҳар кимнинг ўз қисмати, ўз ҳаёт йўли бўлар экан... Одамлар уни тахтта кўтариб, изидан: “Подшоҳим анча бўш! Ҳали бола-да, гўдак!” — деган гап чиқаришди. Кейин мамлакатда фитна, исёнлар юзага келди. Амири саъид энди бобоси эмас, кўпроқ отаси тўғрисида ўйлаб, баъзан беихтиёр хаёли қочиб, нотинчланишга одатланди. У барибир олдига қўйган мақсаддан чекинмади. Тишини-тишига босди, ҳатто фитначилардан айримларини “олдига чақириб олди, омонлик берди!”, имкон қадар юртни тинчитди. Буниси — хўп! Дунёда омад деган нарса бор... Амирнинг шаҳарни қанчалик обод қилганини эмас, халқ, Арк яқинида, Регистон майдонида унинг ўзи учун гўзал бир сарой қурдириб, амалдорлари учун ҳам шундай қаср тиклаганини кўрди. Унга истеҳзо билан қаради. Бунга ҳам чидаш мумкин, майли... Наср Икки замонида Бухоро фақат бундай икки марта ўт ичида қолгани йўқ! (Фалокат ўзи оёқ остидан чиқса, нима дейсан?! Қаёққа борасан?!) Қутайба бир кунлари бино қилиб, шу пайтгача дуппа-дуруст турган жоме масжиди (яна кутлуг рамазон ойи, жумаи муборак куни, айни намоз ўқилаётган вақтда!) бехос ер босди. Гурас-гурас одам тош-тупроқ остида қолиб, ҳалок бўлди. Шаҳар мотамга чўмди... Амири саъид ўзи назорат қилган ҳолда, масжидни қайтиб тиклатди. Аммо орадан йил ўтмай, иккинчи марта кузалиди...

Наср ибн Аҳмад тушунмас эди. Бобоси даврига нисбатан ҳаёт ўзгардими?! Одамлар ўзгардими?! Нима бўлди?! У қанчалик бобосидек муносабат тутмасин, нега одамлар унга бобосига қилган муносабатни раво қўришмайди?! Дунёда тўртта одамга бов бўлиш осон эмас! Минглаб одамнинг бошида туриш, уларни шохмат донасидек суриш ҳам мумкин, лекин на эзгу ишинг, на қаттиққўллингидан маъно чиқса, долдини кимга айтасан?! (Ана, кейинги ёнгин сабабкори ҳалимпазнинг бошини кесдириб, бутун шогирдлари, қароллари-ю, оиласини зиндонга ташлатди! Аммо биронта одам, отанга раҳмат демайди, аксинча, одамлар уни сўқайди, қаргайди!) Бобосига ўхшаш учун унга нима етишмайди?! Умуман, нима етишмайпти?! Қора халққа муҳаббатми?! Ҳақиқат туйғусими?! Жасоратми?! Нима?!

Амири саъид мақбара ёнига келиб, ҳар гал соатлаб маҳзун ўтирганича шу тўғрида ўйлар эди!

Бу ўйлардан у бора-бора дилтанг, дилхун бўлиб қолган эди. “Ражаб ойи ўтиб, Бухорода ёнгин батамом босилгач, амир аёнлари билан қундузи шаҳар кезиб, кечалари ҳам Бухорони айланб, бобоси мақбараси ёнига боришни тўхтатди.

...Роппа-роса олти йилдан кейин, у қаёо қилди.

...Бу орада халқнинг аҳолидан шохмат қилишди, фитначилар билан тил бириктиришган, деб шоирлардан Панжрудак қишлоғидан саройга олиб келинган Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакийни кўзларини ўйиб, шаҳардан ҳайлаттирди, Ҳусайн ибн Али — Марвариддинни ўласи ҳолда зиндонга ташлатди.

Кўп олим-фозил кишилар дарбадар бўлишди.

Кўп умаро-вузаролар саройдан қочишди.

...Амири саъид тўғрисида ўша замон муаррихлари ёзишган эди: “Наср ибн Аҳмад (Наср Икки) туйқусдан ўлиб қолганида, унинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. Яқин одамлардан бировлар уни тарк этган, бировлар ўлган, бировлар ўлдирилган эди!”

...“БУТУН БОРЛИҚ абадий ТИРИК биргина ВУЖУДдан иборат, биз ақсар, руҳимиз нопок эканлигидан, БУНИ пайқамай, адашиб-улоқиб умримиз ўтмаётганимикан?!”

Мирза Голиб шундай хаёлга бориб, рўпарага тикилди.

Сўқмоқ уни катта йўлга ҳам, кичик йўлга ҳам олиб чиқмаган, у қайсарланиб, ўзича тўғри қилба тарафга қараб кетаётгани билан, иши юришмаган эди.

Сўқмоқ тугаб, яна тўқайзор бошланган эди!

Бу гал Мирза Голиб тўқайзорда узоқ судралгани йўқ.

Икки юз қадам босдики, беш юзми?! — ҳар ҳолда, олдинга мункайиб кетиб, ерга узала тушишга оз қолди.

Кўзи ўз-ўзидан илинган экан, сергакланиб қаради...

Худоё тава! Унинг қаршида — ўрмонзор ичидаги сайхонликка ўхшаш майдон... майдонда тепалик...

У, бундай бўлиши мумкин эмас, мен сўқмоқ бўйлаб тик юрган бир пайтда, орқада қолган тепалик қандай қилиб олдинга ўтади, деб ўйлаб, энди буткул саросималанган эди!

Яна бир кур тепаликка қозлашганини ҳеч қайси йўсинда хаёлига сизгирмаётган эди!

Шу палла... баттар саросималанди.

Офтоб уфққа қараб сурина бошлаган, вақт қайтиб “ҳаракат”га келган эди!

Унинг бир қадам жилишга ҳам ҳоли қолмаган эди. Тепаликка кўтарилганча, харобага кириб, ўзини таппа ўринга ташлаши мумкинлигидан кўрққани учундир, Мирза Голиб ҳозир барибир тепаликни четлаб, йўлга тушаверишни, қибла тарафга қараб кетаверишни ўйламоқда эди! Шу алфозда бундан мурад ҳосил бўлиб-бўлмалиги ҳам уни қизиқтирмаётгандек эди!

У худди шундай қилиши аниқ эди! Бироқ... халигина лилипутни эслатган одамлар ёнида юрган ит яна тепаликда пайдо бўлган, бино эшигида уймалашмоқда эди.

Мирза Голиб иккилана бошлади.

Унга Амири саъид Абул-Ҳасан Насрни бу ёққа олиб келишиб, харобада қолдиришгандек бўлиб туюлмоқда, бундан осойишталигини йўқотмоқда эди. Унинг минг йил бурун ўтган амирга-ю, тепаликдаги итга нима иши бор?! Ўз қисматига янгидан фол очмоқчимиз?! Билмас эди. У Исмоил Сомониини барча бухороликлар сингари қарийб авлиё ўрнида кўрар, Наср Иккидан эса, бир оз ётсирар, ҳайкара эди! Шунга қарамасдан, ҳақиқатни аниқламагунча бу ердан кетолмаслигини ҳам ҳис этмоқда эди.

Қийналиб, тепаликка кўтарилди.

Ит бу сафар бинонинг орқа томониغا, пастга энмади. Эшикдан четланганча, этакроққа бориб ётди.

Мирза Голиб эшикни тақиллатиб юрмай, шарт очиб, ичкарига кирди.

Уша даҳлиз, уша хона. Олачалоқ парда...

У яқинлашиб, пардани сурди.

Наср ибн Аҳмад бу ерда йўқ эди.

Лекин... (қандайдир жиноят рўй берган!)

Ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса ичида яна учта жасад, у кеча кўрган ҳолда: бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётар эди.

Мирза Голиб паришонланганча,

пардани қайтиб секин ёпди.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

ИСМ ЖИННИСИ

*Жуңун водийсига мойна — кўрармен жонн-зоримни,
Тилармен бир йўла бузмоқ — бузилгон рўзгоримни...*

Алишер Навоий.

Узоқ бир жойда, тинмай

Тўзиб нола қилар най...

Аммо уни чалар ким?! —

Буни мен билмаман,

Ва, билар — қалбим!

Рабиндранат Тагор.

Боисин — гар сўрсангиз, дўстлар, — дили вайронлигим,

Шунчалар сарсонлигим, кўйида саргардонлигим,

Ёри — хуршид қозлигим, дилдори — моҳ-тобонлигим,

Хуснига ҳайратдин ўлди борча бесомонлигим,

Мен ким-у, сомон?! — чу ортар хар нафас ҳайронлигим...

Собир Абдулла

Алишер Навоий ғазалига мухаммасдан.

Қуёш дам сайин уфққа ёнбошламоқда, тепаликни орқада қолдириб, тўқайзорга шўнгиган Мирза Голиб, тўғри қибла тарафга қараб бормоқда эди... У энди, тик чизиқ тортаётгани билан, аслида, аниқ мақсади бўлгандан кўпроқ боши оққан томонга кетаётган одамга ўхшар эди! Унинг юрагида сўнгги умид учқунлари ҳам сўнган эди... Мирза Голибга мабодо парда ортида ётган жасадлар бугун ҳам таниш, қаердадир кўргандек туюлса, ва, аиникса, азиз инсонларни эслатса, у ўзини бунчалар абгор сезмас эди!

Минг марта харобада бу кеча қолишни истамагани, яна бир карра даҳшат туйишга тоб-тоқати бўлмаганига қарамай, тепаликка кўтарилиб бинога кирганида, — бундан қанчалик бош бурғиси келмасин! — ўзини ўринга таппа ташлаб, ухлаб олишга қарор ҳам қилган эди! Ётса, бас, биров тўп отиб ҳам уни уйготолмаслигини сезган, бунга ишона бошлаган эди... Ҳамма бало шундаки, бир қатла гойиб бўлган жасадлар қайтиб харобага келиб қолган эди. Буниси майли! Кимдир жасадларни алмаштирганми (ёки, аввалдан шундайми?!), улар — бегона, уларнинг турки-тароватида Лутфий, Машраб, Байронни эслатадиган бирон бир белги кўринмас эди... Мана, энди Мирза Голиб, бу жасадлар ёнида, жиноят рўй берган жойда — тепаликдаги харобада қолгандан кўра тўқайзорда ўлганим яхши, деб ўйлаб, рўй-рост ўлим билан юзлашгани бормоқда эди! У Мастурага, ўзининг мурғак фарзандига (агар дунёга келган бўлса!) ачинмоқда эди. Бухорода юрган касалманд, кекса отам, у ўлса, албатта, бухороликлар одати бўйича оқ сурдан мотам

либоси кийиб юрадиган опаларига ачинмоқда эди. Мирза Голиб Бош раҳбар Мардонкул ака, идорадаги ўртоқлари Тенглаш ва Ҳақимжонни алам-адоват билан эсламоқда, у кўнглида бир нарсга ўқинмоқда эди: ҳашарга олдин келиб-кетган кишиларнинг иш ҳақи, уларнинг омонати бўйида қиёмат-қара бўлиб қолаётми! Бу — катта мулк эмас, лекин буни умидланиб қутаётганлар бор, муҳтож одамлар бор!

Тўқайзорда, ҳаммаёғи шилиниб-қонаб, симиллаб оғриб, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг оғирлиги сезилиб, азобланиб бораётган Мирза Голибга, юнги пахмайган, айиқдек ит бу гал негандир эргашган эди. Тилини осилтирганча, гоҳ олдин, гоҳ орқага ташланиб, тўқайзор ичида гоҳ кўринмай, гоҳ кўриниб, Мирза Голибнинг атрофида айланишмоқда эди. Мирза Голиб тўхтаса, тўхтар, юрса, у ҳам югуриб кетар эди! Аввалига Мирза Голиб, ит ўлим хидини сезиб, қон ҳидига иликиб, менга эргашапти, албатта, деб ўйлади. Нечундир: “Отнинг ўлими — итнинг байрами!” — деган гапни ҳам эслади. Аммо кейин...

Бир гал тўхтаганида, яқингина ерга келиб чўккан итга диққат қилиб қаради. Итнинг кўзлари шу қадар мунгли, шу қадар ақлли эдики! Мирза Голиб у ҳақда ёмон хаёлга борганидан, хижолат чекди. Кўп ўтмай, итнинг олдида янада хижил бўлди...

Энди Мирза Голиб ҳадеб қоқилиб-йиқилганича, ҳушидан кетар, ўзига келганида, ит жароҳатланган қўл-оёқлари, бетини беозор ялаб-юлкаётганини кўрар эди! У итга нима биландир зътибор билдиришни истар, бироқ халтасида қотган бир бурда ном ҳам йўқ эди! Ўзининг қачон туз тоггани ҳам эсидан чиқа бошлаган эди!

Тўқайзорга яна шўнгиганидан буён, Мирза Голибнинг хаёлини “армон” деган бир сўз баида этган. У — ҳали ёш йигит, ўлимга юзлашаётми, ўзи АРМОНдан иборат эди! Лекин, назарида, кўнглидаги энг буюк армон: дўсти Лутфулланнинг номи ҳам энди тупроққа олиб кетаётгани эди!

Мирза Голиб йиқилиб-суриниб бораётми, узоқ-юзоқ эсламоқда эди.

Хаёлпараст, фидойи, шу билан бирга, “соия девор” эмас, одам, мурасасиз, жангари — жим, беозор юриб, баъзан бехосдан “портлаб” кетадиган Лутфулла, дунёда ҳар нарсага чидаши мумкин, Лутфийни кимдир камситишига чидаёлмаст эди! У болаларча соддалик, кўнгли тўғрилиқ билан, мени ҳақорат қилишсин — майли, Лутфийга тил теккизгани қўймайман, дер эди!

Шусиз ҳам, Лутфий нотантилик, номардликни кўп кўргани уни эзар, ҳар қачон бу ҳақда гап чиқса, асабийлашар эди...

Мирзо Улуғбек даврида, Самарқандда шоирлардан Сақокий катта шухрат топган, аммо... “бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ бўлур!” — унинг мухлислари бир гал: “Лутфийнинг борча яхши шеърлари” Сақокийникидур, “ўғурлаб, ўз отига қилибдур!” — деган гап тарқатишган эди... Лутфий тўғрисида Ҳиротнинг ўзида ҳам: “Шоҳлардан манфаат кўрганида, уларни мактайди, бошқа пайт мисли шеърлар эди!” — деган “мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ бўлур” эди!

Лутфийни тедбаларча яхши кўрган Лутфулла, аиникса, сўнгги йилларда шоирга бағишлаб ёзилган айрим китобларда: “қарашни чекланган!” деган гапни ўқиб, бўғилар эди. Сенинг қарашинг чекланмаган! Баракалла!

Лутфуллани ҳаммадан ҳам, кундалик ҳаётда рўй берган, кимгадир олдий туюладиغان бир воқеа қийнар эди... Алишер Навоийнинг асарини “саҳнага кўчиратиб” қайсидир театр “арбоб”лари “Навоий номи” билан асарга Лутфийнинг бир неча газалларини ҳам “қўшиб” юборишган эди! Ҳар гал бу асар радиодан берилганида, Лутфулла радиони ўчирар, титраб-қақшаб хонада нари-бери юриб қолар эди! Бу одамлар Лутфийнинг руҳидан кўрқимайдими?! Таваб!

Умуман “исм жинниси” бўлган Лутфулла, исм олдидаги масъулият — инсон олдидаги масъулиятдан кам эмас, ҳатто юксакроқ туради, деб билар эди...

Тўқайзорда хол-беҳол, худ-беҳуд судралаётган Мирза Голибнинг дабдурустан ёдига тушди...

Бир куни Лутфулла:

— Ўз исминг маъносини биласанми?! — деб сўраган эди кулимсираб.

— Ўйламаган эканман. Билмадим...

— Мирза — зиёли дегани. Зиё! Голиб — галаба! Дунёда зиё, згулик галабаси...

— Эй! Мени жуда кўтариб юбординг-ку!

— Сени... Лекин хафа бўлма, фақат сени эмас.

— Ахир, Мирза Голиб мен...

— Тўғри. Лекин Ҳиндистонда, Байронга замондош буюк бир инсон ўтган. Мирза Голиб! Сенга шу одамнинг исмини қўйишган...

Уша кунгача у ўз исмига зътибор ҳам бермаган эди. Буюк салафини билмас эди! Лутфулладан уялиб, китоб излашга тушди. Топди...

...Бобур Мирзо “Ҳинд сори отландим” деган бир замонда, ота-боболари шухратли саркардалар, Турондан Ҳиндистонга бориб қолган Мирза Голиб Агра шаҳрида тугилган эди. У ўзи-ўзига: “Сен қутлуг Турон еридан, сенинг қонинг — турк қони!” — дер, кўпгина ўзини “содда турк” деб атар эди. Бироқ у

мутафакир, файласуф, шоир, носир! — урду ва форс тилларида китоблар ёзган, бутун Ҳиндистоннинг ифтихорига айланган эди!

Урду шеърлятида Мирза Голибнинг хизматига қиёс йўқ, туркий шеърлятда Лутфий, Навоийга ўхшаш — вазифани у ҳам бажарган: урду тилида “қандай гўзал сўзлаш мумкин”лигини исботлаган эди. Бу — бинонинг ташқи томони. Ички томони эса, Мирза Голиб шеърларида дард ва табассум қоришиқ, у бошига қилич келса ҳам ростини айтадиган, ниҳоятда виждонли, қайсар, ўз касби қадрини билган шоир эди! Унинг кетган қисмат йўли шундай эди.

Мирза Голиб ёзган эди:

Ҳар бир сўзни ўлчайдиган борми менчалик...
Сенинг қалбинг — тозаликда қиличнинг дами...
Мен юз бурдим мунофиқлик, риёкорликдан,
Гарчи билдим: ҳақиқатнинг аччиқ баҳоси...
Сенга кўрган кулфатларинг кам бўлганидан,
Бундай инжиб, қилмоқдасан ҳадеб шиқоят...
Мен бировни мақташлардан сақландим, балки,
Бунинг учун мақташ керак менинг ўзимни...
Менга агар берилсаиди бошқа бир ҳаёт,
Ҳозиргисин ўтказардим бошқача яшаб...

Мирза Голибнинг ҳаёти...

Бу ҳақда (бизнинг Мирза Голиб учун муҳим!) яна икки оғиз сўз:

Уни шоир деб танишган, аммо шоирлик шухрати унга жуда кеч, ўлганидан кейин келган эди...

У нотинч, галаёнди бир даврда яшаган эди. Бобурийлар, Акбар саатнати емирилган, Ҳиндистонни инглизлар забт этган, ҳаёт тарзи, муносабатлар кескин ўзгарган, исёнлар, тўнтаришлар...

Ҳаётининг ўзи ҳам ғурбат, кулфатдан иборат.

Болалигида отаси вафот этган...

тоғаси қўлида қолган!

Тоғаси ҳам ўлган...

бобоси хонадонда яшай бошлаган!

Бобоси ҳам тез орада қаҳо қилган...

Ўн уч ёшида Лоҳар бекларидан бирининг қизига уни ўлантиришган, бекнинг тарбиясини ола бошлаган!

Болалари туғилиб-туғилмай кўз юмган...

тутинган бир ўғил; тарбиялаб, волга етказганида, ундан ҳам айрилган!

Бир аёлни севган...

уни ҳам Мирза Голибга худо кўп кўрган!

Онаси, хотини, уруғларидан ёнида ҳеч ким қолмаган...

шунча ўлим, айрилиқ етмагандек, ўзини эркин тутгани учун қамоққа ташлашган!

Аксар гадодан баттар, нонга зор, оч-наҳор яшаган...

турмуш озгина ўнганган пайтларда ўтри урган, тунашган!

Аммо булардан ҳеч бири Мирза Голибнинг иродасини буқолмаган! Уни энголмаган! Ўзи танлаган йўлдан қайтаролмаган...

“Илоҳим, Мирза Голибга тепаликдаги харобада, дераза ортида кўринган қўланка Мастура бўлмасин! Илоҳим, бошқа бирон бахтиқаролик ҳам Мастуранинг бошига тушмаган бўлсин! Сочидан бир тола узилмасин! Яшасин... Илоҳим, уларнинг фарзанди (агар дунёга келган бўлса!) узоқ умр кўрсин! Дунёда омади келсин! Минг хил бало-қазолардан Худонинг ўзи асрасин... Мирза Голибнинг кекса онаси, опалари, яқин кишиларнинг барчасига Худо бардош берсин! Тўзим берсин! Уни ёмон сўз билан эслашмасин. Икки оғиз дуойи-фотиҳа қилишга қурблари етсин... Дунёда одамики бор, марги бемаҳаддан, тухмати ноғохондан, номардликдан, қабўхлик, фалокатлардан Худойим ҳимоятига олсин! Инсонга муносиб, яхши яшашсин...”

Тўқайзорда хивичдек чайқалиб, ҳар дамда йиқилиб, ётиб, яна туриб, олдинга сурилганича, Мирза Голиб шуларни ўйламоқда, шундай илтижо қилмоқда эди. Ана-мана, офтоб ботса, бас, қаттиқ бир қуласа, бас, ўзи ҳатто сезиб-сезмай жон бериши аниқ! Ҳамма нарсанинг интиҳоси бор. Инсонда бўлган имконият ҳам чексиз эмас... интилгани билан узилади! Даҳшатли жойи: у шунчалик азобланган эдики, юрагида энди ўлимга заррача норозилик йўқ эди! Шу паллада ҳаётга, бутун тириклик оламига уни боғлаб турган биргина нозик, ингичка ип — Мирза Голиб деган исм эди! У — эмас, исм — ўлим билан олишмоқда, беҳос сарнигун бўлишдан уни сақламоқда эди...

Илдам босганига қарамай, Мирза Голиб тепаликдан унча узоқлашмаган эди. Беш юз қадам юрдими, минг қадамми?! — билиш қийин... Куёш ботмоқда, ҳаммаёқ қонга беланган... “шарт кесилган бош!”

У олдинги гал сўқмоққа юлқиниб чиққанидек, бирдан... унинг қаршида катта йўл дарёдек ялтираб ётар эди! Бу — катта йўлнинг алабир кесими бўлса ҳам, Мирза Голиб рози эди, кўрмайсизми, йўлнинг нақ адоги, Бозор деган жой узоқдан кўзга ташланиб турар эди!

Мирза Голиб шошганича, йўлга талпинди.

Беш-ўн қадам сурилгач, тўхтаб, орқага бурилиб қаради.

Тўқайзор уфқдан-уфққача чўзилган, қорайиб, парда тортган эди!

У беихтиёр ён-верига алангади, унга нимадир етишмаётгандек эди. Пайқали...

эргашиб келаётган ит тўқайзорда қолиб кетган эди!

Мирза Голиб йўлга тушди.

Бир оз юрагидан кейин, унинг ёнидан миришаблар машинаси изма-из тиббий ёрдам машинаси ўтиб кетди.

У қўл кўтаришга ҳам улгурмади. Бунинг устига иккиландими...

Пойи-пиёда кета бошладим.

Энди куёш ботган, атраф сурмадан тусга кирган эди.

Бозорга яқин қолганида, йўл эталида боғий ўтиб кетган икки машина турганини кўрди.

Қатор чироқлар ёқиб қўйилган, бу ерда анча-мунча одам тупланган, қандайдир куйишмоқда эди.

Мирза Голиб яқинлашди.

Ажабо!

Оёқ остида, у тепаликдаги харобада кўрган уч жасад чўзилган ётар, миришаблар билан тиб ходимлари уларни кўздан кечиришмоқда эди.

Мирза Голиб диққат қилди...

булар — у сўнги кўрган жасадлар, шу билан бирга, негадир... таниш, қизиқ... қайсидир белгиларга эътибор берилса, яна кимларнидир... тўғрироғи. Лутфий, Машраб, Байронни эслатишмоқда эди! Буларни бегона, дейиш ҳам, демаслик ҳам мумкин эди!

Мирза Голиб миришаблар машинасига тикилиб, анграйиб қолди...

орқа эшиги очик машинада кўзларига банд солинган уч киши қунишиб ўтирар...

булардан бири, ёки каттароси Наср Иккигами, Мардонқул акагами?! — ўхшар эди! Қолган иккиси — Тенглаш билан Ҳакимжон...

Мирза Голиб ажабланиб, кифтини қисганича, бу ердан узоқлашди.

У Бозор марказидаги автобус бекатига қараб кетди.

Ниҳоят...

ВОҶЕАНИНГ ОХИРИ

Автобусда тўрт-беш киши бор, ҳолос, афтидан, ҳайдовчи одам кутаётган эди.

Мирза Голиб охириги қаторга, бурчакка бориб чўкди.

Яна бир жувон мингач, автобус ўрнидан жилди.

Анча олдинда ўтирган жувон Мирза Голибга бот-бот ўтирилиб қараётгандек эди...

Ахийри, ўрнидан туриб, унинг қаршисига келганча, тескари ўтирди.

— Салом алайкум... Мени танимадингиз-а?!

“Асида, бу афти-ангор, бу ахволда мени биров танимаслиги керак! Лекин буни қарангки, чиндан мен сизни танимаяпман. Рост!” — Мирза Голиб шундай деб ўйлади. Бироқ, жувонга тикилиб, фақат шунчаки бош силқиди.

— Сиз Мирза ана бўласиз Мирза Голиб! Шундайми?! Бизнинг уйимиз шу ерда. Бозорда! Лекин мен шаҳарда, Мастура опани билан бирга ишлайман. Фабрикада... Жувон бижилдоққини экан, гапни ўзи давом этдирмоқда эди. — Сиз ҳозир ҳашарда келяпсиз. Шундайми?! Демак, билмайсиз... Мастура опани кўзга ёриди. Ўғил! Лекин жуда қийналдилар. Бир ўлиб тирилдилар! Ҳозир яхши... Эртами, индия жавоб берса керак! Сизни табриклайман... Қўшниларингиз менга ёқди. Фабрикадан ҳам қизлар бориб турибмиз. Умуман, ҳаломаси жойида...

Мирза Голибнинг кўзлари, кулоқларига ишонгиси келмаётган эди!

“Индамас” Мастурани севган Мирза Голиб, шу дамда бижилдоқ бу жувоннинг оёқларига йиқилишга тайёр эди...

Жувон қайтиб ўз ўрнига кетди.

Мирза Голиб эса, дераза томонга юзини буриб олган, кўзларидан вижир-вижир ёш оқмоқда эди...

1987 — 1994 йиллар





Вафо ФАЙЗУЛЛО

“НЕ КУНЛАР БОР УМРИМДА ҲАЛИ?”

Ўзбекнинг шеър бовига яна баҳор келганга ўхшайди. Ҳеч бўлмаганда унинг тасаввури. Баҳор-ку келаверади. Эътиборсизларга эътиборсиз, қарахтларга қарахт. Биздек шеър “ёзувчи”га баҳордан-да унинг тасаввури муҳим. 1994 йилнинг охирида “ёзувчи” — “Ўзбекистон” нашриётлари ташаббуси ва ҳомилигида нашр қилинган саккиз нафар ёш шоирнинг илк китобчалари қўлимизда. Атиргул билан олма дарахтининг гуллаш вазифасида фарқ бор. Биласиз: бири кўрк, бири мева учун... Табиатдаги гул одамсиз ҳам гул-очилаверади. Кўнгили одами эса гулсиз “булбул” бўлмайди. Шеърятдаги гул эса кўнгилисиз гул эмас. У кимдандир, ким учундир очилади. Бизга сир очган саккиз нафар кўнгили эса — янги, ёш, умидли...

Шу боис хонанишин, даврандан ҳам айрилиб қолган нигоҳ бирдан буларга кўзи тушиб, ўзларича ҳам бошқалар ҳаёлича улар ҳақида ҳеч бўлмаса гўншллаб, гулдираб юрибдилар. Бизники-да шулардан бири. Унда на бир ҳукм, на бир таҳлил, на бир танқид, на бир баҳо бор. Шунчаки, шунчаки эмас, қувончининг одми, оми таассуроти.

Очиги, бу китобчалар 2000 йил нари-берисидеги шеърятимизнинг ўзига хос дарази. Кейин... беш-олти йилдан буёнги тирикчилик югур-югурларининг иллати, нафс ваҳмидан нотинч маънавиятнинг талвасаси улар. Яъни 90 йилдан буёғидеги шеърятга бўлган ҳар томонлама муносабатнинг бу тўпламлар дунёга келишида сезиларли Ҳиссаси бор.

Сўзни Гуландом Тогаеванинг “Чақмоқ хўрсиниқлари”дан бошлай қолайлик. У бунга ҳақли ҳамда даъвогар. Негаки, саккиз китобнинг ичида шеърхонга энг катта ваъдаларни унинг сатрлари беради. Бир ҳаприқасиз, бир ҳовлиқасиз, кейин бир фурсат — “милиён йил нимандир кутиб”, ўйланиб қоласиз. Ҳамон тараддудланиб турганганимизда қайдандир яна бир нидо келади: намунча? Гуноҳ ахтарган гуноҳкор саде...

Илк қувончимизга эса бошданоқ хайрихоҳ топилади. Ф.Камолнинг унга тилаган “оқ йўл”идан кўчирма: “Гуландомнинг овози ўзбек шеърятинида ўз ўрнини топишига, янги изланишлар, дематки, янги, ўзига хос қўшиқлар бўлиб жаранглашига ишонаман”.

Тўпламни бир ўқиб чиқиб, “оқ йўл”нинг асосидан Гуландом шеърларига қалит тонса ҳам бўлади. Гуландом эса бу ҳолатни назарига ҳам илмай, ёниб, намоишкорона ва тантанали суръатда айтади: “Мендек мўъжизангни қабул эт, дунё”. Мўъжиза-ла дучлашишига қачонлардан буён зормиз. Лекин қачонгача мўъжиза ўрнида ваъдага урилиб руҳиятни гурра қилиб юрамиз.

Журъат — бадиий ҳозирланиш — ярим шеърят. Аввало Гуландомдаги ҳаммани қувонтирган (шоир туғилди, ахир), ҳаммани ишонтирган умид матбуотда кўринган илк шеърлариданоқ ас, самимий, бадиий журъатнинг балқилиши бўлди. Тўпладан ҳам ўрин олган аксарият яхши шеър ва сатрларда ўша журъат, шонч руҳингизни бирам юксакларга кўтарадими, бу туйғулардан буюк оқинликнинг йўл бошидаги тадориги, тараддудининг шарпаси, овозаси келади:

“Шеърим, сени азиз туйтай,
Дардларимнинг бонси бўл,
Мени ярат, қонлар ютай,
Юрагимнинг тонси бўл...”

Лекин шеърхон назарига (“Бизлар кеч учрашиб, эрта айрилдик...”, “Мен сизни дилишбод этгани келдим...”, “Қачонким, ман анинг чашмини кўрдим...”, “Хўрсин, хўрсина бер, чақмогим, чақмоқ...” шеърлари бундан мустасно) ҳаммиша уш

намоишкороналикнинг тушавериши у бир дамлик кайфият, дилнинг ўз-ўзига изҳори бўлса-да бори манманлик, нариёғи бўшлиқдай таассурот қолдириши мумкин. Мана яна бир шеър ҳақида шеър, Гуландомнинг Гуландомга иқтибоси:

Ўз бошимча ҳайрат менинг ҳайратим,
Беҳишту дўзахга сизмаган ҳайрат.
Гарчи тўлган эмас менинг саватим,
Не қипти, ҳали кўп терамиз новот.
Ўз бошимча санъат менинг санъатим,
Афсон ўргатаман гами калларга.
Минг йиллар олдинда яшаш соатим,
Кўп керак бўламан мен одамларга.
Лайлидай бўлмадим гарчи жаҳонда,
Лек тун — олим, ўқиб гамим ошённи.
Лайлидай санамни тугиб бир тонгда,
Мажнун этиб ўлгун бутун дунёни..

Ажойиб таптортмаслик! Ҳайрат + Санъат =? Лайли + Мажнун =? Дарвоқе, “Хўрсиниқ чақмоқлари”да бу ажойиб, юксак ваъдага мос бошқа “ўзлон”лар — ваъдасиз, шеър қани? Тўпламда эса анчагина ўртамаёна савиядаги машқларга ҳам кўз тушади. Булар назаримда юқорида келтирилган шеърлардан олдинроқ қораланган машқлар балки. Эҳтимол, тўпламга тартиб беришида шеърлар ҳажмига эътибор берилиб, уларнинг гўраликлари унутилган. Ишқилиб, Гуландом ўзи кўзлагандай шеър яратмиш “синовидан” муваффақиятли ўтди... Унинг шеърятимизда кўрсатадиган каромати олдиндалигига кўз тутамиз.



Шошқалоқлик қилмай шошмоқ керак. 21 ёшида “Тунги офтоб”и ёруғлик кўрган Баҳодир Жўра шеърят йўлига чиққанини вақтида овоза қилибди... Қани?. Моҳияти ўша-ўша, айтуви ўзича бўлишига уринилган бу сафарга ҳозирланиш самимияти, ички шаффофлиги меҳр қозонувчан: Не кунлар бор умримда ҳали,
Не кунларни кўрарман эркани?
Мен дунёдан ўтган маҳали,
Ўксирмикан қизгалдоқлар ҳам?
Бу ташбих, содда, соф бир туйғу, яна халқ термалари оҳансига яқин. Аммо

“шунақа экан-да” деган мутлақ тўхтам алдаб қўяди. Бу най садоси ҳаракати шаклланган донишмандликдан куч олаётган бўлсада, унга зид, умум манзарадан оёлоқдаги мўъжизаларни тутини ҳалагидалиги аёнлашади. Фикримизга мосроқ бир парча:

Ювилади синашта қўйлар,
Етти ухлаб тушда кўргулик,
Қўй оғзидан чўп олар қўйлар,
Мусичалар қилар ўеирлик...
Даричадек қўлайди меъёр,
Қанот қоқар қушлар кўкка зид.
Етти ўлчаб кесилган гуллар
Унаверар яна бемаврид...

Шу маънода янгилик бўлмаса-да, Баҳодир ҳам моддият ичидаги руҳиятга, кўзимиз кўриб турган борлиқни эмас, унинг акс таъсирини тасвирлашга иштиёқмандлиги, айрим ўрилларда ўзи излаётган манзил бўйини туйганлиги умидли. Бироқ... тўпламда илк машқлар, шунчаки қораламалар, ўрнига тушмаган ҳаёллар, янгилик дея ўткинчи назмий “эпидемия”лардан заҳарланиш — таъсиру тақдидларгача кўз тушади. Лекин барибир юқорида мухтасаргина тилга олинган ва бари қирралари санаб ўтирилмаган ундаги иқтидор, унинг қудрати бу “безак”лардан ўзини тозалай олишига қурби етишини кўрсатади. Бунинг учун фурсат ҳам бор...

Бу китоблар ичида Минҳожиддин Мирзонинг "Нилуфар"и билан Абдувоҳид Ҳайитнинг "Жон қуши"си алоҳида ажралиб туради. Нега? Негаки, худди шу икки китобнинг муаллифи шоир сифатида шаклланган ҳолда намоён бўлишади.



Минҳожиддин Мирзонинг китобини сал эътиборсиз ўқиган ўқувчи уни ўртамеънароққа чиқариб қўйиши мумкин. Қай даражададир бу илк таассурот ҳам ҳақ бўлиб чиқади. Чунки қаламга олинган мавзулар оддий, йўриши анъанавий, тасвири содда. Ҳайқириғи ҳам сезилмайди. Айниқса, образсиз шеър тановул қилолмайдиган — образхўр ўзи кутган ташбеҳларни, зўр бериб топилган образларни ҳам ундан учратолмай хуноби ошса керак. Яна бунинг устига "Машираб"га ўхшаб кам бўлса-да учровчи баёндан иборат машқлар

эътиборсизликни ошириши мумкин.

Аммо хулосалашга шошилмайлик. Ўз руҳига тушиб, тўплам қайтадан ўқиб чиқилса, 25-30 ёш ўртасидаги оболди бир кўнгли хаёлда қад ростлайди. Унинг ёши тартиби эскирган деб билган, анъанавий, ҳатто эзилиб кетган йўналиш бўлса нима бўлибди? Энг муҳими бу йўл билан кетаётган йўлчи кўнглининг истеъдод даражасидаги кечинмалари баҳода эмас, кимгадир ўзини кўрсатиб қўйиш учун ҳам эмас. Унинг дардлари ишонарли. У юракни азалий бир қонуниятдан келиб чиққанлиги билан жисзилатади. Бир мисол:

Бир булбул умрини яшашим керак,
Қизгалдоқ остига киргунча таним.

"Экспромт"ларнинг кўпи ўлимга маҳкум. Аммо теран туйвулар ифодаси, ҳўли қўшиқлар ҳамма замонларда ҳам кўнглига ҳамдард, ҳамқадам яшайди. Анъанавий шеърятнинг гўзал намуналари вақт ўтган сари дурдонага айланиб боришининг сабаби шундан бўлса ажаб эмас. М. Мирзонинг келажак шеърятдан ҳам шундай шеърлар кутгиниз келади... Бунга унинг "Баҳор бўлиб кел", "Илоҳ дедим", "Нилуфар", "Қайду" каби шеърлари изн беради.

"Жон қуши" янги шеърятнинг ватдаси эмас, ибтидоси, тилаги эмас, бедарак дараги. Менимча, янада тўрроғи, эски (яъни классик) шеърятимизнинг шайдоси, гадоси у...



Китобнинг бошида А. Қутбиддин у ҳақида ёзганида, бир ўринда: "Умуман Абдувоҳид (Ҳайит) кечаги хазиналарни очишга қодир шоир. Ишончим борки, эрта унқириш", дейди. Бугун кимники? Бугуннинг даъвогарлари кўп. Ҳатто Абдували Қутбиддин ижоди ҳам "Бахтли йил"дан кейин анча вақт ўтганини назардан қочирмасак бугундан ташқаридадир...

Шоир шаклланади ёки қобиқ топади.

Ўз шамойилини ўзи топган шакл тобора нафаснинг янги имкониятларини очади. Қобиқ тобора қисиб, чеклагандан чеклайди. Қобиққа тушган бошқа бировга эргашиб, ҳисларига ин топиб беради, холос. А. Ҳайит ҳаминша ўз "мени"ни устивор қўйиб шаклланиб келаятгани яққол сезилади. Аммо бу шаклланиш "кечаги хазиналар" ёмбиси-ла кучига куч қўшилаётганлиги ва кейинги 70-, 80-йиллар ўзбек шеърятини кўлга киритган муваффақиятлардан сабоқ олганлигини эътироф этиши керак. Тасаввур мизими оҳорли, ҳам ўзича санъат бўлган шеърлардаги устакорлик маҳсус тайёргарлик, билимнинг ҳам натижаси. Қисқаси унинг узоққа кета олиши мумкин илдизи — бу юз йиллаб ўраганиш босқичини босиб ўтиб, камолотга етган, дунёвий миқёсдаги маънавият ва санъатимиз дарёсига топиниш, интилиш меъасидир. Миллий адабиётимиз кейинги 70 йилда она сутидай зарур манбасидан айрилди. Натижада шеърятимиз ҳам орқага кетди. Бунинг аллақачон ҳис қилган Абдувоҳид эса юрак юртини уйғонтирувчи баҳор орзусидай кўнглига "Жон қуши"ни тақдим қилди. Унинг шеърый фазилатларига фазилат қўшилиб, ҳам тилагдай шеърятимиз дарёси ўз уммони сари йўл бурсин. Шунда "эрта" тезроқ келармиди?!

...Ҳар бир миллат кишиси икки улкан фазилати учун ўз

шоирини севади. Бир руҳият оламида янги, ўзига хос мўъжиза яратгани учун бўлса, иккинчиси ўз тилининг мўъжизасини, унинг улкан имкониятларини миллатдошларига кўрсатиб, санъаткорга айланганлигидир. Биринчи мўъжизадан ҳайратланиш тилдан тилга ўтиши, янги тилсимларни очишга туртки бўлиши мумкин. Шу боис у жаҳон маънавият мулкига, дурдонасига айланган шубҳасиз. Аммо иккинчи тил имкониятларини намоёниш этган мўъжиза тилнинг эгасига, унинг руҳи-ла яшаганга қадрли жавабдир. Бу мўъжизани ўзга тилларга ўгириш, унинг жислосини намоёниш қилиши душвор.



Паҳлаевон Содиқнинг "Руҳият насими" китоби бошида ноқ тил хусусиятининг айричалиги билан эътиборни тортади. Негаки, унда халқимиз бошига солинган, тилимиз юрагини жараҳатлаган кулфатлардан кейинги ҳолат, бир қадар ўша йўқотилган ўрнини тўлдиршига уриниш бор. Ростки, қарийб бир асрдан буён ўз ўтмишидан ажратишга уринилган шеърятимиз тили ҳам гариблашиб, санъат даражасидаги ранг-баранг товланиш ва турланишларнинг қанча-

қанчасини бой берди. Қолган истеъмолдагилари эса эзилиб келарди. Бунинг П. Содиқ ҳам чуқур ҳис қилган кўринади. Шу боис китобдаги аксарият шеърларда тилнинг асосан икки йўналишида ишланган, жило беришига ҳаракат қилинади.

1. Руҳиятнинг бир кўриниши аксантириляётганда атабид ифода усули, сўзнинг ёзилиши бузилади. Мана:

Кўзларим бу тира шомимга тилиди,
Юзларим вавода комимга ювклиди.
Дилафруз, дилэҳром руҳимга юкундим.
Ибодат фаслдан ёмбирлар ўтиндим,
Сен айдинг: бу сирот, чайқалмай ўт энди...

ёки
Тасаввур тарихида юзмакда сўзро,
Саҳродан самумни сўнмакда гардим,
Сен ўздан бординг не девонсаро?..
Нечук расволандим,
Не бахт, телбардим!..

Қарангки, юқоридаги икки сатрда тил нормалари бўйича "шомимда" ва "комимда" ёзилиши ўрнига -да эмас, -га қўйишга келганлиги тасаввур майдонини кенгайтирган. Иккинчи бир ҳаёда эса "айтди" ўрнига "айди", "Телбаландим" ўрнига "телбардим" тарзида сўзлар ёзилиб, гўё шеър, сатр оҳангидаги "задир-будир"лар тарошланади. Бироқ бу йўсин сўз ишлатилар ҳамма жойида ҳам ўзини оқлаганми? Айрим ўринларда сатрга сығмаган бундай сўз ясаилар ҳаддан ташқари эриш туюла бошлайди. Дудуқланишига ўхшайди...

2. "Руҳият насими" да сўз қўллаиши яна бир жиҳатини шулуқ ва камчиликларни ҳақида гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бу тилнинг имкониятидан унумли фойдаланиш ниятида ҳадеб бир сўзга эмас, балки унинг синонимларини ахтариб, топиб қўллашнинг одат қилганлик воқеасидир. Фаолиятсиз қолган сўзларимизни яна ишга солиш қандай яхши. "Кўнгли кўлбасида битта дарёча...", "Шабистон — азамнинг ҳарам, азизам...", "М.га", "Восн ҳақида мудҳиш шеър", "Вовайлато"... каби тўпламнинг эмс лухта шеърларида бу изланувчанлик, қатъият шеърларга янада жилолатган, руҳини юксалтирган. Дард ўйинига, ҳўзонч қудратининг янги барини очган сўзларга, улар тўрғайисига ҳавасланмай бўладими?!

Аммо кўп ўринларда бунга ҳаддан ортиқ зўр берилади. Натижада бир оҳангли, мақсади номаълум ажасий сўзлар оломонига дуч келган ўқувчи фикр ва ҳис мароми мизмунини йўқотиб қўлади. Тушунарсиз сўзлар ҳам маъхумотга бошлайди, ҳам тезда зериктиради. Сўзда эмас, шеърда озроқ маъхумот пардали манзара, сирлироқ руҳ бўлса ёмон эмас. Ўзган сўзлар қанчалик тушунарли ва аниқ бўлса, отилаётган ҳўс, учиб бораётган фикр, бехато нишонга тегади. Паҳлаевонда эса бу тушунарсиз сўзларнинг аксарияти араб ва форс сўзлари бўлиб, классик шеърятимизда улардан фойдаланишнинг ҳолида ҳозирда унутиб юборилганлиги ачинарли. Мен бу билан улардан энди фойдаланиб бўлмайди, ишлатиш хато, ўқувчи тушунмайди-ку, деб тилнинг янада гариблатишига чорвашчи эмасан.

Фақат уларни луғатлардангина ўрганиб, шеърга тиқштирилган билан тил яна ўз ҳолига қайтиб, бирдан боймаслиги, Паҳлавон машқлари мисолида бу сўзлар ўқувчига оддий бир манзарани-да тушунишига, илғаб олишига моневлик қилишини айтмоқчиман. Янги ёки унутилган ва бўлмаса шевадаги бирон бир оҳорли сўзи шоир ўз шеърда шундай ўринда, шундай вазиятда қўллаши керакки, бу сўз ўз-ўзидан тирилсин ёхуд уйғонсин, бир чеккада қолиб келаётган бўлса, лаҳзада кўнглига ўрнашсин, ҳислар уни таниб олсин. Шундагина у ўзини оқлайди, тил бойийди, хаёлга хаёл уланади. (Бундай сўзларга дучлашиш ўзимнинг ҳам орзумим ва армонимдир.)

Паҳлавон баъзи ўринларда бу сўзларни ўзи ҳам тушунмай қўллаб тузуққина шеърларига жароҳат етказилади. Бунда тушунарсиз сўзларнинг маъносини луғатдан топгандан ҳам манзара, ҳолат ноаёнлигича қолаверади. Масалан, "Зоҳирим — замирдир, ботиним гариб", "Руҳият насими на сийм Насимий", "Тахайёр тарихида тузилган ривоят", "Фарида туманлардан тикилар чодир", "Кафтимга тикилар оппоқ шивирлар, қарогим учоди бахтнинг илкени", "Шайтон малак бўлса, вожиб комимиз, Малак шайтон чиқса, арзимиз йўқдир", каби сатрларда ажратиб кўрсатилган сўзлар нега ишлатилганини ҳарчанд уринмай билолмадим, тушунолмадим.

Мен "Руҳият насими"нинг тил хусусиятида кўрганларимни тушунганимча тортинмай айтдим. Иқрорманки, П. Содиқнинг илк уринишлари, ўзига берган завоқ озорларига қараб ҳам ундан тилимиз учун-да фидоиликлар кутса бўлади.

Хотирали шеърлар бўлади. Энг асиз, қайтмас дамларни опичлаб юради. Холмурод Абдураҳмоннинг "Оҳанг"идан биринчи топилдиқ шу. "Кесаклаймиз бир тўп қишлоқ боласи...", "Қайтдим...", "Иқрор", "Оқшом" каби шеърлардаги ҳолат суратига боқиб эҳимли. Чунки бошқаларнинг ҳам маъсум хотирасини уйғотди бу жайдари ёднома:

Шукр, вуждимга қайтди руҳим,
Демак, шудгор қилинмабди
Кўксимдаги болалик дашти.



Аммо... Х. Абдураҳмоннинг ўзида бундай шеърлари соддалиги — болалигидан "уялиб", "Оҳанг"ни ташбеҳзор этади: "Бизга тутқаздилар кеса тўла чўз". Бу чўз — "юлдузкеса"дан томаётган шуъла бир юмалаб "қуёи обтобаси"га айланади ва ундан субҳ юз чаяди. Бундай ташбеҳла "гапириши" "Заҳролуд шаробни ичдим сипқориб..." сатри билан бошланган шеърда (айрим ноўрин сўзларни ҳисобга олмаганда) ўзига мос оҳанг топиб, қўшиққа айланади.

Тўпламни кўздан кечирганда шу нарса маълум бўладики, Х. Абдураҳмон манзара-ҳолатларни рамз ва образли чизишнинг ҳадисини олган. Фикрини, ҳисини яланғоч, жўн тақдим этгиси келмайди. Ҳатто шу йўлда "товбадон"га ўхшаши сўзлар ҳам ясайди. Бироқ аксарият ҳолларда образ яралгучи шеърларнинг воситачиси бўлиш ўрнига ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб олади. Шоир ҳам унинг кетидан шеър дафтарини кўтариб юради. Ташбеҳ айтарини айтгачина, унинг соясига асосий ҳолатни қуради. Қуйидаги шеърга эътибор беринг. Унда биринчи тўртликда ташбеҳлар суронидан сўз, асдо боиси нимадан эканлигини билишига имкон бўлмайди. Иккинчи, учинчи тўрт қаторда ўша асосий ҳолат очилади, аммо унинг шахтини барибир тўрт қатордаги мўл ташбеҳлар босиб туради:

Қуйинг қақнус қонин гул косасига,
Лабларим тирноқдай беҳис, саҳроранг.
Қалбим тошбақадай асрайди ўзин...
Юрак — уд, бўғзим най, томирларим чанг.
Сирланган оламнинг ичкарасида
Беқанот тан кўрмас ойнада ўзин.
Рух танга кўзгун келтирмоқ бўлар,
У-чи ўнаётир шайтонлар изин.
Қўёшнинг тафтига қориб тупроқни
Едирдим ўзимга иштаҳа тилаб.
Тошларнинг нурдайн оқмоги аён
Сенинг хаёлинг-ла текизганда лаб.

Демак, бизнингча, ташбеҳлар яхши бўлган ҳолида шеърнинг умумий ҳолатидан юқори, ҳам айри ҳолда қолиб кетмоқда. Шу

билан бирга топилган ташбеҳларнинг айрилари бошқаларникига яқин бўлиб қолган. Масалан юқоридаги шеърнинг бир жойида "бўғзим най" дейилади. Китобнинг яна бир ўрнида эса энди "суягимдан ярат анбар бўйли най" деб қайтарилади. Ҳолбуки, бу А.Қўтбиддинда "Кекирдагим қилиб най" тарзида анчадан буён бор. Шу ерда биз унинг ўз ўзини қайтарайтиганига ҳам дуч келдик, бу нуқсон — бир қобиққа ўралиб олишлар, тасвиру оҳангдаги қайтариқлар анчагина сезилади. Булардан қўтулиб, илашма оҳангларни йўлда қолдириб Ҳ. Абдураҳмон ҳали кўн "юрагини сайратилишига" (У. Носир) умид бор. Лекин куй қандай чиқади?..

...Вақт кўрсатади!

...Ҳамма ўтиб юрган йўлда ўзлиги билан кўзга ташланиш қийин юмуш. Бунда нимага қодирлигиниз ёки на-да ожизлигиниз дарров ошкор бўлади. Кейинги пайтда кўнчилик абстракт — маъсум шеър тилишига берилганлигининг бир сабаби шундан. Ичи бўи, сиртидан ноаниқ сатр тушунилмай, ҳар хаёлга борилса ярим "даҳо" сиз-да. Сирожиддин Рауфнинг "Йиғлаётган ой"ни ўқиб, бу касалдан омонлигини кўрасиз. Шу боис ўқувчини аврашини хоҳламаган руҳ оз бўлса-да фикри содда ва теран ҳисларни тутади: "Балки дунёдаги жамики сўзлар", "Ҳиёнат", "Халқ оҳангда", "Рангин болаликка алвидо айта...", "Тазарру", "Ҳамма ёқда атиргул иси" шеърлари шулар жумласидан.



Афсуски бу шеърларнинг бирдан иккинчисига етгунча баландареоз ("О, буюк муҳаббат...", "Йигирма бир йилки кўксимга қамаб", "Сонет", "Илоҳи...", мақоланома ("Жўда тез шондинг...", "Умр поёнида Муқаннинг хаёлидан кечганлари") китобий, ишқ можазоларининг қуруқ баёнига ("Ошиқ дўст мактуби", "...га") бўлак шоирларнинг айрим шеърларини эса соладиган ("Бир сўз бор..." — С. Рауф — "Бир сўз бор" — Р. Парфи) машқларнинг борлигини ҳам айтмаса бўлмайди. Бу нуқсонлар билан зукко кўнгила нур улашини қийин.

Барибир, "Ватан сурати" шеърда ёзганидек С. Рауф ҳам самимий бир ваъдаси билан ўз келгусини кузатишига чорлайди: Чизман, фарзандман, чизмай қўймайман,
чизмай десам сўнгра қийнар армоним,
балки бўёқ бўлар юрагим қони!..

Шоирлик — хаёлий сайр. Нормурод Мусомовнинг "Хаёлга сайр" тўплами номиданоқ ёш шеърятнинг орзусига исм топиб бергандай. Бу орзунинг уриниши, зўриқиши ва адашишлари яна бошқа тўпламлардан кўра унда яққолроқ кўзга ташланади. "Севги", "Ёлғизлик ҳақда", "Тенгликлар", "Билиб қўйган яхши" каби манзумаларида фикр яхши, ўқувчига раво етказилади. Лекин ифода насрий.

"Хаёлга сайр"даги бўлак шеърларнинг хатти-ҳаракати матом бўлакча. Гўё улардаги мақсадга қараб тенгдошлари — Абдувоҳид Ҳайит,

П. Содиқ, Х. Абдураҳмонга ўхшаб урфга айланаётган шеърлар ёзгиси келганим деб ўйлайсиз. Чунки "жўшганида" шу тартибда, тилига келганини қайтармайди. "Икки қўл қарс урдим, қасрга тушдим", "Менга на нур ҳожат, гардун етарли...", "Аста-аста", "Сочларига симиштириб бахтларимни...", "Қадамлар узилиб қолганда", "Созгичнинг озига кўприк қулайди..." каби машқларда сўзлар ноўрин, тартибсиз, маъсум тарзда тизилиб келадики, бироқ нима дейилмоқчилиги тўла анланмайди.

Оддий-ю, ўзи яхши чиққан "Уйғотди ва гулдек тўлиб яшаб кетди...", "Зулфинга осилиб сўзларим тинди..." каби оҳанги ва сўзи тиниқ шеърлар китобда кўпроқ бўлганда "Хаёлга сайр"нинг илги тўларими?! Афсуски бунинг ўрнига тўпламни ўқимшисиз эладиган "Метрода", "Шунчаки мувашишах", "Шу шеърни ўқиган қизларга", "Севги жуда ҳам зўр неъмат", "Умр катта денгиз...", "Бир дунё излайман..." каби бўи ва жўн машқларга кўз тушади. Уларни тўламага киритиш шартми? Фақат бир таскин кўнгили ёритади. "Хаёлга сайр"лар бошланбди. Ҳали давом этади. Шеър эса бирдан, бир уринишда тузилмайди...

П. Содиқ, Х. Абдураҳмонга ўхшаб урфга айланаётган шеърлар ёзгиси келганим деб ўйлайсиз. Чунки "жўшганида" шу тартибда, тилига келганини қайтармайди. "Икки қўл қарс урдим, қасрга тушдим", "Менга на нур ҳожат, гардун етарли...", "Аста-аста", "Сочларига симиштириб бахтларимни...", "Қадамлар узилиб қолганда", "Созгичнинг озига кўприк қулайди..." каби машқларда сўзлар ноўрин, тартибсиз, маъсум тарзда тизилиб келадики, бироқ нима дейилмоқчилиги тўла анланмайди.


Оддий-ю, ўзи яхши чиққан "Уйғотди ва гулдек тўлиб яшаб кетди...", "Зулфинга осилиб сўзларим тинди..." каби оҳанги ва сўзи тиниқ шеърлар китобда кўпроқ бўлганда "Хаёлга сайр"нинг илги тўларими?! Афсуски бунинг ўрнига тўпламни ўқимшисиз эладиган "Метрода", "Шунчаки мувашишах", "Шу шеърни ўқиган қизларга", "Севги жуда ҳам зўр неъмат", "Умр катта денгиз...", "Бир дунё излайман..." каби бўи ва жўн машқларга кўз тушади. Уларни тўламага киритиш шартми? Фақат бир таскин кўнгили ёритади. "Хаёлга сайр"лар бошланбди. Ҳали давом этади. Шеър эса бирдан, бир уринишда тузилмайди...



Чўлпон ЭРГАШ

БЕЛУЛ ТОМОША

"Раҳмон восвос" хаёлий кечмиш достонидан



Театр ҳовлиси. Кеч оқшом. Томоша бошляғи арафаси. Исроқчлар хилма-хил саҳна кийимларида, юзларида — грим, сайр қилиб юрадилар. Раҳмон ҳам шаҳзода либосида, юзида грим, у ён-бу ён бориб-келиб, рўли сўзларини тахоррамқоқда.

РАҲМОН

(кўзлари чақнаб, хаёлан)

Худо, яна ўзинг шарманда қилма!
Муҳими — ўзимни йўқотмасам, бас...
Яхши чиқса агар бугун шу рўлим,
Катта-катта рўллар ҳам берар!
Ҳаёт эмас саҳна, ҳар он ҳисобда,
Яшаш керак аммо ҳаётдагидек.
Барча артистмас-ку оламда, бироқ
Жуда яхши ўйнар ўзини ҳар ким.
Саҳна — шу ҳаётнинг суврати, фақат
Алдаслик керак томошабинни,
Пул тўлаб киришар бу ерга улар.
Ҳаёт эса — беғул томоша, лекин
Кўзингни бақрайтиб алдаб туриб ҳам,
Унда ҳеч бир одам кулиб юбормас.
Бироқ ҳисобсиз деб ўйлаб бу ҳаёт,
Бирдан кўпга тушиб қолиш ҳам мумкин!
Эскилар айтмоқчи, — ёруғ дунёда
Бировнинг бировда ҳаққи қолмас ҳеч.
Саҳна ҳам — шу, кулсанг — кулсин барча тенг,
Йигласанг — йигласин сен билан, ҳамлард.
Саҳна ҳаёт эмас, уч-тўрт зўр актёр
Алдаб, бор одамни тутиб туролмас.
Ишонтирмоқ бўлса ёлгонни, йиғлаб,
Қолиб кетмас асло улар ҳақи ҳам...
Аммо қизлар бошқа, гўдак сингари
Алдаш керак, севсанг, уларни фақат.
Ишонмаслар чиндан "севаман" десанг,
Шундан ҳам кўп қизлар алданиб тез-тез,
Кейин ўзгаларни алдаб, эр қилар.
Ох, жоним, сенми ё мен сени алдаб,
Менми ё сен бахтсиз бўлурсан, Раъно?!

Шундай бўлса агар, тухмат бу дунё!

Ёш жувон билан Ялмоғиз кампир қиёфасидаги ўрта ёш аёл ўзаро суҳбатлашиб, Раҳмон ёнида ўтиб борадилар.

ЖУВОН

(Раҳмонга ер остидан буралиб боқар экан, бир қўли билан шергингни белдан кучиб)

Шундай тортиб ўзинга маҳкам,
Тишлаб-тишлаб олсанг бетидан!..

АЁЛ

(Раҳмонга кўз югуртириб)
Кўзга яқин ростдан ҳам, аммо
Ҳали у кўз очмаган кучук.

ЖУВОН

Ким бу ерга қўйибди қайси,
Кўз очган у она қорнида.

АЁЛ

Бор экан то сиз ҳамширалар,
Ҳар қандай кўз дўхтири — бекор.
Бўлса ҳамки ҳатто тугла кўр,
Мошдек очиб кўорсиз теада!

РАҲМОН

(рўли сўзларини ёдлаб)

"...Шайтон билан Фаришталар боши бир бу кун,
Жонзотки бор ҳалола-ҳаром — ошм бир бу кун.
Бешикдаги гўдакдан то чол-кампиргача
Қайнаган хирс бозорида тоши бир бу кун..."

ЖУВОН

Қуни кеч менинг ўзим ҳам
Кўр эдим шу барно йигитдай
Мени кўрган ҳар ким — пой-патак,
Қолмас эди ортимдан итдай.
Қанча бўлса, ўлгур, чиройим,
Шунча эди менда ҳам гурур.
Нечаларни куйдириб, охир
Куйиб қолдим ўзим бир умр...

АЁЛ

Бир сизмики куйган, нолирсиз,
Бу жаҳаннам ўтида бугун.
Ажаб эмас, учраб тенгингиз,
Икки ёрти бўлса бир бутун.

ЖУВОН

(армон билан)

Илк гунчалар бўйнимда маржон,
Таҷрибасиз ниҳол эдим бир.
Бир кун ногоҳ эркалаб бағрим,
Илиқ бир ел эдию дилгир,
Мен, баҳорим келди деб, яйраб,
Кулиб боқдим, очилиб, ҳар ён.
Кўзгалдию бирдан изгирин,
Ҳазон бўлди бевақт гулларим!..

АЁЛ

Баҳорингиз олдинда, жоним,
Очилмаган гулингиз қанча...
Қараб турсам қоматингизга,
Ҳатто менинг жимирлар этим!..
(Хандон отиб куладилар)

РАҲМОН

(рўли сўзларини ёдлаб)

"...Бобом дерки, бошим силаб: "Қаноат этти",
Ота-онам айтар йиғлаб: "Итоат этти".
Эй, маликам, не дерсан бу палид дунёга?
Ёқай уни бошдин-оёқ, ижозат этти!..

ЖУВОН

Армон бўлган илк муҳаббатим
Пок юзига қўйдиму оёқ,
Умидларим бари то бу кун
Оёқ ости бўлур ўшандоқ!..

АЁЛ

Сиз биринчи муҳаббатим деб,
Ғам чекасиз, синглим, бекорга.
Дарахтдаги меваларнинг ҳам
Қурт тушгани пишар энг аввал.
(Жувоннинг пинжиги суқулиб)
Биттаси — мен.. Жоним садақа

Ҳар қанақа муҳаббатга ҳам!
Аммо қандоқ аталмасин у,
Ҳаром қоннинг васвасасидир!
Шундоқ экан, ҳавас қилманг ҳеч,
Эр зоти бор — оёққа тушов.
Ўтар-кетар дунё — бу дунё,
Ўзиники ютганинг бугун!
Рости, севдим мен ҳам беармон,
Эр ҳам қилдим, ажралишдим ҳам.
Кейингиси кунлаб жувонмарг,
Ўз бошини ўзи еб кетти.
Олим эмиш яна, ўқиган!
Ўлайми-я мақтанишига:
Сотсамиишлар, ҳар бир китоби
Тўртта шахмат атлас турармиш!
Кўнгил хуши учун ўзим ҳам
Тайёр эдим унда ҳар ишга.
Эр деган кўп ҳушёр бўлса ҳам,
Ширин жоннинг уводи экан.
Ичиб олиб, эрта-кеч “чўрт-пўрт”,
Ўйнаш қилиб соясига ҳам,
Қараб турсам, чамандай умрим
Ҳазон бўлар у билан бевақт.
“Бор!” деб бир кун, олим эрдан ҳам
Уйку дори бериб қутулдим.
Хабар топиб милициядан,
Текширгани келган бир одам
Маҳалламиз эркаларига
Ваъа айтди, жон куйдириб узоқ,
Ичкиликнинг зарари ҳақда.
Куламан, денг кетгач, қотаман,
Шукур, дейман, биз — хотин-қизлар
Минг ўргилсак оз бу замондан!
Худо бор деб ўйлаб қадимда,
Гулдай-гулдай жувонлар, шўрлик,
Битта эрга қул бўлиб ўтган.
(Аламли хўрсиниб)

Ой чиққандай саҳнага, оҳ-ҳо,
Кунда ҳар тур малика эдим.
Э-воҳ, фалак, тўймай ёшликка,
Бугун дарров Дали кампирман!
Ёшлик — шўхликдаги опачам —
Бир кампир бор — машҳур отинча,
Пенсияга чиқиб, у билан
Энди мурид овламоқчиман.
Оғзида илми бор —
Тўрда азиз ёр!
Ўйнаб-қулинг ҳозир, тўйгунча,
Армон қилманг қаригач мендай

РАҲМОН

(рўли сўзларини ёдлаб)

“...Юзи шувит келинчақдай, ер сузиб, соқов,
Етар, бунча ўзингизни кўрсатманг меров.
Ошиб юртдан, келар навбат сизга ҳам, беғлар,
Туриг теэроқ, тахтингизга туташмай олов!..

Икки кекса актёр ўтади

БИРИНЧИ АКТЁР

(узоқдан аёлни кўрсатиб, шеригига)

Икки марта эр қилиб, зангар,

Икковига қиз бола теккан!

ИККИНЧИ АКТЁР

Ҳа, ўт қўйиб минг бир гўлаҳга,

Кўзалар — қосов санчгандай қора,

Оппоқ бўлиб ўзи пахтадай,

Дарс беради бугун ёшларга.

Биринчи актёр

Ёшлигида ҳусн дегани

Ҳаммаси шу даллида эди.

Куйдириб у кўпларни, ўзи

Териб, катталар билан юрган.

Энди кўрсанг, синиб бозори,

Ҳар сояга сузилиб ўтар.

(Шеригининг елкасига қўлини ташлаб)

Бир қизи бор муштумдай, аммо...

Ўт чақнайди худди кўзидан!

Бориб қолсам баъзан, ё обло,

Ейман дейди мени ҳалитдан!

Тавба, дейман, ким ўргатган, а?

Эркаланиб боладай аввал,
Суйкалару ҳар ёгимга у,
Индамасам, ёпишиб дарров,
Кучогимга суқулар, мажбур.
“Ёш бола-да...” дейману, бироқ
Ит қувлаган мушук сингари,
Кириб кетар ичимга, қургур.
Вужудимни элитиб шу дам,
“Туп” этади қўйнидан атир.
Чўчиб, унга қарайман аста:
Қошда ўсма, кўзида сурма,
Упа-элик кўзларида ҳам.
Тўлғаб узун киприklarини,
Келинчақдай сузилиб боқар.
Борса, ўндан ошгандир, лекин
Боламас у, бир кучоқ олов!
Кўрмагансиз, бир кўрсайдингиз:
Нокдек кўкси туртиб бешбаттар,
Икки дунём ёқар бир ўтда.
Бўшаб бугин-бугиним бирдан,
Ҳай бераман шайтонга, зўрга.
Танимасмиз, бир кўрсайдингиз,
Исмидан ҳам ортикча Зебо!

ИККИНЧИ АКТЁР

(ишшайиб)

Таниганда қандоқ — бир девор,

Ҳали ҳамми инсоф бор бизда...

(Раҳмонга ишора қилиб)

Мана булар тап тортмас аммо,

Шударники эндиги даврон!..

Биринчи актёр

Ғалатироқ бу йигит... унча

Парвоси йўқ хотин-қизларга.

ИККИНЧИ АКТЁР

(шоирона)

Атир бураб турса гуллар димоққа,

Булбул бўлиб кетар қурбақа чоғда.

Аёл кучоги ҳам шундай ажиб бог,

Қайтиб чиқмас, бир қур кирган бу боққа!

(Хириллаб кулади)

БИРИНЧИ АКТЁР

Ўлганида тўяр бу кўнгил,

Аммо уят — ўлимдан қаттиқ...

Иккинчи актёр

Биз уят деб атаган нарса —

Неъмат экан асли, дилором.

Кўз-кўз қилиб бугун ҳар қайда,

Олур ундан эду юрт ором.

“Ёмон”, деймиз ёвлашиб одам,

Бир-бирига бермаса омон.

Севиб аммо, бири-биридан

Лаззат топса, нимаси ёмон!

Хотини ё қизи кимнидир

Яхши кўриб қолса қадимда,

Тириклайин, ит ўлигидай,

Кўмиб ташлаб, қутулган фақат.

Бу қандайин подонлик, ахир,

Улар севган, юлишган эмас!..

Кимга керак унақа ҳаёт!!!

Бундан буёқ энди, ҳар қачон,

Маҳалла-кўй, жойларда муқим,

Энг кўп севган, севилган, дилдор,

Тажрибали аёллар хушёр,

Ўзларидай ишқ фидолари —

Оромини бузган қоқоқ эр,

Тушунмаган оталаридан

Бу ҳуқуқни ҳимоя қилар!

РАҲМОН

(рўли сўзларин ёдлаб)

“...Сабр деган улган қушмас, қайрилиб қанот,

Оч қузгунлар чангалида ётса, бенажот.

Боболарнинг чирқираган руҳига қасам,

Хўрланган эл, номус учун бошлармиз газот!..

Икки бор қўнғироқ чалиниб, актёрлар тарқала бошлайдилар.





Ҳар бир адабий авлоднинг нафақат соф бадиий янгиликлари, балки жамият маънавиятига, мавжуд ижтимоий муносибатларга янгича ёндашувлари тўсатдан пайдо бўлмайди, албатта. Ушбу қараш ва хулосалар ўзига хос тугилиш ва ривожланиш босқичларига эга бўлади. Худди мана шу жараённи изчил текшириш туфайли муайян авлод маънавий-поэтик фаолиятининг тадрижийлигини, умуман бадиий ижод сирларини очиш бирмунча енгиллашади.

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўпон Эргаш, Миразиё Аъзам, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Барот Бойқобилов, Маъруф Жалил, Машраб Бобоев каби шоирларимиз илк лирикасига назар ташлар эканмиз, ўша тадрижийликнинг бетакрор бир кўринишлари намён бўлганини кузатамиз. Ёш шоирлар минг бир қийинчиликлар билан ўз замонларининг чин юзини кашф этиб борадилар. Олдинги авлодлардан — ёвуз салтанатнинг садоқатли маддоҳларидан бутунлай фарқли

тутган бегубор ёшлик ҳаяжонларига кўнгли кўаи билан қарасангиз Авлоднинг маънавий таржимаи ҳолини яққол ифодалайдиган таъсирчан қалб манзараларини учратасиз. Ўсмирона ва мурғак хаёллардан, гоят ширин ва романтик ораулардан ачиқ ва таҳир ҳаётий таассуротларга, ёниқ армонларга ўтиш лаҳзалари сизни энтиктиради. Авлоднинг сирли ва мунгли қалб тарихчасини ҳассослик билан ўқиркансиз, бир нарсага чин дилдан ишонасиз — дунёга севги тўла юракдан “Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!” нидоси отилиб чиққунча у қанчадан қанча изтиробларда ёниши керак экан. Ёш лирик “мен” дунёни тушуна бориб, “Наҳотки дунёда шунча гам бордир...” таажжубига келгунча, ушбу шафқатсиз ва жавобсиз сўроққа етишгунга қадар озмунча ёшлик хайратлари билан хайралиш шарт, дейсизми?!

*Қайдасан, мен сени унутгим келмас,
Умр йўлларимнинг тотли дамлари?*

Янги лирик қаҳрамоннинг олтишинчи йиллар ўрталаридаёқ

Яшар ҚОСИМ

БАДИИЙ ФИКРНИНГ УЙҒОНИШИ

равишда улар гуноҳкор замонда виждонидаги улкан доғларни навқирон бир куюнчақлик ва жасрат билан дунёга маълум қиладилар. Лекин гамзада устоаларни ва барча замондошларни ҳайратга солган, бутун миллий маънавиятимизда жилдий бурилиш ясаган фавқуллодда поэтик-ахлоқий ечимга, адабий исёнга ёш шоирлар бирданига келмагандилар. Зеро, бундай хулосаларга, одатда, тўсатдан эришиш амри маҳол. Агар 60-йиллар шоирлар авлодининг дастлабки қалам тажрибаларини синчковлик билан кўздан кечирсак — бу жараён ёпиқ маънвий изтироблар ичра рўй берганига ишонч ҳосил қиламиз.

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфиларнинг нафақат етмиш-саксонинчи йиллардаги, ҳатто олтишинчи йиллардаги шеърй исёнлари ҳам дафъатан пайдо бўлмаган. Ижтимоий оламдаги сингари санъат оламида ҳам туб ўзгаришлар эволюсион тарзда кечади. Бироқ бадиий олам эволюциясига кўпроқ мойилдир. Жамиятда сунъий суръатда бўлса ҳам инқилобий сакрашлар амалга оширилаверади. Бадиий тафаккурда эса тўсатдан инқилобий тўнтаргишлар ясашни ақл бовар қилмайди. Санъатнинг табиати — ногаҳоний инқилобларни кўтармайди. Бадиий фикр оламида ўзгаришлар худди она табиатда фаслар алмашгандай бир йўсинда рўй беради. Ижтимоий-фалсафий ва илмий гоялардан, хулосалардан кўра бадиий тафаккур абадиётини, санъат ҳақиқатларининг барҳаётлигини худди ана шу ўзига хослик белгалайди.

Бу ўринда авлоднинг олтишинчи йилларнинг бошларида битилган машхур ва аламли хитобларидан атиги биттасини эслайлик:

*Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!
(Абдулла Орипов)*

Азоблар, изтироблар, аламлар, армонлар... Ахир дунёни бутунисича севишдан уни лаънатлашга ўтиш маънавиятдаги инқилобий ўзгаришдан дарак беради. Лекин ана шу ўтиш ва ўзгариш жараёнларига, уларнинг эстетик таҳлилига, негадир, етарли даражада эътибор қаратилмайди.

Чорак аср-ўттиз йил бурун қозоғга тушган ва абадиётга юз

ўз авлодошлари ва умуман, замондошлари олтига кўндаланг қўйган фаустона ўйчан, фалсафий ҳамда филоловий саволини эсга олинг:

Наҳот изтиробда доим тафаккур?!

Бу дардчил ва беҳад изтиробли шайх шоир кўнглининг, эҳтимол, энг сўнги хайратидир.

Эътироф этиш керакки, “Ҳар нарса соф эли, ҳар нарса порлоқ, Гўё гўзалликдан иборат олам” билан осонликча видолашиш оғир. Айниқса, буюк истеъодлар қалбиде бу абадий айрилиқ тузалмас, жароҳатли калр воқеалар. Ҳар нарсаси соф ва порлоқ, худди гўзалликдан яратилган тушган дунё соғинчи уларни бир зум ҳол-жонига қўймайди. Ёш ва эрка кўнгли умрининг Онадай меҳрибон, Онадай эли, наҳотки йиллари сари тинимсиз талпинаверади...

*Энагамиз тунда ою кундузи қуёв,
Куюндайин чарх урардик доим тўзонда,
Чанг нелигин билмас эдик уш мағала,
Онамизни ўйлар эдик инсон деганда,
Аmmo она танҳолигин билмасдик ҳали*

Инсоннинг ва дунёнинг ёвуз моҳиятини, бешиқатлигини тушуна бориб, хусусан бу кенг ва чексиз олуғнинг истеъодларни сиздирмаслигини, софдил ва боқира қалбларга ўтайдигани чуқур англаган сайин ҳимоясиз ва ёлғиз “мен” павоҳ калб, умрининг “ўтган кунлари”га чекинади:

*Аста варақлайман ўтган кунларни,
Гўзал китобимдир қадах долагун,
Келар болаликнинг азиз унларм,
Азиз жўраларим, қайдасиз бутун?*

дея қисқагина ҳаётининг беармон ва бегубор, беташвиц чоғларини гамгин сўроқлайди...

Дунёнинг Она эмаслигини, оламнинг воқоқ ва зарарчилигини, инсоннинг нурдан яралган эмаслигини “билди”, улар ҳақидаги мурғак тасавурулар бари Сароб эканлигига кўнсалди — чинакам шоир учун мислсиз фожиадир. Ва бу фожиавий, аламли кечинмалар фақат олий софликка ва мусалфафликка мосланган, фақатгина бегуборлик ва поклик андазалар илганига ядлий оладиган

таъсирчан кўнгиларда, айниқса, узоқ вақт акс-садо беради.

60-йиллар шоирлар авлодининг илк шеърларини синчиклаб кўздан кечирар эканмиз, ёшлик аламлири ва изтиробларига омухта шаклда она билан боғлиқ кечинмалар ҳам етакчи ўрин эгаллаганини, Она образига бот-бот мурожаат қилинганини кузатамиз.

“Онамга хат” сингари романтик-маъзун йўналишдаги шеърлар ўша даврда поэтик мурасосозликдан воз кечиш, адабий-маънавий мувозанатдан чиқиш жараёнида яратилган дастлабки асарлардан десак, янгилимаймиз. Мазкур шеърларда Авлодининг ўз романтик руҳий вазиятлари, самовий-кўтаринки кайфияти, эрта ёшлик ҳою ҳаваслари билан хайрлашиб, уларга ишончи сўниб, янада ҳаётийроқ-реалистик мавқеларга ўтиш ҳолатлари акс этган. Тагин аниқроқ ва тушунарлироқ қилиб айтадиган бўлсак, “Онамга хат” қабилидаги шеърлар лирикада умуман барча истеъдодлар ўтиши шарт бўлган босқичда — дунё билан романтик қарама-қаршиликдан реалистик қарама-қаршиликка ўтиш даврида қозога тушган. Хусусан ушбу мавзудаги дастлабки ёрқин намуна — улуг санъаткоримиз Абдулла Ориповнинг “Онамга хат” шеърда бу нарса бўртиб кўзга ташланади: “Қайтгим келди, онам, ёнингга, Юрагимда исмсиз дардлар. Сувуқ хонам, соат чиқ-чиқи, ташқарида хазонрез боғлар, Ёмгирнинг жим хониш қилиши... Бариси ҳам нечундир бу дам Туширмоқда сени ёдимга... Қайтгим келди, онам, ёнингга”. Шоирнинг романтик ёшликка хос хафаҳол бир кайфиятда, шикаста бир руҳда битилган “хат”ини ўқиган сайин “мен” кечинмаларининг тафтини, соғинч ва изтиробларининг асл сабабларини сезамиз: “Юрагимни очиб гапирсам, Кам-кам бўлар менда бундай ҳол. Шодмон юрсам, менинг ёдимга Сен тушасан ростдан, онажон. Ногаҳоний бундай ҳолда-чи, Шундай кўргим келади сени. Айтсам сенга бор гапларимни Орзуларим, ҳасратларимни...” Синчиклаб эътибор берилса, бу сатрларга илк изҳори ишқ ҳаяжонларига ўхшаб кетадиган қандайдир бир журъатсизлик, нимадандир эҳтиёт қилиш, бу пинҳон сирни бегоналарга огоҳ этишдан чўчиш сингиганлигини пайқаш қийин эмас. “Онамга хат” шеърининг шундай кайфият билан йўрилганини тасодифийликка йўйиб бўлмайди, албатта. Бу шеър лирикада изҳори ҳақиқатга дастлабки уринишлардан бири сифатида қимматлидир. Дунёни англаш ва бор ҳақиқатни ҳайқариб айтиш истаги шеърда бўртиб акс этган. Аммо лирик қаҳрамон ҳайқариб айтажаги ўша ҳақиқатни ҳали тўлалигича аниқлаштириб ололмаганди. Ҳали унинг ширин ҳаёлларию бегубор ишончлари билан илк аччиқ ҳаётий таассуротлари ўртасида кескин олишувлар кетаётганди. Эҳтимол, бу туфайли у бировларга юрагини очишдан ҳадиксирайди. Шунда ёш қалб ўз кўҳна сирдошини — онасини кўмсайди. У билан дардлашгани келади. Ҳаётнинг кўндаланг ва чигал саволарига хойнаҳой ўз онасидан тугал бир жавоб кутади. Шуларга қарамай, лирик қаҳрамон ўзининг ҳаёт ҳақидаги дастлабки таассуротини баён этишдан, барибир, чўчимаган: “Тушунмайман бул ҳақиқатни, Сен-ку ахир онасан, она... Она, ранжимагил хатимдан, Мен ростини ёдим, шод дамим, Сен тушмайсан асло эсимга. Аммо ҳаёт ўзи, биламан, Солар сени ёдимга бот-бот, Яъни, бошимизни доим ҳам Она бўлиб силамас ҳаёт”.

“Онамга хат” шеъри янги лирик қаҳрамоннинг 60-йилларнинг бошларидаги маънавий ҳолатини ҳаққоний ифодалаганидан ташқари ўша давр учун муҳим аҳамият касб этган оригинал ахлоқий-маънавий хулосаси билан диққатни тортади: “Яъни бошимизни доим ҳам Она бўлиб силамас ҳаёт”.

Абдулла Ориповнинг “Онамга хат” шеъри олтишинчи йилларда адабий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб этган, кўпчиликнинг эсида мустаҳкам ўрнашган бадиий намуналардан эди, десак адашмаймиз. Улкан санъаткоримизнинг мазкур асари билан кетма-кет ёзилган ҳамда бевосита шу мавзуга бағишланган қатор шеърлар фикримизни далиллайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Абдулла Ориповнинг “Онамга хат” (1963 йил) шеъри билан бирин-кетин қозога тушган, айниқса, Рауф Парфининг “Онамга хат” (1966 йил), “Қишлоққа қайтиш” (1966), ЧЭргашнинг “Онамга хат” (1966), М.Алининг “Она дуоси” (1966), “Тенгдошларимга мактуб” (1966) каби шеърлари ўртасидаги руҳий уйғунлики, деярли кайфият бирлигини тасодифийликка йўйиш қийин, албатта.

Мана шу шеърлари ёрқин акс этган асосий муштараклик

қуйидагилардан иборатдир:

а) Ёш лирик қаҳрамоннинг ташқи оламдан, ижтимоий муҳитдан бегонасираши;

б) Унинг ўз дарду аламларини ташқи дунёдан сир тутишга интилиши, атроф муҳитга ишонқирамай қараши (муайян маънода хавфсираши ҳам дейиш мумкин);

в) лирик “мен” қалбдаги ҳасрат ва аламларни мунис Онажонидан бошқа бирон кимсга тўкиб солишининг иложсизлигини юрак-юрагидан сезади, яъни дилни ёрадиган бирон маҳрам Дўстнинг йўқлигини теран англайди.

Ёш лирик “мен”нинг ўз онасидан бошқа яқин кишиси йўқлиги — ёлғизлиги унинг маънавий оламини англашдаги муҳим аҳамият касб этадиган қирралардан биридир. Янги лирик қаҳрамон шахсининг ўзига хослиги, бир поэтик образ сифатида бетакрорлиги кўпроқ ана шу нуқтада намоён бўлади. Дарҳақиқат, биз “мен” ва Онанинг лирик, самимий, дилкаш мулоқоти орқали, умуман, янги авлод шоирларининг маънавий таржмаи ҳолини, ижтимоий-индивидуал ҳамда адабий шахс сифатида келиб чиқишини, орзу ва ҳасратларини, энг муҳими, уларнинг теварак муҳитга, яқин ўтмишимизга ва бу кунга, турли ахлоқий-ижтимоий иллатларга муносабатини илғаймиз.

Умуман, ўша йилларда “Онамга хат”лар услубида битилган қатор шеърлардаги маънавий мулоқотни янги давр адабий қаҳрамонининг кенг ўқувчилар оммаси билан диллашиш-дардлашишдаги дастлабки қадами сифатида баҳоламоқ керакдир.

Р.Парфининг “Онамга хат” шеърда юқорида айтилганлар тўла-тўқис акс этган, дейиш мумкин. Шоир “мен”нинг ўз мунис-муштипар Онажони билан хат орқали — гойибона дийдорлашуви ҳақиқатан ҳам қалбимизни тўлқинлантиради: “Эшитдим, онажон, хафа эмишсан, Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат. Гарчи муҳаббатдан тилардим эҳсон, Ёруғ кунларимга бўлгандим илҳақ. Юзимга нафасинг урилар илиқ, Ажиб ёруғликка тўлмоқда хона. Суратим қошида дуолар қилиб, Тагин йиғладингми, муштипар она?” Бошқа тенгдошларининг ушбу мавзудаги шеърларида бўлгандай Рауф Парфининг “Онамга хат”ида ҳам “мен”нинг соғинчи кечинмалари диққат марказида туради.

Чинакам поэзия, айниқса, ёшлар шеърини аҳли замонга сохта мурожаат қилолмайди, ўз замондошлари билан носамимий мулоқотга киришолмайди. Ҳақиқий шеърятнинг томирларидан самимийлик ва фидойилик оқади. Чинакам шоир ўз даврнинг бор гапларини, шубҳа ва изтиробларини яшириб ўтирмайди. Қалби сезган ва ҳис қилган дардларни баралла айтади. Ўзни ва ўзгаларни ҳаракатга, жасоратга, курашга чорлайди. Зеро, фидойи сўз — фидойи хатти-ҳаракатларни талаб этади. “Бепарво кузатиш касбимиз наҳот? Не учун сукунат ўртага чўккан. Неларни фикрлар хаёлчан авлод? У хаёл асири, ўйга юз бурган...” Шоир ўз авлодининг асосий камчилиги — кузатувчанлик, фаолиятсизлик, хаёлчанлик деб билади. Бу — максималистларга хос талаб эди. Айтиш керакки, умуман олганда бу орау ва истак ўзини оқлайди.

Бироқ замон ўша йилларда фақат ҳақиқат тўғрисида уйлашганига кўтарар эди. Фақат ҳақиқат учун изтироб чекишгагина имконият бор эди, холос. Улуг миллий ниятлар, эзгу мақсадлар йўлида очик курашларга даъват этиш, юзма-юз олишувларга киришиш — бу ўша вақтда ўлимга тик бориш бўлур эди... Олтишинчи йиллардаги аксарий истеъдодларимизга хос — ёш шоирларимизнинг лирик “мен”ига тегишли ана шу шиддат ва қўрқмаслик, фаол ва курашчан ҳаёт мавқеи умуман, янги адабий авлодининг маънавий олами, эстетик идеали ҳақида бизга кўп нарсаларни билдиради. Қолаверса, янги лирик қаҳрамоннинг миллий бадиий тафаккуримизда том маънодаги ўзига хос шахс — ҳақиқатан ҳам янгица ижтимоий-эстетик босқич эканлигини кўрсатади.


Хуллас, юқорида ифодалаб келинган адабий таҳлил ва мулоҳазалардан муҳим бир натижа чиқариш мумкин; бу кун она диёримизда теран илди эртаётган мустақиллик кайфияти ва кенг қулоч ёзаётган истиқлол орзулари анча йиллар олдин ва шунингдек навқирон шоирларимиз ижодларида ҳам кўринган бўлиб, бунда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Маъруф Жаали, Барот Бойқобилов, Миразиз Аъзам, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Машраб Бобоев ва бошқа заҳматкаш адабларимизнинг қўшган ҳиссалари беқиёсдир.



Франц КАФКА

Қишлоқ табиби

Ҳикоя



Жуда қийин аҳволга тушиб қолдим: ўн чақиримча наридаги қишлоққа касал кўргани боришим керак. Ташқарида қор қуюни кўз очирмайди, йўл буткул кўмилиб қолган, аммо яхшиямки, ёгин-сочинли кунларда ҳам қишлоқ кўчаларида бемалол юра оладиган өнгил, гилдирақлари катта-катта аравам бор.

Кўлимда муолажа асбоблари солинган сўмка, пўстинга ўралиб олганча ҳовлида жўнашга тап-тайёр турардим. Фақат аравага қўшгани от йўқ эди, холос. Отим тунов кун қаҳратон тунда жуда узоқ йўл босганидан зўриқиб, ўлиб қолди. Хизматкор қиз ҳовлима-ҳовли юриб от излар, аммо унинг барча уринишлари бөҳуда кетар, ҳеч ким отини бергиси келмасди. Бунга ўзим ҳам яхши билсам-да, ҳовли ўртасида қорга кўмилиб, бөҳаракат ва бемақсад шумшайиб турардим.

Ниҳоят, дарвозада кўлида фонус кўтариб олган хизматкор қизнинг қораси кўринди. У ёлғиз эди. Бундай олис йўлга ким ҳам отини бериб турарди, дейсиз. Яна бир марта ҳовли юзасини кўздан кечирдим. Ҳеч қандай нажот йўлини тополмаганимдан руҳим тушиб, бўшашиб кетдим. Жаҳл устида анча йилдан буён бўм-бўш ётган чўчқахона эшигини теддим. Эшик гийқиллаб очилиб кетди-да, ошиқ-мошиғида осилганча, лиқиллаб қолди. Ичкаридан бўғиқ ҳаво ва от ҳиди гуп этиб димоғимга урилди. Чўчқахона тўрида шипга осиб кўйилган фонус чайқалиб, хира нур таратар, бурчақдаги қазноқда эса, узала тушиб ётган қандайдир кишининг кўк кўзлари ва очиқ юзи кўзга ташланиб турарди.

— Нима, отларни аравага қўшайми?—деб сўради у қазноқдан эмаклаб чиқаркан. Нима дейишни билмай қолдим. Яна нималар бор экан, деган ўйда энгашиб ичкарига кўз югуртирдим. Хизматкор қиз ёнимда турарди.

— Ажабо, ўз ҳовлидага нималар борлигини ҳам билмайсан киши,—деди қиз. Кулишган бўлдик.

— Эй, акажон, эй, сингилжон, — дея қичқирди отбоқар ва кутилмаганда, иккита бақувват от оёқларини кериб, келишган бошларини туялардек эгиб, бирин-кетин ёнбоши билан чиқиб кела бошлади. Улар чўчқахона эшигига ишқаланиб-ишқаланиб, гавдаларини у ёқдан-бу ёққа буриб-буриб ташқарига чиқишди-да, сўнгра рўй-рост оёққа туриб олишди. Отларнинг оёқлари узун-узун ва бутун танасидан буг кўтарилиб турарди.

— Ёрдамлашиб юбор, — деб буюрдим хизматкор қизга ва у итоаткорлик билан араванинг анжомларини келтиришга шошилди. Асбоб-анжомларни узатаётганда отбоқар кутилмаганда, хизматкор қизни кучоқлаб олиб, юзига лаб босди. Қиз қичқириб юборди ва отбоқарнинг кучогидан юлқиниб чиқиб мен томонга отилди. Унинг лўппи юзида отбоқар тишининг излари қолган эди.

— Ҳей, ҳайвон! — деб қичқирдим мен жаҳл билан. — Нима, қамчи ёгинг көп қолдими?

Аммо шу пайт у буткул бөгона киши эканлиги эсимга тушди. Ахир, мен қаердан пайдо бўлиб қолганию, бутун бошли қишлоқ аҳли ва барча танишларим чўзмаган ёрдам кўлини нега у чўзаётганининг сабабини ҳам билмасдим. Отбоқар бўлса, кўнглимдан кечган гапларни сөзиб тургандек, бақирганимга эътибор ҳам бермади, отларни аравага қўшгач, мен томонга ўгирилди:

— Марҳамат, арава тайёр! — деди у. Ростдан ҳам, арава йўлга шай турарди. Мен умрим бино бўлиб бундай жиҳозланган аравада бирон марта ҳам сайр қилмаган эдим.

— Отларни ўзим бошқараман! — дедим мен кайфиятим кўтарилиб аравага чиқатуриб. — Ахир, сен йўлни билмайсан-ку!

— Албатта, ўзингиз бошқариб борасиз, — деди отбоқар, — менинг умуман сиз билан бирга бориш ниятим йўқ. Розанинг ёнида қолам.

— Йўқ, йўқ! — қичқириб юборди Роза ва тақдирдан қочиш қутула олмаслигини сөзган каби югуриб уйга юриб кетди. Эшик занжирининг гижирлаб илингани ва кулфнинг шикирлагани эшитилди. Бечора қиз отбоқар эшикни бузиб ичкарига кирган тақдирда ҳам тополмасин, деган ўйда барча хоналардаги шамларни ўчириб чиқди.

— Мен билан бирга борасан! — дедим отбоқарга, — акс ҳолда, қанчалар зарур бўлмасин йўлга чиқилдан воз кечаман. Отларингни бир кечага бериб турганинг эвазига Розани сенга тортиқ қилиб юборолмайман-ку, ахир.

— Чўх, чўх! — қичқирди отбоқар ва қарсиллатиб кафтини кафтига урди.

Арава оқим кўйнига тушган хасдек олдинга томон илгарилади. Ҳовлидан чиқаётганимизда дарвоза отбоқарнинг зарбига дош беролмай қарсиллаб синиб, парча-парча бўлиб кетгани кулоғимга чалиниб қолди, холос.

Кейин кўзларим ҳам, кулоқларим ҳам аллақандай галати, одамнинг ич-ичига кириб кетадиган шовирч-суронга тўлиб кетди. Аммо бу ҳол бир неча лаҳзагина чўзилди, сўнг эса... бундай қарасам, аллақачон кўзланган манзилга етиб келиб кўйибман. Назаримда, беморнинг уйи худди шундай дарвозам қаршисида жойлашгандек, нафас олгудек фурсатда етиб келган эдим. Отлар қимир этмай турар, қорбўрон тинган, атроф ой нурига кўмилиб ётар эди.

Беморнинг ота-онаси мени кутиб олиш учун шоша-пиша уйдан чиқишди. Уларнинг ортидан беморнинг опаси ҳам чиқди. Кўлтигимдан олиб, аравадан тушириб кўйишди. Уларнинг чала-чулпа гап-сўзларидан ҳеч нарсани англай олмадим. Бемор ётган хонанинг ҳавоси бузилган, нафас олиб бўлмасди. Эътиборсиз қолдирилган пөчда чала ёнган ўтин тутаб ётарди. Дарҳол деразаларни очиб, хонанинг ҳавосини алмаштиришини буюрдим, сўнг беморни кўздан кечиртишга тутиндим. Бемор<198>озгин, иситмаси бўлмаса-да, нигоҳлари сўниқ, яланғоч бола пар тўшақдан туриб бўйнимга осилди.

— Табиб, илтимос, мени ўз ҳолимга кўйинг, тинчгина ўлай, — дея шивирлади у кулоғимга. Атрофга назар солдим, хайрият, унинг сўзларини ҳеч ким эшитмабди. Беморнинг ота-онаси жимгина таъзим қилиб, буйруғимга мунотазир бўлиб туришар, опаси эса, муолажа асбоблари солинган сўмкани кўйиш учун стул келтириш билан овора эди. Сўмкани очиб, зарур асбобларни излаётган пайтим, бемор бояги илтимосини тагин бир марта эслатиб кўймоқчидек, тўшаққа ётган кўйи кўлларини мен томонга чўзди. Мен асбоблар орасидан қисқични олиб, шам нурида кўздан кечирдим-да, сўнг яна жойига кўйдим.

— Ажабо, — дея хаёлимдан ўтказдим, шундай пайтда худонинг ўзи қўллайти, шекилли... Ночор қолганимда, от ато қилди, шошилаётганимни билиб, яна битта от қўшиб берди. Устига устак, отбоқарни ҳам йўқдан бор қилди.

Шу пайт тагин Роза ёдимга тушди. Нима қилиш керак?! Уни қандай қилиб қутқариш, отбоқарнинг чангалдан халос этиш мумкин?!

Ўртадаги масофа ўн чақирим, аравага эса, итоатсиз отлар қўшилган, қўлимдан нима ҳам келарди?! Менимча, деразалар ичкарига очилса керак. Отларнинг жилови бироз бўшаган шекилли, иккови ҳам дераздан бош суқиб, оила аъзоларининг ҳай-ҳайлашига қарамасдан бақрайиб беморга термилиб туришибди. Улар чамаси мендан: "Бўлди, энди уйга қайтамиз", деб талаб қилишаётганга ўхшарди, мен ҳозир уйга жўнаймиз шекилли, деб уйладим. Бироқ, беморнинг опаси табиб иссиқ таъсирида ўзини ёмон ҳис этаяпти, деган хаёлга борди шекилли, эгнимдаги пўстинимни ечиб олди. Сўнг бир қадаҳ ром келтиришди. Беморнинг көкса отаси титроқ қўллари билан елкамга уриб қўйди. Афтидан, арзандаси рўйхушлик бергани учун чолнинг менга бўлган ишончи ортаётган эди. Мен бош чайқаб ромни рад этдим. Чолнинг фикрича, мен гўё ўзимни ёмон ҳис қилаётгандек эдим. Бироқ, унинг фикри нотўғри экани ва ўзимни яхши ҳис қилаётганимни кўрсатиб қўйиш учун ичишдан бош тортдим.

Боланинг онаси тўшак ёнида турар ва менга "бу ёққа келинг" дегандек имо қиларди. Отлардан бири бўйинни шилга чўзиб қаттиқ кишнади. Аёлнинг илтимосини ерда қолдирмай, боланинг ёнига бордим ва энгашиб юзимни унинг кўкрагига қўйганча юрак уришига қулоқ тутган бўлдим. Нам соқол-мўйловим тегиши билан боланинг эти сөзсизлиги тушди. Тахминим тўғри чиқди: бола соқпа-соғ, юрак уриши бир маромда эди. Онаси боши устида гирди капалак бўлиб, кўп қаҳва ичириб қўйганиданми, беморнинг ранги синиқ эди. Уни сира чўчимай ўрнидан тургазиб, кўчага ўйнагани чиқариб юборса бўлаверарди. Аммо мен ҳам авлиё эмасман, уни ўрнидан тургазиб юбормадим. Мен бор-йўғи музофотдан бу томонларга ишга сафарбар қилинган оддий бир табибман, холос. Хизмат бурчимни баҳоли қудрат, баъзан эса, бироз ортиғи билан бажариб юрибман.

Менга жуда кам маош тўласалар-да, кўпинча хотамтойлик қиламан, ҳеч қачон камбағаллардан ёрдамимни аяган эмасман. Розанинг қисматини ўйлаб ҳам қайғуришим керак. Балки боланинг гапида жон бордир, балки ўзим ҳам ҳаётдан жуда беэи кетгандирман. Қаҳратон қишда бу чексиз қор босган далаalarda нима ҳам қиламан.

Отим ўлиб қолгани етмагандек, қишлоқда отини бериб турадиган бирор мард топилмас... аравамни чўққхонада йўлга ҳозирлаган бўлсам... Кутилмаганда, отлар пайдо бўлиб қолмаганда эди, эҳтимол, аравага чўққаларни қўшиб йўлга чиққан бўлармидим. Ҳа, мана шунақа аҳвол, дегандек оила аъзоларига бош иргаб қўйдим, уларнинг эса, ҳеч нимадан хабарлари йўқ. Хабар топилган тақдирда ҳам ишонимайди. Дориқоғоз ёзиш осон, аммо одамларнинг кўнглидан чиқиш, улар билан тил топиш қийин. Шундай қилиб, энди кетсам ҳам бўлади.

Бу сафар ҳам мени бехуда овора қилишибди. Ҳечқиси йўқ. Бундай ҳолларга кўникиб қолганман. Тунги чақиртирувлари билан бутун музофот мени қийнайди, аммо бу сафар шунчалар зилганим етмагандек, Розани отбоқар домига ташлаб келишга мажбур бўлганим жудаям алам қилди. Бир неча йиллардан бери уйимда яшаса-да, бирон марта назар-этиборимга тушмаган бу маъсума қиз отбоқар ҳирсининг қурбонига айлангани менга жуда оғир ботаётган эди. Беморнинг оиласига қаҳр-ғазабимни тўкиб солмаслик учун ўзимни босишга ҳаракат қилдим, чунки бу оила ҳар қанча истаган тақдирда ҳам, энди менга Розани қайтариб беролмайди.

Сўмкани ёпиб, пўстинимни келтиринглар, деб ишора қилганимда бутун оила аъзолари атрофимда йиғилди. Боланинг отаси қўлидаги ром шивасини ҳидлаб-ҳидлаб қўяр, онасининг кўзларида ёш милтирар ва лабини тиллаганча, жим турарди. Афтидан, унинг мендан буткул ҳафсаласи пир бўлган эди. Одамларга ҳам ҳайронсан киши, нималарни иштамайди улар?!

Беморнинг опаси қўлида қонга ботган рўмолчани силкиб турганини кўргач, мен укаси эҳтимол, чиндан ҳам касал ёки ярадор бўлса керак, деган хаёлга бордим. Ортимга қайрилиб боланинг

ёнига келганимда у мени бамисоли дардига малҳам бўладиган энг мазали шўрва келтирган кишидек жилмайиб қарши олди. Эвоҳ, шу пайт иккала от ҳам бирваракайига кишнаб юборди. Эски ақидаларга кўра, шовқин-сурон касални кўришни енгиллаштираркан. Бу сафар бола ростдан ҳам касал эканини аниқладим. Унинг ўнг биқинида, бели устида тақсимчадек катталиқда яра очилган эди. Яранинг тағида қорамтир-қизғиш, чеккалари ва устида оч қизил қон силқиб турар, яра худди бирон нарса қазиб олингандан сўнг кўмилмай ташлаб кетилган ўрани эслатар эди. Ҳа, узокроқдан тикилган кишига яра худди шундай кўринар, аммо яқиндан қараган киши унинг яна бошқа асоратларини илғаб олар ва албатта, даҳшатга тушмасдан қолмасди. Ярани узунлиги ва йўғонлиги жимжилоқдек, қирмизи ранг бадани қонга ботган, бошчалари оқ, тўртоёқли қуртлар гиж-гиж босиб кетган эди. Бечора бола, танингдаги энг катта ярани, толдим, энди сenga ҳеч ким ёрдам беролмайди. У сени ҳалок қилади. Оила аъзолари эса хурсанд эди, чунки улар менинг гимирлаб қолганимни кўриб туришарди. Боланинг опаси буни онасига айтди. Онаси эса, отасига нимадир деди. Отаси ҳам ўз навбатида ой нури тўкилиб турган очиқ эшикдан мувозанат сақлаш учун қўллари кўтариб, оёқ учиде кириб келаётганларга етказди.

— Ҳаётимни сақлаб қолсанми? — деб сўради бола йиғлаб юборгудек овоз билан. Яра азоб бераётгандан унинг ранги тим-терс оқариб кетган эди. Ҳа, биз томонларда одамлар мана шунақа. Табибдан иложини қилиб бўлмайдиган нарсаларга чора топишни талаб қилишади. Улар эскиликка бутунлай ишонмай қўйишган. Рухонийлар ридоларини йиртиб ташлаган, кўчага чиқишмайди. Ҳамма дарду балога табиб балогадир. У ўзининг жарроҳларникидек нозик қўллари билан ҳамма фалокатни даф этиши керак.

Нима ҳам дердим, бу ёққа ўз истак-хоҳишим билан келганим йўқ. Мени юксад мақсад йўлида қурбон қилиш ниятида экансиз, розиман, зеро, бундан ўзга чора-аъмолим ҳам йўқ. Яккаю-ягона хизматкор қизидан ҳам айрилиб қолган көкса қишлоқ табиби бундан ўзга тагин нимани ҳам исташи мумкин. Тақдирга тан бермай бўладими?! Қишлоқнинг барча қариялари ва бемор боланинг оила аъзолари мени қайта ечинтиришди. Уй қаршисида эса, ўқитувчилари раҳбарлигида мактаб хори йиғилган ва жуда жўн куй остида ушбу ашулани айтишар эди:

Уни ечинтиринглар, сўнгра у даволайди.

Агар даволамаса, у ҳолда ўлдиригинглар,

У ахир, табиб-ку, у ахир, табиб.

Эгнимдаги кийимлар ечилган, бармоқларим билан соқримни силаб, бошимни қуйи солганча одамларга маҳзун назар ташлаб турардим. Мен айна дамда ўзимни буткул хотиржам ва барчадан устун ҳис этардим. Шундай ҳолатда туравердим-у, аммо совуқонлигим ҳам бари бир ёрдам беролмади. Уйда йиғилганлар мени гурра қуршаб олишди ва баъзилари оёғимдан, баъзилари бошимдан ушлаганча, бемор бола ётган тўшак ёнига судраб боришди-да, дөвор тарафга, боланинг яраси бор тарафга ётқизиб қўйишди. Сўнгра ҳаммалари хондан чиқиб, эшикни ёпишди. Хор айтаётган ашула тиқди. Ой юзини булут қоплаб олди. Тўшакнинг мен ётган томони иссиққина эди, онда-сонда дераза тирқишидан отларнинг боши қора соядек кўзга ташланиб қолар эди.

— Биласанми, — дея қулоғим остида шивирлади бемор бола, — ростини айтсам, сenga сирям ишонмайман. Менимча, сен ҳам бир пайтлар қаердадир қаттиқ панд егансану, ҳамон ўзингга көполмай юрибсан. Йўқса, мени даволаш ўрнига тўшагимга тикилиб оларимдинг. Яхшиси, мен сенинг кўзларингни ўйиб оламан.

— Тўғри, — дедим мен, — сenga ёрдам бериш қўлимдан келмайди. Албатта, бу мен учун уят. Аммо иложим қанча, оддий бир табибман, менга ҳам осон тутма.

— Нима, сени көчирим сўради деб индамай қўяверайми?! Ахир, тушунсангчи, мен соғайишим керак! Нега мен доим нафасимни ичимга ютишга мажбурман?! Шу лаънат яра билан тугилганман, бу дунёда кўз очиб ундан бошқа нарса кўрмадим.

— Ёш дўстим, — дедим унга, — сенинг хатоинг шундаки, нарсаларга қайси томондан қарашни билмайсан. Мана, менинг, яъни шу яқин атрофдаги барча касалхоналарда бўлиб чиққан тажрибали кишининг гапларига қулоқ сол. Яранг унча хавфли эмас. У сўқанинг ўткир учи билан икки марта урилгач, пайдо бўлган. Кўплар ўрмонда сўқа қандай урилишини эшитмай,

биқинларини тутиб беришади. Унинг яқинлашиб келаётганидан беҳабар қолишади.

— Ростдан ҳам, шундайми ёки иситмалаб ётганимдан фойдаланиб мени лаққиллатаяпсанми?

— Сени алдаб нима ҳам топардим, аслида ҳам шундай. Чин табиблик сўзим. Бемор бола гапларимга ишониб жимиб қолди. Энди бу ердан эсон-омон қутилиб чиқиб кетиш ҳақида ўйлайдиган вақт келган эди. Вафодор отлар ўз жойларида шай турарди. Кийимларим, пўстиним ва муолажа асбоблари солинган сўмкани шоша-пиша йиғиштириб, қўлтиққа урдим. Кийиниб ўтиришга вақт йўқ эди. Бунинг устига, худди бу ёққа келаётганимизда бўлгани каби отлар тагин шошираётган эди. Пайт пойлаб туриб, бемор бола ётган тўшақдан сакраб тушиб, ташқарига отилдим. Қўлимдаги тугунни аравага отдим. Арава ортидаги илгакка пўстиним ёнгидан илиниб қолди. Майли, ҳечқиси йўқ, фақат тезроқ бу ердан жўнаб қолсам бўлди. Отга сакраб миндим. Аммо отлар бир-бирига боғланмаган, эгарлари бўшаб кетган эди, орқада эса, арава ва унинг изидан пўстиним қорда судралиб келарди.

— Чўх, чўх, — қичқирдим мен, бироқ ҳаром қотгур отлар сира қадами тизлатай демасди. Қор қуюни ичида худди қариялар сингари каловланиб кетиб борардик.

Анча пайтгача ортимизда болаларнинг янги, аммо бироз бузиб айтилган ашуласи эшитилиб турди:

Беморлар қувонинг, бўлинг шодумон,
Мана табиб ётди тўшагингизга.

Бу юришда уйимга етиб боришга сира кўзим етмайди. Энди изга тушиб бароридан кела бошлаган касб-корим ҳам барбод бўлди. Изимдан таъқиб этаётганлар бири бор-йўғимни шилиб олади, фақат у бир нарсамни ўғирлаб ололмайди, у ҳеч қачон менинг ўрнимни босиб, табиблик қилолмайди. Уйимда эса, қабиҳ отбоқар қутуриб юрибди, Роза аллақачон унинг қурбонига айланган бўлиши керак. Буларнинг барини ичидан тўкиб-бичиб, айтаяпти деб ўйламанг тагин, асло ундай эмас. Ростдан ҳам, мен, қариб-чуриб қолган бир бечора бу бадбахт аср аёзига гирифтор бўлиб, оддий ёрликлар аравасига афсонавий отларни қўшганча, оч-юпун у ёқдан-бу ёққа сарсон-саргардон бўлиб изғиб юрибман.

Пўстиним арава ортига илиниб қолган, қани энди уни ополсам, шунга ҳам ҳолим келмайди. Ҳаракат қилишга қурби етадиган беморларнинг биронтаси ҳам менга ёрдам қўлини чўзай демайди. Мен алданибман, ҳа, шундай қаттиқ алданибман. Тунги қўнғироқларнинг ёлғончи садоси бир марта хаёлингни ўғирлаб қўйса бўлди, кейин йўлдан адашиб кетавераркансан киши.


Олмон тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Ўктам ОДИЛОВ

Ойдин кеча,
Ой ўз хуснига термулган кеча,
Ўзим севган хиёбон аро
Ёлғизликни етаклаб юрибман.
Қайга бормай, қайга қарамай
дарахтлар —
сён ҳақда қўшиқ айтади.
Ойдин кеча,
Ой ўз хуснига термулган кеча,
Мен ўзимдан кечиб бораман.
Сени излаб сарсон-саргардон
бир йўқлиққа чўлиб бораман.
Ойдин кеча,
Ой ўз хуснига термулган кеча,
хотирамни йиғлатар чехреңг.
Дард бағрига сингиб бораман...
Ойдин кеча,
Ой ўз хуснига термулган кеча.



Мен босиб турган шу замин
тўртбурчак бўлсайди агар
ҳеч эринмасдан,
ҳар кун
бориб келар эдим ҳар бурчагига.

Ёшлигимнинг беғубор кўчаларида
Мен шодликни кечиб кўйгандим.
Тўймасдим...

Энди хаёлимни эркалаб
юрагимни юлғислайди дард.

МУҲАББАТ

Даладан қайтган дехқон
ётиш оқидан
хотиранинг ёрилиб кетган қўлларини
силлаб ухлайди.

Мен сенига ҳеч нарса айтмайман
Ва яна
Изоҳлаб бермайман жимлигимни ҳам.
Кун бўйи ухлашар атиргуллар
Кўёш эса далаларда дайдийди.
Жимгина уйғонар дарахт барглари
Наҳот эшитяпман қалб уйғонишин...



Бошқамда айланар оғир хотирот
Фикримни аллалар майин сўзлари.
Менга ором бермайди ҳайҳот
Қурагимга ботиб кимнинг кўзлари.
Тўймас суратларни титаман бир-бир
Ушқини чироғи ўчмайди сира.
Панд бериб қўяди аммо хавотир
Мусира эзади юракни дилгир.

СЕНИ БАХТЛИ ҚИЛМОҚЛИК УЧУН


Иштиробларни кўмдим,
тасаввурим тубларига
Сени бахтли қилмоқлик учун.
Армонларни кўмдим,
ченор тагига
Сени бахтли қилмоқлик учун.
Хўжронларим кўмдим,
Энг узун йўл ўртасига
Сени бахтли қилмоқлик учун.
Энди кел, юрагимни кўмиб қўй
Сенинг кўксингга.

Ўктам ОДИЛОВ 1970 йили Жиззахда туғилган. Ҳазар Тошкент
Давлат борафшунисида журналистика ихтисоси бўйича таълим
олади. Шеърлари "Ёшлик"да ilk бор эълон қилинган.



ОТАУЛИ

СОБИР ҚОВУНЧИ ҚИССАСИ

*Мардона бўл, ғариб бош...*

Аҳмад Яссавий

Собир қамоқхонанинг тор ва қоронғи хужрасида қафасдаги арслон янглиг тўлганаркан, боягина терговчининг такаббурлик билан айтган гапларини қайта-қайта хаёлидан ўтказар эди. Бу сўзларнинг таҳқиромуз мағзини чаққани сайин ўз-ўзидан кўнгли қолаверди. "Аммамнинг бузоғидек лаллаймай кет-э! Илонни пўст ташлатадиган шу гапларни эшитиб жимгина ўтиравердинг-а!" дея ўз-ўзини койий бошлади. Терговчининг заҳа емаган оқ олмадек лўппи юзи, туздек ифодасиз кўзлари ва умрида кетмон кўрмаган биққи кўлган кўз ўнгида тагин бир сидра намоен бўлди. Сўнг ўзининг "Ойболта эмас, оддийгин болта эди, ўтмас болта..." дея худди нажот сўраётгандек ёлвориб мингирлаганини эсларкан, баттар эзилиб кетди. Икки кам эллика кирган одам, худди иштонини булғаб кўйган болакайдек мингирлаб ўтирса-я!.. Буниси етмагандек, тагин ёлвориб сўрагани нимаси эди: "Ростини айтинг, жон иним, нима, ўлибдими?" Терговчи жавоб беришга ҳам ор қилгандек юзини четга буриб олдида, остонада тек қотиб турган милиционерга буюрди: "Убери его!" Сўнг фақат шу билан алами қонмагандексўкинди: "Ну и к черту их!" Соқчи олдида тушиб, қафасдек тор ва кўланса ҳид тугган хона томон бораркан, гўё дунё остин-устун бўлиб кетгандек туюлди. Ортдан темир эшик ёпилар-ёпилмас ич-ичидан отилиб чиққан ўкирик бўғзига тошдек қадалди: "Қодиржон, иним, наҳотки мен сенинг қотилинман?!"

Йўқ, йўқ! Анови терговчи баттар жиғига тегиш учун атайин ҳаммасини ичидан тўқиб-бичиб чиқараяпти! Бундан бўлиши асло мумкин эмас! Наҳотки, ўтмас болта елкасига тушган одам... ўлиб кетаверса?! Худо кўрсатмасин, агар шундай бўлса, "ўз укасининг қотили" деган тавқи-лаънатни бўйнида кўтариб юргандан кўра ўлгани минг марта яхши! Оҳ-ҳ, шу тоғда, қани энди ҳеч курса йиғлай олса эди, балки кўкайини куйдираётган манови тошдек қаттиқ аламини қайноқ кўз ёшлари муздек эритиб юборармиди!..

Начора, осмон йироқ, ер қаттиқ. Ҳа, дунёда қаттиқ нарсалар кўп. Ҳаммасидан унинг дийдаси қаттиқ. Ҳолбуки эс-ҳушини таниб бошлагандан то бугунга қадар кўрган қирқ йиллик умрининг ҳар бир лаҳзаси нақд мингта гўяндаликка арзийди. Туну кун демай тиззадан сув кечиб, қўлида ярим ботмонлик кетмонни ўйнатиб яшаш... Бурнидан эшаққурт тушиб ўтирган анови терговчи бундай яшашнинг ақалли бир кунига чидармикан?! У умри бино бўлиб нанки оёғини, қўлиниям совуқ сувга урмагандир-ов! Ҳамиша тайёр ошга баковул бўлиб келган у. Тагин денг, ўзига керак бўлганда, ўзбек тилида туппа-тузук гапирганига, гапирганда ҳам, "Мана, мен" деган чечаннинг хаёлига келмайдиган мақолни қалаштириб ташлаганига нима дейсиз? У фақатгина бир нарсани — ўзини кийинтириб-тўйдираётган одамнинг кўнглида нималар кечаётганини билмайди. Йўқ, бунини билишни истамайди. Уни ҳақоратлаб-сўкиб, ёмонотлиқ қилмоқчи бўлади. Қотилликда айблайди. "Босмачисан, бало-баттарсан" дейди. Тўрт кундан буён аллақандагидек гапларни гапиршдан оғзи тинмайди-ю, ақалли бирон марта "Нега ўз укангни болта билан чопдинг? Ичинг эрижанидан бунга кўл урдингми ёки бирон бир жиддийроқ сабаби бормиди?!" деб сўрашни ўлақолса

хаёлига келтирмайди. У терговчи, фақат тергайди. Унга ҳамма нарсанинг оқибат-натижаси керак, сабаби эса керак эмас! Босмачими, қотилми, душманми, ишқилиб, бирон бир ёрлиқни тупқулаб ёпиштириб, бир амаллаб айбдор қилса бўлди. Ҳолбуки, унинг асли-насли босмачи ўтмаганини жуда яхши билади. Билиб туриб атай сўрайди. Унинг ота-бобоси муаллим ўтган, чўпон ўтган, полвон ўтган, деҳқон ўтган, посбон ўтган... бироқ босмачи ўтмаган!

Ақлини энди-энди таний бошлаган кезлар раҳматли бобоси Ботир полвон кўпинча уни отига мингаштириб ўзи билан бирга адирга олиб чиқиб кетар эди. Сурув ортидан бир маромда одимлаган саман от устида бобо-невара узоқ-узоқ суҳбат қуришар, одатда Собир савол берар, бобоси эса жавоб қайтарар эди. Кўпинча у бобосининг иссиқ бағрида кўзлари ўз-ўзидан юмилиб, ухлаб қолар эди. Уйғонганида ўзини ерда — бобосининг юмшоқ чопонига ўралиб ётган ҳолда кўрар, бобоси эса шундай ёнида болдуруш қуриб ўтирган бўларди.

— Қалла пишдимми, чирогим? Мазза қилиб ухладингми? — дерди бобоси унинг пешонасини меҳр билан силаркан. — Тура қол энди, кўйлар ҳам анча олислаб кетди.

Бобо-невара тагин отга мингашиб, сурув ортидан йўлга тушишар эди.

— Сен менинг Собиримсан, бўтам! — қайта-қайта такрорлашни ёқтирар эди бобоси. — Кўпни кўрган манови табаррук тупроқдек бардошли бўлсин, деб шу исмини сенга ўзим кўйганман. "Сабрнинг таги — олтин", деган машойихлар. Бус-бутун сабрдан иборат шу тупроқнинг таги ростдан ҳам олтин, бўтам. Яратган эгам ўлим-ийтимга сабр берса, ҳали манови ясси даштнинг чинакам эгаси бўлиб улғаясан. Ана шунда хоҳла — мендек чўпонлик қил, хоҳла — отам Муҳаммаддек савдогарлик қил, хоҳла — Зоҳир Аъламдек домуллаллик қил, хоҳла — Бобо Тохирдек йилқичлик қил! Юрагинг нимани буюрса, шу касбнинг этагини тут. Фақат босмачилик қилма, ўғирлик қилма, ғарлик қилма!..

— "Босмачи" дегани нима, бобо?

— Ўз юртидан безиб, бошқа юртларга бостириб келган отабезори-онабезориларни босмачи дейди, бўтам! — жавоб беради бобоси.

— "Ғарлик"чи, бобо?

— Ғарлик, ғарлик... бу балонинг боши, бўтам! Бесабрлик ҳам, очкўзлик ҳам, хуллас, кулли балолар шу балойи азимдан урчиди. Сабр-қаноатни унутган еб тўймас, нафси гор юҳони "ғар" дейди, бўтам! Ҳали сен бу гапларимнинг маъносини яхши тушунмайсан, бола-ам! — деганди бир пайт бобоси чуқур хўрсиниб. Сўнг гўё у билан эмас, ўз-ўзи билан ҳасратлашаётгандек узоқ-узоқларга кўз тикиб сўзланганди: — Ғалати дунё экан-да бу дунё. Ҳалол кун кўрмоқчи бўлган меҳнаткашнинг касоси ҳе-ёч оқармас экан. "Тошни тухумга урсанг ҳам, тухум синади, тухумни тошга урсанг ҳам тухум синади" деганларидек, ҳаммиша таёқ меҳнаткашнинг бошида синавераркан. Босмачилар борми, ўғрию ғарлар борми, ўзингдан чиққан балолар борми — бари меҳнаткашнинг қўш елкасида ўтириб

олиб, ажина бази қилавераркан. Оқлошони оқлошшо десак, бу давлатинг ҳам тили бошқа, дили бошқа чириб қолди. Ҳали "бой-қулоқ" деб қирди, ҳали "босмачи" деб қирди, ҳали урушга обориб қирди... Ишқилиб, ўз фуқаросини обдон қирди бу давлатинг ҳам! Билмадим, эрта бир кун сен бечораларни нима деб қираркан! Тўғри, "қирқ йил қирғин бўлсаям, ажали ётган ўлади" дейдилар. Бироқ ажалинг етгунга қадар одамлик сиёқингни йўқотиб қўймай ҳалол яшаб, ҳалол ўлиш ҳам тобора мушкул тортиб боряпти-да, бўтам. Қачонгача "туя кўрдингни, йўқ" деб дамимизни ичимизга ютиб яшаймиз?! Ичимиздан қиринди ўтиб турсаям, ҳеч нимани кўрмаган билмагандек юрибмиз. Искандарнинг шоҳини кўра туриб кўрмадим дейиш... бундан ортиқ куфрлик борми, чироғим?... Шуларни ўйлайвериб юрагим сиқилса, мён-ку, манови даштга чиқиб кетиб, ҳасратимни ўт-ўланга айтаман. Юракнинг чигилини бир нави ёзиб уйга қайтаман. Қийин бўлганда ҳам бечора отанга қийин бўлди-да. Янгичани тузукроқ билмай туриб муаллимлик қилса, билганларини айтолмас... Шу азоб отангнн жуда ҳолдан тойдирди, бўтам. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин!..

Собир яғир фуфайкасини буклаб, боши остига қўйди-да, тахта устига чўзилди. Кўзларини юмиб олди. Энди унинг кўз олдида бобоси Ботир полвон эмас, отаси Зокир муаллим барваста қомати, бор бўйи билан гавдаланди. Раҳматли отасининг ҳаммаша алланечук асабий чақнаган кўзлари унга "Қалайсан энди? Буёғи ранг кўр — ҳол сўр бўлибди-ку!" деб синовчан тикилаётгандек туюлди.

Ўшанда у мактабни битиргач, отаси айтгандек, "бобокалонидан қолган" бир ботмонлик кетмонни кўлига ола туриб, ўзича шундай хаёл қилган эди: қани, энди нима қилиши керак? Етти пушти ер титратиб яшаган йигит, эр етгач, қандай ишнинг этагини тутса, ажодларига муносиб ворис бўлади?... Ўйлай-ўйлай, жавобни Қорачиқ атрофидан тополмади. Қишлоқ усиз ҳам ошди! Аммо, маълум бўлишича, Чимкент йўлида Чўчкакул деган жой бор экан. Ўша кўлми-кўлмак атрофида чеки-чоғараси йўқ ясси дашт — бўз тупроқ бекор-бехуда ястаниб ётган экан. Бу жойга ҳозирча жамоа хўжалигининг кўли етганича йўқ экан. Жамоанинг етмай турган кўлоёғи бўлиб, кўл билан чўлни топиштириб, Чўчкақулни Собирободга айлантиришга уриниб кўрса-чи? Ниятини отасига айтган эди, Зокир муаллим фақат кўллаб-қувватлабгина қолмади, балки ўзи ўглини раиснинг ҳузурига бошлаб борди. Ҳолис ниятини тушунтирди. Раис бажонидил рози бўлди. Ҳатто ич-ида қаттиқ суюнди. Хўжалиқда экин майдонлари етишмай турган бир пайтда аллақандай оварс битта ўзи ёлғиз кетмонига суюниб янги ер ўзлаштираман деб турса, бу қутилмаган топилдиқдан, нима, суюнмасинми? Ҳатто ўша ерни шудгорлатишу мола тортиришни ўз зиммасига олди. Нарёғи эса, эгер кўрмаган оддек гижинглаб турган ўспириннинг ғайратига ҳавола!

Кўл бўйидаги куйиккан туядек қутуриб ётган чўл кучини кўрсатдимми ёки яратган эгамнинг ўзи "ниятинг холис эди, ол, кулим!" дедими, айни саратон юрган паллада бир қовунлар битдики, худди эртақдаги очилдастурхон дейсиз! Шакарпалагу босволди, оқновотни қизилновот, бўриқаллаю олапўчоқ... Хуш таъми тилда қолади. Кўл сувидан челақлаб бўлса-да, бир қарра қуйилса бас, жазирамани енгиб ўтиб, етилиб, фарқ пишишга тушади.

Кунларнинг бирида у сув ташиб чарчагач, икки чиллаки шакарпалакни икки кўлтиғига қисиб, юрак тафтини босадиган бир нима қидириб, йўлга тушди. Бу атрофда энг яқин қишлоқ — Эски Иқон, шуни қора тортиб бораверди. Уч чақиримча юрган ҳам эдики, узоқдаги бир ўтовнинг қораси кўзга тушди. Яна бироз юриб кўрдики, ўтов кимсасизга ўхшайди. Бироқ атрофида тушовланган от ва туялар кўзига чалинди. Итларнинг қораси кўринмайди, чамаси, улар сурув ортидан кетганга ўхшайди. Ўтовга яқинроқ бориб кўрдики, отам замонидан қолган бир қудуқ, қудуқ ёнида эса қирқ қулочча келадиган кўлбола охур.

Қудуқ қошига етгач, у ҳар эҳтимолга қарши ўтов томонга овоз берди:

— Ҳой, ким бор?!

Шу чоғ, қутилмаганда, мўъжезиба рўй берди: ўтов ичидан хушрўй бир қиз юз кўрсатди ва бир-бир қадам босиб унга томон юриб кела бошлади. Собир қизга тикилган кўйи сурат каби қотди-қолди. Қизнинг гўзаллигини ҳамми ёки иссиқлигини кўз олди жимирлашиб кетди ва ҳолсизлигини қудуқ қоқроғига суюнди.

— Кимсиз?! — қиз уч қадамча нарида тўхтаб, унга кийикдек хуркак нигоҳ билан тикилиб қолди.

— Чанқаб келган... — деди у ютиниб, — бир дарбадарман.

Қизнинг кўзларидаги боғли ҳадик йўқолиб, ўрнида хайрихоҳликка ўхшаш ифода ақсир бўлди.

— Қудуқ суви чанқирингани босармикан? Балки муздекина қимиз маъқулроқдир?

Собир ғайришуғурини бир тарафа қилиб орашиб, ҳам тамшанди:

— Ў-ў, қанғиди!..

Йилдек узоқ чўзилган лавраглардан сўнг, нияти, шо кўлдан бир шокоса билан ўтовдан чиқиб шолди. У шокосани шайлабгина икки кафти орасига олди-да, бир кўтаринида сўнги тоғиқига қадар сипқорди. Чап кўлининг орқаси билан лабани артариб, қимиз қонини жўштирдими, тилининг тутуни ечилиб кетгандек бўлди. Ўзида мисли қўрилмаган бир бийронлик туйди:

— Энди кимнинг кўлидан қимиз ичганимиз деб тамшаниб юрагим, қариндош?

Бу қочирим, тўғрироғи, илтижога ўхшаш талғиниш дилнинг нозик торларига бехато тегди, шекилли, суҳбатдоши шўх кўлди:

— Ростдан ҳам дарбадар бўлсангиз, ташналигингизни қондирдингиз, энди буёғининг қизиғи йўқдир дейман? Е... дарбадарлигингиз ёлғонми?

Бу тағдор гапдан қондаги минг йиллик мискинлигу расида ўспиринга хос ҳазил-хузулларга мойиллик бараварига жўшди:

— Дарбадарлик ҳам гапми, ғарибман, ғариби бенавоман, қариндош!

Пилла жарангидек тиниқ кулги таваракка, айниқса, унинг жисми-жонига нурдек таралди:

— Вой шўрлик-эй! Вой бечора-эй! — Қизнинг кўзлари-ю сўзларидаги шўхлик шаддодликка айланди: — Агар ростдан ҳам Ғариб бўлсангиз, майли, отимни айтай, мён — Шоҳсанамман!

— Йўғ-э! Ростданми?

— Рост. Нима, ишонмайсизми?

— Сизнинг Шоҳсанамлигингиз-ку, ишониб турибман, — деди Собир алланечук маънос тортиб, кейин "бахташ таваккал" деб гапни "чийраб айлантирди", — бироқ... бу ғариб кулингизнинг дostonга қаҳрамон бўлгулик ҳоли бормикан, шунисига ишонмайроқ турибман?..

Қиз ҳазилга аразлаганнамо оҳанг берди:

— Ҳолингиз шугина экан, қимизимизни ичдингиз, йўлингиздан қолманг энди, йигит!

Собир гапни керагидан ортиқ даражада чийраб юборганини пайқаб, қулай фурсатни бой бермасликка тутинди:

— Ҳим ғариб бўлсам ҳам кўнглим пошшо! Қимизингизни ичиб, "отангизга раҳмат" деб кетаверсам яхши бўлмас! — Шундай дея қудуқ қошида турган қовунларни қизга узатди: — Ҳозирча топган-тутганимиз шу ҳамақлар. Энди бориға барақа деб оласиз?

Қиз қовунларни кўлига оларкан, унга бир табассум ҳадя этди:

— Раҳмат! Қаранг, қовун ҳам пишай депти-я! Янгилик қиладиган бўлибмиз...

Лекин биригина табассумга Собирнинг кўнгли тўлмади.

— Айба қўшмайсиз, — деди у, — бу Ғарибнинг Шоҳсанамдан яна бир тилаги бор.

Қиз унга хиёл ноз-истиғно ва айни чоғда ҳадик-хавотир билан қаради.

— Тилагим шуки, фақир кулингиз кўл бўйида қовун эккан. Ўзингиз қовун сайлига бормасангиз, ҳамақлар шире бойлаб, ҳосилга барақа доримайди-ёв?

Қизнинг ақиқ лабларию қуралай кўзларида тағин ўша, нақ юракни ўртаб юборадиган табассум жилваланди:

— Бу тилагингизни ҳам қабул қилдик! Фақат шартимиз шуки, қирқ кечаю қирқ кундуз йўлнингизни пойлaysиз. Ўшангача ё пойқадамимиз, ё ёмғир қаҳраган полкингизни обод қилади.

Ўшанда, у ўлчига қайтган, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, дoston қаҳрамонига ўхшаш учун эмас, балки азбаройи ишга кўли бормагани ва ўнгиди кўрган тушини батафсилроқ эслаш учун кўсини ерга бериб ётиб олди. Шоҳсанамнинг гўнаҳ лаблари, бодом қовоқлари, шўх чақнаган нимрўёқ кўзлари, тоғиқидай эшилган хипча бўй-баста кўз олдидан сира нари кетмади. Оқшом чоғи ўлчак ёнидаги кўлбола сўрига чўзилган кўйи денг осмониди бодроқдек сочилган юлдузларга тикиларкан, бу оқшомлар ҳам, осмонат сўриси ҳам, ғариб бошланаси ҳам, ҳаттоки, энди кўлданги барқларнинг бири-бирларига басма-бас ваариллашлари ҳам кўнглига бехад яқин, алланечук қадрдондек бўлиб туюлди. Демак, бу кимсасиз дашту далада ёлғиз эмас экан. Шундоққича қиз узатса еттулик жойда одамлар, тағин денг, улар орасида Шоҳсанам и смли қиз яшар экан!

У шундай ўйларни хаёлидан кечираркан, кўнгли орзиқиб, ўзини худди бу бөбён дашт кўйнига сиғмай кетаётгандек ҳис этди.

Шундан сўнг ҳар кун, наинки кун, ҳар бир соату дақиқани бесабрлик билан ўтказа бошлади. Қорачиқ ёки Туркистон тугул, беш-олти чақирим наридаги Иқонга ҳам бурунгидек бемалол бориб-келишга юраги дов бермай кўйди. У кетганда... қидирб келса-чи? Далли-девона кўнгли ўз эркига кўймай ўша қудуқ қошига тагин боришга зўр бериб ундади, албатта. Лекин боришга чўчиди. Азбаройи вақтни тезроқ ўтказиб, ўзини овутиш мақсадида, полиздаги ҳар бир палакнинг бошида айланиб-ўргилди. Сўлий бошлаган тупларга кўлмақдан мөшда сув ташиб, битта-битта кўйди. Орадан ўттиз өтими, ўттиз саккиз кун ўтгач, кулоғига ногоҳ бир овоз чалинди:

— Ҳорманг, деҳқон!

Бошми кўтариб овоз келган томонга қаради: ўн қадамча нарида эллик ёшлардаги нотаниш бир киши бошига дўппини қия кўндириб, от етаклаганча кўл ёқалаб келяпти. Нотаниш кишининг юз-кўзларию қарашини худди овози сингари шу қадар мулоим эдики, Собир беихтиёр "Мабодо Ҳизр эмасмикин?!" деган хаёлга берди. Кўлларидаги сув тўла мөшларни пайкал чеккасида қолдириб, меҳмонга пeshвоз чиқди:

— Бор бўлинг, ақа, келинг, ассалому алайкум! — Меҳмонга кўл бериб кўришаркан, мулозамат қилди: — Салқинга юринг, ақа! Яхна чойим бор?

— Қуллуқ, бўтам, қуллуқ! — Меҳмон шундай дея унга от жиловини тутқазди. Собир жиловини бўғотқа илиб, меҳмонни ўлчака бошлади. Меҳмон кўрпача устига ўтиргач, дуоини фотиҳага кўл очди:

— Кўлингиз дард кўрмасин, шу ёрнинг роҳатини кўринг, олингу олдирманг! Илоийм, Чўчқакўл обод бўлиб, тагин Бойкўлга айлансин! Овмин, оллоҳи акбар!..

Фотиҳадан сўнг ҳол-аҳвол сўрашишгач, Собир дастурхонга толган-тутгани — бир тақсимча қанд-курс, тўртта қотган нон кўйди. Термосдан бир пийла қайноқ чой куйиб узатди.

— Кўйинг, ортиқ ташвиш қилманг. Мөнга чой-нон эмас, дийдор азиз, бўтам! — Меҳмон шундай дея хушнуд жилмайди: — Узоқдан қараб келяпман: қирғоқда сувни туядек симириб, полизга филдек пулкаб ётибсиз. Бунақада кўлнинг сувини куриштиб кўясиз-ку, бўтам?

Собир меҳмонга қаради ва пайқадими, бу гаплар мазах эмас, шунчаки ҳазил. Самимий-беғараз ҳазил! Барибир, кўнглида малоллик туйди.

— Энди-и, кўлнинг суви баракалик, ақа, мөш билан олганга тугаб қолмас?

Меҳмон жиддий тортиди:

— Шундай дейсиз-у, бўтам, бу ёрнинг исини олганлар "кўкартирса бўлар экан" деб... пахта экиб бошласа-чи? Чанги чиқиб кетмайдими бу кўлнинг ҳам?... У ҳеч қачон хаёлига келтирмаган бу гапдан капалаги учди. Меҳмон унинг авзоийга қараб туриб шуни пайқадими, дарров далда беришга ўтди: — Ҳай, майли, "чумчуқдан кўрққан тариқ экмайди", дейишади. Кўлингизни ишдан совутиш учун эмас, ҳушёр бўлинг деган ниятда айтдим-да бу гапларни. Кўнглингизга олмайсиз. Кимнинг ўғлисиз, бўтам?

— Қорачиқлик Зокир муаллимнинг тўнғичиман.
— Зокир муаллим?... — Меҳмон андак хаёлга чўмди. Сўнг иқроф бўлди: — Таннимас эканман.

— Балки бобомни танирсиз? Ботир полвон?...
Меҳмон бир зум ўйга чўмгандек унга тикилиб туриб, бирдан юзи ёришиб кетди:

— Э-э, Ботир оқсоқолнинг набирасиман денг, бўтам? Ўзларини кўрмаганману, аммо таърифларини эшитганим бор. Ку-ўп бамаъни одам ўтган дейишади.

— Қовун сўяй, ақа, буёғи деҳқончилик?... — Собир тагин мулозамат қилган бўлди. Меҳмон эса, чамаси, унинг мулозаматини бошқача тушунди, шекилли, дарров фотиҳага кўл очди:

— Сизиниям ишдан кўйдим-а, бўтам? Майли, мен энди борай. Қани, овмин, ўтирган ўрнимиз йўқолмасин! Бойкўл обод бўлсин. Кўлингиз дард кўрмасин. Ҳосилингиз баракали бўлсин. Овмин, оллоҳи акбар!

Меҳмонни кузатиб ўлчақдан чиққач, Собир астойдил ўтинди:
— Майли, емасангиз ҳам анови қовунлардан ўз кўлингиз билан узиб ола кетинг, ақа?

Меҳмон от жиловини өчиб, эгар устидаги хуржунни унга узатди:
— Майли, сазангиз ўлмасин, бўтам, жиянларга оборай, — у хуржунни олиб, полиз томон чопқиллаган Собирнинг ортидан

тайинлади: — Иккитадан тўртта бўлса етади, кўп узманг!

Қовун тўла хуржунни даст кўтариб эгар устига жойлар экан, меҳмон кўзойнак тақиб, нимагадир тикилган кўйи ундан сўради:

— Исмингиз нима, бўтам?

— Собир?..

Меҳмон отини Иқоннинг йўлига етаклай туриб Собирнинг кўлига кафтдек бир китобча тутқазди:

— Энди, чойингизни ичиб, қовунингизни олиб кетавермай, ўзим ҳам нимадир қолдиришим керак. Толган-тутганим шугина, бўтам, сизга...

Собир китобчанинг илк саҳифасига кўз югуртирди: "Миртемир. "Қорақалпоқ дафтари". Ботир оқсоқолнинг деҳқон набираси, ҳамкасбим Собир полвонга муаллифдан эсдалик". Собир китобдан кўз узиб, меҳмонга тикилди:

— Сиз ҳам деҳқонмисиз, ақа?

— Ҳа, деҳқон! — Меҳмон отга миниб, хайрлашиш учун унга кўл узатаркан, алланечук ҳазин тортиди: — Анови Иқондан чиққан бир дарбадар деҳқонман... Хайр, бўтам, омон бўлинг!

Собир кўлида — китоб, кўнглида — гўжон савол, бир муддат тек қотиб қолди. Сўнг олислаб бораётган олтиқнинг ортидан жон ҳаллида қичқирди:

— Иқонликмисиз, ақа?

Меҳмон от жиловини тортиб, ортига қия қаради. Тасдиқ маъносига бош қимирлатди. Собирнинг тили уч жумлага базўр айланди:

— Йўлингизда... қудуқнинг олдидаги ўтовга... мөндан салом айтинг!..

Ҳизрсифат ҳамкасби саломини өтказдими ёки бошқа сабаб бўлдим, ишқилиб, орадан бир кун ўтиб, куёш билан баробар Қоратов томондан бир қора нуқта кўринди. Собир кўлини пешонасига соябон қилиб, бутун диққатини кўзларига жамлаб тикилди. Нуқта борган сайин катталаша-катталаша, дашт бўйлаб кушдек учаётган елдириш аргумоққа айланди. Аргумоқ устида... бошига уқлар қадалган туркона қалпоқ, эгнига гулдор ҳарир кўйлак устидан яшилбранг духоба нимча кийган бир малак... бахт кушидек ўзига томон саросар учиб келаётган эди. "Шоҳсанам! — беихтиёр қувониб кетди Собир ва полиз оралаб унга томон пeshвоз юрди. Дашт билан полиз туташган жойда гижинглаб тўхтаган бедовнинг жиловини тутди:

— Қуллуқ, Шоҳим! Бошимиз кўкка өтди!

Шоҳсанам өнгил бир ҳаракат билан от устидан сакраб тушди.

— Қани, мулкига бошласинлар! — деди у шоҳона виқор билан.

Собир ўзини дostonларга хос кўтаринки оҳанглар оғушида юргандек ҳис этиб, тагин юраги орзиқди:

— Марҳамат қилсинлар, Шоҳим, ҳар қадамларига биттадан палак пояндоз!

Қиз бир-бир қадам ташлаб, полиз оралади. Эрталабки куёш нурида тиллодек товланиб ётган қовунларни кўллари билан эркалагандек силаб-сыйпалади. Етилган қовунларни ўзича санаган бўлди. Сўнг полизга ялли назар ташлаб, унга болаларча завқ-шавқ билан қаради:

— Кўлингиз дард кўрмасин. Ҳаммаси ўзларининг мулкими?

Энди Собир ўзини нақ илоҳий фароғат аршида сөзди.

— Йўқ, ўзларининг мулки! — деди ич-ичдан орзиқиб, — Ғариб кўлингиз бэр-йўғи бу мулкнинг бир посбони, Шоҳим!

— Менимча, шундай мулкни йўқдан бор қилгани Ғариб эмас, Шоҳсултон деса арзийди!

— Илтифотларидан бошим кўкка өтди, Шоҳим. Энди тагин бир илтифот қилсинлар — шу полиздаги энг ширин қовунни танлаб, ўз кўллари билан узсинлар.

Шоҳсанам ўртача катталиқдаги бир бўриқаллани узиб, Собирга узатди. Собир, бир кўлида — қовун, бир кўлида — жилво, ортида — бедов, ёнида — пари-пайкар, ўлчақ томон оҳиста одимларкан, тилда ҳам тағдор, ҳам бир қадар ҳавойи — баландпарвоз оҳанглар шавқига буткул берилди. Айни чоғда ўзининг қадим бахшилардек сўзга чечанлашиб, тилининг тугуни батамом өчилиб бораётганидан ҳайратга тушди.

— Энди кулбамазни — обод, қовунимизни — новвот, ўзимизни — шод қилишларигина қолди, Шоҳим!

Улар от жиловини бутоққа боғлаб, ўлчака кирдилар. Ёзиглик кўрпачаларга ўтириб, ёзиглик дастурхонга фотиҳа қилдилар. Собир қовунни косалаб, азиз меҳмонининг олдига суриб кўйди. Оғизга солсанг тилингда болдек эрийдиган қовунни ҳузурланиб-тамшаниб

тановул қилишаркан, суҳбатлари "бир боғдан, бир тоғдан" деганларидек, ўтган-көтгандан, кўрган-билгандан, ота-онаю қавм-қариндошдан айлана-айлана, ниҳоят, ўз-ўзидан "эканга, чопганга, сугорганга, сўйганга, ёганга раҳмат"га келиб тўхтади.

— Ширин қовунларни едик, ана энди эвазига... тиланг тилагингизни, — деб қолди қиз.

Бу "шоҳона илтифот"дан Собир қаттиқ эсанкиради. Қовун — ширин, дийдор — ширин, суҳбат — ширин, яшаш — ширин, бу ширинликларнинг тахирини чиқариб қўймайдиган тагин не тилаги қолди унинг?! Қизнинг куралай кўзларига, қизили қизилга, оқи оққа ажралган нақш олмадек таранг юзларига, гунчадек нафис лабларига термуларкан, кўнглида ғарибона эмас, мардона бир истак уйғонди.

— Тилагимни айтаверайми, Шоҳим?

— Айтаверинг! Фақат... тилагингиз ўз ҳаддини билар? Еган қовунимиздек ширингинадир?

Собир қизнинг шўх табассумига жавобан маъноли кулиб, ширин орзиқди:

— Ўй, тилагининг олида... анови полиздаги ҳамма қовунлар... бемаза-ку, Шоҳим?

— Наҳотки? Ҳай, қани, эшитайлик-чи!

Собир истагини қачонлардир қулоғига чалинган, ҳойнаҳой болалик чоғларида аллақайси бахшидан эшитган энг пардалими- мазали бир сўзга жамлашга уринди:

— Кўнглим анови ширин лаблардан... бир... МУЧЧИ тилайди, Шоҳим!

— Ана, айтдим-ку! — қиз кийикдек чаққон ҳаракат билан ўрнидан учиб туриб, эшикка йўналаркан, унга енгилгина танбех берди: — Ҳаддингиздан ошманг!

У бир хуржун қовунни эгар қошига илиб, қизнинг отга миншига кўмаклашаркан, ҳалиги "бемаза" истак учун узр айтиб, ўзини оқламоқчи бўлди: "Мен лабнинг ўзини эмас, лабда қолган ширани ширин дедим-да, Шоҳим! Шу ширани ялагим келди-да! Лекин... еб тўймаган ялаб тўядими!.." Аммо бу гал дилидаги тилига кўчмади. "Қўй, бир гагдан қол! — деди ўзига ўзи. — Бу гапингни ким қандай тушунади? Нотўғри тушунмасин тагин. Тўғри, бу кенг дашта кенглик ярашади, ҳурлик ярашади, шўхлик-шаддодлик ярашади. Бироқ етти қават пардани бирваракайига кўтариш ярашмайди!.."

Уша кундан эътиборан сунбула салқини тушиб қолганига қарамай "муздай сув билан чанқовбости қилиш" ниятида неча марта ўтов қошига борди. Қиз ҳам неча марта "қовун сайли"га келди. Бунинг ҳисоби кимга керак? Ҳар қалай, шуниси аниқки, орадан икки ҳафтача ўтиб, "ўз вақтида етиб келган" ҳашарчилар — Қодир Ботир укалари билан пишган қовунларни машинага пешмапеш юкларканлар, уч ўғлига бош бўлиб, ёрилган қовунларни увол қилмай, қозон-қозон қонқурт қайнатишга тушган онамзор тўнғич ўғлининг ҳаётида ажиб бир ўзгариш рўй берганини сезди. Бироқ ўзининг сезганини ўғлига билдирмади. Собирнинг сезгани шу бўлдики, тўртовлон сўнги ҳазанак-тўнаклар, кўрпа-тўшаклару қоқ-қонқуртларни машинага юклаб, Қорачиққа қайтишаётганида юрагининг бир парчаси кўл бўйида, тўғрироғи, кудуқ қошида қолиб кетаётгандек туюлди.

Кеч қузу қишни "шудгорнинг бошида туриш", "ернинг оби-тобини кўриш" қабиллидаги баҳонаи сабаблар топиб, Қорачиғу Чўчкақўлга қатнаш билан ўтказди. Эрта кўкламда эса, енгил-елпи кўч-кўронини машинага юклаб, тагин "Қайдасан, Чўчкақўл?" дея йўлга тушди. Тагин енг шимариб иш бошлади. Қовуннинг таъмини кўрди — ширин. Ҳамқишлоқлари орасида оддийгина "Собир" эмас, "Собир қовунчи" атанди — ширин бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ёқимли. Бироқ одамзот ёлғиз қовун билан тирикми? "Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак" деганлар. Одам боласига эса, эҳ-ҳе!.. Энди қовунполиз

ёнига тарвуз, қовоқ, писта, бурчоқ, зиғир, мош, савзи, пиёз... кўйинги, не зироат бор, барча-барчасидан кам-кам бўлса-да, экиб чиқди. Экинлари қад ростлагунга қадар кўлбола ўлчағига қаноат қилмай, уззукун чим ўйиб ўртача ўтовдек бир уйга ул, бошқачароқ айтганда, пойдевор қўйди. Бу орада "қимизга ёмон ўрганиб, қимронга мазахўрак бўлиб қолгани" сабаб, ўтов қошига сув қатнашни ҳам қанда қилмади, албатта. Баъзан Шоҳсанамнинг ўзи ҳам "ҳорманг" дея ўлчакка келиб турди.

Ўтган йилги қовунининг доврўғини ҳамқишлоқларидан эшитиб, кўнгли ийганми, қайдам, кунлардан бир кун отаси Зокир муаллим Чўчкақўлга келди. "Ҳорма, ўғлим! Қани, бир кўрай-чи!.." деб экинларини бир сидра оралаб чиқди. Ўлчакка кириб ўтиришгач, ота ўғлига биринчи марта меҳри товланиб қаради.


— Қўлинг дард кўрмасин, болам! — Собир эс-ҳушини танигиндан буён уни биринчи маротаба алқади ота. — Унмасни ҳам ундириб, иш деганни дўндирибсан! Ана энди чинакам қовунчи, асл қорачиқлик бўлай дебсан! — Сўнг хушнуд кулимсираб, ўғлига маъноли қаради: — Ҳар қалай туз эмагандирсан?

Собир отасига савол назари билан қаради. Нима демоқчи? Отаси эса ёзилиб гапиришга тушди.

— Бизни нима учун "туз экан қорачиқликлар" дейишларини биласанми, болам? Айтишларича, қадимда ота-боболаримиз четдан ҳеч нарса сотиб олмаскан. Тирикчилик учун зарур ҳамма егуликни ўзлари ўз кўллари билан етиштиришар экан. "Йигит кишига қирқ хунар оз" деб, ҳар бири деҳқончиликни ҳам, чорвачиликни ҳам, хунармандчиликни ҳам эплаб кетаверар экан. Шунинг учун ўзлари кийим-ёйишдан ортганини шаҳарга олиб тушиб сотаркан, бироқ шаҳардан ҳеч нима сотиб олишмаскан. Фақат аҳён-аҳёнда бир савдогар қишлоққа туз олиб келиб тилло баҳосида пуллаб кетаркан. Сотиб олмай деса, ош тотиги туз. Сотиб олаверай деса, савдогар тузнинг нархини тобора ошираверибди. Кунлардан бир кун ота-боболаримиз савдогарни инсофга чақаришибди: "Бунинг тузми, тилломи? Ҳар биримиз қирқ хунарни эгаллаб, шунча елиб-югуриб топган-тутганимиз тузингга етмай қоляпти-ку, иним? Савдогарлик ҳам эви билан-да!.." Ана ўшанда савдогарнинг баттар сўмлиги тугибди. "Энди сенларга туз сотмайман. Керак бўлса, ана, ўзларинг экиб олаверинглар", дебди. Ота-боболаримиз ҳам бориб турган содда бўлишган эканми, бу гапга лаққа ишонибди. "Ке, шу нокас билан савдолашиб ўтираимизми, тузниям ўзимиз экиб кўя қолайлик-да!" дейишиб, далага туз сепишибди. Аммо кўп ўтмай ерларни шўр босиб, экинлар куриб қолибди. Бу дунёда оққўнғил бўлиш яхши, бироқ ўзингга пишиқ, ишингга пухта бўлиш бундан ҳам яхшироқ, болам. Худо ҳам "сендан — ҳаракат, мөндан — баракат", "Сақ бўлсанг — сақлайман" деган. Туз экиладими ёки таппа-тайёр кондан қазиб олинди — шу оддийгина нарсанинг фарқига бормаган қорачиқликлар худонинг қаҳрига учрабди. Ўз бошларига ўзлари балони сотиб олишибди. Бутун умр шўр билан ёвдек ёқаллашиб яшайдиган бўлишибди. Ҳар йили кўкламда ер юзига төпчиб чиққан оппоқ кабир билан кўпчиб чиққан кўм-кўк тузни пешонанинг шўридек сидириб олиб, қишлоқнинг икки чеккасига уяверишибди. Ана ўшандан қишлоқнинг бир четида — Бўртепа, бир четида — Шўртепа пайдо бўлибди...

Ушанда отаси Зокир муаллим ўз ҳикоясини мужмалроқ якунлаган эди:

— Деҳқончилигинг дуруст, улим. Бироқ уй қуришга шошилибсан. Чўчкақўлнинг бўйида янги бир овул-аймоққа уй қуриш ёлғиз ўзингга оғирлик қилар дейман...



(Давоми келгуси сонда)



Шарафиддин КЎНЧИ

ЛАҲЗАНИНГ ҚАДРИ

64-йилда Пиримқул Қодиров Тошкентга кўчиб келиб, Глинка кўчасидаги ҳовлига жойлашди. Декабрь ойининг ўрталари эди. У янги йилни кутиб олиш учун уйига оилавий бўлиб боришимизни таклиф этди. Кечада мавлоно Абдулла Қаҳҳор ҳам бўлишларини таъкидлади.

Шундай қилиб Пиримқулникига ҳам янги йилни кутгани, ҳам “Ҳовли муборак бўлсин”га бордик.

Дид билан “келинларникидек безатилган” қўш ошиёнли уйни кўриб чиқиб бироз ўлтирган ҳам эдикки, бир вақт “келишди-келишди” бўлиб қолди. Кун соғуқ эди. Абдулла ака бир қўлларида дутор, ёнларида Кибриё хоним ковушандозда пайдо бўлишди.

— Э, келинг, тақсир?

— Шу денг келаётсак, — деб лутф қилдилар Абдулла ака дуторга ишора қилиб, кулимсираб, — икки йигит йўлда тўхтатиб “Озгингизга сиққанини айтингу биз билан кетиб шу кечамизни ўтказиб бериб келинг” деб қолса бўладими! Базўр улардан қутулдик.

Бу тасодифдан, у кишини созанда хаёл қилганлардан домла хурсанд эдилар...

У кишининг чеҳралари кўп вақт жиддий юрсада, лекин ҳозиргидек кулган, кулимсираган пайтларида худди гўдаклардек астойдил яйраб кетардию бу кайфият ўзгаларга ҳам юқарди.

Ўша вақтларда магнитофонлар ҳали унча расм бўлмаган, “дил тортадиган” грампластинкалар ҳам жуда оз эди. Дилхушлик эса асосан дутор билан ўтарди. Қолаверса Пиримқул куйларимизга ташина бўлиб келганди.

Меҳмонхонага киришгач, Пиримқулнинг ўғли Жамшид пилдираб ўтиб қолди. Ўшанда у бир-бир ярим яшар ширингина бола эди. Абдулла ака уни кўтариб олиб “буни юзининг учдан бири — кўз” деб суйдилар шахло кўзларини назарда тутиб.

Бу ўртада бошқа меҳмонлар ҳам келиб қолишди. Хонимлардан бири Абдулла акага таништирилган эди, унга тикилиб туриб: “Толстойдаги Маслова кўзининг биттаси ҳам шундай билинар-билимас тойилганлиги айтилган”, — дедилар. Биз бўлсак буни пайқамасан эканмиз.

Сўхбат қизигандан қизиб борди. Абдулла ака Чехов “Ёвуз ниятли киши” ҳикоясида бутун бир дунёни яққол кўрсатиб берганлигини, ўзлари ёзган “Сархона” ҳикоясига таржимон Одил Раҳимийни прототип қилиб олганликларини айтиб бердилар. Сўнг Пушкин қиссаларидаги равонлик ва жозибга, Чеховдаги сиққлик ибратли эканлигини ҳавасланиб сўзладилар.

Даврада ўлтирган адибларнинг ҳурмат-андишаси бўлса керак, бир пайт уларга мурожат этиб,

Навоий “Чор девон”ини бошлаб бергувчи машҳур шоҳбайт:

“Ашрақат мин акси шамсил — каъси анворул худо,
Ёр аксин майда кўр” деб, жомидан чиқди садо”
нақадар сермазмун эканлигини ҳайратланарли мисоллар билан гапирдилар ва даврадагиларнинг фикрларини сўрадилар.

Бу гап бежиз эмас экан. Нуктадон адиб ва тилшунос Алибек Рустамий билан кейинчалик қилган бир сўхбатимда ҳазратнинг шугина байти мазмунида айтса бўладиган камида бир босма табақ гап борлиги маълум бўлди.

Ҳадемай соат 12 ҳам бўлиб қолди. Дастурхон тўридаги Абдулла ака кичик бир қадаҳни кўтариб сўз қотдилар:

— Ҳар ким қўлидаги қадаҳидан кўнгли тортганича хўпласа-да, шу хўпландаги май неча томчи бўлса, янги йилда унга шунча бахт-саодат ёр бўлсин, — дедилар...

Пайдар-пай телефон жириглаб, Абдулла аканинг мухлислари қидириб топиб шу улуг айёмда у зотга изҳори дил қилиб туришарди. Шулардан бири — Иброҳим Раҳимнинг овозини сезиб қолдим.

Нимаданам гап чиқиб Абдулла ака ўзбек адабиётининг келажаги ҳақида сўзлаб “катта адабиёт бўлади” дедилар. Бу гапни ҳавас ва гурур билан, комил ишонч билан айтаётганликлари шундоққина билиниб турарди.


Ўшанда мен шундоқ бўлишини унчалик тўлиқ тушуниб етмагандим. Чунки ҳозир адабиёт майдонида от сураётганлар “эгарга энди минган” ёки ҳали “узангига оёғи етмаган” ҳолатда эди. Кейинчалик Кибриё хонимдан билсам, Абдулла ака адабиёт майдонида “қимирлаган жон борки” ҳаммасини ўқиб борар ва янги йил кечасидаги ўша гапни шуларга асосланиб дадил айтган эканлар.

...Мана ўша кечадан бери 30 йил ўтиб кетибди, шукроналар бўлсинким, Абдулла ака башорат қилган катта ўзбек адабиёти дунёга келди ва ундан бугунги кунда кўплар баҳраманд бўлиб турибди.

Ўша кеча тарқар эканмиз, Абдулла ака Кибриё хонимга манто, этик кийдиришда йигитлардек чаққон мулозимлик қилардилар. Бу ҳаракатларни кўрган ҳеч кимсанинг хаёлига адибнинг яна бор-йўғи уч йилгина умрлари қолганлиги келмагани аниқ. Ўша кеча ҳақида ўйласам Абдулла Қаҳҳор шахс ва адибликда ҳар бир дақиқани қадрлай билган ва бу дақиқа мўъжизасини бошқаларга ҳам улаша олган санъаткор сифатида гавдаланади.



Эргаш АБДУЛЛА



БУЛБУЛГА ЎПИЧЛАР БЕРГАН АТИРГУЛ...



Кузаларим яйратди, тилим сайратди,
Куртакларга не сир яширдинг, оғоч?
Нетай бу жонимда тошган ҳайратни,
Менга кўнглингни оч, менга кўнглинг оч!
Тоғлар нафасидан тозарган шамол,
Боглар уйқусидан учган сандувоч,
Бу Қўқон томонлар, Фаргона томон,
Менга кўнглингни оч, менга кўнглинг оч!
Эй эзгу тупроқнинг қувончларига
Дарёлари тилмоч, сойлари тилмоч,
Чумилтир марҳамат қуёшларига,
Менга кўнглингни оч, менга кўнглинг оч!
Меҳринга тўйдиргил энди, моҳирўй,
Ахир сен ганисан, ахир мен бир оч.
Бир йиглатиб қўйгин, бир куйлатиб қўй,
Менга кўнглингни оч, менга кўнглинг оч!..

ДУНЁ

Тонглари ибодат билан кутганлар,
Офтоб кулгусини қафтда тутганлар,
Барибир, армонда ёниб ўтганлар,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.
Баҳорда мудраган қирғоқ ҳам бўлар,
Қорлар эримади, курғоқ ҳам бўлар,
Дашти Карбалода юрмоқ ҳам бўлар,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.
Қаҳратонни енгган ялпизлар — синглим,
Мен эрта уйгондим, ки эрта тингим,
Сўнг бор жола бўлиб заминга сингим,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.
Омад қочиб юрсин ё пайдо бўлсин,
Сен ишон, кунларинг ҳувайдо бўлсин.
Қалбингда эл дарди сувайдо бўлсин,
Бу дунё сенга ҳам эмас, менга ҳам.
Беайб ким биласан, фақат сен эмас,
Тенгмиз деганларнинг ўзи тенг эмас,
Балки кенг бўлсадир, балки кенг эмас,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.
Мардсан, маҳзун дилга илинжлар солгин,
Йиглаб турган кўзга севинчлар солгин,
Ростни деб, ёлгонга қиличлар солгин,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.
Визлар кўнгил берган Ватанки боқий,
Осмон шафқатлидир, офтоби саҳий,
Хурсандлиг майини мўл қил, эй соқий,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам!..



Сенинг тугёнларинг интиҳосида
Менинг тугёнларим интиҳоси бор.
Кун келар кечиккан баҳорга ўхшаб,
Бу ўқик кўнгилни фароғат йўқлар.
Қувонасан энди, йиглайсан қақшаб,
Инграйди жонингда ўлмаган ўқлар..



Менга уйқу бермас жарангдор осмон,
Кумушдек жаранглаб мовий куй чалар..
Ох, жуда истардим, шу янграётган
Осмонни кучоқлаб ётсам кечалар!
Турналар келдилар, саф-саф турналар,
Соғинчи, қувончи, армони билан.
Истардим, бир нафас сирлаша олсам
Мен ўша турналар қарвони билан!
Шамоллар келдилар довдир, бахтиёр,
Шопириб, учуриб дунё губорин.
Истардим, шамолга айланиб қолсам,
Вир ҳовуч шамолни ичиб юбориб!
Богларга ям-яшил байрамлар келди,
Бу шайдо умрга яна не керак?
Менинг бахтим энди, азобим энди
Булбулдек сайрашни истаган юрак!..

Ойланган бир ишқдир бу наҳор,
Эҳ, унга айтмоқчи розим кўп!
Нозланиб боқади тун бўйи
Кўзига сурмалар тортган кўк.
Насибам эканки субҳи соф,
Мени бир саодат йўқлаган.
Қалбимда тугилган офтоб,
Бағримда, раънолар ухлаган.
Умр ҳам беармон туюлди,
Жон ичра оройиш шовиллар.
Омонлиқ шеъримга қуйилди.
Дунёнинг ранглари ловиллаб!
Ох, маъсум лаҳзалар, оҳ маъсум,
Мен руҳан тонгларга чулгандим.
Чақнади, бир олтин табассум,
Бағримда раънолар уйгонди!..



Эргаш АБДУЛЛА 1941 йилда Фурқат туманидаги Тўрғай қишлоғида туғилган. Қўқон муаллимлар илмгоҳини битирган. Ҳозир мактаб директори вазифасида хизмат қилади. У Фаргона вилоят халқ ноибى ҳамдир.

Шоирнинг "Имконият" номли китоби нашр қилинган.

Тунлар бедор кечмас шундоқ, аслида,
Ўйлама, гамгузор кунлар ҳам бекор.



ҒАФЛАТ ЎЛКАСИ

Тарих бизга ҳамisha аччиқ сабоқлар бериб келган. Чингизхон боққини даврини эсланг. Мағрур, аммо калтабин.

Муҳаммад Хоразмишох остонада турган ёвни писанд қилмайди, катта қўшинни бир ерга тўплаб, мардона курашиш ўрнига, мудофаани афзал кўради. Аскарларни турли шаҳарларга бўлиб юборади ва оқибатда шармандаларча мағлубиятга учрайди. Қудратли Хоразмишох мана, асрлар бўйи тарих таънасига дучор бўлиб келмоқда. Ҳал қилувчи дамда кўрқоқлик қилгани, иккилангани учун у улкан Ватанни бой берди, тоғ-таختидан, хазинасидан, шон-шавкатидан айрилди. Кимсасиз оролда хор-зорликда, муҳтожликда вафот этди. Хоразм султониинг аянчли қисматиини таҳлил этар эканмиз, бошқа бир ҳодиса ҳам қалбимизни ларзага солади. Замонасининг маишатпараст, мақтанчоқ ҳукмдорлари ён-атрофда, қўшини мамлакатларда қандай воқеалар рўй бераётганидан мутлақо беҳабар, гафлатда, гофилликда яшаганлар. Тарихнинг шафқатсизлигини қарангки, XIX асрнинг иккинчи ярмида — 1873 йилда Хоразмда — Хива хонлигида тагин мана шу аянчли аҳвол айнан такрорланди. Ғафлат ўлкаси яна мустамлака исканжасига тушди. Россия қудратли империяга айланган, Наполеондек моҳир, истеъдодли саркарда тор-мор этилган, Кавказдаги жасур тоғликлар, Шомил бошчилигидаги чапдаст курашчилар мағлуб бўлган, Сибир кенгликлари, қозоқ қўллари бўйсундирилган, Тошкент, Самарқанд босиб олинган, Бухоро хонлиги ярим мустамлакага айланган эди бу даҳшатли асрда. Ўрус қароргоҳидаги ҳарбий зобитлар Қашқарни забт этиши, Афғонистонни қўлга киритиш ва Ҳиндистонга юриш режаларини тузиш билан банд эдилар. Туркистон хонликлари уларнинг хомчўти бўйича чўнтакдаги нақд бойлик ҳисобланарди. Бу ердаги барча халқларнинг тақдири, ўлканинг келажаги аллақачон белгилаб қўйилганди. Хонликлар ҳудудидаги барча йўللар, қудуқлар, дарёлар, кўллар, қўнимгоҳлар ҳарбий хариталарда аниқ-тиниқ аксини топган, барча икир-чикирлар ишлаб чиқилган, фақат бостириб кириш учун қулай фурсат, тўғрироғи, баҳона тугилиши кўндан бери кутилмоқда эди.

Хонликда эса тирқишдан ёв мўралаб турган айни шу кунларда худди Чингизхон замонидагидек гафлат ҳукм суради. Чор қўшинларининг мақсади, қуроллари, қўшин сони ҳақида, умуман, дунёда бўлаётган воқеалар ҳақида одамларда лоақал тузукроқ тасаввур ҳам йўқ эди. Қарангки, чор қўшинлари пухта режага мувофиқ Хивага уч тарафдан бостириб келаётган, юрт тақдири қил устида турган кунларда хонликда мамлакат сарҳадларини қўриқлаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Кауфман бошчилигидаги катта қўшин уч кун давомида Амударёдан бемалол кечиб ўтади, аммо буни хонликда лоақал бирон-бир одам сезмайди ҳам, кўрмайди ҳам. Ё ажаб! Қўшин Хива ҳудудида ичкарига қараб ўн чақирим (!) юргандан кейингина олдинда қўриқчилар пайдо бўлади. Бу аянчли аҳволга кулишингизни ҳам, куйишингизни ҳам билмайсиз. Айни шу кунларда хон ҳузурида маишарат бўлади, айрим ҳушёр кишилар сарҳадларни мустаҳкамлашни талаб қиладилар, аммо “донимшанд” бир қариянинг гапи барча савотирилар, “миш-миш”ларга чек қўяди. “Болалигимда ўруслар босиб келади деб кўрқитишарди, йигиртигимда ҳам доим шу ҳақда гапиришди, мана қариб-қартайдимки, ҳамон шу гап, шу ваҳима, аммо шу чоққача ҳали биронита ўрисни кўрганам йўқ. Нимадан кўрқасизлар?” деб ақл ўргатади у. Яна аянчлиси шуки, чор генерали Верёвкин томонидан фон Кауфманга ёзилган махфий хат, ўта миўҳим ҳужжат хоннинг қўлига тушади. Аммо бутун Хива ҳудудида бу хатни ўқиб, мазмунини тушунтириб берадиган саводли кимса топилмайди! Ўлкамиз тарихидаги ана шундай шармандали ҳодисалар, оғир кунлар ҳақида америкалик журналист Мак-Гаханнинг “Ўқуздаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хива хонлигининг қулаши” номли йирик асарида батафсил ҳикоя қилинган. Хива хонлигига қилинган боққин пайтида чор қўшинлари сафида қатнашган бу қаламкаш ўзи кўрган, гувоҳ бўлган барча ҳодисалар, қонли воқеалар, муҳиш манзараларни ҳалоллик ва ростгўйлик билан доғлар ҳақида ҳаққоний мағлумот беради, уни ҳар доим ҳушёрликка чақиради. Зеро, умрини гафлатда ўтказган халқ қандай азоб-уқубатларга, оғир кунларга дучор бўлишини англаш, теран ҳис қилиш, тарихдан зарур сабоқлар чиқариш келажаги буюк давлат кураётган Ўзбекистон халқлари учун ниҳоятда муҳимдир.

1875 йилда инглиз ва рус тилларида чоп этилган бу қимматли асарнинг энг муҳим боблари эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Тарихнинг аччиқ сабоқлари ёритилган бу асар бугун мустақилликка эришган ва ҳар қандай мустабидлик сиртмоқларидан, қарамликдан қутулиб бораётган халқимизга ўтмишдаги қора доғлар ҳақида ҳаққоний мағлумот беради, уни ҳар доим ҳушёрликка чақиради. Зеро, умрини гафлатда ўтказган халқ қандай азоб-уқубатларга, оғир кунларга дучор бўлишини англаш, теран ҳис қилиш, тарихдан зарур сабоқлар чиқариш келажаги буюк давлат кураётган Ўзбекистон халқлари учун ниҳоятда муҳимдир.

Таржимон

Мак-Гахан
Ўқуздаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг қулаши

БИРЛАШГАН ҚЎШИНЛАР ҲАРАКАТИ

Бирлашган қўшинларнинг ҳаракат режаси тузилаётган пайтда Орол флотилиясининг командири капитан Ситников жанговар кемалари билан Казалидан Амударёнинг қуйилишига қараб йўлга чиққан эди. Унга дарё бўйлаб иложи борича юқорига кўтарилиш ва шароит тақозо этса, қуруқликдаги қўшинлар билан биргаликда ҳаракат қилиш вазифаси топширилганди.

Апрелнинг охирида денгиз қўшинлари Амударё қўлига жойлашган хеваликларнинг мустақкам Оқ қалъа ва Ҳлик дарё фортларига ҳужум қилиб, уларни мажақлаб ташлади. Жангда ўруслардан уч киши ўлиб, тўрт киши ярадор бўлди. Шундан кейин улар Аму бўйлаб 80 чақирим юқорига кўтарилдилар. Бу ерда капитан Ситников олдига бир қирғиз* келиб, генерал Верёвкиннинг армиясини учратганини, агар Ситников алоқа боғламоқчи бўлса, йўлбошловчилик қилиши мумкинлигини билдирди. Генерал Верёвкинга хат ёзиб, қирғизнинг етакчилигида бир зобит ва ўн-бир матросни йўлга чиқардилар.

5 (17) майда Оренбург отряди Қўнғиротга яқин жойда қалласи кесиб олинган ўн икки ўрус матросининг яланғоч мурдасига дуч келишди. Бояги қирғиз душман томонидан ёлланиб, ўрусларни боғлаб қопқонга туширгани маълум бўлди. Шу билан флотилиянинг мазкур сафардаги хизмати тугади. Хеваликлар дарёга ўрнатган тўсиқлар туфайли Ситников бундан юқорига кўтарилмади.

12 (24) май кuni генерал Верёвкин ва полковник Ломакин отрядлари учрашиб, бирга ҳаракатни давом эттирдилар. Бу пайтда генерал Кауфман Учўтоққа етиб қолган эди.

14 (26) май кuni эрталабки соат 5 да бирлашган қўшин Қорабошлига етиб келди ва туш чоғида кичкина сойдан кечиб ўтиб, икки соатлик ҳордиқ учун тўхтади. Аммо чорак соат ўтмасдан оқсидга ўқ овозлари эшитилди. Разведкага юборилган ўнта қаақ зобитга бир тўда душман ҳужум қилгани маълум бўлди. Мадад бериш учун икки казак бўлинмаси юборилди, аммо туркманлар бир казакни ўлдириб, уч-тўрттасини ярадор қилган ва бир қанча отни ўлжа тушириб, гойиб бўлгандилар. Ўрусларнинг тезкор ҳаракат қилгани қарамай, ўлган казакнинг бошини кесиб олиб кетишга улгуришган эдилар. Казаклар ярим соатга яқин бутун атрофни айланиб, ҳеч кимни топа олмай, қуруқ қайтишди. Манаилга етар-етмас, орқа томондан ўқлар отила бошланди. Душман айланма ҳаракат қилиб, ҳужумга ўтганди. Бу ерда ҳам туркманлар икки туя ва икки аскарни ўлдиришди. Яна таъкибга киришилди. Бу гал душман рақиб ҳужумини кутиб, тўдаланиб турарди. Ўруслар бир қанча отларни ўлжа туширди, туркманлардан бир нечаси ўлиб, нечтаси яраланди. Сониға ўқ тегиб йиқилган бир туркман қўлга олинди. У оғрик азобларига мардона чидаб, бир оғиз гапиришни хоҳламади. Аммо кўп алдов-сулдовлардан кейингина баъзи нарсаларни айтиб берди. Унинг гапларига қараганда, армия атрофида айланиб юрганлар 400-500 киши бўлиб, хон томонидан Хўжайлини мудофаа қилишга юборилган 6.000 отлик суворий таркибиди экан. Қўшиннинг асосий қисми шаҳарни қўриқлаб қолибди, хон сўнги нафасгача курашишга қарор қилибди.

Орадан кўп ўтмай душманнинг катта тўдаси кўринди. Улар ҳужумга ўтади деб ўйлашган эди, аксинча, рақиб ўрусларнинг ҳаракатини кузатган ҳолда жойидан жилмади. Бир батарея замбарак билан отлик суворийлар жангга ташланди. Тўплардан ўқ отилгандан кейин душман пароканда бўлиб, тарқалиб кетди.

Орадан бир соат ўтгач, душманнинг яна катта гуруҳи пайдо бўлиб, ўрусларга 2000-3000 футгача яқинлашиб келди. Сўнг бирдан тўхтаб қолишди ва бирон тadbир ўйлашган бўлса керак, Хўжайли томонга аста-секин чекина бошладилар. Орқадан отилган тўрт-беш замбарак ўқидан кейин уларнинг қадам олиши анча жадаллашди.

Хўжайли шаҳрига ҳужум бошланди. Душман тўдалари баъзан қўшиннинг олдиға жуда яқинлашиб келар, аммо тез орқаға қайтиб кетарди. Орадан кўп ўтмай, улар бутунлай шаҳар ичига кириб, деворлар орқасида гойиб бўлишди.

*XIX аср ўрус манбаларида доим қозоқлар "қирғиз" деб, қирғизлар эса "қора қирғизлар" деб юритилган. — Тарж.

Шаҳар деворларига етишимизга ярим чақиримча қолганди, у томондан маҳаллий оқсоқоллардан иборат бир гуруҳ вакиллар истиқболимизга чиқиб, ўруслар қўйган барча талабларни бажариш шarti билан таслим бўлгандикларини билдириб, омонлик тиладилар. Шу заҳотиёқ бундан бир ой муқаддам генерал Верёвкиннинг генерал Кауфманга йўллаган мактубини олиб келаётганда қўлга олинган қирғиз асирликдан бўшатилиб, ҳузуримизга етказилди.

Қўшин икки кун шаҳар атрофида турди, маҳаллий аҳоли билан муносабат кўнгилдагидек бўлди. Иккинчи кuni барча дўконлар очилди ва бозор росмана қизилди.

16 (28) май тонгида хеваликлар қўшинга қарата бир неча бор ўқ узгандан кейин тагин тўқнашув бошланиб кетди.

Душман ўз кучларини қамишзорлар ичига ва баланд ўтлар ўсган майдонга жойлаштирган эди. Шунингдек, улар Мангит шаҳри атрофидаги минглаб қум тепаликларни эгаллаб, ўрусларни пойлаб ётишарди. Ўрус армияси кўриниши билан катта суворийлар гуруҳи даҳшатли қийқирик-сурон кўтариб, ҳужумга ташланди. Улар атрофга ёйилган ҳолда ўрусларга ҳамма томондан ҳужум қилиб келишар, асосий зарба орқа тарафдаги туялар қарвонига қаратилган эди.

Марказда турган генерал Верёвкин душманга қарши тўртта замбаракни йўналтирди, чап қанотга эса учта замбарак ташлади. Аммо сарбозлар отликларга қарши ҳужумни бир дақиқа ҳам сусайтирма эдилар. Ҳатто бир гал генерал Верёвкиннинг қароргоҳига атиги 100 сажангача яқин келиб қолишди. Улар, айниқса, полковник Леонтьев бошчилигидаги ўн кг қанотни анча сиқиб қўйишди. Рақибнинг ашаддий ҳужумини тўхтатиб бўлмайдигандек кўринарди. Улар қўшинни айланиб ўтиб, орқа томондан зарба беришга ҳаракат қилишарди. Чамаси, ҳамма замбараклар олдинга қўйилган, бу томонда куч кам, осон енгил мумкин, деб ўйлашган бўлса керак. Аммо ўрусларнинг қаттиқ қаршилиги уларни гангитиб қўйди, бунинг устига, асосий қисмлар Мангит тепаликлари ортига чекиниб ўтаётганини кўргач, анча суस्ताшиб қолишди ва кучи етганча араваларни мажақлаб, қочаётган шерикларига етиб олишга шошиладилар.

Бир неча дақиқа ўтгандан кейин душман яна ҳужум бошлади. Ҳамма усули аввалгидек эди. Замбаракларнинг кучли зарбаси ва суворийларнинг ҳаммаси ўз ишини қилди, рақиб чекинишга мажбур бўлди. Улар Мангит шаҳри орқасига ўтиб кетишди ва бошқа қораларни қўрсатишмади. Шунда ўрус қўшини олға юрди ва душман ўзига қароргоҳ қилган қишлоқни ёндириб юборди. Оағина нафас ростлаб олгач, тушдан кейин — соат учда қўшин шаҳарга кириб, уни осонгина забт этди. Ўруслар кўчалардан ўтаётганда, уйларга яшириниб олган рақиб сарбозлари ўқ узиб, қаршилик кўрсата бошладилар. Буни кўриб, қутуриб кетган аскарлар шаҳарни култпага айлантирдилар. Шу кuni ўруслардан бир капитан ва 8 оддий жангчи ҳалок бўлди, 10 киши оғир ҳамда яна бир қанча енгил жароҳат олганлар бор эди.

Душман катта талофат кўрди. Шу дақиқадан бошлаб улар мағлубиятга учраганларини аниқ ҳис этдилар. Шу туфайли хеваликларнинг қаршилиги тобора камайиб борди. Уларда аниқ, пухта ўйланган режа йўқлигидан, кейинги онда-сонда бўлган қаршиликлар оддий қароқчилар босқинига ўхшарди. Агар хеваликлар чинакам мудофаага лаёқатли бўлганда, ҳеч қандай катта талофат кўрмай, Хева остоналарида ўрусларнинг олға юришини тўхтатиб қўйиши мумкин эди. Улар кўприкларни осонгина бузиб ташласа бўларди. Ўрус қўшинида эса биттагина кўприк анжоми бўлиб, кенглиги 40 дан 100 футгача келадиган чуқур ва тез оқар каналлардан кечиб ўтишининг деярли имкони йўқ эди. Кўприклар ниҳоятда мустаҳкам қурилганди, уларнинг остига икки-уч ёғоч устун қўйиб, энг оғир замбаракларни ҳам бемалол олиб ўтилди. Душман тезда хатоларини англаб қолиб, кўприкларни ёндиришга киришди. Бу эса дастлаб ўрусларнинг олға юришини анча қийинлаштириб қўйди. Сўнг улар ҳам суворийларни олдинга юбориб, кўприкларни бошқа ёндиришларига йўл қўймайдиган бўлишди.

Кейинги кунларда ҳам худди аввалгидек юклар ва ем-хашакларни ортиб келаётган туялар ва араваларга ҳужум қилишди, қисқа отишмалар бўлиб ўтди. Армия энди фаровон ўлка бўйлаб борарди. Бир кuni қўшин беҳисоб ариқлар, каналлар, қуюқ боғлар ва пахса деворлар оралаб кетаётганда, ногоҳ қуршовга тушиб қолишди. Ён-атрофда уйлар зич жойлашгани учун аҳвол

ниҳоятда жиддий эди. Аммо пиёдалар дарҳол бир неча гувала деворни тешиб, замбаракларни жойлаштиришди ва ўқ узишга киришишди. Душман катта талофат кўриб, чекинишга мажбур бўлди. Ҳуруслардан бир зобит ва бир аскар оғир яраланди, учта аскар энгил жароҳат олди.

Қўшин йўлда давом этди. Кейинги қишлоқда уларнинг истиқболига бир тўда аҳоли чиқди, кўпчилигининг боши қон эди. Улар ўз ҳамюртлари қаттиқ калтаклагани ва мол-мулкларини талаганидан шикоят қилиб, Ҳуруслардан шафқат ва марҳамат сўрадилар. Гапларига қараганда, хеваликлар катта талофат кўришдан ташқари бошқа балога ҳам гирифтор бўлишипти. Кўпчилик сарбозлар Ҳурус пиёдаларидан қочиб уйларига яширинган экан, қишлоққа ўт қўйилганда улар тириклай ёниб кетишибди.

24 май (4 июн)да туш чоғида хондан сулҳ таклиф қилинган мактуб келди. Генерал Верёвкин хон вақтини чўзиб, зарбага ҳозирлик кўрмоқчи бўлаётганини илғаб қолди ва бу таклифни рад этди. Худди шундай мазмундаги хат генерал фон Кауфманга ҳам йўлланган эди. Унда хон дўстона, аммо калтабинларча муржоат қилиб, Ҳурус қўмондонининг Хева меҳмони сифатида қаршилашини баён этганди. Шахсан ўзим Ҳурус қўшинига жуда катта ҳурмат билан қарайман ва уларни салтанат пойтахтида юксак иззаат-ҳурмат билан кутиб олишдан бахтиёрман, деб шакарғуфторлик қилган ҳамда юксак қабулга муносиб тайёргарлик кўриш учун уч-тўрт кун муҳлат беришларини сўраганди. Хон мактубда Ҳурус қўмондонлигига ҳурмати бандлигини бир неча марта такрорлаган ва Ҳурус қўшини юришига ҳалақит бериб, беадаблик намунасини кўрсатган ёввойи туркман йўлтўсарларининг қилмишлари учун узр сўраганди. Бу қароқчиларга хоннинг ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, ҳатто уларни ўзининг ашаддий душмани деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлаган эди.

26 май (7 июн)да қўшин хоннинг ташқаридаги саройи — Шаноқчидаги соя-салқин боғига етиб келди. Бу ердан пойтахтнинг шимолий дарвозасигача бор-йўти тўрт чақиримгина қолганди. Ҳуруслар бу ерда уч кун туришди. Шу муддат ичида хеваликлар билан бир неча марта катта-кичик тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ана шундай жанглардан бирида душманнинг тўрт юз-беш юз аскари ўлдирилди.

Генерал Кауфмандан ҳамон дарак йўқ эди. Ҳатто Туркистон қўшини озиқ-овқат ва улов етишмагани туфайли орқага, дарё томонга қайтиб кетди, у ҳозир Хевадан 100 чақирим олисида турибди, деган миш-миш кенг тарқалди. Хева сарбозлари соат сайин ҳужумга ўтиб, одамларга ва отларга шикаст етказар, бунинг устига хон пойтахт остонасида ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўрапти, деган хабарлардан гангиб қолган генерал Верёвкин Хевага ҳужум қилишни ортиқча пайсалга солиб бўлмайди, деб ҳисоблади.

Хуллас, 27 май (8 июн) кечқурун тонги ҳужум олдидан шаҳар атрофини синчиклаб ўрганиб чиқиш мақсадида айгоқчилар юборилди.

28 май (9 июн)да эрталаб шаҳар остонасига етиб келинди. Генерал Верёвкин, ўз одатига кўра, бутун қароргоҳ аҳли билан олдинда борарди. Душман катта оломон бўлиб қарши чиққанига қарамай, ҳужум қилишга ботинмас эди. Ниҳоят, қўшин икки сажен келадиган тор кўчага кириб қолди. Атроф узун девор ҳамда бир-бирига уланиб кетган уйлар, канал ва боғлардан иборат эди.

Ана шу тор кўча буйлаб аҳтиёткорлик билан индамай олдинга юрилди. Ҳар қадам қўйилганда қуюқ чанг булути кўтарилар, аскарларнинг ҳатто ёнидаги шеригини кўриши ҳам амри маҳол бўлиб қолган эди. Қўққисдан момақалдироқ янграгандек, ўнларча милтиқ ва замбараклардан отилган ўқлар сукунатни бузиб, бошлар устидан визиллаб ўта бошлади, лой деворнинг бир қисми нураб тушди. Буни ҳеч ким кутмаганди, нақ тузоққа илиниб қолаёздиши. Атрофни қуршаган деворлар ва боғлар жонга оро кирди, чанг булути орасида кезиб, ўзлари билмаган ҳолда шаҳар деворига 100 қадамча яқинлашиб қолишди. Хеваликлар тиккасига ўқ ёғдиришарди.

Бирварақай отилаётган ўқ ёмғири тинай демасди, аммо русларнинг бахтига хеваликлар нишонни банд олгани учун ўқ ҳаволаб учиб, қўшинга шикаст етказмай ўтиб кетмоқда эди. Шунга қарамай, одамлар йиқила бошлади, зудлик билан ишга киришишга тўғри келди.

Чекиниш эса, агар хоҳлашганда ҳам, асло мумкин эмасди. Ягона йўл — ўлим хавфини писанд қилмасдан, дақиқа сайин кучайиб бораётган ўқ ёмғири остида ҳужумни давом эттириш эди.

Генерал Верёвкин қўшинга югуриб ўтиш ҳақида буйруқ берди. Бир неча сония шаҳар дарвозаларидан бирининг олдидаги яланг майдонга чиқиб қолдилар. Эллик сажен нарида йўлни қўндалангига кесиб ўтган қандайдир мудофаа тўсиги кўринди: у шаҳар деворидан ҳам шунча масофа узоқликда эди. Ундан тўртта тўпнинг тумшуги чиқиб турарди. Замбаракларни олдинга олиб ўтиш ҳақида кўрсатма берилди, аммо душман кўз очишга қўймасди. Генерал Верёвкин дастлаб уларнинг унини ўчиришга қарор қилди. Майор Верёвкин етакчилигида икки рота жангга йўлланди. Дақиқа ўтмай, аскарлар чанг йўлда қийқирик-сурон кўтариб, шиддат билан олдинга ташландилар. Аммо тўсиққа бир неча қадам қолганда устига кичкина кўприк ўрнатилган чуқур ва кенг каналга дуч келдилар. Ажабки, бу кўприк негадир бузиб ташланмаган эди. Шаҳар деворлари, дарвоза ва боғи тўсиқдан тинимсиз отилаётган ўқ ёмғири остида кўприкдан югуриб ўтишди ва ваҳший қичқириқлар билан ёпирилиб, тўпчиларни найзадан ўтказишди. Ҳуруслар замбаракларни ишол қилишди-ю, аммо душманнинг ўқи тинимсиз ёғилаётган бу даҳшатли жаҳаннамдан уларни судраб олиб чиқиб кетиш амри маҳол эди. Аскарларнинг канал қирғоқларига яшириниш ва девордан узилаётган ўқларга жавоб бериб ётишдан бошқа чораси қолмади. Улар отган ўқ мустаҳкам маррада турган душманга таъсир кўрсатишдан ожиз эди. Агар узун шоти бўлганда, чекингандан кўра, ундан кўтариларди, ҳужум қилиш анча осон тушарди. Замбараклар тинмай гумбурулар ва тақдир тақозоси билан икки ўт орасига тушиб қолган мазкур кичкина Ҳурус бўлинмасига хеваликлар ва Ҳуруслар тинимсиз отаётган ва чийиллаб ниҳоятда паст учаётган тўп ўқлари овоини эшитиб, ерга қапишиб ётишдан ўзга илож йўқ эди.

Чорак соат аҳвол шундай давом этди. Ниҳоят, Ҳурус артиллерияси душманини бир дақиқа тўхташга мажбур қилди ва тўпларни забт этишга йўлланган аскарлар чекинишга имкон тугдириш учун ўзи ҳам ўт очишни тўхтатди. Бундан фойдаланган аскарлар тўпларни кўтаришга тутиндилар, аммо хеваликлар шу заҳотиёқ яна отишма бошлашди. Ҳуруслар тор кўприкдан замбаракларни судраб ўтишди ва юз саженча масофани ўқ ёмғири остида босиб, бир амаллаб қайтиб келишди. Улар учта замбаракни олиб чиқишди, биттаси жойида қолиб кетди.

Кутилмаганда генерал Верёвкин чап кўзига ўқ тегиб, яраланди. У замбараклардан ўқ отиб, деворни тешинглар, деб буюрди ва полковник Саранчевга қўмондонликни топшириб, ўзи жанг майдонини тарк этди.

Полковник Саранчев раҳбарлиги остида замбараклар аниқ нишонга ура бошлади, бомбардимон соат тўртгача давом этди.

Ана шу пайтда хондан чопар келиб, ўқ отишни тўхтатишни илтимос қилди ва таслим бўлишга рози эканини билдирди.

Полковник Саранчев ва Ломакинлар бир неча соат отишмани тўхтатишга рози бўлишди, аммо чопар Ҳуруслар олдида қўзғалиши биланоқ хеваликлар такрор ўқ уза бошладилар. Ҳурусларнинг тўплари ҳам шу заҳотиёқ қайта “тил”га кирди.

Чопар яна қайтиб келиб, бу отишма хон фармонида кўра юз бермаганини, бўйсунмас туркманлар унинг иродасига қарши чиқишга журъат этганини билдириб, узр сўради. Бу хабар уятсиз хоннинг навбатдаги хийласи деб эътиборсиз қолдирилди ва бомбардимон давом эттирилди. Кейинчалик хон алдамагани маълум бўлди: туркманлар ҳақиқатан ҳам унинг ҳукмига қулоқ солмас эканлар.

Кечга яқин генерал Кауфмандан у билан алоқа ўрнатилгани) бомбардимонни тўхтатиш ҳақида буйруқ келди. Гарчи хоҳиш бўлмаса-да, унга бўйсунмиш лозим эди. 28 май (9 июн)даги асосий воқеалар ана шундан иборат.

ШАҲАРГА КИРИШ

Юқорида айтилганидек, хон тобелик изҳор этиб, бомбардимонни тўхтатишни илтимос қилиб, генерал Кауфманга мактуб йўллаганди. Бу пайтда генерал Кауфман пойтахтдан ўн беш чақирим нарида эди. У дарҳол генерал Кауфманга чопар юбориб, бомбардимонни тўхтатишни буюрди. Хонга эса эрталаб шаҳар дарвозасидан чиқиб туриш ҳақида хат ёзди ва таслим шартларини шу ерда муҳофизат этишни маълум қилди.

Эртаси куни кун ёйилганда биз шаҳарга кириб бордик. Хевада кечаси юз берган ҳодисалар ҳақида турли-туман миш-мишлар юрарди.

Омонлик рамзи сифатида ҳар хил совга-саломлар билан йул ёқасига чиқиб турган оломоннинг айтишига қараганда, душманга таслим бўлиш ҳақидаги хабар халойиқни ниҳоятда газаблантириб, жунбушга келтирган. Улар хонни ҳайдаб, тахтта унинг укасини кўтарганлар ва сўнги нафасгача курашмоққа шайланганлар. Бу худди французлар тарихидаги 4 сентябр воқеаларини эслатади. Оракиб кутилган жанг муқаррарлигини эшитган кўшиндагиларнинг қувончига ниҳоя йўқ эди, аммо барибир у узоққа чўзилмади. Хева остонаси бўйлаб беш чақиримча юрганимиздан кейин хоннинг тоғаси Саид Амир-ул Умар бошчилигидаги вакиллар истиқболимизга чиқишди. Хазорасп ҳокими бўлган бу жаноб қандай жуфтак ростлаганини аввал айтиб ўтган эдим. У шаҳар таслим бўлганлигини генерал Кауфманга билдирди ва хон ағдариб ташланди деган гап бекор эканлигини, унинг ўзи кўрқиб қочиб кетганлигини арз қилди. У саройдаги хотинлари ва кулларига ўз изидан боришни амр этибди, бироқ халқ уларни шаҳардан ташқарига чиқармай, кўриқлаб, ҳарамда ушлаб турган ва генерал Кауфманга энг муносиб совга сифатида тортиқ қилиш ниятида экан. Хоннинг қочиш тафсилоти кўйидагича.

Туркманлар сўнги нафасгача қаршилик кўрсатишга онт ичадилар. Хон таъқиқлаганига қарамай, улар шаҳарга яқинлашиб келаётган генерал Верёвкин кўшинларига ўқ отишни тўхтатмайдилар. Ҳуруслар жавоб ҳаракатларини қўллай бошлагача, жанг гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб давом этаверади. Ниҳоят, Ҳуруслар шаҳарни тўпга тутишга киришадилар, бомбардимон қисқа танарфуслар билан тун бўйи давом этади. Бир қанча бомба сарой ичига ҳам тушади (кейинроқ Ҳуруслар хоннинг отхонасида ёришмай қолган гранатага дуч келишди). Бундай узлуксиз отишма туфайли ўтақаси ёрилаётган хон икки-уч юз туркман кўриқчилари ҳамроҳлигида Илаш яқинидаги Имукчир қалъасига қочиб, яширинади. Шаҳар аҳолисида эса жанг давом эттиришга рағбат йўқ эди, аксинча, улар таслим хабарини хурсандчилик билан қаршиладилар.

Саид Амир-ул Умар кўринишдан етмиш ёшларда эди. Шалвираб қолган пастки жағи ва оғзининг доим очиб юриши (бу узлуксиз наша чекиш оқибати эканлигини менга кейинчалик сўзлаб беришди) уни тентаксифат алфозда кўрсатарди. Аммо у ақмоқ одам эмасди, у бир йил аввал ҳам хонга Ҳуруслар келишига йўл қўймаслик учун уларнинг талабини қондириш керак, деб оқилона маслаҳат берган эди. Ҳурусларга нисбатан хайрихоҳлиги туфайли ҳатто у кўп йиллар азият чекишга мажбур этилган эди. Шу боис шаҳар таслим бўлганлигини билдириш ва хоннинг беадабалиги учун уэр сўраш вазифаси унга топширилган эди. У ялтироқ кўк тўн кийган, бошида кўй терисидан тикилган Хева қалпоғи, оёғида кўнжи узун, пошнаси тор, пишиқ кўк этик бор эди.

Генерал фон Кауфман кейинчалик менга сўзлаб берди: Саид Амир-ул Умарнинг Ҳуруслар билан муроса қилиш керак деган таклифига хоннинг саройдаги бошқа маслаҳатчиси қарши чиқиб, ўз гапини шундай маъқуллаган экан: “Мен ёш болалигимдаёқ Ҳуруслар бизга ҳужум қилиб келади деб эшитган эдим, аммо улар келишгани йўқ. Шундан бери деярли ҳар йили Ҳуруслар босиб келишади деган гапни эшитамиз. Мана, мен қариб-қартайдимки, Ҳуруслар ҳужумидан дарак йўқ. Ўйлашимча, улар ҳеч қачон бу томонга бостириб келишмайди”. Унинг мулоҳазаларига ишонган хон қанчалик катта хатога йўл қўйганини Ҳуруслар пойтахтга хавф сола бошлагандан кейингина англаб етади.

Хоннинг кичик укаси Отажон тўра икки йил зиндонда ётиб, энди озодликка чиққанди. У тахт даъвогар сифатида Саид Амир-ул Умар билан бирга келган эди. Генерал Кауфман уни хушмуомалалик билан қаршилади ва агар катта акаси қайтиб келмаса, хонлик тахтига ўтқизишга ваъда берди. Отажон баланд бўйли, ингичка, кўринишдан меров сифат бўлиб, бир қарашда мамлакатни бошқарув ишлари қўлидан келмайдигандек таассурот қолдирарди. Айтишларича, аслан ўткир мулоҳазали бу йигитни халқ яхши кўрар экан.

Соат тўққиз бўлиб қолган, саф йўлда давом этарди. Саид

14-Ҷирма.

Амир-ул Умар ва Отажон қароргоҳ аҳлига кўшилди, ҳаво исий бошлади, куюқ чанг ҳайратомуз даражада баланд устун сингари кўтарилганидан баъзан ёнимиздаги одамни ҳам илгаш қийин бўлиб борарди. Соат ўнда Хевадан икки чақирим берига биз билан учрашиш учун байрам либосларига келаётган Оренбург кўшини қисмларига дуч келдик. Ер шарининг икки чеккасидан келиб, олис ўлкада илк бора учрашган одамларнинг қувончи бениҳоя чексиз эди. Генерал Верёвкин Кауфман истиқболига кела олмай, оғир жароҳат уни чодирдан чиқармай қўйди.

Оренбург кўшини ахборотини тинглаш учун бош кўмондон йўлдан чеккага бурилиб, дарахт соясида тўхтади. Шу пайтда шаҳар томондан отилган замбарак овозлари гумбурлаб эшитилиб қолди. Шаҳар таслим бўлган бир пайтда бундай отишма юз бергани мени ниҳоятда ҳайратга солди. Бунинг сабабларини бир неча кунгача билолмадим, зобитларимиз нима гапни мендан негадир яшириб юришди. Фақат Оренбург кўшинидаги зобитлар билан танишганимдан кейингина бунинг табиғи етишга муваффақ бўлдим.

Воқеа қуйидагича рўй берган экан. Хон осонликча бўйсунганидан норози бўлган туркманлар жанг давом эттиришга аҳд қилдилар. Генерал фон Кауфман Хазорасп йўлидан шу ном билан аталадиган шаҳар дарвозасига яқинлашиб келаётган бир пайтда генерал Верёвкин шаҳарнинг шимол томонидаги Хазовот дарвозасига ҳужум бошлаган эди. Саид Амир-ул Умар Ҳазорасп дарвозасидан чиқиб, шаҳар таслим бўлганини маълум қилганига қарамай, туркманлар вақти-вақти билан генерал Верёвкин кўшинига қарши ҳужум уюштириб турдилар. Уларда бу кўшинга нисбатан қандай адовати борлиги бизга қоронғи. Мен уларнинг жасоратига таҳсин ўқидим ва бу халқни яхши кўриб қолдим. Хон ва воҳанинг бошқа аҳолиси ҳар қандай қаршиликни тўхтатганларидан кейин ҳам улар узоқ вақтларгача жанг қилавердилар. Агар Хевадаги барча аҳоли туркманлар сингари жасурлик ва матонат кўрсата олганда жанг оқибатлари мутлақо бошқача бўлар эди. Тўғри, Ҳуруслар шаҳарни барибир забт этишарди, аммо катта талофат кўриб, оқибатда ўзлари ниҳоятда мушкул аҳволга тушиб қолишарди.

Генерал Верёвкиндан кейин кўшинга кўмондонлик қилган полковник Саранчев ҳам худди туркманлар каби урушни давом эттириш тарафдори эди. Бунинг устига, унинг ҳамроҳлари полковник Скоблев ва граф Шувалов каби жангга ташна, ёш зобитлар бўлиб, улар тугилган қулай имкониятдан фойдаланиб, муҳорабани янада авж олдириш ва ўзларини намойиш этиш иштиёқида ёнар эдилар.

Генерал Кауфман нариги томондан шаҳарга мутлақо осойишта вазиятда кириб келаётган бир маҳалда бу ёқдагилар туркманлар ўқ отишганини баҳона қилиб, шаҳарга ҳужумни қизитиб юборган эдилар.

Хазовот дарвозасига қарата бир неча граната отилиб, уни мажақланларидан кейин полковник Скобелев ва граф Шувалов бошчилигида мингларча аскар ичкарига ёпирилиб кириб, девор устидан дўддек ёғилаётган ясама милтиқ ўқлари остида ҳужумга ўтишди. Ҳуруслар дарвозани ағдариб, шаҳар ичига кириши билан туркманлар томондан тушиб, ўқ уза-уза кўчалар ва уйлارга тум-тарақай қочиб қолдилар. Ҳуруслар эса йўлни ракеталар билан тозалаб, хон саройига етиб борганга қадар қиргинни тўхтатмадилар.

Улар ўрдада беш минут ҳам турмасларидан Туркистон кўшини Хазорасп дарвозасидан шаҳарга киргани ҳақидаги хабари етиб келди. Полковник Скобелев зудлик билан орқага қайтиш ҳақида буйруқ берди. Кўшин ичкарига қандай кирган бўлса, худди шу йўл билан ташқарига чиқиб кетди. Жанг чоғида граф Шуваловнинг бошига хари тушиб, қаттиқ контузия олди, у Хевадан чиқиб кетаётганимизда ҳам хали яхши ўаига келмаган эди. 14 аскар жароҳатланди.

Биз бу пайтда шаҳарнинг нариги томонидан туриб, Саид Амир-ул Умар билан ўтказилаётган музокаралар натижасини кутардик. Иккала томон бир битимга келганидан кейин генерал Головачев олға юришни давом эттирди. Саф олдида тўртга дала замбараги қуршовида икки рота пиёда аскарлар, уларнинг ортидан яна икки рота ва 200 казак борар эди.

Биз машхур шаҳар дарвозасидан ичкарига кирганимизда вақт чошгоҳга етганди. Чор атроф қалин боғларга буркангани учун ярим чақиримдан нариги кўриб бўлмасди. Юксак, қиррадор,

беҳисоб шинаклар қўйилган қалин пахса девор атрофи чуқур хандақлар билан ўралганди, унинг баъзи жойларига сув тўлатилган, баъзи жойлари қуруқшаб ётарди. Девор орқасидан дарaxтларнинг учи, баланд миноралар, мачитларнинг гумбаазлари кўринар, энг ўртада қуёш нурларида чиннидек товланиб кўкка бўй чўзаган улкан думалоқ минора сават тўкиб турарди. Биз Хазорасп дарвозаси олдида эдик. Унинг кенглиги ўн фут, баландлиги йигирма фут келар, икки ёнидаги гиштин қубба ўртасида ўқ отадиган туйнуқлар қолдирилган эди. Ҳозир бизга кучогини ланг очиб турган бу дарвозанинг ўзи кичкина истеҳкомни эслатарди. Биз чанг тўзони ичида шаҳарга кириб бордик: чангнинг куюқлигидан минган отимнинг бошини зўра кўтардим. Қилпираган байроқлар бошлар узра баланд кўтарилганди, Оренбург отрядининг ҳарбий созаандалари ўрус миллий гимни — “Худоё, подшоҳимизни ўз паноҳингда асра” мусиқасини чаларди. Дарвозадан ўтгач, чанг орқада қолди ва биз ниҳоят шаҳар жамолини кўришга муваффақ бўлдик.

Сеизишмча, мана шу дақиқаларда ҳаммамиз ҳайратдан дол қолгандик. Биз, албатта, Хевада буюк меъморий обидалар бўлмаса-да, мафтункор, жилвакор иморатларни учратамиз деб ўйлагандик, бундай тасаввурларимиз алдамчи бўлиб чиқди. Хева жуда чиройли, манзарали шаҳар экан. Биз ичкари кирган томондан, боғлар тўсиб тургани учун, унинг бутун гўзаллигини илғаб бўлмасди. Ҳатто бу ердаги энг ажойиб нуқта — улкан нақшинкор минорани ҳам қалин дарaxтлар ва уйлар орасидан то олдига боргунимизгача, аниқ кўра олмадик... Шаҳарга дастлаб кирганимизда биронта тирик жон учрамади, аммо қингир-қийшиқ, хунук, яланғоч деворлар билан ўралган тор, узун кўча бўйлаб илгариллаганимиз сари кир, йиртиқ чопон кийган, телпагини олиб, эгилиб таъзим қилиб турган одамларга қўлаб дуч кела бошладик. Булар шаҳар аҳолиси бўлиб, ҳали тақдирини нима кечиши — омонлик бериладими ёки қиличдан ўтказиладими — бундан беҳабар ҳолда ҳадиксираб туришарди.

Кейин бизни шодон қийқириқлар, севинч ёшлари билан қаршилаётган эроний куллар тўдаси ёнидан ўтдик. Ўруслар қаерга борса, энг аввало кулларни овоз қилишди, деган овозлар бу бечораларнинг қулогига етиб келган ва улар бунга астойдил ишонганлардан ўзларида йўқ хурсанд эди. Баъзилар аллақачон овозликка чиқиб олган, энди бошқа шеригининг оёғидаги занжирни уриб синдиришга тутинар, одамга ўхшамаган галати алфозда бир-бирини кучоқлаб йилгашар эдилар.

ХЕВАГА АВВАЛ ҚИЛИНГАН ЮРИШЛАР ҲАҚИДА

Энди Хевага қарши илгари қилинган юришлар тарихига қисқача назар солиб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди.

Улардан дастлабкиси Ёйиқ ёки Урал казаклари томонидан уюштирилган эди. Бу юришнинг режасини машхур казак атаманларидан бири ишлаб чиққан ва ўзи амалга оширган эди. Аслини олганда, бу юриш пухта ўйланган кенг миқёсдаги қароқчилик ҳужумидан бошқа нарса эмасди. Мазкур атаман ҳақиқатан ҳам хонлиқни эгаллади. У ҳарбий тайёргарлик кўрмаган ҳукмдорни гафлатда қолдириб, пойтахтга бостириб кирди, хонни қувгин қилиб, хаазина ва ҳарамни эгаллаб олди. Шундан кейин у ўзини хон деб эълон қилди ва миш-мишларга қараганда, икки-уч ой давомида мамлакатда ҳукм юритди, бу муддат ичида хоннинг хотинини насаро динига киришга кўндирди ва унга уйланишга улгурди. Ниҳоят, Хевада бундоқ узоқ қола олмаслигига кўзи етгач, у қўлга киритган барча бойликларни олиб, орқага — Уралга қайтиб кетди.

Хон эса, катта қўшин тўплаб, қасос олиш ниятида қочқинлар издан қувди ва бир неча кун деганда уларга етиб олди. Шафқатсиз жанг бўлиб, казаклар шармандаларча енгилди ва қиличдан ўтказилди. Атиги беш-олтитагина казак омон қолиб, уйига етишга муваффақ бўлиб, бу воқеаларни бошқаларга сўзлаб бердилар. Омон қолишдан умиди узилган казак атамани эса хоннинг даҳшатли қасосидан халос этиш учун дастлаб насаро динига ўтган боғли ёш хотинини ўлдирди ва ўзи қилич кучи етганча мусулмонларга қирон келтириб, халок бўлди.

Бир неча йил ўтгач, бошқа казак тўдаси Кўхна Ургангча

ҳужум қилиб, 1000 га яқин хотин-халажани асир олиб, катта бойлик билан орқага қайтди. Хон уларнинг издан қувиб етиб олди ва биронта одамни ҳам тирик қолдирмасдан кириб ташлади. Яна бир казак ҳуружи муваффақиятсизликка учради. Булар ҳатто воҳага етиб кела олмадилар ҳам, йўлнинг ярмида ўзларидан бир неча баравар кўп бўлган Хева қўшинига дуч келиб қолиб, қирилиб кетди.

Ўрусларнинг шундан кейинги Хевага ҳужуми 1717 йилда — Буюк Пётр ҳукмронлиги даврида Бекович Черкасский томонидан уюштирилди. 1700 йилда Хева хони Шохниёздан Пётрга элчи келиб, ўз фуқароларига кучи етмай қолган хон қудратли ўрус подшоҳи ҳимоясига муҳтож эканини билдирди. Шохниёз Пётрдан ўрус тобелигига ўтказишни илтимос қилганди, Россиянинг Оврупа давлатлари билан алоқасини мустаҳкамлаш учун қаттиқ қурашаётган Пётр келажақда Осиё давлатларини эгаллашга хизмат етadиган бу қулай имкониятни қўлдан чиқаргиси келмади ва Хевани ўз тобелигига ўтказишга розилигини билдириб, жавоб мактуби йўллади.

Аммо бу ихтиёрий битимни амалга ошириш йўлида ҳар икки томонда ҳам ҳеч қандай иш қилинмади. Ниҳоят, 1714 йилда Хўжа Нафас номли бир туркман Хевадан келиб, ҳукмдор билан шахсан учрашишга муяссар бўлди ва Амударё қуйи оқимидаги ерларда олтин кўплигини маълум қилди. Хеваликлар ўрус босқинидан кўрқиб, Каспий денгизига қуйиладиган Амударёни Орос денгизига буриб юборганларини, аммо битта тўғон қурилса, дарёни осонгина эски ўзанига оқизиш мумкинлиги ҳақида сўзлади. Агар бу ишга киришилса, — деди туркман давом этиб, — мен мансуб бўлган қабила халқлари ўрусларга бажонидил ёрдам беради.

Бу маълумотларни текшириш, Каспий денгизи ёқаларини тадқиқ этиш ва Амунинг эски ўзани бўйлаб Хевага юриш қилинса, қай даражада муваффақият қозониш мумкинлигини аниқлаш учун Буюк Пётр князь Бекович-Черкасскийни сафарга юборди. Бекович бу ерларда уч йил кезиб, Каспий денгизининг шарқий соҳилларини тадқиқ этди, ўруслар эгаллаган манзилларда мудофаа иншоотлари қурдирди ва шу аснода Амударёнинг дастлаб Каспийга қуйилгани ҳақида туркман айтган гаплар тўғри эканига ишонч ҳосил қилди. Бекович қайтгач, ўз тадқиқотлари натижалари ҳақида Пётрга ҳисобот берди. Император Шохмурод хоннинг бундан 17 йил аввалги аризасига асосланиб, Хевада ўз ҳукмдорлигини ўрнатиш учун қўшин жўнатишга қарор қилди. Бекович аудлик билан бу сафар учун 4000 кишилик қўшин тўплади.

Экспедиция Урал қуйилишидаги Гурьев шаҳридан иккунинг бошларида йўлга чикди. Каспий денгизининг шимолий томонидан кесиб ўтиб, Хевага элтадиган кўхна карвон йўлига тушиб, қумлар орадаб юрдилар. Ёз мавсумига тўғри келган бу сафар жуда машаққатли кечди. Қўшин Хевага етиб келгунча одамларнинг учдан бири ҳалок бўлди. Улар йилнинг энг иссиқ фаслида саҳрода сувсиз, яланғоч 65 кунда 1350 қақирим йўл босиб, августнинг ўрталарида Хевадан 150 қақирим узоқликдаги Ўкуз қўлтигига етиб келишди.

Бу ерга келгунга қадар, Бекович хонга мактуб йўллаб, бу юртга жанг қилиш мақсадида эмас, балки ўрус подшоҳининг дўстона мактубини элтиш учун келаётганини, асли мақсадини эса юзма-юз учрашганда айтажагини билдирган эди. Аммо бу пайтда Шохниёз хон вафот этган бўлиб, тахтда Шергози хон ўтирар эди. Унинг ўрусларга нисбатан қарашини аввалгисиникидан мутлақо фарқ қиларди. Шунинг учун у Бекович юборган чопарни зиндонга ташлади ва хеваликлар, туркманлар, киргизлар, қорақалпоқлардан иборат катта қўшин тўплаб, ўрусларни қурол билан кутиб олишга қарор қилди.

Ўрус қўшини воҳага кириши билан Хева отличлари уларнинг йўлини тўсиб чиқди ва ҳеч қандай музокарани қабул қилмай, ўрус қароргоҳига ҳужум бошлади. Жанг кечгача давом этди. Хева қўшини орқага қайтди. Янги ҳужум бўлишини кутган Бекович олти дала тўпини олдинга жойлаштириб, қароргоҳ атрофини мустаҳкамлади. Эртаси куни уруш қайта бошланди ва икки кун давом этди. Ўрусларни енгиб бўлмаслигига ақли етган хеваликлар ниҳоят, музокарага кўндилар. Хондан чопар келиб, ўрусларга қилинган ҳужумга алоқаси йўқлигини ва Бекович ҳақиқатан ҳам яхши ният билан Хевага келган бўлса, ҳеч нарсадан кўрқмасдан бемалол юриши мумкинлигини

билдирди. Улар шахсан учрашиб, ўзаро битимга келишдилар ва уни бузмаслик ҳақида ахдлашиб олдилар. Хон Қуръонни, Бекович хочни ўлиб, қасамд қилди.

Сўнг Бекович пойтахтга чорлаб қилинган хон таклифини қабул этди. У асосий қисмларини полковник Франкенбург раҳбарлигида орқада қолдирди, улар маълум масофани сақлаган ҳолда изма-из юриши зарурлигини уқдирди. Ўзи эса мингта аскар билан илгари кетди. Пойтахтга икки кунлик масофа қолганда Бекович тўхтади ва узоқ вақт хон билан суҳбат қурди. Мазкур учрашув чоғида хон пойтахтда шунча миқдордаги қўшинга турар жой ва озиқ-овқат топиш қийинлигини айтиб, қўшини кичик-кичик тўдаларга ажратиб, яқин-атрофдаги шаҳар ва қишлоқларга жойлаштирамиз деб таклиф қилди.

Бундай фавқуллода муносабат ҳар қандай одамда шубҳа уйғотиши табиий, аммо бу пайтда Бековичнинг эси кирди-чиқди бўлиб қолган эди. Астрахандан жўнаб кетишган куни унинг хотини икки қизи билан денгизга чўкиб ўлган, буниги устига, огир саҳро йўли, кўплаб одамларнинг қирилиб кетгани учун жавобгарлик масъулиятини ўйлайвериб, бечора Хевага келган пайтда деярли талбага айланганди. У хоннинг таклифини заррача шубҳага бормай, чин дилдан астойдил қабул қилди ва вақтни ўтказмай, қўшинни бўлиш ҳақида полковник Франкенбургга буйруқ юборди. Полковник уч маротаба чопарни рад этиб, бу буйруққа итоат этмаслигини билдирди. Бекович тўртинчи гал одам юборар экан, ҳарбий судга бераман, деб пўписа қилди. Ноилоҳ аҳволда қолган Франкенбург барча қўшинни беш қисмга ажратди ва хоннинг кўрсатмасига мувофиқ турли шаҳарларга жўнатиб юборди. Бекович ўз ёнида 200 кўриқчи олиб қолди.

Бу ишлар адо этилиши биланоқ хеваликлар Бековичга ташланишди. Аскарларнинг бир қисми ўлдирилди, бир қисми тутқунликка солинди.

Князнинг ўзини эса ёнидаги зобитлар билан бирга зиндонга ташлаб, огир қийноқларга мубтало этдилар ва охири бошини танидан жудо қилдилар. Бу пайтда махсус ишора билан бутун Хева аҳолиси қўзғалиб, мамлакатга тарқатиб юборилган ўрус аскарларини тутиб, бир чеккадан ўлдиришга тушдилар. Сафарга чиққан 4000 қўшиндан қирқтасигина омон қолди. Хеваликлар уларни кўп йиллар асирликда ушлаб тургандан кейин катта товоңлар эвазига озод этади. Тасодиғи қарангки, тутқунликдан халос бўлганлар орасида Бековичнинг икки укаси ҳам бор эди. Хевага қилинган тўртинчи юриш ана шу тарзда мағлуб бўлди.

Бундан кейинги 120 йил мобайнида казаклар билан хеваликларнинг ўрни алмашди. Илгари казаклар хеваликларга хужум қилишган бўлса, энди хеваликлар казакларга кун бермай қўйди. Марказий Осиёга қараб йўлга чиққан ўрус савдо қарвонлари деярли ҳар куни таланар, баъзан минглаб казаклар ва бошқа рус фуқаролари асир олинди, Хевага қул қилиб юборилар эди.

1839 йилда чўлдаги қароқчиликлар чидаб бўлмайдиган миқёсда кенгайиб кетди. Бундай талончиликни тўхтатиш мақсадида хон билан дўстона музокаралар олиб боришга кўп марталаб уриниб кўрдилар. Булардан ҳеч қандай натижа чиқмагач, ўруслар яна ўз қўшинини Хевага қарши юборишга мажбур бўлди. Бу юришга раҳбар қилиб генерал Перовский тайинланди. Деярли бир йил давомида унга ҳозирлик кўрилди. Ниҳоят, 1839 йил декабр ойининг бошларида Оренбургдан беш минг кишилик отряд 22 дала тўпи ва 10 000 туяга ортилган катта кўч билан йўлга чиқди. Сув йўқлиги учун саҳродан ёзда ўтиш қийинлигини ҳисобга олиб, сафарни қишда ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Декабрнинг ўртасига келиб совуқ шунчалик авжга чиқдики, ҳарорат Ресмюр термометри бўйича 32 градус совуқни кўрсатди. Ҳаво ўлчагичдаги симоб энг охири нуқтага келиб, музлаб қолди. Шунга қарамай, қўшин Эльбагача биронта одам нобуд бўлмай, бут ҳолда етиб келди. Аммо бу йилги қиш ниҳоятда қаттиқ эди. Чўлга мисли кўрилмаган даражада қалин қор тушганди. Туялар бардош бера олмай, ҳолдан тойиб, кўплаб йиқила бошлади ва Хеванинг ярим йўлига етмасдан 5000 туя қолди. Аскарлар тортган даҳшатли қийинчиликларга чидаб бўлмасди. Омон қолган ҳайвонларга енгил тушсин, деб улар олдинда тўрт қатор бўлиб, қорни топтаб йўл очишарди. Қор ниҳоятда қалин жойларда отлиқ аскарлар гоҳ олдинга, гоҳ орқага юриб йўл солишар, баъзи жойларда белкураклар билан ишга тушишга тўғри келарди.

Шунга қарамай, толиққан туялар кўплаб йиқилиб қолаверди.

Ҳар бир туяни йўқотиш одамлар учун беҳад огир кўрғилик эди. Йиқилган туядан юкларни олиб, қайтадан тақсимлаб ортиб чиқиш, йўлни очиш учун уни чеккага судраб чиқишга тўғри келарди. Буларни бажариш учун одамлар гоҳ тиззадан, гоҳ белигача қор кечиб ишлашар ва оқибатда ҳолдан тойиб, чўзилиб қолишарди. Баъзи жойларда қор муздек қаттиқ бўлиб, устидан бемалол ўтиб кетиларди, баъзи жойларда эса шунчалик юмшоқ эдики, чўкиб қолган туя, от ёки замбаракни тортиб чиқариш ўлгудек машаққатга айланарди. Ана шу алфозда чарчаб-ҳориб, бор-йўғи уч, тўрт қақирим юрилган кунлар кўп бўларди.

Аёвсиз чўл буронлари қутурган пайтларда бир жойда тўхтаб, шамол тинишини кутишдан бошқа чора қолмасди. Совуқ кун сайин авжига чиқарди. Тунги хордиқ пайтида ҳам аскарларга тиним йўқ эди. Ҳар бир кўнишда 10000 бойлам юкни тушириш ва гулхан ёқиш учун музлаган қаттиқ ерни кавлаш лозим эди. Сўнг қорни тозалаб, отлар ва туялар учун жой ҳозирлашар, бечора аскарлар фақат кечки соат саккиз ёки тўққиздан кейингина дам олишга ўтиришар эдилар. Кейинги куни соат бир ёки иккида яна йўлга тушиш зарур эди. Бундай қаҳратон совуқда кийим-кечакни ювиш ва озода бўлиб юриш мумкин эмасди. Кўпчилик чойшабинигина эмас, ҳатто бутун сафар давомида кўйлагини ҳам алмаштиролмади. Оқибатда, огир меҳнат, очлик, ифлослик ўз кучини кўрсатди — аскарлар бирин-кетин касалликка чалина бошлашди.

1 февралда қўшин Устюрт қирлари чеккасидаги Оқбулоқ манзилгоҳига етиб келди. Йўлнинг ярмиси босиб ўтилганди. Бу ерда юзлаб туялар йиқилиб, ўла бошлади, улар жуда камайиб кетди, қолганлари ҳам одатдаги юкнинг тўртдан бирини зўрға кўтарадиган аҳволда эди. Қўшинда касаллар сони ҳам кун сайин кўпайиб борарди. 236 одам ўлган, 528 киши касалга чалинганди.


Қўшиннинг анчагина қисмини Эмбада қолдириб келишганди. Қурол кўтаришга ярайдиган аскарлар сони зўрға 2000 кишига етарди. Хеванинг аҳоли яшайдиган қисмига етиш учун яна 500 мил йўл юриш керак эди. Генерал Перовский орқага қайтишга қарор берди.

Манзилга қайтишда ҳам аввалги қийинчиликларни қайтадан энгиб ўтишга тўғри келди. Совуқ ҳамон кучли эди. Ҳарорат Ремюр бўйича 15-20 даража атрофида тебраниб турарди. Қор қўюлари тез-тез безовта қилар, сув топиш қийин, ўтин топиш учун музлаган қатқалоқ ерни кавлашга тўғри келарди. Толиққан аскарларнинг руҳи сўник, тушкун эди. Бутун йўл бўйлаб илгари ўлган туяларнинг жасади учрар, уларни саҳродаги ваҳший бўри галалари ва ўлаксаҳур тулклар хомталаш қилиб улгурган эди.

Касаллар сони тобора ортар, динга касали ҳам аскарлар, ҳам зобитлар орасида кенг тарқалиб борарди. Бутунлай толиқиб, тинка-мадори қуриган қўшин 20 февралдан Эмба истеҳкомига қайтиб келди ва шу ерда баҳоргача қолишга қарор қилинди.

Хевага қарши уюштирилган бешинчи юриш ҳам ана шундай фожиали равишда тугади. Генерал фон Кауфман уюштирган ҳозирги сафар ҳисоб бўйича олтинчиси эди.

Ўрус тилидан
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
таржимаси



Ҳабиб АБДИЕВ

Лабларимда қонаган сароб...

Дарду ҳол
Ошиқ эдим,
Ошиқ эдим,
Ошиқ манзил —
Сенинг гулдай бўйларингга лойиқ эдим.
Юзларингни яширгани гулми, гардун,
Қизил ифор лабларингга кўшиқ эдим.
Кўшиқмидим,
Кўшиқмидим,
Кўшиқ лайло —
Қаро, қаро қароғларда қаро куйдим.
Ҳақ тоғларни яратганда баланд-баланд,
Ҳасратимни бу тоғдан ҳам баланд билдим.
Ошиқ эдим,
Ошиқ эдим,
Ошиқ манзил —
Ошиқурлар қайга, қай ён жайронларим,
Ебонларнинг юрагини очиб кетар,
Уфқлардан кўчаётган карвонларим.

Гулхан-ийглаб бўлган тўлғоқдаги қалб,
Иссиқ кул-тўшақда бунёд бўлган дил.
Гулларни эмизган тундибод хаёл,
Кубро қонларга беради кўнги.
Мен ёниб қонимдан айирдим кўшиқ,
Кўшиқ.
Ранги ўчиб қолган бузургона ой,
Шохчалар тилида титраган лаҳза.
Салтанат пойида бош чаноқларин,
Ёриб кўкаради, ўсади майса.
Мен ёниб жонимдан айирдим нафрат,
Нафрат.

Кундуз.
Титраган нур —
Қочиб келган ёмғир изларин
кўрди деразада.
Тун.
Шам ғижирлар —
жасадимни қора фарёди
сузар деворда.

О, абр қароли дил мажруҳ,
Раброларни титар валий руҳ,
Юрагимда қасос тутган Нуҳ.
Қаро тупроқ, руҳимни кўтар!
Мавли малак, субҳи мустаҷоб,
Ҳайратимга тутмиш оқ ҳижоб,
Лабларимда қонаган сароб.
Қаро тупроқ, руҳимни асра!
Мен-ку кўрдим дунёю залил,
Йиғлаб ўтмиш мёндан ҳар фасл,
Оламлуқнинг ҳикматлари шул.
Қаро тупроқ, руҳимни кўйвор!



Тунмисан — тундай.
Харобот аҳли зор, гул шуъласида,
Кушлар қанотини қовурди — дунё.
Қашқир тишларидан мунчоқлар терган,
Фано эртагига айланди — саҳро.
Кунмисан — кундай.
Идрис қолиб кетган ўша ризвонда,
Шафқат юзларида терлайди туйғу.
Балки ҳурлар мангу дарсини ўтар,
Тирилтирмас сени қайта бу уйку.
Гулмисан — гулдай.
Гардундек изилар, қалбимдек бўзлар,
Сурхон қумларига чуқиб туялар.
Сенинг борлигингни тиглаб ўтадир,
Хайбарда ой билан тунаган қизлар.

Дил ачишар —
куйган мусибат.
Тун кўзингдан
қолган жароҳат.
Айт.
Дардингни менга,
Айтавер!
Осмон — улкан қабр.
Мен унга кўмаман руҳимни.
Ой — устига кўйилган
синиқ бир коса.
Соч.
Ҳасратингни менга,
Сочавер!

Маҳжур куннинг синиқди ранги,
Кўзларимга тикилди маккор —
Капалакнинг қанотин занги.
Дил ўртар: (лавҳи маҳфуз толеда оқарган субҳ,
тун ҳақида суҳбатлашди кудуқлар билан.)
Ойни чопар ялтироқ киприк,
Олтин пичоқ топган у дониш
Юрагига ясар зар бешик,
Дил сўник: (ой — нурқудуққа кўйилган оқ тош,
ундан сизиб турар армоним, қоним.)
Ухлаб қолар тонгда қаландар,
Миноралар куйсиз тонгтини
Саҳроларга қилади бадар.
Дил ўртар: (минора — ерга тушиб турган ўчмас
юрак сояси...)

Ҳабиб АБДИЕВ 1969 йилда Сурхондарё вилоятининг Музробод туманида тузилган. ТошДУ журналистика куллиятини тугаллаган. Айни пайтда "Гулистон" журналида ишлайди. Унинг "Тубо" номли илк шеърӣ китоби "Камалак" нашриётида босмадан чиқиш арафасида.





НАСАБИЙАТ

Абу Умома разияллоху анху ҳазратларидан ривоятга кўра*, Расули Акрам саллаллоху алайҳи васаллам ҳазратимиз жаноби Ҳақнинг шундай деб бузурганини айтади:

“Эй бани одам! Эҳтиёжингдан ортигини муҳтожларга базлу инфоқ этсанг, сен учун хайридир. Қизгансанг, сен учун гуноҳдир. Етарли миқдордаги молингдан муоҳаза этилмагайсан. Инфоқ этганда аввало нафақага муҳтож бўлганлардан бошлагил”.

(Ҳадисни Байҳақий Абу Умома разияллоху анхудан ривоят этган)

Абу Ҳурайра разияллоху анху Расулulloх саллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилишига кўра, Оллоху Таоло шундай деб бузурган:

“Икки ўртоқдан бири иккинчисига хиёнат этмас экан, уларнинг учинчи шериги менман; бири бошқасига хиёнат этаркан, мен ораларидан чиққайман”.**

(Ҳадисни Абу Довуд ва Ҳоким ривоят этганлар)

Абдуллох ибн Умар разияллоху анху ҳазратлари дейди:

Расули Акрам саллаллоху алайҳи васаллам Оллохдан ривоят этган ҳадисда шундай деб бузорилади:

“Эй бани одам! Олдингда ўзинга етарли миқдорда неъмат бўлгани ҳолда, тугёнларга тушиб ортиқроқ бўлишини истайсан. На озга қаноат қиласан, на-да кўпдан тўймакни биласан.

Жон ва молинг эмин, хасталикдан солим эканинг ҳамда кунлик озинг олдингда бўлгани ҳолда кечалари ухламайсан, энди сени Ҳақдан чалғитган дунё (арзимас нарсалар) бошингга етсин, қиёмат кўпсин”.

(Ҳадисни Ибн Адий ва Байҳақий ривоят этганлар)

Ибн Аббос ва Абуд-Дардо разияллоху анхунинг ривоятларига кўра Расули Акрам саллаллоху алайҳи васаллам ҳазратимиз шундай деганлар:

Оллоху таоло буқордики: “Мен муҳаққақ аввал-охир золимдан мазлумнинг интиқомини олгайман. Тагин бирор мазлумнинг ҳақсиаликка учраганини кўриб туриб унга ёрдам беришга кучи етгани ҳолда мададини аяган бағритош кимсадан ҳам мазлумнинг интиқомини олгайман”.

(Ҳадисни Ибн Хуббон ва Табароний ривоят этганлар)

Мен газабланадиганим кишилардан тагин газабланадиганим кишилар орқали ўч олгайман, сўнгра ҳаммасини жаҳаннамга солгайман.

(Табароний ҳазрати Жобирдан ривоят этган)

*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

**Нақадар гўзал бир қиёс: икки ўртоқ бир-бирларидан эмин бўлсалар, баракат ва тавфиқи илоҳиям уларга баробардир. Акс ҳолда уларнинг ишларидан файз ва баракотни кўтаргайман. (Тавфиқи илоҳиям зойил бўлмай, демакдир.

Оллох Таоло ҳазратлари қиёмат кунда шундай деб бузургай: “Менинг қўшнилари қерда?” Малаклар:

— Кимлар сенинг қўшнинг булади? — деб сўрагайлар. Жаноби Ҳақ:

“Қуръон ўқиганлар, масжидларни қурганлар ва таъмир этганлар қайдир? (Фақат ўшалар лойиқ)” — деб бузургай.

(Абу Нуайн Абу Саид ал-Худрий разияллоху анху ҳазратларидан ривоят этган)

Оллоху Таоло шундай деб бузурмиш:

“Эй Мусо! Сен мени кўрмассан, аеро, мени кўрган дарҳол ўлади. Жонсиз нарсалар кўрса емирилади, яшнаб турган нарса кўрса хазон бўлади. Мени фақат кўзалари ўлимни билмайдиган, жасадлари чиримайдиган жаннат аҳли кўргай”.

(Ҳаким Термизий (27) Ибн Аббос разияллоху анху ҳазратларидан ривоят этган)

“Қулларимдан бирининг танини, молини ва ёки боласини бир мусибатга солганимда у қулим бунга яхши бир сабр ила қаршилса, қиёмат кунда у кимса учун таразу қурмоқдан ёхуд номаи аъмол очмоқдан уялгайман”.

(Қудсий, Дайламий, Ҳаким Термизий Анас разияллоху анхудан ривоят этганлар)

Оллоху Таоло Иброҳим алайҳиссаломга шундай ваҳий этди: “Ё Иброҳим! Шубҳа йўқки, мен ҳақиқатан олимман, илм соҳибларини эса севаман”.

(Ҳадисни Ибн Абдул-Бор муаллақ ўлароқ ривоят этган)

Абу Ҳурайра разияллоху анхудан ривоят этилишига кўра, Расули Акрам саллаллоху алайҳи васаллам ҳазратимиз шундай деганлар: Оллоху Таоло:

“Бир мўъмин қулимнинг дунёда энг қаттиқ севадиган дўстини олганим замон у кимса сабр этиб Оллохдан ажр кўзласа, унинг мукофоти жаннатдир” — деб бузурмиш.

(Ҳадисни Бухорий ривоят этган)

Анас разияллоху анхудан ривоятга кўра, у шундай дейди: Пайгамбар алайҳиссаломнинг шундай деганини эшитдим:

“Қайсики бир қулимни кўзларидан маҳрум этганим ҳолда у сабр қилса, кўзларининг мукофоти ўлароқ уни жаннатга солгайман”.

(Бухорий ривоят этган)

“Қазою қадаримга рози бўлмаган киши ўзига мендан бўлак бир Раб изласин”.*

(Байҳақий ва Ибн Нажжор Анас разияллоху анхудан ривоят этганлар)

“Қулим менинг ҳаққимга риоят этмагунча мен ҳам унинг ҳаққига боқмагайман”.

(Табароний Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этган)

Жаноби Ҳақ Марям ўгли Исога: “Ё Исо! Аввало ўз нафсинга ўғит бериб кўр, агар бу ўғитнинг фойдасини кўрсанг, бошқаларга ҳам ўғит бер, йўқса мендан уягин”, — деб буюрди.

(Дайлабий Абу Мусо (29) ҳазратларидан ривоят этган)

“Ёр юзидаги уйларим — масжидлардир. У ерда мени зиёрат қилганлар ул масжидаарни ихё этганлардир”.

(Абу Нуайм Абу Саид разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этган)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ҳазратларидан Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратимизнинг шундай деганлари ривоят қилинади: Оллоҳу таоло буюрдики:

“Назр — тақдир этмаганим бир нарсани инсонга ато этмагай, лекин назр тақдир этганим қадарга қовуштиргай, ул назр ила бахилдан мол чиқаргайман. Шунинг учун ул кимса назр этишидан аввал бермаганини ушбу назр сифатида менга келтиргай”.

(Ҳадисни Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Насоий Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

Абу Зар (Жундаб ибн Жунайд) разияллоҳу анҳудан Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай дегани ривоят қилинади:

Оллоҳу Таоло буюрдики: “Эй қулларим! Шунинг яхши билинганим, мен зулм этмакни ўзимга ҳаром қилдим (зулмдан муназааҳ ва муқаддасман), уни сизнинг орангизда ҳам ҳаром қилдим, зинҳор бир-бирингизга зулм этмангиз”.

(Ҳадисни Абу Зар Жундаб ибн Жунайд разияллоҳу анҳудан Муслим, Ибн Хуббон ва Ҳоким ривоят этганлар)

Ё Муҳаммад! Мен бирор нарсани ҳукм этсам, бу ҳукмим рад қилинмагай. Мен сенинг умматингни умумий бир қаҳатчилик ила ҳалок қилмаяжамга ва уларга ўз нафсларидан бошқа душман мусаллот этмаяжамга сўз бердим. Аммо ўзалари бир-бирларини шунчалик ҳалок этдиларки, ҳатто атрофидагилар бир бўлишса ҳам бу қадарини қила олмайдилар.

(Ҳадисни Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этганлар)

(Тақиқлаганларимни мустасно қилганда) қулларимга эҳсон этганим ҳамма нарса улар учун ҳалолдир. Бинобарин, ҳеч бир кимса Оллоҳнинг ҳалол қилганини таҳрим (ҳаром) эта олмагай. Мен бутун қулларимни ҳаққи қабулга мустаид қилиб яратдим; фақат шайтон улардан баъзиларига келди-да, уларни ҳақ бўлган динларидан ботилликка ундади, уларга ҳалол қилганим нарсаларни ҳаром қилмоққа ташвиқ этди ва менинг амр этмаганим нарсаларга, менга ширк келтиришга амр этди.

(Ҳадисни Муслим ва Сағаний (30) Иёз ибн Ҳумар разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

Муҳаққақи, умматим “Буни ким яратди?” деб бир-бирларидан сўрагайлар ва буни Оллоҳ яратди деган заҳоти” “Оллоҳни ким яратди” — дерлар.

(Ҳадисни Муслим ва Сағаний ҳазрати Анасдан ривоят

“Оллоҳдан бошқа Раб йўдиги боис қулнинг Оллоҳнинг ҳазосига рози бўлиши ва Оллоҳ ҳақида яхши фикрда бўлиши, унинг неъматларига шукр этиши вожибдир. Шубҳа йўқки, жаноби Ҳақнинг ҳикмати гоят кенгдир. Масолиҳи ибодни энг яхши билувчи Удир. Балонинг эртанги савобини кўра диганлар бало ва мусибатга шукр этгайлар.

этганлар)

Бошқа бир ҳадиси шарифда шундай деб буюрилган:

Ҳар ким ушбу қабиладаги саволларни эшитса, яхши билсинким, бу саволни хотирга солган шайтондир. Бинобарин, у Оллоҳга сизиниб. мен Оллоҳга ва Пайгамбарга имон келтирдим, десин.

Сиздан аввал ўтган бир уммат ичида бир кимсанинг яраси бор эди, оғригига чидай олмай қўлини кесди. Қони тўхтамай, ниҳоят, ўлди. Шунда Оллоҳу Таоло ҳазратлари: “Қулим менга келишдан кўра ажални афзал билгани (мужиб бир сабаб билан ўлим топгани) учун мен ҳам унга жаннатни ҳаром этдим”, деб буюрди”.

(Ҳадисни Бухорий ва Муслим Жундаб ибн Жунайд разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этганлар)

Ибн Абу Шайбанинг (32) “Муснаф”идаги бир ривоятга кўра Ибн Самура разияллоҳу анҳу бундай деган:

Асқобдан бир кимса бир яра орттириб, оғригига чидай олмаганидан қўлига тушган пичоқ билан ўзини ўзи ўлдиргани учун Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратимиз унинг жанозасини ўқимаган. Собит ибн Даҳҳок разияллоҳу анҳудан Расули Акрамнинг шундай деб буюргани ривоят қилинади: “Кимки ўткир бир асбоб билан ўзини ўлдирса, бу кимса жаҳаннамда ўша асбоб билан азобланади”.

(Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можжа ривоят этганлар)

“Дунёда бу мол билан нима қилдинг?” деб сўради. (Ровий айтадики, Оллоҳ ҳузуринида ҳеч кимса ҳақиқатни яшира олмагай.) У одам: Ё Раб! Сен менга мол бердинг, кишилар билан савдо-сотик қилдим; қарздорларга қулайлик яратиш одатим эди. Камбағаллашиб қолганларга қулайлик тугдирар, муҳтож бўлганларга муҳлат берардим, деди.

Шунда жаноби Ҳақ: “Мен қулайлик тугдиришга сендан кўра кўпроқ лойиқман” — деди ва малакларига: “Қулимни афв этингиз”, — деб буюрди.

Уқба бин Амир (33) ва Абу Масъуд ал-Ансорий разияллоҳу анҳу “Биз Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратимизнинг оғзидан шу ҳолда эшитдик”, — дейдилар.

(Муслим “Саҳиҳ”да, Нававий “Риёзус-солиҳ”да ривоят этганлар)

Абу Масъуд ал-Бадрий разияллоҳу анҳудан ривоятга кўра, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдики: “Сиздан аввал ўтган бир одам сўроққа тутилди. (Номаи аъмолида) ҳеч нарса кўринмади. Бой бўлган бу одам фақат ҳалқ билан ихтилот этар ва қара бериш билан савдо-сотик қиларди. Тўплаганини тўплаб қўйган, боласига ҳам муҳтож бўлиб қолган қарздорлар билан сахийларча муомалала бўлишни буюрарди.

Жаноби Ҳақ бу кимсанинг бунақанги муомаласи сабабли малакларига шундай деб буюрди: “Сахийлик кўргазмакка биз бу кимсадан кўра кўпроқ лойиқмиз, шунинг учун бу қулимни афв этингиз”.

(Ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да ва Нававий “Риёзус-солиҳ”ида ривоят этганлар)

Тўпловчи Ҳасан Ҳусну Ардам.

Туркчадан Усмон Қўчқор уйғунлаштирган.





*САККИЗИНЧИ БОБ

КИШИ ЎЛАР ВАҚТДА ШАЙТОН УНИНГ ИЙМОНИНИ ҚАЙСИ ТАРИҚАДА ОЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

Ривоят қилинибдурки, агар киши жон бермоқ ҳолатида бўлса, шайтон алайҳил-лаъна келиб, ул кишининг чап ёнига ўлтуруб айтури: "Эй одам, сан бул динни қўйил ва худойи таоло икки дегил, токи бу азобу укубатдан халос толарсан". Агар ул банда азалда бадбахт бўлса, бу ҳолда шайтоннинг макрига фирифта бўлуб, ул сўзни айтса, наъзу биллаҳ, иймони кетиб, кофир бўлгай. Бас, агар охир умрида банданин ҳоли шуңдоғ бўлса, бу ҳол қўб қаттиғ хатардур. Эй азиялар, сизларга лозимдурки, Худойи таолога қўб йиғлаб, зори ва тазарру қилинлар ва кечалари бедор бўлуб, ибодатта машғул бўлсангизлар, шояд Аллоҳ таолонинг дарғоҳига мақбул бўлуб, охир вақтда жон бермоқ азобидин омон бўлуб, шайтон алайҳил-лаънанинг макрига фирифта бўлмасангизлар.

Хабарда келибдурки, бир кун бир одам ҳазрат имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдин сўрдики: "Е имом, иймоннинг кетмоғига қайси гуноҳ хавфлироқдур?" Ул киши жавоб бердилар: "Худойи таоло мўмин қилиб, анга иймон берғонига шуқр қилмаслик ва охир вақтини андиша қилиб хавф қилмаслик, одамларга зулм қилмаклиқдур". Ушбу уч хислат ҳам кимида бўлса, бул кишиларнинг аксарлари бейймон кетурлар. Наъзу биллаҳи мин залик. Магар, баъзилари азалда саодат ва некбахтлик тоғфон бўлсалар иймон бирла кетурлар.

Ривоят қилибдурларки, жон берар вақтда кишига ҳаммадин шиддатлироқ азоб ташналик ва жигарнинг куймоғидур. Бас, ул вақтда шайтон алайҳил-лаъна ул кишининг иймонини олмаққа фурсат толиб, қўлида бир коса сув олиб келиб ул кишига кўрсатиб турар. Ул киши муниг шайтонлигини билмай сувни талаб қилур. Шайтон алайҳил-лаъна айтури: "Эй одам, оламни яраттан соний йўқ дегил, сенга бул сувни берурман." Бас, агар ул банда некбахт ва саодатмаңд бўлса, анинг шайтонлигини билиб, сўзини қайтарар. Агар бадбахт бўлса, ташналикка тоқат қилолмай, бу сўзни айтиб, наъзу биллаҳ, бейймон кетур. Шайтон алайҳил-лаъна бул тарафдин келиб, васваса қилиб, иймонини ололмаса, оғё тарафдин яна бир бошқа суратда келиб, бир коса сув кўтариб турар. Ул банда анинг сувини талаб қилур. Шайтон айтури: "Эй одам, пайгамбарлар ёлғончидурлар, ҳамма ҳадислари ва Худо тарафидин өткурган оятлари ёлғондур дегил. Токи, бу сувни санга берурман". Бас, агар ул банда некбахт бўлса, анинг бу сўзини рад қилур ва агар бадбахт бўлса, ташналик шиддатиға тоқат қилолмай, бу сўзни айтиб, наъзу биллаҳ, бейймон кетур.


Ҳикоят қилибдурларки, бир вақтида зоҳид Абу Закариёга ҳолати назъ бўлди. Анинг бир дўсти келиб олдига ўлтуруб, анго талқини шаҳодат қилди ва айдик: "Эй дўстим, айилки, АШХАДУ АН ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲУ ВА АШХАДУ АННА МУҲАММАДАН АБДУХУ ВА РАСУЛУХ". Ул зоҳид андин юзини ўғурди. Иккинчи мартаба айтиб эрди, яна юзини ўғурди. Учунчи мартаба айтиб эрди, ман муңдоғ беҳуда сўзни ҳаргиз айтмасман деб жавоб берди. Андин сўнгра, ул дўсти қўб афсус бирла эмди бейймон кетармукин деб кўрқуб туруб эрди, бир соатдин сўнгра ул зоҳид хушига келиб сўрдики: "Эй дўстим, сиз менга бир сўз сўзладингизму?" Ул дўсти айдди: "Орий, сўзладим. Уч маротаба талқини шаҳодат қилдим. Икки мартабасида юзунгизни ўғурдингиз ва учунчи мартабасида мен муңдоғ беҳуда сўзни ҳаргиз айтмасман деб жавоб бердингиз". Ул зоҳид айдди: "Эй дўстим, ман бул жавобни сизга берган эмасман. Балки, ул вақтда ўзим ниҳоятда ташна эрдим. Шайтон алайҳил-лаъна ўн тарафидин бир коса сув олиб келиб сўрди: "Эй зоҳид, сувга толибмусен?" Ман айттимик: "Орий, толибман". Шайтон алайҳил-лаъна айдди: "Эй зоҳид, Исо алайҳиссалом Худонинг ўғли дегил, токи бу сувни санго

беройин". Ман андин юз ўғурдим. Яна чап тарафидин келиб айдди: "Эй зоҳид, Худо йўқ дегил, токи бу сувни санго беройин". Ман андин юз ўғурдим. Учунчи маротаба келиб айдди, ман муңдоғ беҳуда сўзни айтмасман деб жавоб бердим. Аммо, сизнинг талқин айтғонингизни билмадим".

Мансур ибн Аммор розийоллоху таоло анхумо ривоят қилибдурларки, агар кишининг умри охир бўлса, анинг ҳоли беш тариқаға тақсим қилинур; бул тариқадаки, моли ворислар учун, жони Азроил алайҳиссалом учун, гўшти қуртлар учун, устухони туғроғ учун ва яхшилиғлари душманлар учун. Бас, жонини Азроил алайҳиссалом олиб кетурлар, молини ворислар олиб кетурлар, устухонини ер

чурутиб туғроғ қилур ва яхшилиғини душманлар олиб кетарлар. Илоҳо, ул вақтда ҳеч банданин иймонини шайтон олиб кетмасуники, бул тақсим бўлгон нимарсалардин жудо бўлмоқ бирла Худойи таолодин жудо бўлмас, балки, унга яқин бўлур. Агар иймондин жудо бўлса, Худойи таолодин жудо бўлур. Наъзу биллаҳи мин залик. Валлоху аъламу бис-саов.

Имом Муҳаммад ҒАЗЗОЛИЙ



ТЎҶҚИЗИНЧИ БОБ

ЎЛГАНДИН СЎНГРА ЖОННИНГ КЎРАДУРҒОН АҲВОЛИ БАЁНИ

Хабарда келибдурким, ҳар вақт одамнинг жони жасадидин чиқса, осмон тарафидин уч мартаба овоз келурки: "Эй фарзанди Одам, дунёни сан тарк қилдингму ё дунё сани тарк қилдимму? Дунёни сан жамъ қилдингму ё дунё сени жамъ қилдимму? Дунёни сан қабул қилдингму, ё дунё сани қабул қилдимму?" Ул мурдани тахта узра олингон вақтда яна уч мартаба овоз келурки: "Эй фарзанди Одам, санинг бақувват баданинғ қайда қолди ва сани нима бақувват қилди? Санинг бурро тилинғ қайда қолди ва сўздин сани нима қар қилди". Кафанга ўраган вақтда яна уч мартаба овоз келурки: "Эй фарзанди Одам, агар санинг жойинг жаннат бўлса, хушвақтликдур ва агар жойинг дўзах бўлса, вой санинғ ҳолинғта. Эй фарзанди Одам, агар санинғ рафиқинг жаннатинг хурлари бўлса, хўб хушвақтликдур ва агар рафиқинг Худонинг ғазоби бўлса, вой санинғ ҳолинғта. Эй фарзанди Одам, узог сафарга борурсан, санда йўл асбоби йўқтур ва бул манзилинғдин чиқиб борурсан, асло қайтиб келмоқ йўқтур ва муңдин бориб хавфу хатар манзилиға тушурсан, қўлунгда яролинғ йўқтур". Тобутта солгон вақтда яна уч мартаба овоз келурки: "Эй фарзанди Одам, агар дунёда яхши иш қилгон бўлсанг, санго қўб хурсандликдур. Агар гуноҳ иш ва ямонлиғни қилгон бўлсанг, вой санинғ ҳолинғта. Агар гуноҳларинғта тавба қилгон бўлсанг ва ҳамсўхбатларинг жаннатинг хурлари бўлса, санго хўб шодмонлиқдур, агар тавба қилмай, Худоға саркашлик қилгон бўлсанг ва ҳамсўхбатларинг молики дўзах ва забониялар бўлса, вой санинғ ҳолинғта". Жаңоза ўкумоқ вақтида яна уч мартаба овоз келурки: "Эй фарзанди Одам, ҳар ишки, дунёда қилибсан, эмди бу кун ўзунг кўрарсан. Бас, агар яхши иш ва яхши амал қилгон бўлсанг, яхшилиқ кўрарсан. Емон амал қилгон бўлсанг, ёмонлик кўрарсан. Агар умрингни яхши амал бирла ўтказгон бўлсанг, санго хўб хуррамликдур ва агар умрингни беҳудалик бирла зойий қилгон бўлсанг, вой санинғ ҳолинғта".

Тобутни олиб бориб гўрнинг ёнига қўйгон вақтда ердин уч мартаба овоз келурки: "Эй фарзанди Одам, аввал мени устимда кулиб юрар эрдинг, эмди ичимға кириб йилгарсан. Мани устимда хурсандлиғ бирла юрар эрдинг, эмди ичимға кириб хафалиғ бирла ётурсан. Мани устимда гўблиғ бирла сўзлаб юрардинг, эмди ичимға кириб, хомушлиғ бирла ётурсан". Ул мурдани гўрга қўйуб қайтгон вақтда Худойи таоло тарафидин овоз келурки: "Эй банда, сан бул ерда ёлғуз ва танҳо қолдинг. Авлодларинг сани бул қоронжу гўрга ташлаб кўттилар. Бас, эмди санинғ ҳолинғта раҳм қиладургон меҳрибонинг бу кун мендурманки, манинг раҳматимға ва меҳрибонлиғимға халойиқ таяжуб қилурлар, манинг қилгон меҳрибонлиғимни ота ва оналаринг қилолмаслар". Валлоху аъламу бис-саов.

* Давоми. Боши аввалги сонда.

ЎНИНЧИ БОБ ЕРНИНГ НИДО ҚИЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

Ҳазрат Анас ибн Молик розийоллоху таоло анҳу айтибдурларки, ҳар куни ер ўн калима сўз бирла нидо қилур ва айтурки: "Эй фарзанди Одам, ҳарчанд мани устимда саъй қилиб юрарсизлар, охир мани ичимга келиб манзил қилурсизлар. Мани устимда гуноҳ қилурсизлар ва ичимга кириб азобини тортарсизлар. Мани устимда кулурсизлар, ичимга кириб йиғларсизлар. Мани устимда хурсандлиғ бирла юрарсизлар, ичимга кириб, ғамгин бўлуб ётарсизлар. Мани устимда ҳаромхўрлик бирла семуарсизлар, ичимга кириб ғам ва азоб ўтида зирсизлар. Мани устимда такаббурлик бирла юрарсизлар, ичимга кириб хорлик бирла ётарсизлар. Мани устимда ёруғликда юрарсизлар, ичимга кириб қоронғуда ётарсизлар. Мани устимда ёру дўст бирла юрарсизлар, ичимга кириб, танҳо ётурсизлар. Мани устимда тараддуд қилиб, ҳаромдин мол йиғарсизлар, ичимга кириб андин махрум бўлиб, ваҳми азобни тортарсизлар. Мани устимда ҳаромни ёрсизлар, ичимга киргонларингизда сизларнинг гўшларингизни қуртлар ер".

Хабарда келибдурки, ҳар куни уч мартаба мурдага итоб қилиб, гўрдин овоз чиқурки: "Эй ғофил, ман худолитинг хонасидурман ва ман қурту чаёнларнинг хонасидурман. Маннинг бу заҳмаларимдан халос бўлмоқ учун нима илож қилиб келдим". Баъзи ривоятда ҳар куни беш мартаба нидо қилурки: "Эй банда, ман ёлғузлиғнинг хонасидурман. Бас, эмди сан рафиқингни тоғилки, ул тиловати Куръондур. Ман қоронғуликнинг хонасидурман. Бас, эмди сан чирогингни тоғилки, ул кечаси ўғунгон нафл намозидур. Ман туфронинг хонасидурман. Бас, эмди сан фалос тоғилки, ул амали солиҳ ва савоб ишдур. Ман йилон ва чаёнларнинг хонасидурман. Бас, эмди сан тарёк тоғилки, ул садақа бермоқ ва бисмиллоҳдур роҳманир роҳийм демоқ ва кўздан ёш тўкмоқдур. Ман Мункар ва Накирнинг савол қиладургон хонасидурман. Бас, эмди жавоб тоғилки, ул **ЛА ИЛАХА ИЛЛАЛЛОХУ МУХАММАДУР-РАСУЛУЛЛОХУ** демоқдур". Валлоху аъламу бис-сабоб.

ЎН БИРИНЧИ БОБ ЖОННИНГ БАДАНДИН ЧИҚМОҒИ БАЁНИ

Хабарда келибдурки, агар банда ҳолати назъа тушса, ул банданинг олдига беш фаришта келур. Аввали фаришта келиб айтурки: "Ассалому алайкум эй банди Худо, ман санинг ризқингга муваккил эрдим. Эмди мағрибдин машриқгача талаб қилдим, аммо санинг учун бирор лўқма ризқингдин тополмай келдим". Иккинчи фаришта келиб айтурки: "Ассалому алайкум эй банди Худо, ман санинг ичадургон шаробларингга муваккил эрдим. Эмди мағрибдин машриқгача талаб қилдим, аммо санинг учун бир қатра шарбат тополмай келдим". Андин сўнгра учунчи фаришта келиб айтурки: "Ассалому алайкум эй банди Худо, ман санинг қадмларингга муваккил эрдим. Мағрибдин машриқгача талаб қилдим, санинг учун ҳеч бир қадм кўярга жой тополмай келдим". Тўртинчи фаришта келиб айтурки: "Ассалому алайкум эй банди Худо, ман санинг нафасларингга муваккил эрдим. Мағрибдин машриқгача талаб қилдим, санинг учун ҳеч бир нафас тополмай келдим". Андин сўнгра бешинчи фаришта келиб айтурки: "Ассалому алайкум эй банди Худо, ман санинг умрингга муваккил эрдим. Мағрибдин машриқгача талаб қилдим, санинг умрингдин бир соати тополмай келдим". Андин сўнгра икки фаришта — Кироми котибайн келиб айтурларки: "Ассалому алайкум эй банди Худо, бизлар санинг яхшилиғ ва ёмонлиғларингга муваккил эрдимиз. Эмди мағрибдин то машриқгача талаб қилиб, санго ҳеч бир на яхшилиғдин ва на ёмонлиғдин тополмай келдимиз". Андин кейин бир саҳифа хат битиб қаро қилгон қоғазин ул бандага кўрсатиб айтурларки: "Эй банда, санинг дунёда қилгон аъмолларингнинг мусовадаси ушбурдур, эмди ўзинг ўқиб кўрил" — деб анинг кўлига берарлар. Бас, ул вақтда камолоти хижолатдин ул бандад бечоранинг ҳамма аъзосидин тер оқиб кетур. Ул хатни ўқумоқ хавфидин музтар бўлуб, ўнг ва чап тарафларга қарарки, асло қочиб халос толмақ мумкин эмасдур. Андин сўнгра Кироми котибайн қайтиб чиқиб кетурлар. Шу аснода Азроил алайҳиссалом келурлар ва ул кишининг ўнг тарафларида раҳмат фаришталари, чап тарафларида эса азоб фаришталари келурлар. Алардин баъзилари ул банданинг жонини тортарлар, баъзилари жасадидин кўчурлар ва баъзилари жонга ором бериб, хурсанд қилурлар. Бас, булар ушбу тариқда жонни халқумга етқурганларидин сўнгра Азроил алайҳиссалом келиб қабз қилурлар. Бас, агар ул саодатманд бўлса, раҳмат фаришталарига амр қилиб овоз келурки: "Эй раҳмат фаришталари, бул банданинг жонини осмон тарафига олиб чиқинлар". Агар бадбахт бўлса, азоб фаришталарига амр қилиб овоз келур ва ул амр қилингон фаришталар анинг жонини осмон тарафига олиб чиқиб кетурлар. Бас, агар ул банда неқбахт бўлса, Аллоҳ таоло айтурки: "Эй фаришталар, бу банданинг жонини ўз жасадига қайтаринлар, токи жасадининг ҳолини ўзга кўруб турсун". Фаришталар бул банданинг жонини олиб тушуб ҳовлисининг ўртасига кўялар. Жон ҳовлисига келиб бул банда учун кимнинг ғамгин ва кимнинг шодмон бўларини кўруб турар. Анинг жасадини тобутта солиб гўрига олиб бороқондин сўнгра Худойи таоло жонни қайтариб жасадига киргузар. Аммо жоннинг жасадга қайси тариқда кирмоғида ихтилоф қилибдурлар. Баъзилари айтибдурларки, жон жасадга кириб, дунёда

тирик юргандек тириладур ва гўрнинг ичида ўрнидин туруб ўлтуруб савол қилинадур. Баъзилари айтибдурларки, жон жасадга кирар, аммо киргондин кейинги ҳол маълум эмас. Баъзилари айтибдурларки, жон жасадга кирар, лекин савол жоқдин қилинур, жасаддин қилинмас. Баъзилари айтибдурларки, жон жасаднинг кўкрагига кирар, андин пастга ўтмас. Баъзиларининг фикрларича жон жасад бирла кафанинг орасида турар, аммо жасадга кирмас. Бу ровийларнинг ҳаммалари қавлларининг исботига ҳазрат расули ақрам саллоллоху алайҳи васалламдин ҳадис нақл қилурлар.

Аммо уламоларнинг наздларида саҳиҳ шулки, банда гўр азобига иқрор қилмоғи лозим. Аммо қайси кайфиятда азоб бўлмоғи ва азоб жон бирла жасаднинг қайси бирига бўлмоғи машғул бўлмаслик керақдур.

Фақиҳ Абуллайс Самарқандий айтибдурларки, ҳар кимки, гўр азобидан наҳот тоғмоқни ирода қилса, бас, ул кишига тўрт нимарсани лозим тутмоқ ва тўрт нимарсадин парҳез қилмоқ лозимдур. Ул тўрт нимарсаки, лозим тутмоқ зарурдир, ушбурдир: биринчи намозни яхши муҳсофаза қилиб, вақтида ўқимоқ. Иккинчи — садақа бермоқ. Учунчи — Куръон тиловат қилмоқ. Тўртинчи — қўб тасбеҳ айтмоқдурки, бу ишларнинг ҳаммаси Тонгла гўрни ёруғ ва равшан қиладур ва восиъ қиладур.

Аммо тўрт нимарсаки, парҳез қилинадургоннинг биринчиси — ёлгон сўзламоқдур. Иккинчи — гийбат қилмоқдур. Учунчи, кишининг сўзини кишига айтмоқдур. Тўртинчи булдурки, пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам айтибдурларки, парҳез қилинлар бавлдин, чунки гўрнинг ҳамма азоби бавлдин касофатидин бўлур.

Андин сўнгра икки фаришта келиб, тирноқлари бирла ёрни ёриб, мурданинг олдига кирарларки, аларнинг ранглари қаро, кўзлари кўк ва суратлари ҳайбатлиқдур. Диллари газаблик, овозлари момақалдирмоқдек ва кўзлари қаҳмоқдекдурки, алар — Мункар ва Накирдурлар. Бас, мурдани жойидин туразулар ва чордону қурдириб ўтузулар. Андин сўнгра, "Роббинг ким?" ва "Пайғамбаринг ким?" "Дининг қайси диндур?" деб ул бандадан савол қилурлар. Бас, агар ул банда неқбахт бўлса, "Роббим — Аллоҳ, пайғамбарим — Муҳаммад ва диним — Ислам" — деб жавоб берур. Андин сўнгра Мункар ва Накирлар айтурларки: "Эй мўмин, янги уйлангон йигитлардек ётиб ухлағил". Шундан кейин анинг бош тарафидин жаннат тарафига тешук очиб кетурларки, ул банда ўшал тешукдин жаннатдаги ўзи борадургон маконига қараб, то Маъшар куни Худодан амр бўлуб, ул маконига борар вақтигача тамошо қилиб ётур. Мункар ва Накирлар анинг руҳини Аршда муаллақ турган қандилининг устига кўялар.

Ҳазрат Абу Хурайра розийоллоху анҳу ривоят қилибдурларки, ҳазрат расули ақрам саллоллоху таоло алайҳи васаллам айтибдурлар: "Худойи таоло ҳадиси кудсий бирла айтурки, "Ё Муҳаммад, агар ман бир бандани мағфират қилмоқчи ирода қилсам, аввал ул банданинг беморликда кўрган кулфати сабабидин ва ё қафириликда кўрган танглиги сабабидин ва ё дунёда кўрган ғаму андуҳи сабабидин анинг ҳамма гуноҳларини йўқ қилурман. Андин сўнгра, жонини олурман. Чунки агар гуноҳидин бир зарра қолса, то қиёматгача анинг азоби қаттиғ бўлса керак. Ваҳоланки, ман анго азобни раво кўрмасман. Агар бандани мағфират қилмасликчи ирода қилсам, аввал ул банданинг дунёда кўрган сиҳатлигининг сабабидин ва ё дунёда кўрган хурсандлигининг сабабидин ва ё дунёда кўрган давлатининг сабабидин анинг ҳамма савобларини олурман. Андин сўнгра жонини олурман. Чунки, агар бир зарра савобидин қолса, то қиёмат куни маннинг дийдоримни кўрар вақтигача ул банда роҳатида бўлса керак. Ваҳоланки, ман анго роҳатни раво кўрмасман".

Асвад розийоллоху таоло анҳу айтибдурларки, бир куни бизлар неча киши Оиша розийоллоху таоло анҳонинг олдларида ўлтуруб эрдимиз бир кишининг чодирин йиқилиб, ўзининг устига тушти. Ани кўруб халойиқ қулдилар. Оиша розийоллоху таоло анҳу айдилар: "Эй халойиқ, кулманларки, бул воқеа кўб яхши бўлди. Чунки, расулulloҳдин зшиттандурмени, агар бир кишига бир тикон қадалса, анинг сабабидин Худойи таоло ул банданинг савобини бир даража зиёда қилур ва гуноҳидин бир даража кам қилур. Албатта, бул кишининг чодирлари ҳам йиқилиб, сизларга масхара бўлгонларининг ахри кўб бўлса керак".

Хабарда келибдурки, беморликни кўрмаган банданда ҳам хайр бўлмас, ҳодисаларни кўрмаган молда ҳам хайр бўлмас. Яна хабарда келибдурки, набий алайҳиссалом айтибдурлар: "ҳар мўмин кишининг дунёдан охиратга сафар қилур вақти бўлса, осмондин неча аъдад раҳмат фаришталари жаннатнинг кафанидин ва атридин олиб тушуб, миқдори бир кўзининг қуввати етадургон жойда турарлар. Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом келиб, ул банданинг бош тарафига ўлтурарлар ва айтурларки: "Эй Худонинг ибодати бирла ором оладургон жон, қиғил Худонинг мағфиратиға ва ризолиғига". Бас, ул вақтда жон танасидин чунон силон қилиб чиқурки, гўё мушқдин сув қатра-қатра силон қилгондек бўлур. Бас, ул жонни ўшал осмондин тушган фаришталар олиб жаннатдин келтирилган кафанларига ўраб олурлар. Ул жоқдин чунон хушбўйлик пайдо бўлурки, гўё мушқнинг бўйига ўшашдур. Ани осмон тарафига олиб чиқарлар ва фаришталар сўрарларки: "Бул хушбўйлик нимадур?" Бу фаришталар жавоб берурларки: "Фалон ибни фалон қилиб чиқурки, гўё мушқдин сув қатра-қатра силон қилгондек бўлур". Анинг номини фаришталар зикр қилмаслар, магар зикр қилсалар яхши сифотлар

бирла зикр қилурлар. Бас, агар бул жонни биринчи осмонга олиб чиқсалар, унинг эъзоси учун Аллоҳ таоло етти табақа осмоннинг ҳаммасидин зшик очур. Ани то еттинчи осмонга олиб борунча ҳар табақа осмоннинг миёнасидаги фаришталар эъзосу икром қилурлар. Андин сўнгра Худойи таоло тарафидин бир нидо келурки: "Эй фаришталар, бул банданинг номаи аъмолини Иллийинга битинглар ва ўзини қайтариб ер юзига тушурилар. МИНҲА ХОЛОҚНАКУМ ВА ФИЙҲА НУЪИДЖУКУМ ВА МИНҲА НУХРИЖУКУМ ТАДРОТАН УХРО12 ҳам ушбу мазмунга далолат қилур.

Пайгамбар алайҳиссалом айдиларки, ул банданинг жонини фаришталар қайтариб жасадиға олиб келурлар. Андин сўнгра яна икки фаришта келиб савол қилурларки: "Эй бандаи мўмин, Худойинг ким, Пайгамбаринг ким ва дининг қайси диндур? Мўминлардин бир кишини Худойи таоло сизлар учун ангихта ва бармо қилгондур, ул кишини қандоғ билурсан?" Бас, ул банда жавоб айтурки: "Роббим Аллоҳдур, пайгамбарим Муҳаммад алайҳиссаломдур, диним исломдур ва ул сизлар сўрагон одаи Муҳаммад алайҳиссаломдурларки, Курьон келтир кишига нозил бўлгондур ва ман ул кишининг пайгамбарлиқарига иймон калтиргондурмен. Ул кишининг ҳамма ҳадисларини рост билгондурмен. Бас, осмон тарафидин нидо келурки: "Эй фаришталар, бул бандам рост айтур. Эмди жаннатдин фалом ва рахт олиб чиқиб бу банданинг жойига солинглар ва жаннатнинг либосидин олиб чиқиб кийгузинглар ва анинг қабридин жаннат тарафиға зшик очинглар". Фаришталар дарҳол бу амри бажо қилурлар. Бас, анинг қабрига жаннатнинг шамоли ва хушбўйлиги келур. Қабри ҳам тўрт тарафи кўзнинг кувати етадургон миқдорича васъи бўлур. Андин сўнгра анинг қабриға хушсурат ва хушбўй одаи кириб айтурки: "Ассалому алайкум эй бндаи мўмин, сани Худойи таоло башорат қилгон нимарсаси бирла ман ҳам башорат қилурман. Санго мужда бериб, роҳатта етурарман". Бас, ул банда сўраки: "Эй биродар, сан ким бўлурсан?" Ул киши айтурки: Ман санинг дунёда қилгон амали солихларинг ва савоб ишларингдурман".

Батаҳқиқ, кофирнинг жонини олмақ учун Азроил алайҳиссалом келсалар, аввал осмон тарафидин азоб фаришталари тушулар ва анинг учун дўзахнинг кийимларидин олиб тушулар. Кўзинг кувати етадургон миқдор жойда ўлтурарлар. Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом келиб, анинг жонини гўё қабобни сикҳдин сулургондек олурлар ва ул фаришталар ул жонни дўзахнинг либосига ўраб осмон тарафиға олиб чиқиб келурлар. Анга жами мавжудотлар лънат дерларки, аларнинг овозларини ҳамма нимарсалар эшитурлар. Магар, инс ва жин эшитмаслар. Ани осмонга олиб бергонларидо осмонларнинг ҳамма эшиклари беркилур ва Худойи таоло тарафидин нидо келурки: "Эй фаришталар, бу кофирнинг жонини ўз жойига қайтаринглар". Бас, фаришталар ани қабриға олиб келиб қўялар. Андин сўнгра Муңкар ва Накир ниҳоятда қаттиғ дайбар бирла келурларки, кўзлари чақмоқдек ва овозлари момақалдирокдекдур. Бас, ул кофирни ўрнининг турғазиб ўтқузларлар ва андин "Роббинг ким?" — деб савол қилурлар. Ул кофир айтурки: "Ҳо-ҳо билмасман". Алар айтурлар: "Эй кофир, албатта билурсан, лекин айтмассан". Бас, ул вақтда Худойи таоло тарафидин нидо келур: "Эй фаришталар, темир гурзи бирла уринглар". Фаришталар темир гурзи бирла чунон урурларки, ул кофирнинг аъзолари таригдек чочилиб кетар. Яна Худойи таолонинг кудрати бирла жамъ бўлуб, аввалги суратиға келур ва ушбу тариқда Худойи таолонинг хоҳлаган замониғача азоб тортиб ётар. Темир гурзининг қатталиги шундодурки, агар ҳамма халойиқ жамъ бўлуб, кўтармоқға қасд қилсалар, ани жойидин кўзга толмаслар. Ани дўзахнинг ўтиға чунон қиздиргондурларки, гурзи ўт бўлуб шуъла бергонидин ул кофирнинг гўри равшан бўлур ва гўри чунон танг бўлурки, ани икки тарафидин сиқиб келиб, ўнг тараф қовургасини чап тарафиға ва чап тараф қовургасини ўнг тарафиға ўтказиб юборур. Андин сўнгра ул кофирнинг олдиға бир одаи келурки, сурати ниҳоятда ҳайбатлиқдур ва ҳоятда бадбўйдур. Ул айтур: "Лънатуллоҳу алайҳа эй кофир, Худойи таоло ман тарафидин санго қаттиғ жазо берсунки, сан дунёда ёмонлигинг ўзга етти қилмадин, Худойи таолонинг тоатиға қадам кўймадин ва маъсиятга шибоблик бирла югурдин. Бас, ул кофир айтур: "Эй биродар, сан кимсан?" Ман ҳаргиз сандин бадҳайбат кишини дунёда кўрмадим". Ул жавоб берури: "Ман санинг дунёда қилгон ёмон амалларингдурман. Қилгон гуноҳ ва маъсиятларингдурман". Андин сўнгра анинг гўридин дўзах тарафиға бир зшик очилурки, то қиёматтача ул кофир ўзининг дўзахда бориб етадургон жойини кўруб, андуҳ ва надомат бирла ётур.

Ривоят қилибдурларки, мўмин кишининг гўрида етти кунгача фитна пайдо бўлур, кофирнинг гўрида эса қирқ кунгача фитна пайдо бўлур. Яъни, мурдани гўрга кўйгондин ушбу фурсаттача неча дафъа фаришталар келиб, неча хил саволлар қилурлар ва неча турлук ҳидосалар пайдо бўлур.

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурларки, ҳар кимки, жумъа куни ё жумъа кечаси ўлса, Худойи таоло ул банданинг гўрини фитнадин омон сақлағой.

Ҳазрат Абу Умомаи Боҳлиий розийоллоҳу анҳудин ривоят қилибдурларки, агар одаи ўлса ва ани гўрга олиб бориб қўйсалар, ул одамининг гўрига беш фаришта келиб, анинг бош тарафиға ўлтуруб, азоб бөрур. Темир гурзи бирлар чунон урарки, ул банданинг ҳамма аъзоси таригдек чочилиб кетар ва гўридин ўт ёниб, шуъла берар. Андин сўнгра ул фаришта: "Худонинг амри билан туринг" — деб амр қилур. Бас, ул мурданинг сочилиб кетган аъзолари Худонинг кудрати билан жамъ бўлуб, яна аввалги суратиға келур, бир сайҳа тортиб, фарёд қилурки,

анинг овозини осмон бирла ернинг қиёсидаги ҳамма нимарсалар эшитурлар, магар инс ва жин эшитмас. Айтурки: "Эй Худонинг дўсти, мани нима сабабдин бу қадар азоб қилурсиз. Ваҳолонки, ман дунёда намоз ўқугондурмен, закот бергондурмен ва рўзаи рамазонни тутқондурмен".

Андин сўнгра ул фаришта айтурки: "Эй бандаи гофил, сан фалон вақтда фалон мавзёдин ўтуб кетадургон ҳолингда бир мазлум санго фарёд қилиб, домини айтган вақтда сан ул бечоранинг додиға етмадинг. Фалон вақтда намоз ўқидинг, лекин ул вақтда ўзининг бавлдин ва нажосатдин покиза тутмадинг. Бинобарин, азоб қилурман.

Бас, бу хабарнинг мазмунидин зоҳир бўлурки, мазлумға мадад бермоқлик ҳар бандаи мўминга вожибдур.

Яна ҳазрат расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдин ривоят қилибдурларки, ҳар ким бир мазлумни кўрсакки, ул бечора бул кишиға домини айтиб мадад талаб қилса, аммо бул киши анинг додиға етмаса, мадад бермаса, андоғ одамни гўр ичиди ўтдин қилингон дарра бирла юз дарра урарлар.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умар розийоллоҳу анҳу ривоят қилибдурларки, пайгамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айдилар: "Худойи таоло қиёмат куни тўрт нафар кишини нурдин яратилгон минбарнинг устиға ўтқузуб олиб келтуруб раҳматига дохил қилур". Саҳобалардин бирлари сўрдиларки: "Ё расулуллоҳ, ул тўрт нафар киши кимлардурлар?" Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Биринчиси, очларға таом бергонлардур. Иккинчиси, Худойи таоло йўлида ғазот қилгон ғозийларни иззат ва ҳурмат қилгонлардур. Учунчиси, заиф ва нотавонларға ёрдам бергонлардур. Тўртинчиси, мазлумларнинг додиға етиб, зулмдан халос қилгонлардур".

Ҳазрат Анас ибн Молик розийоллоҳу таоло анҳу ривоят қилибдурларки, ҳазрат расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам айдилар: "Ҳар вақт мурдани олиб бориб гўрга қўйсалар ва устидин туфроғ тортсалар, анинг аҳли авлоди "Вой пешвоим, вой бузургворим" деб йилгасалар, ул бандаға мусаллам бўлуб тургон фаришта айтурки: "Эй гофил, санинг авлодинг нима деб йилгаб турбдурлар, ўзинг эшитурмисан". Мурда айтур: "Орий, эшитурман". Фаришта айтурки: "Эй бечора йилгаб айтур: "Эй Худонинг ноиб, ман бир бандан гуноҳқордурман ва Худонинг наздида хор ва шармисордурман. Бу пешво ва бузургвор деб йилгагонлар ёлгон айтурлар". Кўнлида айтурки: "Эй киши авлодларим йилгамай сукут қилсалар эрди". Ул бечоранинг гўри чунон тор бўлурки, ўнг тараф қовургасини чап тарафиға ва чап тараф қовургасини ўнг тарафиға ўтказиб юборур. Бас, ул бечора йилгаб айтурки: "Вой манинг ҳолими, вой устухониминг сингонига. Вой манинг тургон макониминг хорлиғиға, вой манинг ётқон жойимнинг пушаймонлиғиға, вой манинг савол-жавобиминг қаттиғлиғиға".

Ушбу ҳолда ҳасрат ва надомат бирла то ўшал санининг ичидиға ражаб ойининг аввалги жумъа кечаси келгунча азоб ва ўқубатда йилгаб ётур. Мазкур жумъа кечаси бўлгонда Аллоҳ таоло айтурки: "Эй фаришталар, сизлар ҳаммаларингиз гуноҳ бўлингларики, ушбу банда ўтган саналарда шул кечаси ухламай ман учун ибодатта машғул бўлгон сабабидин анинг гуноҳларини кечуруб, мағфират қилдим. Бас, андин сўнгра бул банда азобдин халос толиб, то қиёматтача роҳат ва фероғатда ётур. Валлоҳу аъламу бис-савоб.

ЎН ИККИНЧИ БОБ ЎЛГОН КИШИ УЧУН НАВҲА ҚИЛИБ ЙИГЛАМОҚНИНГ ХОСИЯТИ БАЁНИ

Ривоят қилибдурларки, агар кишиға бир мусибат етса, ва анга тоқат ва сабр қилмай, ўз либосини ўзи йиртса ва ё ўз кўрағига ўзи урса, ул киши гўёки қўлиға найза олиб Худойи таоло бирла урушқондек бўлур.

Пайгамбар алайҳиссаломдин ривоят қилибдурларки, агар киши мусибатта бесабрлик қилиб, дарвозасини ё либосини қаро қилса, ё ўз яқосини йиртса, ё бесабрликдан бир дарехтни сиқурса, ё ўз сочини узуб юлса ҳар бир тола сочининг ададиға ё ул дарехт баргларининг ададиға Худойи таоло ул бандаға дўзахдин макон яратур. Ул банда гўё Худойи таолоға ширк келтиргондин бўлур ва анинг номаи аъмолиға етмиш пайгамбарни ўлдургоннинг гуноҳи ёзилур. То ул кишининг дарвозасидин ё либосидин қароси кетмагунча Худойи таоло ул кишининг ўқугон нафл намозини ва фарз намозини, садақаси ва дуосини қабул қилмас. Худойи таоло гўрини танг қилур, ҳисобини қаттиғ қилур ва еру қўдаги ҳамма нимарсалар ва ҳамма фаришталар то қиёматтача анго лънат дерлар. Номаи аъмолиға бир минг гуноҳ ёзилур. Ўзи гўридин бараҳна бўлуб турар. Агар киши мусибатта бетоқатлик қилиб, ўз юзига ўзи урса ва рухсорини тирнаса қиёмат куни Худойи таоло ул кишиға дийдорини ҳаром қилур. Агар киши бесабрликдин ўз яқосини ўзи йиртса, Худойи таоло ул кишининг динини йиртар, яъни анинг бандалигини қабул қилмас. Ул киши кофир бўлур.

Хабарда келибдурки, ўлгон кишининг ҳовлисидин йилгаб овоз чиқса, ул ҳовлининг дарвозасига Азроил алайҳиссалом келиб айтурларки: "Эй одамлар, бул қандоғ овоздур. Худойи таолоға қасамки, ман сизлардин ҳеч кишининг умрини ё ризқини кам қилмадим. Ҳеч бирларингизға зулм қилмадим. Бас, агар бул

йигламоқларингиз манинг учун бўлса, ман ҳам бандадурман. Бул банданинг жонини Худонинг амри бирла олгондурман. Агар йигламоқларингиз мурда учун бўлса, ул бечора ўз ихтиёри бирла ўлган эмасдур. Агар худо учун бўлса, бас, албатта юфирдурсизлар. Худога қасамки, сизларга неча мартаба келсам керак, ҳаттоки, сизлардин ҳеч бир кишини кўймай, ҳаммаларингизнинг жонларингизни олсам керак.

Фақиҳ Абуллайс Самарқандий айтибдурларки, овоз бирлан йигламоқ ҳаромдур. Аммо, беовоз йигламоқнинг боки йўқдур. Лекин йигламай сабр қилмоқ афзалдур. ИННАМА ЙУВАФФАС-СОБИРУНА АЖРАҲУМ БИҒОЙРИ ҲИСАБ. 13

Пайғамбар алайҳиссалом айтибдурларки, ўлгон киши учун овоз бирла йиглагон кишига ва анинг тарафида тургон кишиларга ва анга ёрдам берган кишиларга ва ани эшитиб тургон кишига Худойи таолонинг, ҳамма фаришталарнинг ва инсонларнинг лаънати нозил бўлур.

Ривоят қилибдурларки, бир кни ҳазрати Имом Ҳасан розийоллоху таоло анху вафот қилдилар. Хотунлари ул жанобнинг қабри шарифларига бориб, бир йилгача зътикоф ўлтуруб таъзия туттилар. Сўнгра ховлиларига қайтмоқчи қасд қилиб, чодирларини кўтариб эрдилар, ҳазрати Имом Ҳасан розийоллоху анхунинг қабрларидан овоз чиқтики: "Эй нодон, бир йилгача ўлтургонинг бирла йўқотгонингни топдингму?"

Яна ривоят қилибдурки, бир кун ҳазрат расули акрам саллоллоху алайҳи васалламнинг нури жамшидлари Иброҳим маъсум алайҳиссалом вафот қилдилар. Бу мусибат учун ҳазрат сарвари оламнинг муборак кўзларидан ёш тўқудди. Ул вақтда Абдураҳмон ибн Авф розийоллоху таоло анху ҳозир эрдилар. Сўрдиларки: "Ё расуллоху, йигламоқдин бизларни манъ қилиб эрдингиз. Эмди ўзингизнинг йигламоқингизнинг сирри наду?"

Бас, ул саййиди коинот алайҳи афзалус-саловот ват-тахиййот айдиларки: "Ман сизларни икки тариқа овоздин манъ қилдим. Бири — йигламоқнинг овози. Бири — оҳангнинг овозидур. Икки ҳаракатдин манъ қилдим. Бири — юзни тирнамоқ, бири — яқо йиртмоқдур. Лекин, бу тариқа овоз чиқармай йигламоқ бир раҳму шафқатдурки, ани Аллох таоло банданинг дилига солгондур. Бас, ул раҳму шафқатнинг сабабидин дил ғамгин бўлгон вақтда албатта кўздин ёш чиқар".

Ақдин сўнгра ҳазрат Иброҳим маъсумнинг мурдаларига қараб айдиларки: "Ё Иброҳим, санинг фироқингда манинг дилим ғамгин бўлди. Кўзимдин ёшларим жорий бўлди".

Ваҳб ибн Кайсон Абу Хурайра розийоллоху таоло анхунинг ривоят қилибдурларки, бир кун ҳазрат Умар розийоллоху анху бир хотунни кўрдиларки, йиглаб турур. Дарҳол манъ қилдилар ва айдиларки: "Эй хотун зинҳор йигламагли, бас!" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Ё Умар, бул хотунни манъ қилманг, чунки кўз деган йигламоқдадур ва нафс деган мусибатдадур, замона мусибат еткүзүмоқдадур. Бул бечорада ихтиёр йўқдур". Валлоху аъламу бис-сабов.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

КИШИГА МУСИБАТ ЕТГОН ВАҚТДА САБР ҚИЛМОҚНИНГ ХОСИЯТИ БАЁНИ

Ҳазрат ибн Аббос розийоллоху таоло анхунинг ривоят қилибдурларки, ҳазрат расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам айтибдурлар: "Худойи таолонинг амри бирла Қаламнинг Лавҳул-махфузга аввалги ёзон иборати шулдур: "Ман шундоғ Худодурманки, маңдин ўзга ҳеч Худо йўқдур ва Муҳаммад алайҳиссалом манинг қлими ва расулимдур. Ҳар кимки, манинг қазойимга гардан кўйса ва балойимга сабр қилса, манинг неъматимга ушқр қилса, ул кишининг номини Сиддиқ деб ёзурман. Қиёматда ҳам Сиддиқларнинг қаторида тургазурман. Ҳар кимки, қазойимга рози бўлмаса, балойимга сабр қилмаса, неъматимга ушқр қилмаса, ул киши манинг яратгон осмонининг тағидин чиқсун ва маңдин ўзга Худони топсун!"

Фақиҳ Абуллайс Самарқандий раҳматуллоху алайҳи айтибдурлар: "Балога сабр қилмоқ ва мусибат вақтида Худони ёд қилмоқ ҳар мусулмонга вожибдур. Чунки, мусибат вақтида Худони ёд қилмоқ ҳар мусулмонга вожибдур. Чунки, мусибат вақтида Худойи таолони ёд қилмоқ мусибатга рози бўлмоқга далолат қилур. Бу сабабдин шайтони лаъин хижолатлик ва ғамгин бўлур".

Ҳазрат Али ибн Абу Толиб каррамоллоху ваҳҳаху айтибдурлар: "Сабр уч навъдур. Бири — тоатта сабр қилмоқ. Бири — мусибатта сабр қилмоқ. Бири — балога сабр қилмоқдур. Ҳар кимки, тоат ва ибодатга сабр қилса, қиёматда Аллох таоло ул кишига уч юз даража ато қилур. Ҳар қайси даражанинг миёниси осмон бирла ернинг миёнасига баробардур. Ҳар кимки, мусибатга сабр қилса, анго Худойи таоло қиёматда олти юз даража ато қилур. Ҳар қайси даражанинг миёниси осмон бирла ернинг миёнасига баробардур. Ҳар кимки, балога сабр қилса, Худойи таоло анго қиёмат кунинда тўққуз юз даража ато қилурки, ҳар қайси даражанинг миёниси аршнинг усти бирла ер остининг миёнасига баробардур". Валлоху аъламу бис-сабов.



Раҳимжон РАҲМАТ

МУҲИМИ... МУҲАББАТ

ЖАВОБ

Сен пиширган ошни кўшқўллаб
Бошини едириб кўйганлар есин,
Мен ўзимнинг бошимни ейман.
Менинг бошим жуда мазали,
Сендайлардан қизғониб,
Ит каби
Битта ўзим еяпман уни.



Дастурхон устида турган олмани
Учаётган қушга ўхшатдим.
Кўзларимга мана шу олма
Эрк тимсоли бўлиб кўринди.
Ёлғизлик кўрқинчли эмасдек гўё,
Билмайман, шу тобда кимга ишониб
Дастурхон деган бир мусофир юртда
Бемалол гердайиб туришин кўринг.

ЯНҚАЛАР

*Туғилиш — одамларнинг бир-бирига ошкора уруш эълон қилишидир.

*Ҳаёт чиндан ҳам гўзал шаҳарга ўхшайди. Аммо бизлар бу шаҳар кўчалари бўйлаб номаълум ёққа олиб кетилаётган ҳарбий асирлармиз.

*Фақат севги, кучли севги туфайлигина инсон билан инсон орасида нақадар чуқур айрилиқ борлигини англаб етамиз. Севги — муносиб ёр топилди дегани эмас, балки кўнгиллар орасида аввалдан мавжуд бўлган ҳижрон даштани пайқашдир. Бу бало даштани тиккалай кесиб ўтиб, чин висол шаробидан баҳраманд бўлишни истаб ҳаракатга тушган зотни ошиқ деймиз.

*Шеър — шоирнинг касаллик варақаси.

*Шеърият — моховга чалинган туйғулар макони. Мохов деган бир оғир хасталикка чалинган туйғулар шеър санъати ёрдамида гўзалликка айлантирилади. Шеъриятни ёмон кўришга мадорсизмиз. Чунки моховлар бадарга этилган оролда ҳар биримизнинг энг азиз одамимиз бор.

*Ўлим — одамнинг иккинчи юраги.

*Агар одамнинг кўзи бўлмаганида эди, унга исм кўйилмасди.

*Муҳими — юракда уйғонган муҳаббат. Унинг келгуси камоли — тўйдан сўнг чалинган ногора, заволи эса оёнинг сувдаги аксига тош тегишидир.

Раҳимжон РАҲМАТ Қўқон яқинидаги Найманча қишлоғида туғилган. Шу йил ТошДД филология куллиётини тугатди. Анчадан буён адабиётга ишқи тушган. Ёзганлари эса эндигина ёруғлик кўра бошлади.



Шукур СОДИҚ

БАҲОРНИНГ НИГОҲИ...



Нима бўлди, кўнглинг безовта,
Уй ичида беҳол юрасан.
Ташқарига қараб зулматда,
Бир жуфт ёниқ кўзни кўрасан.
Нима бўлди... Эшик очилмас,
Қайга кетди танингдан мадор.
Шивирлайсан: йўқ, йўқ керакмас!
Севиш бекор, севилиш бекор...
Нима бўпти, юрагинг потрар,
Совқотасан ҳарир кўйлақда.
Кечиккан муҳаббат ўй суриб титрар,
Сигарет чекканча йўлақда.
Нима бўлди... ўтмоқда тунинг,
Тонг отмоқда дилингни эзиб.
Нега жуда истайсан унинг,
Киришини эшикни бузиб...



Неки фироғ ўтди, неки дард ўтди,
Дўсту душман ичра бўлсам-да тупроқ.
Эгилган қаддимга иродам ҳассас,
Бўлиб, мен тупроқдан кўкардим бироқ.
Кўкардим,
Хазонга юзма-юз туриб,
Тақдир не куйларга соларкан тагин.
Дунёда яшашни истаганларнинг,
наҳот буёғидан уёғи яқин...

Менга тошлар отишди кўп,
Тақдир экан дош бериб турдим.
Хафа қилмай ғанимларимни,
Шу тошлардан минора кўрдим.
Минораки,
кўкдадир бошим.
Етмай қолди отган тошлари,
Тошлар қайтиб тушаётганда,
Омон бўлсин энди бошлари.



Баҳорнинг нигоҳи япроққа тушди,
Япроқ хазон бўлиб тупроққа тушди.
Вафо кўрмай бир дам вафо аҳлидан,
Тангрининг дили ҳам титроққа тушди.
Саробни ҳақ дея хунфишон бўлдик,
Рухимда Яссавий сўроққа тушди.
Эй, зулм сардори, тоғофил бўлма,
Мен қоранинг ишқи сен оққа тушди.
Халқим рўшноликка юз тутиб қара,
Сотқиннинг сояси байроққа тушди.
Шукур, элдорларинг эл сотар, хуни —
Яна ялангоёқ Широққа тушди.

Сигмай қолдим она қишлоққа,
Шаҳар сари бошлади юрак.
Йиллар ўтди, бир илинж билан —
Катта шоир бўлишим керак!
Шоир бўлдик. Аммо, бу ҳаёт,
Остин-устин бўлганича йўқ.
Шеърларингга мукофот шу деб,
Ҳаёт қалбга қадаб қўйди ўқ.
Бугун сигмай улкан шаҳарга,
Қишлоғимга қайтолмайман оҳ.
Англаб етган ҳақиқатимни,
Ҳеч кимсага айтолмайман оҳ...

Тақдир экан, яна бизлар учрашдик,
Сен ҳамон ўшасан, севгилим.
Бир қимтиниб тушди қачондир,
Лабларингга кўнган лабларим.
Кўзларинг кўзимдан қочар қаёққа,
Лабларинг жуфтлашиб нима демоқчи?
Аста энгашибди қулоғинг томон,
Икки зулфинг — икки қароқчи.
Сочларинг — қирғоққа бош урган тўлқин,
Жилва қилган эди бўйнимда.
Ёсдиқдошим бўлиб хаёлинг билан,
Бугун ажиналар ухлар қўйнимда.
Кўзингни қўриқлаб кўрган қурибди,
Киприklar саф тортиб, йўл бўлсин бизга?!
Рост экан умрнинг оқар сувлиги,
Мана етиб келди баҳорим кузга.
Сочингда оқ кўрдим — қишдан нишона,
Ажинлар — куйикли ёзнинг тамгаси.
Сўнгсиз ишқимизнинг боқийлигига
Оддий безаклардир булар ҳаммаси.

Шукур СОДИҚ 1959 йилда Нарпай (ҳозирги Нуробод) туманида таваллуд топган. Тошкент Дорилфунунининг журналистика ва Халқ хўжалиги олийгоҳининг иқтисод куллиётини битирган. Республика ижодкорлар жамғармасида хизмат қилади. “Исёнкор дарахтлар”, “Таянч нуқтаси”, “Ёрилтош” номли шеъррий тўпламларнинг муаллифи.



ДЕЙЛ КАРНЕГИ

ДАҲОЛАР ХОТИРАСИ ВА ХОТИРАСИЗЛИГИ

Бир кун мён Нйу-Йоркдаги меҳмонхоналардан бирининг ресторанида тамадди қилмоқчи бўлдим. Шляпамни гардеробчи жувонга топширар эканман, шу нарса эътиборимни тортдики, у меҳдан бош кийимимни қабул қилиб олиб сиртига рақам туширилган махсус жетонни бермади ва бунга ҳожат йўқ, мён сизни шундоқ ҳам эслаб қоламан, деб тушунтирди. Кейинроқ мён меҳмонхона соҳибидан сўраб билдимки, бу жувон ўн беш йил ичида бирор марта ҳам адашмаган экан. Хўш, бу нимадан далолат: даҳоликданми ё шунчаки тасодиф, холосми? Тарихда ўтган чинакам даҳолар, айтайлик, Томас Эдисоннинг қўлидан келармиди бу? Эвазига бир милён фунт стерлинг ваъда қилинган тақдирда ҳам у буни эплаёлмасди, деб ўйлайман. Зеро, у болаликдан паришонхотир, айниқса, ўсмирлик чоғида хотираси ниҳоятда ўтмас эди. Мактабда у бор-йўғи уч ой ўқиди, холос. Шундан сўнг унга таҳсилни уйда онаси берди. Чамаси, у буни уддалай билди, зеро, Эдисон даҳоси биз яшаётган дунёга мислсиз ўзгартиш киритди.

Кейинчалик бориб Томас Эдисон илмий маълумотларни эслаб қолишга нисбатан хотирасини чархлашга эришди. Шунингдек, у ўзида хотирни бир ерга жамлаш иқтидорини ҳам тарбияладикки, муайян бир мавзу билан шуғулланаётганида оламдаги жами нарсаларни унутарди.

Кунларнинг бирида, айти қандайдир илмий муаммо устида қизгин бош қотираётган чоғ, Эдисон солиқ тўлагани чиқди. Навбати келиб, солиқ маҳкамаси ходимига рўпара бўлганида у... ўз исм-шарифини унутиб қўйди! Орқанда навбатда турганлардан бири олимнинг довдираб қолганини кўриб унга ёрдамга келди ва исми Томас Эдисон эканини эслатди.

Амриқолик машхур ўсимликшунос Аса Грей эса, аксинча, ниҳоятда ўткир хотира соҳиби эди ва 25 мингдан ортиқ ўсимликлар номини ёддан айтиб бера оларди. Юлий Цезар ҳам минглаб аскарларнинг исмини ёд биларди.

Чарли Чаплининг қўли остида эса бир неча йил давомида шахсий котиб ҳамда матбуот ва реклама бўйича ходим хизмат қилган. Улар мунтазам равишда сафарларга бирга чиқишар, бироқ, шунга қарамай, Чаплининг собиқ котиби — Чарли Робинсоннинг гувоҳлик беришича, орадан етти йил ўтиб ҳам буюк санъаткор ўз ходимининг исмини билмаган.

Мисрдаги мусулмонлар коллежи дунёдаги иккинчи энг йирик дорилфунун ҳисобланади. Бу ерга киришга талабгор ҳар бир кишидан Қуръонни ёд билиш талаб этилади. Маълумки, Қуръон дунёдаги энг катта ва ўқилиши мураккаб китоблардан саналади. Уни ўқиб чиқиш салкам уч кун вақтни олади. Шунга қарамай, мажур дорилфунунда таҳсил олувчи йигирма мингдан ортиқ талабанин ҳар бири мунтазам равишда бу синовдан шараф билан ўтишга муваффақ бўлади.

Лорд Байрон умри давомида ёзган барча шеърларини ёд билиши билан фахрланарди. Сэр Валтер Скотт эса, аксинча, нукул хотирасининг заифлигидан шикоят қиларди. Бир сафар у бир шеърни Байрон ёзган деб роса кўқларга кўтариб мақтади. Ҳолбуки, бу шеър унинг ўзиники эди.

Минглаб кишилар ажойиб хотирага эга бўлганлар. Шулардан биттаси Теодор Рузвелт эди. У ўзи билан танишган ҳар бир кишининг ҳаётига қизиқар, уларнинг таржимаи ҳолларини майда тафсилотларига қадар эринмай суриштирар, қиёфалари, одатларини ўрганар ва то хотирасига сингмагунича исмларини қайта-қайта такрорларди. Бу унинг сиёсий фаолиятида айниқса қўл келди. Иккинчи учрашувдаёқ суҳбатдошини исми билан атаб

Рузвелт уларда ўзига нисбатан беқиёс ҳурмат уйғотарди.

Бир сафар у таниш япон банкирини учратиб, ўн беш йил бурунги сўнги учрашувлари чоғида узилган суҳбатни давом эттириб кетдики, суҳбатдошининг ҳайратдан ёқа ушлашдан ўзга иложи қолмади. Шунингдек, Рузвелт энг кўнгулсиз вазиятларда ҳам пинак бузмаслик қобилиятини ўзида тарбиялаган эди. 1912 йили Чикагода ўтаётган конвенция чоғида унинг қароргоҳи Конгресс-отелда жойлашди. Қароргоҳга яқин кўчаларда оломон қайнар, одамлар байроқларни силкитиб: “Теддини кўришни истаймиз!”, “Теддини кўришни истаймиз!”, дея тинимсиз ҳайқаришарди. Тўполон овози, оркестр гумбури, жойларда ўтказилаётган шошилинич конференциялар, сиёсий арбобларнинг тиш қайраши ҳар қандай кишини довдиратиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Бироқ, Рузвелт ўз хонасида тебранма курсида ястанганча хотиржам юнон тарихчиси Геродотнинг китобини мутолаа қиларди.

Яқинда АҚШнинг Мичиган штатидаги Колдвотер шаҳрида Жек темирйўлчи исмли бир кимса вафот этди! У ниҳоятда ўзига хос одам эди. Йигирма йил давомида у шаҳарнинг у дорилфунунидан бу дорилфунунига ўтиб, ўзининг ақл бовар қилмас ўткир хотираси билан талабаларни ҳайратга солиб юрди. Одатда Жек улар овқатланаётган емакхонага кирарди ва: “Мен Жек темирйўлчи бўламан. Тарихда ўтган исталган шахс ҳақида исталган маълумотни сўранг ва мен жавоб бераман”, деб айтарди. Тайинки, талабалар: “Сукротнинг хотини неча ёшда эрга теккан?” қабилидаги бемаза саволлар билан уни изза қилмоқчи бўлишарди. Бироқ, Жек пинак бузмай жавоб қайтарарди: “Сукрот қирқ ёшгача бўйдоқ ўтган. Сўнг, донишмандлиги панд бериб, ўн тўққиз яшар бир қақажонга уйланган”. Ёки бўлмаса ундан милтиқ найзалари илк бор қачон ва қаерда

қўлланганлиги ҳақида сўрашарди. Жек дарҳол жавоб қайтарарди: “1689 йил 27 июлда Шотландияда Кипликранки яқинидаги жангда”.

Генри Форд Жек темирйўлчининг қобилиятидан шу қадар ҳайратда эдики, ҳатто унга мактабма-мактаб қатнаб, тарихдан дарс бериши учун махсус улов ҳам таклиф қилди. Бироқ, Жек машинадан аравани афзал билиб, Форднинг совғасини рад этди. Араванин ён томонига ушбу сўзлар ёзилган эди: “Жек темирйўлчи — тарихий даҳо”.

Жек темирйўлчи эски, ташландиқ кулбада 79 ёшида вафот этди. У, тиббиёт ходимлари мияси устида тадқиқот ўтказиб, ажабтовур хотираси сирини аниқлашлари учун, ўз жасадини Мичиган дорилфунунига васият қилиб қолдирди. Олимлар Жек темирйўлчи бутун умрини маълум йўналишдаги фактларни ўрганишга сарфлаганини аниқлашди. Бундай ақлий мўъжизаларга қодир кўппаб кишилар тадқиқ қилиб кўрилди, уларнинг айримлари чиндан ҳам беназир заковат соҳиблари, бироқ тенг ярми ақлан носоғ одамлар бўлиб чиқдилар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агар хотирангиз ниҳоятда ўткир бўлса, демак, сиз ё даҳосиз, ёки бўлмасан жиннихонадан сизни икки қадамгина масофа ажратиб турибди, холос. Буни энди ўзингиз ҳал қилинг.

Лекин, агар хотирангиз худди меникидек заиф бўлса, сира ўкинманг. Чунки Леонардо да Винчи ер юзида яшаб ўтган энг буюк шахслардан эди, бироқ ҳаттоки у ҳам бир парча қоғозга ёзиб қўймас, ҳеч нарсани ёдда тута олмасди. Қоғозга ёзгач эса албатта уни йўқотиб қўярди. Худди сиз ва мён каби.

Ш.Азимов таржимаси.



КИМ КУЧЛИ :

ЭРКАКЛАРМИ ЁКИ АЁЛЛАРМИ?

Бу савол кўпчиликни эсанкиратиши табиий. Ахир, инсон инсон бўлиб, жинсини танибдики, кучлилик бобида улоқ қайси жинс вакиллариининг қўлида эканлиги ҳеч кимда шубҳа тугдирмай келади. Бироқ, Ҳамбургда чиқадиган “Петра” журналининг даъво қилишича, шубҳага ўрин бор эмиш, бу фақат юзаки қарагандагина улоқ эркакларнинг қўлидадек, аслида эса... Келинг, гапни кўпайтирмайлик-да, яхшиши, немис тадқиқотчилариининг мазкур масала юзасидан чиқарган хулосаларига қулоқ тутайлик.

ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ — ДОКА РЎМОЛНИНГ ҚУРИШИМИ?

Аёллар севги бобида эркакларга нисбатан анча уқувлироқ, яъни биргаликдаги ҳаёт боши берк кўчага кириб қолгани ва ундан чиқиш имконияти бор-йўқлигини улар жуда яхши англашади. Эркакларга ажрашиш худди яшин ургандек таъсир қилади: улар ичкиликка ружу қўйишади, соч юлиб фарёд чекишади, тиш қайрашади (агар ажрашиш ташаббускори ўзлари бўлишмаса, албатта). Аёллар эса, аксинча, буни хийла хотиржам қабул қилишади. Дарвоқе, Олмонияда 75 фоиз ҳолда ажрашиш ташаббускорлари аёллардир.

ГЎЗАЛЛИК КИМЛАРДА?

Ўсиқ соқол, ёг боғлаган соч, қўй ҳам кўтармас семизлик.. Психологларнинг таъкидлашича, иш битиб, эшак лойдан ўтгач, яъни, дунёдаги ўша ягона малакни ўзиники қилиб олгач, эркаклар ўзларига эътибор беришни буткул унутадилар. 36 фоиз эркак тўйдан сўнг ўз ташқи қиёфасига бефарқ бўлиб қолади: қуш — тўрда, қочиб қаёққа ҳам борарди? Аммо, фақат ҳар тўрт аёлдан биттасигина эркакнинг “жилови” қўлига теггач, ўзига эътибор беришни бас қилади. Аксарият аёллар эса, табиатан, доимо гўзал ва ораста кўринишга мойил бўладилар.

КИМ ПАРҲЕЗГА КЎПРОҚ ЧИДАМЛИ?

Ҳар 100 аёлдан 13 таси парҳезни охиригача етказолмай, тўхтатади. Ҳар 100 эркакдан эса фақат 7 тасигина маррага етиб боролмайди. Бироқ, фақат 12 фоиз аёлгина парҳез нималигини билмай ҳаёт кечиради. Эркаклар орасида эса бундайлар 25 фоизни ташкил этади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, дугоналаридан: “Вой, очилиб кетибсанми? Қадди-қоматингни қара-я!” қабилдаги мақтов эшитган заҳоти аёллар парҳезни тўхтатадилар.

КИМ УЙҚУЧИ?

Ҳар уч аёлдан биттаси уйқусизликдан кийналади. Айниқса, бу эрлари билан ажрашган аёлларга тегишли. Эркакларнинг эса фақат 26 фоизи уйқусизликка мубтало ёки уйқусида кўп безовта бўлади. Одатда, кўрқув ва депрессия аёлларнинг уйқусини ўгирлайди. Шунингдек, уларга турли товушлар, масалан, жўмракдан сувнинг томчилаши ҳам халақит беради. Умуман, аёлларнинг эшитиш қобилияти ниҳоятда кучли. Чамаси, бу уларга сут билан кирган — аёлларнинг ўз гўдаклари товушини ҳар қандай узоқ масофадан туриб ҳам илғай билишлари бежиз эмас. Эркакларни эса одатда ишдаги кўнгилсизликлар, ичкилик, тамаки, қаҳва “ухлатмайди”. Устига-устак, улар яна ерга қоринни бериб ётиш ишқибозлари ҳамдирлар.


КИМНИНГ ХОТИРАСИ КУЧЛИРОҚ?

Нотаниш шаҳарда аёллардан кўра кўпроқ эркаклар ўзларини дадил ҳис қиладилар. Бу нисбат 41 га 22 фоизни ташкил этади. Эркаклар зарур йўл ёки жойни осон топиб борадилар. Бироқ, хотира бобида эркаклар аёлларнинг олдидан ўтаверсинлар. Хотирлаш туйғуси аёлларда кучлироқ ривожланган. Агар улар бир ерни кўрган бўлсалар, маълум объектлар (ҳайкал, майдон, ҳовуз) бўйича дарров ҳаммасини эслайдилар. Тадқиқот натижалари ҳам буни тасдиқлайди: столда бетартиб сочилиб ётган буюмларни аёллар эркакларга нисбатан 70 фоизга яхшироқ эслайдилар.

“Тадбиркор” деганда кўпчилик ҳар қадамда қути устига тўртта сақични қўйиб савдо қилиб ўтирган гумбаздай-гумбаздай йигитларни, жуда нари борса чорраҳадан қизил чироққа қарамай машинасини елдириб ўтиб кетган “шоввоз”ларни тушунади. Ҳолбуки, бундай эмас — “тадбиркор” тушунчасининг сарҳади бирмунча кенг. Том маънодаги тадбиркор бўлиш учун фақат пул санашнигина билишнинг ўзи кифоя эмас. Шундай ўйлаганида, автомобилсозлик саноатининг отаси Генри Форд фақат ўз емакхонаси доирасида шуҳрат қозонган, бошқа бир “отахон” —

Адам Опел эса тикув машинаси савдосидан нари ўтмаган, демакки, унинг номи билан аталган машиналар бугунда шаҳримиз кўчалари бўйлаб елмаган бўларди. “Муваффақият сирлари”... Ушбу руқн остида биз том маънодаги тадбиркорлар ва уларни муваффақиятга олиб келган омиллар ҳақида ҳикоя қилиб борамиз. Шояд, бу қути қидириб, шўрлик “тадбиркор”лар қаторига қўшилишни ўйлаётган ёшларимиз шуурини ёритиб, ўз фордларимиз ва опелларимиз туғилишига туртки берар.

SONY САЛТАНАТИ



где принимается телеканал "Останкино", принимается и электронный журнал компании "Телеинф".
 личности телеэкрана перестали
 личными показом кинофильмов и
 эзических шоу
 и новостей, текущий курс
 иголи
 ивных
 нвдний - это и
 в другое на
 м языке можно
 сть с телеэкрана,
 бль нажать
 нт.
 ационалом
 вичи ввшего
 телевизора "Сони Тринитрон" с "Русским телетекстом".

Это электронная газета д.

Телетекст можно чит
 отрываясь от просмотра ли
 программы. Например,
 познакомиться с прогнозом
 на следующий день, не пр
 ни минуты из "Санта-Бая
 "Русским телетекстом" сн
 многие модели телеве
 "Сони Тринитрон"
 отмечены специальными
 наклейкой. Пр
 фир
 магазинов помс
 правильный

SONY

Қирқ тўққиз йил муқаддам, 1946 йил 7 май куни кечқурун Токионинг уруш туфайли ҳувиллаб ётган марказидаги куйиб тушган универмаг биноси тўртинчи қаватида йигирма чоғли одам тўпланди. Улар бу ерга “ТОКИО ТЕЛЕКОММУНИКЕЙШНЗ ИНЖИНИРИНГ КОРПОРЕЙШН” деб аталмиш янги компанияни таъсис этиш учун йигилгандилар. Кейинчалик бориб бу фирма “СОНИ КОРПОРЕЙШН” номини олди.



янгилик бўлса, тезда унга талаб ҳам ортади, деб қарор қилган эди фирма раҳбарияти. Бу йўл, дарҳол бўлмасда, ҳартугул ўзини оқлади.


SONYнинг биринчи кашфиёти овозни магнитли симга ёзиб олувчи қурилма, бир сўз билан айтганда, магнитофон бўлди. У каттакон қути шаклида бўлиб, оғирлиги 35 кило, нархи эса 170 000 йенни ташкил этарди. Йен ва долларнинг ўша даврдаги нисбатига таққослаганда бу жуда катта пул эди. Кашфиёт ўзини оқламади. Бирок, кашфиётчилар ортга чекинмадилар ва, ўтмиш сабоқларини ҳисобга олган ҳолда, 1951 йили ўлчами нисбатан ихчамроқ — “дипломат” портфелидан катта, йўл жомадонидан эса кичик магнитофонни тақдим этдилар. Мазкур магнитофоннинг сифати мунтазам равишда такомиллаштириб борилди. Магнитли сим ўрнини магнитли плёнка эгаллади. Бу мукамалликка интилиш йўлидаги салмоқли қадам эди. Шу билан бир қаторда, SONY жаҳон бозоридаги ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳам собит туриб ҳимоя қила бошлади. Матбуот аҳли бунда Япониянинг том маънодаги мустақиллиги белгиларини кўришди — кичкинагина фирма йирик-йирик компаниялар, хусусан, америқолик саноат корчалонлари билан тенгма-тенг довлашарди!

Японларнинг ҳар нарсада имкон қадар ихчамликка интилишлари сир эмас. SONYнинг кашфиётлар оламидаги навбатдаги қадами радиоқурилмаларнинг лампалардан иборат “ичак-чавоғи”ни транзисторлар билан алмаштириш бўлди. Бу эса ўз навбатида мўъжазгина, чўнтакда ҳам олиб юрса бўладиган радиоприёмникларнинг яратилишига туртки берди.


SONY ўзининг айни номини 50-йиллар адоғида олди. SONY — яъни лотинча “овоз” — овоз билан ишловчи фирма учун бундан ортиқ мос номни топиш душвор! Шунингдек, ўша пайт Японияда нутқда инглизча сўз ва ибораларни қўллаш ниҳоятда авж олган эди. Зеҳнли, шўх йигитчаларни “sonny”, “sonny-boy” (инглизчадан ўгирганда — “болакай”) деб аташарди. Бундан ташқари яна “sunny” (“қуёшли”) сўзи ҳам бор эдики, бу Япония шароитида ва, айниқса, ўша даврда дилда завқ-шавқ ҳамда келгуси ҳаётга ишонч туйғуларини уйғотарди. Бирок, “sonny” сўзининг бир “лекини” ҳам йўқ эмасди — япон алифбосидан лотинчага ўтказганда у “пул йўқотиш” тарзида жарангларди. Шу боис битта “N”ни шартта ўчириб ташлашди ва масала ҳал бўлди. Янги номнинг афзаллиги шунда эдики, “sonny” сўзи бирорта ҳам тилда ҳеч қандай маънони англамас, хотирага осонгина михланарди.

Мамлакат иқтисодиёти, шу қаторда SONY ҳам,

Янги ташкил этилган фирманинг биринчи қилган иши шу бўлдики, у Япониядаги оилаларнинг маиший турмушини тадқиқ қилиб кўрди. Тадқиқотлар радиоқурилмаларнинг эҳтиёт қисмларига талаб ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди. Фирма ўзининг илк қадамларини мазкур эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш билан ташлади. Бирок, унинг асосий мақсади мутлақо янги техник воситаларни ишлаб чиқиш ва яратиш эди, ҳаттоки бу воситаларга бозорда талаб бўлмаса ҳам. Муҳими — янгилик яратиш, агар бу том маънодаги



Японияда яратилган биринчи магнитофон (1950).



Дунёдаги биринчи видеокассетали магнитофон “VP - 1100” (1971 йил, октябр).